

ДИЛОРОМ КАРИМОВА

# ПҮРТАНА

/АЖДАРҲО КОМИДА/

КИНОРОМАН








ДИЛРОМ КАРИМОВА

# ПҮРТАНА

/АЖДАРҲО КОМИДА/

КИНОРОМАН



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ - 2017



УЎК: 821.512.133-4  
КБК: 84(5Ў)6К25  
К - 25

**Каримова Дилором.**

Пўртана. (Аждархо комида): Кинороман. – Т.: «Sharq», 2017 – 256 бет.

ISBN 978-9943-26-695-7

УЎК: 821.512.133-4  
КБК: 84(5Ў)6К25

**Масъул муҳаррир:**  
**Фаррух Жабборов**

**Тақризчилар:**  
**Сувон Мели,**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабий танқид кенгаши раиси,  
филология фанлари номзоди

**Қаҳрамон Ражабов,**  
тарих фанлари доктори, профессор

*Кўлингиздаги китобни инсоният тарихидаги энг шонли ва энг қонли аср – XX асрнинг бир оила ҳаёти кўзгусида акс этган қайғулари, қувончлари ва яна қайғулари солномаси дейиш мумкин. Ўтган юзйилликда халқимиз бошидан кечирган йирик ва чирик воқеа-ҳодисалар алоҳида олинган инсонлар тақдири мисолида режиссёрнинг нигоҳи, ёзувчининг назари, олимнинг таҳлили, файласуфнинг мушоҳадаси... энг муҳими, чўнг инсон қалби билан бадиий идрок этилган. Китобни мутолаа қиларкансиз, кўнглингиз тўлқинланиб, кўзингиз ёлқинланиб, шуурингиз сергакланиб, тафаккурингиз тийракланиб боради. Ўзимизга, ўзимизнинг умримизга ва ҳаётимизга бошқача ракурсдан боқасиз. Биз бунга ишонамиз!*

ISBN 978-9943-26-695-7

© Д.Каримова, 2017.  
© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик  
Компанияси Бош таҳририяти, 2017.

519/1  
Закмоща АГМ

*Отам Абдумалик Иброҳимов  
хотирасига бағишлайман*

## ОТА ҲАҚИДА МУНГЛИ ҚЎШИҚ ЁХУД АЁЛ ҚАЛБИ, ЭРКАК АҚЛИ БИЛАН ЁЗИЛГАН АСАР

XX аср ўзбек миллиати учун ҳам оғир, фожиали, ҳам бахтли кечди. Бахт ҳақида гапирадиган бўлсак, асрнинг 90-йиллари аввалида Яратган бизга истиқлолни ҳадя этди. Лекин бунгача босиб ўтилган йўл чигал ва сермашаққат бўлди. XIX аср адоғи ва янги аср бошида миллат онг-шуурида юз кўрсатган миллий уйғониш 20 – 30-йилларга келиб мустабид тузум томонидан бўғиб ташланди. Миллий зиёлиларимизнинг энг саралари маънан, сўнг жисмонан маҳв этилди. Шулардан бири, фоже даврнинг сасли виждони буюк Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон усмонлича ёзган «XX аср» (номни қаранг!) деб аталган тўртлигида ёзганидек:

*Бу эмиш: билги – фан, хунар асри,*

*Бу эмиш: юксалан башар асри.*

*Ҳодисот ўйла гўстарарки, бу аср*

*Ёлғиз: шар ва шар ва шар асри!..*

Сатр бошида такрорланган истеҳзоли икки «Бу эмиш» ва араб тилидан ўзлашган «хайр» (яхшилик)нинг зидди бўлмиш «шар(р)» ёмонлик ва қабоҳатни англатиб, унинг уч карра икки «ва» билан («шар ва шар ва шар») қайталаниши тўртлик асрга берилган даҳшатли баҳо эканини англатади.

Бундай даромаддан мақсад таниқли актёр ва режиссёр Дилором Каримованинг «Пўртана (Аждаҳо комида)» асари ҳақида фикр юриштидир. Асар буюк ва жабрдийда шоиримиз Чўлпоннинг аёвсиз ва алғов-далғов 1920 йили ёзилган «Пўртана» шеъри билан ҳамоҳанг, ушбу шеър асарда кўрсатилган ва тасвирланган воқеалар юрак уришининг график тасвири, кардиограммаси янглиғ. Шеърнинг асарда келтирилган илк банди ва охиrhoғидан олинган тўлиқсиз мисра – «Бу маҳшар, қиёмат, пўртана!..» бутун асрнинг бадиий-ғоявий ва ритмик-эмоционал йўналишини белгилаб туради гўё.

Асарда Тошкент музофотида анча нуфузга эга бўлган, инсоф-диёнатли бой Иброҳим ҳожи, унинг фарзанд ва набираларининг XX аср бошидан то 70 – 80-йилларгача бўлган даври тасвирланади. Асар тўрт қисм, «Хотима» ва «Сўнгсўз»дан ташкил топган. Ҳар бир қисм композицион бутунликка эга ҳамда оиланинг Иброҳим ҳожидан тортиб

унинг невараларигача бўлган вакиллари ўқувчи тасаввури ва кўз ўнгида кетма-кет намоён бўлади. Лекин бир мотив борки, у асардаги бутун тасвир ва воқеаларни ҳалқа тарзида туташтиради. «Отам Абдумалик Иброҳимов хотирасига бағишлайман» деган ёзувга монанд асар оғир тузалмас дардга чалинган отанинг касалхонадаги аҳволи тасвири билан бошланиб, унинг ўлими билан яқунланади. Бу мотив асарнинг мазмун структураси учун пролог ва эпилог вазифасини ўтайди.

Ҳар бир қисм аниқ юкламага эга. Биринчи қисмда юқорида айтилган прологдан ташқари совет ҳукуматининг дастлабки йиллари Иброҳим ҳожи ва унинг хонадони, таниш-билишлари тақдири орқали очиб берилади, бу ерда Иброҳим ҳожидан ташқари икки камбағал йигит – Жўра ва Маматқул образлари эса қолади. Жўра Иброҳим ҳожидан яхшилик кўрган, буни қадрлайди ва Ҳожи «камбағалпарвар» ҳукумат томонидан қамоққа олинганида собиқ хизматкорларга бош бўлиб бойни ҳибсдан олиб чиқади. Маматқул ҳам бойдан яхшилик кўрган, лекин у буни тез унутади, янги ҳукуматнинг фаол арбобига айланиб, диёнатсиз тузумнинг қатағонларига бош бўлади. У нимаси биландир машҳур рус адиби М.Булгаковнинг «Итюрк» қиссасидаги Шариков образини эсга солади. Диёнатли Жўрақул Маматқул томонидан ўлдирилгач тасвирдан чиқади, лекин Маматқул бутун асар давомида муаллифнинг диққат-эътиборида туради. Бу персонаж асарнинг энг ёрқин салбий образларидан бири, кўп жиҳатлари билан мустабид совет тузумининг типик вакили ва ўзига хос рамзидир. Нега айнан шундай палид одамлар гуллаб-яшнади ва томир отди бу даврда? Образ емирилган тузумга ўқилган маънавий ҳукм каби, ҳойнаҳой.

Ушбу образ талқини борасида муаллиф билан баҳслашиш мумкин. Маматқул қилғиликни қилиб, талай оилани хонавайрон этиб, ёстиғини курутиб ҳам бола-бақралари ардоғида қариб-чуриб дунёдан ўтади. Фарзанду набираларининг эса ҳалиям ишлари беш. Бизга муаллифнинг, бадий асарнинг маънавий ҳукми охирига етмагандай, ёмонлик жазоланмай қолаётгандек туюлмоқда. Бадий асарда, ҳатто ҳаётда шундай бўлган тақдирда ҳам, ёмонликни жазосиз қолдириш ярамайди. Шоҳ ва шоир Бобурнинг «Ҳар кимки ёмон бўлса жазо топқусидир» деган фикри буткул-умумий мавқега эга. Саодатли ҳаёт кечирган ўша маматқулларнинг муаллиф кўрмаган, сезмаган кўргиликлари бўлиши муқаррар. Шайтони лаин уларни ўз қабиҳ йўлига бошлар экан, уларга ва авлодларига мудом бахтли ҳаёт кафолатини бермайди. Вақт-соати келиб у ўз малайларидан тонади. Қуръони каримнинг «Иброҳим»

сураси 22-оятини ўқинг, бунга амин бўласиз. Маматқуллар бу дунёда бўлмаса, рўзи маҳшарда муқаррар жазо олади.

Бизни Маматқулнинг сўнги кунлари, дақиқалари жуда қизиқтиради. Муаллиф шунга эътиборини қаратса, биз кутган нимадир юзага чиқади. Бировга берган азоб-уқубат изсиз кетмайди. Бу ҳақда муаллиф ўйлаб кўrsa бўларди. Олчоқ Маматқулни бахтли кўриш китобхоннинг этик ва эстетик дидини хўрлайди гўё.

Иккинчи қисм асарнинг бош қаҳрамони ота улғайган, тарбия топиб шаклланган муҳит тарихий ҳужжатлар асосида, даврнинг жафокаш қаҳрамонлари М.Бехбудий, А.Фитрат, А.Қодирий, Мунаввар қори, Чўлпон, Элбек ва бошқалар иштирокида кечган воқеалар, суҳбату мунозаралар орқали тикланади. Сиртдан қараганда, бу тасвир – воқеалар бош қаҳрамон ҳаётига бевосита боғлиқ бўлмагани учун ортиқчадек туюлади, лекин чуқурроқ қаралса, бу қисм совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида миллатпарвар зиёлиларимиз онгида кечган фикр-мулоҳазалар, қийноқли саволлар жонли тарзда, драматик услубда тиклангани билан алоҳида қийматга эга экани аён бўлади. Қисм ушбу жиҳати билан ўша давр ўзбек зиёлилари ҳаёти тасвирланган Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романини ёдга туширади. Аммо икки орада жиддий бир фарқ бор. «Сароб»да миллатпарвар зиёлиларимиз қора бўёқларда салбийлаштириб тасвирланган бўлса, «Пўртана»да уларнинг улуғвор, жабрдийда ва фоже образлари гавдалантирилганки, бу нур устига нурдир.

Ушбу қисмда «муаллиф»нинг (қўштирноққа олишимизга сабаб, у ҳам асардаги образлардан биридир) иштироки нисбатан кўпроқ. У тарих ҳақида, совет тузумининг чин моҳияти ҳақида чуқур мулоҳаза юритади. Масалан: «Коммунизм ғоясининг мағлубияти, қизил империянинг шармандаларча қулаши ҳеч бир салтанат ҳалокати юзага келтирмаган руҳий, ахлоқий таназзулни туғдирди: гўзал орзу-ниятлар масхараланди, эзгулик гумон остида қолди, тенглик деган тушунча йўқолди. Инсон зиёси билан эмас, бойлиги билан қадрлана бошлади... Бойлик тағин тахтга минди. Дунё яна бир чаппасига айланиб тушди...»

Шекспирнинг машҳур 66-сонети ёдга тушмаяптими, азиз китобхон?

Агар ширин ёлғон ёмону аччиқ ҳақиқат яхши бўлса, унга чидашимиз, ҳазм қилишимиз лозим, шекилли.

Асарнинг жанри ҳақида икки оғиз сўз. Машҳур адиб ва назариётчи олим Ю.Н.Тиңянов ўзининг «Кино асослари ҳақида» мақоласида:

«Кинороман билан одатдаги роман ўртасидаги кескин фарқ фақат асар материалида эмас, балки услуб ва тарҳ – бичим қонуниятлари (законы конструкции) санъатнинг барча тур ва жанрлари учун ягона ва бирдай қўллаш мумкиндай туюладиган ҳамма унсурларни кинода қайтадан шакллантиради», – дея қайд қилган. «Пўртана» кинороманида ҳам пьесадаги каби диалоглар, романдаги каби тасвирлар, «муаллиф» номи остида баён этилган ҳаётий, фалсафий фикр-мулоҳазалар кинороманнинг борлиқ вужудини барпо қилади.

Учинчи ва тўртинчи қисмлар энди бевосита бош қаҳрамоннинг қувғинди, азобли ҳаётига бағишланган. Муаллиф отасини шу қадар севади, ардоқлайдики, дунёга, воқеликка, атрофдаги одамлар, она, буви, амма, сингил ва укага айнан ушбу муҳаббат шуъласида баҳо беради: ё севади, ё нафратланади. Биринчи қисмда уч – уч ярим яшар шўх болакай Абдумалик ҳақида «тиниб-тинчимас, «оти»ни чунонам чоптирадики, Ҳусниддинни йиқитиб устидан ҳатлаб ўтиб кетаверади. Орада супага чиқиб онаси Нисобувининг кўкрагини тимирскилаб очиб, кўзига ўхшаш миқ-миқ эмиб олишга ҳам улгуради», – деб ёзар экан, отага (бола отага) нисбатан чин оналик муҳаббатини туямиз.

Муаллиф отани севганни севади, отани хўрлаганни жинидан бадтар ёмон кўради. Бу замон бўладими, буви (она тарафдан) бўладими, туғишган сингил бўладими, ҳатто она бўладими, фарқи йўқ. Фақат туққан онасини беихтиёр кечиради, бу ҳам анча йиллар ўтгач. Кўзлари хиралашиб қолган кекса онанинг радиодан таъсирли куй тинглаб, боладек лаблари титраб, кўзларидан дувиллаб ёш оққанини кўрган муаллиф шундай «тўкилади»: «Қалбимнинг бир бурчагида доим сақланиб келган айбномани йиртиб ташладим. Мен шу дамдан эътиборан онамни мутлақо айбламай қўйдим». Айтиш жоизки, зиддиятли эса-да, асарда онанинг фоже ва бадий гўзал қиёфаси яралган.

Бу гаплар кинороман хотимасидан олинди. Унда асарнинг барча қаҳрамонлари ҳаёти ўзига хос якун топади. Иқбол бувига ҳам, Маматқул Узоқовичга ҳам (биз юқорида бу образ ҳақидаги мулоҳазаларимизни билдирдик) ҳаётий-фалсафий шарҳлар берилади. Отанинг тилаб олган якка ўғли, муаллифнинг укаси Ҳасаннинг тақдири нақадар таъсирчан, фожиали. У ота тақдирининг аянчли инъикосига ўхшайди гўё.

«Сўнгсўз» кинороманни муносиб якунлайди. Шу ерда бир фикрни келтиролмасдан ўтолмадик:

«Отам бой ўғли бўла туриб бойликка ружу қўймади. Мол-давлатнинг лўттибоз фалсафаси билан чиқишолмади. Шунга қарамай,

отамдек пок инсоннинг қадрига етмаган, уни эзган, топтаган риекор тузумни лаънатлайман. Лекин у сифинган, ишонган гоёга мен ҳануз сифинаман. Бу йўлда жон фидо қилганларни улуғлайман».

Бу дўппини олиб қўйиб ўйлайдиган, мулоҳаза юритишга арзирли фикрлар. Бутун бир авлодни қийноқ-изтиробга соладиган, чинакам зиёли онгида талотўп қўзғайдиган мулоҳазалардир.

Кинороманда кадр спецификаси ва тасвир қонуниятлари бирлашади, омихталашади. Булар ёнига публицистик таҳлил қўшилади. Натижада катта бир давр ҳам кинодагидек кўримли, ҳам романдагидек бадиий тасвирли, ҳам публицистик мақоладагидек фалсафий фикрли тарзда намоён бўлади. Бу уч оқим табиий бир йўсинда бирлашиб китобхонни жозиб бир нуқтада тутиб туради.

Асарни китобхон қўлдан қўймай ўқишига, қалби бот-бот ларзага тушишига, кўз ёш тўкишига ишонамиз. Сиртдан оилавий романдек туюладиган асар ўзбек миллатининг XX асрда кечган талотўп, фожиали ҳаётини ҳам бадиий-фалсафий, ҳам публицистик пафос йўсинида ифода этганки, бу инсон манфаатлари чинакам қадриятга айланган ҳозирги кунимиз учун ушбу роман нақадар тансиқлигини англатади.

«Пўртана» шеъри билан бошланган асар пўртана ҳақидаги диалог билан якун топади. Айтиш жоизки, бу самовий образ кинороман учун марказий бош метафорага айланган. Атоқли адибимиз Асқад Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда» деган романи бор, биласиз. Дилором Каримова ўз кинороманида ота (бобо ва боболар) тақдирини тасвирлаш орқали бутун бир даврга баҳо беришга, унинг кулфат-фожиасини очишга интилади. Муайян даражада бунга эришади ҳам. Бу гапларимиз ҳақ-ноҳақлигиши баҳолаш сизга ҳавола, азиз китобхон.

Айтилганлардан келиб чиқиб сарлавҳадаги фикрни хулоса ўрнига қўямиз:

«Пўртана (Аждарҳо комида)» – ота ҳақида мунгли қўшиқ, бир пайтнинг ўзида, аёл қалби ва эркак ақли билан битилган кинороман, яъни бадиий асардир.

**Сувон МЕЛИ,**

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
Адабий танқид кенгаши раиси,  
филология фанлари номзоди*

*Сен ақлга сиғмайсан, худойим!  
Сен яратган оламга тушуниб бўлмайди!*

**Г.Х.Андерсен**

## **Биринчи қисм**





## **Лавҳа**

*Хавфли ўсимталар жарроҳлик бўлими. Тўрт кишилик палата.*

**Врач:** Абдумалик ака, жарроҳлик хонасига ўз оёғингиз билан юриб борасиз-а?.. Ё аравада...

**Муаллиф:** Отамнинг вужудидан охириги ширани ҳам сўриб олишга улгурган касаллик устихондан бошқа ҳеч нарса қолдирмаган эди. Фақат унинг кўзлари... Гўдакники каби маъсум ва чиройли, лекин сурункали оғриқ азобидан чарчаган катта-катта кўзлар жарроҳга жавдираб қараб турарди. Отам ўзини дадил тутишга ҳаракат қилиб врачнинг шўхчан оҳангда айтган таклифига кулимсираб жавоб берди.

**Абдумалик:** Йўқ, ўзим... Ўзим юриб бораман...

**Врач:** Эй, яшанг, Абдумалик ака, ҳаммаси яхши бўлади. Операция хамирдан қил суғургандек ўтади. Худо хоҳласа, касалхонадан ҳам ўз оёғингиз билан юриб чиқиб кетасиз.

**Муаллиф:** Ўрнидан қўзғалишга-да мадори йўқ отамнинг саволомуз ёлвориб турган нигоҳига жавобан айтилган таскин эди бу.

«... операциядан соғ-омон чиқармиканман, дўхтир?.. Ўлишим мумкин эмас... Ахир, ёш болаларим бор. Уларни ташлаб кетолмайман... Бунга ҳаққим йўқ!.. Онасими?.. Онасининг ўзи бир ёш бола...»

Енгил кайфият уйғотишга уринаётган шифокорнинг бу ташаббуси ҳаяжондан нима дейишни билмай турган онам, аммам ва менга қўл келди. Врачнинг гапига кулгандек бўлдик, аммам қўлларини очиб дўхтирларни дуо қилдилар, отамга эсон-омонлик тиладилар.

Бир бурда бўлиб қолган отам жарроҳнинг ишончини оқлаш учун бор кучини, иродасини жамлаб ўрнидан турди. Зўр-

ға икки қадам ташлади. Қуввати етмади. Ранги оқариб букчайиб қолди. Онам билан шошиб икки ёнларидан олдик.

*Операцияга тайёргарликни жимгина кузатиб ётган палатадагилар ҳам сергак тортишди. Булар кўринишидан ичкиликка яхшигина берилган, чамаси, 40 – 45 ёшлардаги (кўп ичадиганларнинг ёшину аниқлаш бирмунча қийин), ёнма-ён каравотларда ётган бир рус, бир татар киши ва кечагина келган, юз кўриниши келишимли навқирон корейс йигит эди.*

**Муаззам:** Абдумалик ака, қийналиб қоласиз...

**Дилором:** Ада?..

**Врач:** Абдумалик ака, агар қийин бўлса, ҳозир... (Врач ўз таклифидан хижолат торта бошлаган эди.)

**Абдумалик** (ҳансираб): Йўқ, йўқ... Сал бошим айланди... Ўн қадам ҳам юролмаманми?..

*Ҳақиқатан ҳам, отам ётган палата жарроҳлик хонасига жуда яқин эди.*

**Абдумалик:** Ўзим бораман...

*Қизи ва хотини кўмагида букчайиб, зўрға қадам босиб палатадан чиқаётган бемор ортидан кимдир қизиқсиниб, кимдир ачиниб, бошқа бирови эса ташвишланиб қараб қолди.*

**Муаллиф:** Жарроҳнинг далдаси отамга шунчалик кучли таъсир қилган эдики, гўё операция хонасига ўзи юриб борса, ҳаммаси яхши бўладигандек туюларди. Шунинг учун чидаши керак. Оёғини бир-бир босиб қадамма-қадам юриб бориши, унга даҳшатли азоб бераётган ярамас ўсимтадан қутулиб чиқиши шарт. Бўй қизларини узатиши, тилаб олган ёлғиз ўғлини оёққа қўйиши, ҳали гўдак қизалоғи вояга етганини ўз кўзи билан кўриши керак... Мана, умидли ўн қадам қай мақсадлар сари ташланди.

Операция хонасининг эшиги ёпилиб, биз ташқарида қолдик. Азобли кутиш онлари бошланди...

### **Лавҳа**

*Дилоромнинг эғнида оқ халат, жарроҳлик хонаси йўлагидан у ёқдан бу ёққа юрибди. Дам-бадам ташқарига чиқади. Дарахт тағидаги ўриндиқларда қариндошлар тизилиб операция натижасига илҳақ ўтиришибди. Қиз чиқиши билан ҳамма унга ялт этиб қарайди. Дилором ёнига югуриб келган ўсмир йигитчани тинчлантиради. Онаси, аммаси билан ниманидир гаплашган бўлади. Бетоқатланиб яна ичкарига йўл олади. Ортидан эргашган укасини койиб изига қайтаради. Ичкарига кириб, йўлакка ташвишли назар ташлайди. Соатига қарайди. Сўнг дераза олдига бориб, кўм-кўк осмонга илтижоли боқади. Кафтларини жуфтлаб, кўзларини юмиб пичирлайди. Шу пайт жарроҳлик хонаси эшиги очилиб, ёшгина йигит, амалиётчи бўлса керак, чиқиб келади. Чеккароққа ўтиб, тамаки тутатади.*

**Дилором:** Операция бўляптими?

**Йигит** (бепарволик билан): Операция тугади.

**Дилором:** Вой, нега тугайди? Яқинда бошланганди-ку...

*Йигит қизнинг беморга тегишли одам эканини фаҳмлаб жимиб қолди. Фақат елка қисиб қўйди. Сал ўтмай эшикдан жарроҳ кўринди. Дилоромга кўзи тушиши билан ўзини шартта ичкарига олди. Шу тобда унга кўринишга, саволларига жавоб беришга кучи йўқ эди. Лекин қиз нима бўлганини тушунганди. Юрағидаги қувватми, нимадир «шиғ» этиб тубсиз чоғга шўнғиб кетгандек бўлди. Дилором деворга тиралган кўйи аста пастга сирғалиб чўккалаб қолди...*

### **Лавҳа**

*Касалхона ҳовлисининг бир чеккаси. Қизиқувчан кўзлардан нари жой. Бўй бериб ўсган кекса қарағайлар касалхонанинг*

*оғир муҳитига кўниккандай тўнғиб қолган. Баланд шохларга жойлашиб олган қора қушлар тинимсиз чуғурлайди. Қиз шу дарахтлар панасида чўкка тушганча йиғлаб ўтирибди. Довдираб қолган укаси атрофида гирдикапалак.*

**Ҳасан:** Опа, нега йиғлаяпсиз? Нима бўлди, ўзи? Дўхтирлар нима деди? Адам тузалиб кетар эканларми?

**Дилором:** Билмайман, билмайман, укам... Катта йигит бўлиб қолдинг, тушунишинг керак...

**Ҳасан:** Нимани тушунишим керак? Опа, адамла ўлмас эканларми?! Дўхтирлар нима деди? Нега йиғлаяпсиз?

*Қиз укасининг қаттиқ ҳаяжонга тушганидан ташвишланиб ўзини қўлга олишга ҳаракат қилади.*

**Дилором:** Ўзингни бос, укам... Ҳеч нарса бўлгани йўқ...

**Ҳасан:** Нега йиғлаяпсиз, бўлмаса?..

**Дилором:** Ўзим...

**Ҳасан:** Нега бу ерда ўтирибсиз?!

*Шу пайт амма ҳансираб келиб қолади.*

**Амма:** Қаёқларда юрибсан, боядан бери аданг чақиряпти. Палатага олиб чиқишди...

**Дилором:** Адам чақиряптилар? Тирикмилар?..

**Амма:** Вой, гапинг қурсин! Бу нима деганинг?! Худога шукр, тирик!

**Ҳасан:** Ана, ўлмабдилар-ку, сиз бўлса йиғлаб ўтирибсиз...

**Дилором (зўрға):** Укам, бор, адамлани олдиларига бориб тур... Мен ҳозир...

**Ҳасан:** Сиз ҳам юринг. Сизни чақираётган эканлар-у...

**Дилором (сал зарда билан):** Сен бориб тургин!.. Мен ҳозир... У ёқ-бу ёғимга қараб олай... (Кийим-бошини қоққандек бўлади.)

*Ҳасан чопқиллаганча касалхона биноси томон кетади. Укаси узоқлашиши билан қиз қўлларини тишлаб ўкраб юборади.*

**Дилором:** Аммажон, дўхтирлар очиб ёпиб қўйишибди-ку... Операция қилишмабди-ку... Энди нима бўлади?..

**Амма** (овози титраб): Ҳаммаси худодан. Чиқмаган жондан умид...

**Дилором:** Адамга қандай кўринаман?! Сўрасалар, нима дейман?!

**Амма:** Қизим, юра қол. Адангни хавотирга солма, сени чақиряпти, операция яхши ўтди деб ишонтир. Ҳеч кимга ишонмаяпти, сени сўраяпти.

### **Лавҳа**

*Палата. Наркоздан чала уйғонган Абдумалик оғриқдан «их»лаб ётибди. Шипга қадалган очиқ кўзлар беморнинг хуши тўла ўзига келмагани, лекин оғриқ азобидан бетоқат бўлаётганидан дарак берарди.*

**Абдумалик** (овози хириллаб чиқади): Дилором... қизимни чақиринглар... Соат неча бўлди?.. Дилором...

*Хотини Муаззам бармоқларини букиб, беихтиёр қисирлатиб юборади. Ҳасан дадасига тикилганча тек қотган. Ёнмаён каравотдагилар ўзларини бефарқ тутишга уринишса-да, Абдумаликдан кўзларини узолмай хўмрайиб ўтиришар; корейс йигит эса у томонга қарашга ботинолмай чалқанча ётиб, кўзларини юмиб олган, ўзининг ҳам бошига шундай кунлар тушиши мумкинлигидан хавотирланар, ёмон ўйлар таъсирида кайфияти тушкун эди. Сал олдин келиб турган ёшгина жувон эрининг хаёлидан ўрмалаб ўтган бу даҳшатли фикрни пайқагандек саросималанарди. Баногоҳ кўзғалган жудолик ваҳми аёлнинг ёқимтой юзига соя солди. Курсидан туриб, эрига яқинроқ, каравот четига ўтирди. Кўнглидан кечаётган из-*

*тиробларни яширолмай, қалбида туғилган «йўқ, йўқ!» деган нидо ифодаси сифатида эрининг кафтини кафтлари орасига олиб, қаттиқ сиқди. Худди шу пайт бир оз ҳаллослаб амма ва ранги оқариб кетган Дилором кириб келади.*

**Дилором** (овозига тетиклик беришга тиришиб): Ада, мен шу ердаман... Тузукмисиз?..

**Абдумалик:** Дилором?..

**Дилором:** Ҳа, ада?..

**Абдумалик:** Соат неча бўлди?

**Дилором** (тин олиб): Соатми?.. (Соатига қарайди, йўғон-ингичка миллар 11:00 ни кўрсатиб турибди.) Соат... ўн икки... ўн иккидан ошибди.

**Абдумалик:** Ўнда олиб кириб кетишганди... Дарров тугатишибдимиз?..

**Дилором** (лабини тишлаган кўйи бир лаҳза жим қолади): Йўқ, нега?.. Операция икки ярим соат бўлди. Операциядан яхши чиқибсиз... Айтишди...

**Абдумалик** («их»лаб): Нега оғриғи пасаймаяпти?..

*Қиз ўзини зўрға тутиб гапиради. Томоғига тиқилган бир нимани қисқа йўтал билан орқасига қайтаради.*

**Дилором:** Бир-икки кун оғриқ бўлиб туради-да, ада, ахир тиг теккан...

**Абдумалик:** Йўқ, бу тигнинг оғриғи эмас... Бу худди ўша оғриқ... ҳа, ўша оғриқ...

**Муаллиф:** Оҳ, бу даҳшатли дақиқалар эди. Кўзим куп-куруғ-у, юрагим дод соларди. Ичимдан қуйилиб келаётган кўз ёшлар томоғимга чақир тикандек қадалиб, вужудимни ёмон оғритар, ташқарига чиқиб кетишига эса йўл қўя олмасдим. Отам кўз ёшларимни кўрмаслиги керак. Нима бўлганини, кун-соати етиб қолганини сезмаслиги керак. Мен бор кучим билан ўзимни бепарво, мамнун кўрсатишга уринардим. Ле-

кин айни шу тобда оламни бошимга кўтариб уввос солардим, сочларимни ёзиб хўнграб-хўнграб йиғлардим. Мен отамдан айрилаётган эдим. Дунё ҳақидаги ҳақиқатимдан, адолат ва эзгулик ҳақидаги маъсум ўйларимдан айрилаётган эдим. Йигирма беш йил яшаганим эртақлар дунёси кўз ўнгимда кунпаякун бўлаётган эди. Шу кунга қадар фалакни бераҳм эмас, адолатли деб билардим. Яхшиликка яхшилик қайтади, муҳаббатга муҳаббат жавоб бўлади, ҳақиқатнинг эса, албатта, қўли баланд келади деб ишонардим. Ҳали ҳаётимда бу ишончимга қўп дарз кетар, лекин бу биринчиси ва даҳшатлиси эди. Чархи фалак отамни айни навқирон ёшида бу дунёдан зўрлик билан тортқилаб олиб кетаётган эди. Ваҳоланки, у бу дунёга жуда керак эди. Отам жуда қадрлаган ва севган ҳаёт унга қўп адолатсизликлар, хўрликлар кўрсатган бўлса-да, ҳеч қачон ҳаётдан юз ўгирмади. Ҳатто касалхона тўшагида ётган чоғида ҳам ўзига кўнглини ёрган бечоралар ташвишини енгиллатиш йўлларини ўйлаб ётди. Яхшилик деб номланувчи ғоя унга қанчалик бевафолик қилмасин, барибир, яхшиликка хизмат қилаверди. Ахир, эзгуликка эзгулик билан жавоб қайтиши керак эди-ку! Нега унда отамнинг қисмати шу қадар аянчли бўлди? Ҳақиқат дегани қайда қолди?! Ёш идроким фалакнинг бу қарори билан сира чиқиша олмас, бу мен учун фалакнинг отамга кўрсатаётган яна бир адолатсизлиги эди. Ўлимга маҳкум отамнинг бошида турганча тақдирнинг безрайган шум юзига шапалоқ тортгим, кучим борича дўппослаб аламдан чиққим келарди. Шу ниятда кўзларимга хира тортиб қолган осмонга қараб онт ичдим: «Мен отам ҳақида албатта одамларга айтиб беришим керак. Мен отамнинг яхши-ёмон кунларига гувоҳман! Мен отамнинг чекига тушган хўрлик, надомат, азобларга гувоҳман! Ҳа, мен гувоҳман! Ва мен ўз билганларим ҳақида оламга жар соламан. Отамни таҳқирлаган муҳит, уни хўрлаган, ўлимни истаган мунофиқ кишилар ҳақида айтиб отамнинг ўчини оламан». Мен бу қасамни оғриқдан чойшаб четини ғижимлаб олган отамнинг озғин қўлларини силаб туриб, ҳали наркоз таъсиридан бата-

мом қутулмаган, лекин бошига тушажак фожианинг муқаррарлигини еттинчи томири билан сезаётган отамнинг шипга қадалиб қолган сўник кўзларига қараб туриб хаёлимдан кечирган эдим. Бу онт менга чидаш оғир дақиқаларда таскин бўлди, йўқотиш уммонига чўкиб кетмаслигим учун эшкак бўлди.

Отам фожиаси бутун бир давр, аср фожиаси эди. Ўтган юзйиллик бошида кўтарилган тўфон, пўртана миллионлаб тақдирларни остин-устин қилиб юборган ва шу миллионларнинг бири менинг отам эди. Жуда кенг маконни ўз домига тортган бу қуюн, бу пўртана отам туғилмасидан аввалроқ унинг пешонасига қора тамғасини босиб улгурган эди.

*Ваҳшатни англаувчи куй.*

*Чексиз уммон даҳшатли чайқалади... Одамларга зич кема тўлқинларда сурилади... Кишилар юзида иложсизлиқ, ваҳшат қотиб қолган...*

*Тасвир ортида шоир овози жаранглайди:*

***Пўртана кўзғолди, пўртана юрди,  
Пўртана ўзини қирғоққа урди.  
Пўртана олдида бир кема кўрди:  
Ичида зич одам... ўйнатди, сурди.  
Бу маҳшар, қиёмат, пўртана!..***

*Экранга шиддат билан ёзув чиқади:*

## «ПЎРТАНА»

**Муаллиф:** Отам Тошкентнинг таниқли бойи Иброҳим хожининг кенжа ўғилларидан эди. Шу боис отам ҳақида гап бошлашдан аввал пўртана кўпган ўша машъум кунларга, бой бобом хонадонига бир қур назар ташлашга тўғри келди.

519/1  
Закиятта АИМ



ди бўлишларини хаёлларига келтиришмаган. Кейинги пайтларда жуда кўп бойларнинг қамалаётгани, сургун қилинаётганини эшитиб қолсалар-да, таъзияга борган ўлимни кўриб туриб ҳам ўзининг ўлишини унчалик тасаввур қилолмаганидек, бу кўргулик уларнинг ҳам чекига тушиши мумкинлигига ишонмас эдилар. Ана энди кўрқиб-қақшаб, бир-бирларига елка суяб, ғужанак бўлиб ўтиришар эди...

*Ҳаммаси ўз хаёллари гирдобида. Ҳайрону саросимада ғамга ботишган. Шарофбой тасбеҳ ўгириб, қайсидир дуони қайта-қайта ўқиган кўйи ўзига дам солиб ўтирибди. Ақромхўжа олтин соати билан андармон: шойи камзулининг ён чўнтагидан тилла занжири осилиб турган соатини олади, «чирқ» этиб очади ва милларига узоқ тикилиб тургач «шақ» этиб ёпади. Кейин жойига солиб қўяди. Устидаги қимматбаҳо кимхоб тўнининг у ер-бу ерини тўғрилаб бир оз ўтиради-да, яна ҳаммасини қайтадан бошлайди: олади, очади, ёпади, солади... Ёқуббой эса туриб-туриб сонига шапати уриб, баланд овозда «уф» тортиб қўяди. Буларнинг орасида хотиржамроқ кўринаётган Иброҳим ҳожиси эди. Лекин бу сокинлик замирида оғир ташвиш ва қаттиқ кўрқув яширинлигини диққатроқ назар солган киши осонгина пайқаб оларди. Миясида ғужғон ўйнаётган бир-биридан ноҳуш ўйлар ваҳимаси катта-катта кўзларида шундоқ зухур этиб турарди. Бўйдор, оқ-сарикдан келган, доим мулоийм боқадиган бу қорақош киши ёши етмишга яқинлашиб қолган бўлса-да, гавдаси ёшликдаги хушбичимликни тамоман йўқотмаган, хипча ва тик эди. Келишимли қузалган соқол-мўйлабига энди-энди оқ оралай бошлаган. Тошкент бойлари орасида яқинда урф бўлган оқ ироқи дўппини айтмасангиз, кийим-боши жуда оддий ва ороийишта. Билмаган одам юриш-туриш, муомалада кибр ва манманликдан холи бу кишини бой демайди.*

### **Лавҳа**

*Одамлар орасида кимнидир таъқиб этиб келаётган Жўравой бошчилигидаги йигитлар яна кўзга ташланади. Лекин бу*

гал тўда анча катталашган. Жўравойнинг им қоқиши билан Аҳмад ва унинг икки ошнаси олдинга чопиб ўтиб, орқасига қараб-қараб тезлаб кетаётган йигитнинг йўлини тўсишади.

**Аҳмад** (йигитнинг елкасидан тутиб): Хў, ошна! Бу ёққа ўт, гап бор!

*Йигитни туртиб-туртиб одамлардан четга олиб ўтишади. Шу орада қолганлар ҳам етиб келишади.*

**Жўравой** (жаҳл билан): Мамат, биз сен билан сичқон-мушук ўйнапмизми?! Бу нима қилиқ? Биз билан борасанми, йўқми?!

**Маматкул** (ҳансираб): Ака, ҳозир аҳвол чатоқ бўлса, биргина бизнинг бойни эмас, бошқа бойларни ҳам ҳибсга олишяпти. Қулоқ қилишяпти, бола-чақаси билан аллақаяёқларга жўнатишяпти. (У ёқ-бу ёққа аланглаб.) Ҳукуматга қарши чиқиб нима қиламиз? Бола-чақамизни ўйлайлик...

**Аҳмад**: Мамат, ким ҳукуматга қарши чиқяпти? Камбағал бўла туриб ўзимизнинг ҳукуматга қарши чиқамизми? Ҳақиқат бўлсин деймиз-да...

**Маматкул**: Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан. Ҳукумат одамлари арбоб бўлса... Бизлар бир оми, саводсиз одам...

**Мўмин**: Ў-ў саводсиз! Қўй шу олифта гапларингни. Гапнинг пўсткалласини айт!

**Маматкул** (ҳаммага бир-бир қараб чиқади): Гапнинг пўсткалласими? (Яна атрофга қараб қўяди.) Тўғриси, мен тўппонча тутган, қора камзулли шўро одамларидан қўрқаман. Жон акалар, ҳукумат одамлари билан чўқишмайлик. Барибир, бизга қулоқ солишмайди. Ёмонотлиқ бўлганимиз қолади.

**Жўравой**: Ў номард! Ота-онангни кўмган, сени уй-жойли қилган, мардикорликдан олиб қолган ким? Шу бой отамиз бўлмаганида, ўрис ўрмонларида ё тош турмаларида бекафан чириб кетмасидинг? Э, нонкўрлик ҳам эви билан-да!

**Маматкул** (*жиззакилик қилиб*): Бой бўлганимда, пул-давлатим бўлганида, мен ҳам қандай ҳотамтойлик қилишни билардим.

**Жўравой**: Ҳа, баракалла! Мана энди сени галинг. Бир ҳотамтойлик қил!

*Маматкул жавоб бермай, безрайиб тураверади.*

**Аҳмад** (*тоқати тоқ бўлиб*): Э, Жўра, қўй шу нокасни, шусиз ҳам ишимиз битади...

*Жўравой Маматкулнинг ёқасидан олиб деворга тирайди.*

**Жўравой**: Ў, хунаса, белингда белбоғинг бўлса, ҳозир сен ҳам биз билан борасан. Акс ҳолда... акс ҳолда, Мамат эркаклигидан айрилибди деб овоза қиламан.

*Маматкул Жўравойнинг қўлидан сирғалиб чиқишга уриниб типирчилайди. Жўравой бўш қўлини белидаги пичоққа олиб бориб Маматкулнинг кўзига тик қарайди.*

**Жўравой** (*вишиллаб*): Ёлғон деб кўр-чи, рост қилиб қўйиш қўлимдан келади, буни биласан.

*Маматкул анграйиб қолади.*

### **Лавҳа**

*Ҳибсхонадаги ўша таниш бўлма. Ёқуббой яна «уф» тортиб, тиззасига шапати уради.*

**Шарофбой** (*чўчиб тушиб*): Э, бўлди қилинг. Боятдан бери шапати уриб одамни чўчитасиз!

*Худди шу пайт эшикнинг тўсатдан тарақлаб очилиши қолганларнинг ҳам эс-хушини учирди. Акромхўжа билан Шароф-*

бой сапчиб туриб кетди. Ёқуббой ўтирган ерида қотиб қолди. Иброҳим ҳожи ҳам бир чўчиб тушди-ю, ўрнидан жилмади.

Орқадан зарба еб шўнғиб кетган кимса юзтубан йиқилишдан ўзини зўрға тутиб қолди. Хонага ўлимтик нур таратаётган осма чироқ бир оз ликиллаб турди-да, сўнг тўхтади. Эшик очилганида тун аллақачон чекиниб, олам ёришгани маълум бўлди. Ақромхўжа аниқ вақтни билиш учун соатини олиб қаради – қоқ пешин. Соатни зарда билан «чиқ» этиб ёпиб, «Вой-бў-ў!...» – деб чуқур хўрсиниб қўйди. Шунда ҳаммаси ёмон очқанганини ҳис қилди.

Ичкарига итқитилган кимса пешонасига сирғалиб тушган кўк духоба дўпписини, қийшайиб орқага тортилиб қолган калта камзулини тўғрилаб қўйди. Хўрлик аламини сездирмаслик учун камзулидан узилган тугмани оёқ остидан кўз қири билан қидира бошлади, аммо бу юмушнинг бемаънилигини дарров фаҳмлаб, эътиборини унга ҳадиксираб тикилиб турган одамларга қаратди ва оҳиста саломлашди. Европача костюм-шим кийиб, бўйинбоғ таққан, баланд бўйли, қотмадан келган, қийиқ кўзлари чақнаб турган, қирқ ёшлардаги бу норғул йигитни Иброҳим ҳожи дарров таниди. Лекин танимасликка олди, сездирмай нигоҳини олиб қочди. Орага тушган жимликни Ақромхўжа бузди.

**Ақромхўжа (томоқ қириб):** Акамулло, узр, сизни шундоқ деб улуғласам бўлармикин ё... афандим десамми?.. Шу кунларда одат бўлиб қолғон «ўртоқ» дейиш бизга тўғри келмайди. Тилимизга ҳеч ўтиришмаяпти...

**Низомхўжа (қулимсираб):** Таъбингиз...

**Ақромхўжа (бошдан-оёқ қузатиб):** Кўринишдан бизларга ўхшаб «қорни меш, душман бойлар»дан эмассиз. Ўқимишли, янги замон кишисига ўхшайсиз. Сизга нима айб тиркашди?

**Низомхўжа (бошини эгиб, чуқур сўлиш олди):** Шу-у, ўқимишли бўлғоним учундир-да... Миллат ўғлонларини ҳам ўқимишли қилишга саъй этганим, уларни мустақил фикрлашга ўргатмоқ ниятида бўлғоним учундир-да.

**Шарофбой** (*овозини пасайтириб*): Э-ҳа, жадидларданмиз денг?

**Низомхўжа**: Ҳа, шундай деса ҳам бўлади. Биз маърифат йўли билан миллатни истиқлолга олиб чиқмоқчи эдик...

**Акромхўжа** (*гапини бўлиб*): Аммо ўрислар жадидларни ёмон кўради. Маслагингизни кўп ҳам ошкор қилаверманг бошингизга бало орттириб...

*«Ўзингизга қўшиб бизни ҳам балога қўйманг» деган тагдор ишорани англаган Низомхўжа бошқа сўз қотмай бўш турган курсига чўкди.*

**Ёқуббой** (*йиғламсираб*): Ўз вақтида бола-чақани олиб, пулни белга тугиб бу ерлардан қочиб қолиш керак эди. Эҳ, аттанг! Энди кеч! Тузоққа тушдик! Хароб бўлдик!..

**Акромхўжа** (*истеҳзо билан*): Қаёққа қочмоқчи эдингиз? Болшовойлар ҳамма ёқни эгаллаб олган бўлса...

**Ёқуббой**: Дунё кенг, Акромхўжа! Афғон орқали турк, араб юртларига ўтиб кетсак бўларди.

**Акромхўжа**: Болшовойлар у ерларни ҳам эгаллаб олишса-чи?

**Ёқуббой** (*қизишиб*): Эгаллаб олишолмайди! У ерларда инглизлар ҳукмрон. Ўрисларнинг кучи етмайди.

**Шарофбой** (*зарда билан*): Ҳой, ҳой, овозингиз бунча баланд! Секинроқ сўзланг. (*Ташқарига имо қилиб.*) Қулоққа етса, касрингизга биз ҳам қолмайлик. (*Негадир Низомхўжага ҳам хўмрайиб қўяди.*)

*Орага бир оз жимлик чўкди.*

**Акромхўжа** (*аччиқ истеҳзо билан*): Фаҳмимча, бу ҳукумат тўқни қашшоқ, гадони шоҳ қилмоқчи. Афсуски, гадонинг шоҳ бўлиши қийин. Эртами-кеч, барибир, ўз наслига тортади. (*Алам билан.*) Ҳа, Ёқуббой, ғафлатда қолдик. Бу ерлардан вақтида думни тугиш керак эди.

**Ёқуббой** (*пичирлаб*): Балки, ҳалиям чораси топилар, нима дейсиз, бой?

**Ақромхўжа** (*аччиғи чиқиб*): Ёш болага ўхшайсиз-а, Ёқуббой! Аввал бу ердан чиқишни ўйласак-чи.

*Орага яна жимлик тушади.*

**Шарофбой** (*чуқур хўрсиниб*): Юртни ташлаб қаёққа кетасиз, Ёқуббой?! Нима бўлсаям, ўз юртингда бўлганинг маъқул.

**Ақромхўжа** (*илқисдан юзини юзига яқинлаштириб*): Нима бўлсаям, ўз юртингда бўлганинг маъқул дейсиз-да, а?! (*Вишиллаб*) Ўз вақтида туёғини шиқиллатиб қололмагани сабабли оқподшо Николай бола-чақаси билан қўшиб отиб ташланганидан хабарингиз бордир?!

**Шарофбой** (*тасбеҳ ўғиршидан тўхтаб*): Шунга ўхшаш ваҳимали гаплар кулоққа чалинганди. Лекин... ўзини ўлдиришган бўлсаям, бола-чақасига тегишмагандиров...

**Ақромхўжа** (*ўйланиб*): Билмадим... Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди...

**Низомхўжа**: Оқподшо ҳам ўз вақтида қанча жонларнинг бошига етган. Энди замон қизилларники, кўнглига келганини қилади-да.

**Ёқуббой** (*йиғламсираб*): Ана, айтмадимми? Бу худосиз чулчитлар ҳаммамизни отиб ташлайди...

**Шарофбой** (*жаҳли чиқиб*): Нафасни иссиқ қилинг, бой! Нима гуноҳ қилибмизки, бизни отишади? Оқподшо бўлмасак...

**Ақромхўжа**: Шомансур, Усмон қори, Юнусхўжаларнинг гуноҳи не эди? Бой бўлганими? Ё ўз мол-мулкени ўз кўли билан ялангоёқларга топширишни истамаганими?

**Ёқуббой** (*пичирлаб*): Умр бўйи йиққан давлатингни кўчадан ўшқириб келганларга икки қўллаб қандай топширасан? Ахир бу бойлик осмондан тушмаган-ку!

**Ақромхўжа**: Яшанг! Оқибат бор-будидан айириб, хотинхалажу бола-бақраси билан бирга борса келмас ерларга гум-

дон қилиб юборишди падар лаънатилар... Буни отувдан нима фарқи бор?!

**Ёқуббой** (*тиззасига муштлаб*): Ундан-да ёмон, ундан-да ёмон!..

**Низомхўжа** (*тоқати тоқ бўлиб*): Ҳали ундан-да ёмон бўлади! (*Ҳамма жим бўлиб унга анграйиб қолади.*) Ҳуқуқимиз, эркимиз қўлдан кетди. Биз энди қулмиз. Энди бизни хоҳлаган қўйга солишади. (*Аччиқ истеҳзо билан.*) Негаки нодонмиз! Кўрмиз! Биз фақат ўз манфаатимиз ташвишини чекамиз. Бунинг учун Ватанни ташлаб қочишга ҳам тайёрмиз. Миллат келажаги, миллат равнақи деган тушунчалар бизга бегона!

**Акромхўжа**: Ука мулло, нега жизғанақ бўляпсиз?

**Ёқуббой**: Тушунмадик, бизни бир нимада айбляпсизми?

**Шарофбой**: Сиёсатни тушунмасак...

**Низомхўжа**: Балли, тушунмайсиз. Билъакс, тушунмоқ лозимдир. (*Тутақиб*) Еб-ичиш, мол йиғиш, беш вақт намоз ўқишдан бошқа юмушлар ҳам бор бу дунёда.

**Шарофбой** (*чўчиб*): Ҳай-ҳай, шаккоклик қилманг. (*Кўкрагига тўфлаб*) Беш вақт намоз Аллоҳнинг буйруғи...

**Низомхўжа** (*унинг гапига аҳамият бермай*): «Халқ ётса чекиб фарёд, ярамасанг кунига, элинг ётса дардга тўлиб, келолмасанг нажотга, нега келдинг ҳаётга?!» Чўлпон нидоси бу! Эшитганмисиз?

**Шарофбой** (*довдираб*): Нима, Аллоҳга қаршимисиз?

**Низомхўжа** (*бир оз тин олиб*): Мен эмас, қизиллар қарши. Лекин улар аввалига кунига беш маҳал юмалаб-туришдан бошқасини билмайдиган нодон уламоларни ўзларига шерик қилиб олишди. Уларга саждадан бош кўтармайдиган мутеъ, фикрсиз, мажруҳ оломон керак эди, миллий мухторият учун жон куйдиргувчи бизга ўхшаганлар эмас. Ўйлаган режалари амалга ошди, ана энди диндорларга ҳам қирон келади. Ахир бу миллат таназзули эмасми?

**Ёқуббой** (*ёқа ушлаб*): Ё, алҳазар! Нега бизга дўқ урасиз? Ҳукумат одамлари бўлмасак. Қўлимиздан нима келарди?

**Низомхўжа** (*шиддат билан*): Келарди! Туркистон мухториятини сақлаб қолиш мақсадида сиз каби бойларга қайта-қайта мурожаат қилгандик. Болшовойлар тахтга минса, бор-будингизни – банкдаги пулларингиздан тортиб итингизни ялоғигача мусодара қилишади деб обдан огоҳлантиргандик. Бироқ кўпларингиз миллионларингиз бўла туриб, тийинларни аядингиз. Ваҳоланки, бугун миллат бошига тушган фалокатнинг олдини олиш учун биргина чора бор эди. Миллий давлат! Миллий қўшин! Бунинг учун пул керак эди. Жуда кўп пул керак эди. Сўраб борсак, ўрис шўроси билан келишинглар, ўзбошимчалик, қаршилик яхшиликка олиб бормайди деб насихат қилиб жўнатдингиз, мана оқибат!

**Акромхўжа** (*жаҳли чиқиб*): Э, бўлди-е! Биздан нима ис-тайсиз, ўзи?! Шахсан биздан пул сўрамагансиз. Бу, бир! Қолаверса, ташвиқоту тарғиботларингиз билан одамни роҳатсиз қилманг. Ўзи, бўларимиз бўлиб турибди. Бунақа гапларнинг иси чиқса, биласизми, нима қилишади? Фитнада айблаб молимиз тугул, жонимиздан ҳам айиришади.

**Низомхўжа** (*алам билан*): Ҳа-а!.. Ҳайрат бармоғимни тиш-ламасдан иложим йўқ! Эсиз, миллат! Эсиз, илму урфон! Бунча кўргиликлари кўп экан бу юртнинг! Аввал Дорою Искандар хужуми, араблар истилоси, кейин Чингиз босқини, сўнгра ўрислар мустамлакаси, яна етмагандек, булардан ҳам баттар маддох, жоҳил, мутаассиб уламолар ҳукмронлиги ва, ниҳоят, қизиллар зўравонлиги! Буюк маданият ўчоғини галма-гал адойи тамом қилишди-я! Барчасига сабаб ўзимиздаги тарқоқлик, қўрқоқлик! (*Овози титраб кетади.*) Алам қилар экан кишига. Афсус, минг афсус! (*Ҳамхоналарининг бири тааж-жубланиб, бири энсаси қотиб қараб қолган.*) Молингиз, жонингиз ғамида юраверинг, тақсирлар! Бира тўла ҳаммасидан айриласиз.

**Шарофбой**: Астағфируллоҳ! Эй Аллоҳ, ўзинг раҳм қил! Ўзинг асра!..

**Акромхўжа**: Ё, тавба!..



**Ёқуббой:** Ё, алҳазар...

*Шарофбой титраётган бармоқлари билан шоша-пиша тасбеҳ ўзира бошлади. Бало қайтарар дуони такрор-такрор ўқиб, ўзига ўзи яна дам урмоққа тушди.*

**Шарофбой:** Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун. Алла хуммаъжурни фи мусибати вахлиф ли хайра минҳа! Куф, куф...

*Юзлари жаҳлдан бўғриққан Ақромхўжа эса у ёқдан бу ёққа юриб, аламини яна соатидан ола бошлади: «чиқ» этиб очади, қарайди, «шиқ» этиб ёпади, сўнг чўнтагига солади. Сал ўтмай яна олади, очади, қарайди, ёпади ва солади... Ёқуббой тиззасига бир уриб ўрнидан туриб кетди-да, «уф» тортиб хона бўйлаб юра бошлади. Фақат Иброҳим ҳожи ўша-ўша, ҳамон гапга аралашмай, чуқур ўйга ботганча кўзларини ерга тикиб жойида ўтирарди.*

**Муаллиф:** Иброҳим ҳожи жуда ёмон аҳволга тушиб қолган эди. Бу жадид йигитни у бир қарашдаёқ таниди. Исми ҳам ёдида – Низомхўжа! Хорижда таҳсил олиб келган, тўрт-беш тилда бемалол гаплашадиган бу йигит ҳақида ўғилларидан кўп мақтов гаплар эшитган, бир-икки бор улар даврасида кўрган ҳам. Лекин бугун таниб танимаганликка олди. Айниқса, бойлар билан Низомхўжа орасида ўтган «даҳанаки жанг»дан сўнг у билан нигоҳлари тўқнашиб қолмаганидан хурсанд ҳам бўлди. Аммо бу одобсизлигидан жуда хижолат чекди. Ўз-ўзидан уялди. Эҳтиёткор бобом ўз ички туйғусига кулоқ солиб, пичоқ тиғида юргувчи бундай кишилардан на-рироқ туришни афзал билди. Низомхўжанинг куйиб-пишиб айтган гаплари маънисига жудаям етмаган бўлса-да, виждонини тирнаб ўтди, қаттиқ таъсирланди. Лекин унинг хукумат одамлари назарига тушгиси йўқ. Шусиз ҳам ташвиши бошидан ошиб ётибди...

Бобом йирик мулкдорлигидан ташқари кўп хотинли бой ҳам эди. Бу эса янги тузумда катта айб саналарди. Аслини олганда, бобом беихтиёр кўп хотинли бўлиб қолган экан. Аёлларининг аксари камбағал оиладан чиққан, ота-оналар ўз қизларини бой бувамга назир қилиб олиб келишган. Отамнинг онаси, менинг бувим Нисобуви ҳам камбағал, серфарзанд сўфининг қизи бўлган. Иброҳим ҳожидек ҳотамтой бойнинг қариндошига айланиш ночор оилалар учун айти муддао эди. Негаки бой куёв оила ташвишларини ўз зиммасига олиб, қайнотанинг қолган қизларини узатарди, ўғилларини уйли-жойли қиларди. Ахир қанчадан-қанча норғул йигитлар ночорлиги туфайли тоқ ўтиб кетишган. Лекин ҳозир масаланинг бу томонини ким ҳам суриштириб ўтирарди дейсиз. Бой бувамини қаттиқ ташвишга солиб қўйган яна бир сабаб бор эди.

Бувам фарзандларининг илм олишига кўп аҳамият берар, вақти-соати етганда ўғиллар мадрасаларда, қизлар отинлардан сабоқ олишган. Етимпарвар ва саховатли бой деб танилган бобом камбағалларнинг болалари хат-савод чиқаришига ҳам қўлдан келганча ҳаракат қилган. «1903 йили Тошкентнинг Бедабозор маҳалласида бир жомеъ масжид ва йигирма ҳужрали мадраса қурдириб, шаҳар бозоридаги бир неча дўконни таъминотчи қилиб белгилаган. Мадрасадаги қирқ талаба Иброҳим ҳожи таъминотида таҳсил олар экан...»<sup>2</sup>

Бувамининг икки ўғли – Аҳмаджон қори билан Абдумажид ХХ аср бошида Туркистонда кенг ёйилган, миллий уйғониш ва тараққиёт ғояларини тарғиб қиладиган жадиличилик ҳаракати фаолларидан эди. Инқилобдан сўнг эса ҳуррият ва ватанпарварлик шиори остида чет элга, хусусан, Германияга ўқишга юборилган ёшлар орасида бўлган. Лекин кўп ўтмай уларга «ватанфуруш», «чет эл жосуслари» деган тавқонат ёпиштира бошлашади. Вазиятнинг бундай кескин тус

---

<sup>2</sup> Зикир Муҳаммадҷонов. Улуғлар орасида. – Тошкент: Шарқ, 2003.

олиши ўғиллар тақдирини таҳликага солиб қўйган, бувам эса боши берк кўчага кириб қолиб, нима қиларини билолмай гаранг эди.

Умр бўйи қилинган меҳнат самарасини, фарзандлар камолини кўрар бир пайтда замон чаппасига айланиб, наҳот, хонадони вайрон бўлса?! Аёлларининг, бир этак болаларининг тақдири қандай кечади? Ўзи билан қўшиб узоқ юртларга бадарға қилиб юборилмасмикан? Ё кафангадо бўлиб, кўча-кўйда сарсон-саргардон юришмасмикан?.. Бобом шу каби даҳшатли ўйлар талвасасида эсанкираб қолганди. «Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! У бунга йўл қўёлмайди! Нажот йўли бўлиши керак. Ва у буни албатта топади!»

*Иброҳим ҳожи беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Худди шу пайт эшик очилиб, ҳарбий кийимдаги соқчи кириб келди.*

**Соқчи** (қўлидаги қоғозга қараб): Ораларингда ким Иброҳим ҳожи Каримбой ўғли?

*Турганлар соқчига қараб донг қотиб қолишади. Дақиқа ўтмай беихтиёр Иброҳим ҳожи томонга юз бурадидилар...*

**Муаллиф:** Ўша куни Иброҳим ҳожи қамоқдан озод қилинади. Маҳкама эшиги олдида йиғилганлар бобомни кўқон аравага ўтқазиб Кўкчадаги чорбоғларига олиб бориб қўйишган экан. Хўлу қуруқ баробар ёнаётган замонда шунга ўхшаш воқеа юз берганига ишонгинг келмайди. Чиндан ҳам, бобом Иброҳим бойни камбағал косибу деҳқонлар бирлашиб қамоқдан қутқаришган. Мен буни отамдан эшитгандим.

### **Лавҳа**

*Иброҳим бойнинг меҳмонхонаси. Уй ортиқча дабдаба ва ҳашамдан холи. Токчаларга дид билан терилган хитой жонон чинниларию ерга тўшалган, оловдай ёниб турган эрон гилами*

*меҳмонхонанинг асосий кўрки. Бугун бу ерга бойнинг оиласи жам бўлган. Катта хонтахта атрофига солинган беқасам кўрпачалар устига катта ўғиллар чордона қуришган. Тўрда бой тасбеҳ ўзиган кўйи нимагадир шайлангандек бетоқат ўтирибди.*

*Меҳмонхонага ёндош чоғроқ хонада бойнинг хотинлари Сифат ойи, Адолат ойи, Жаҳонбу, менинг бувим Нисобуви, Кичик ойи ва бўй етган қизлари, танча атрофида эса дорга тизилган қалдирғочлардек бойнинг гўдак фарзандлари ўтиришибди. Бувамининг тўнғич фарзандлари қирқ ёшларга бориб қолган бўлса, танча атрофидаги бу гўдаклар икки-беш ёшдан ошмасди. Уларнинг орасида кенжа ўғиллардан отам Абдумалик ҳам бор эди. Ярим очиқ эшик атрофида чўк тушган оймларнинг бутун диққат-эътибори меҳмонхонада бўлаётган гап-сўзларда. Кези келганда болаларнинг чуғур-чуғури, тўполонини ёлғон лўписа билан босиб туришади.*

**Иброҳим ҳожи:** Ҳаммангизни фавкулодда йиғишимдан мақсад кейинги воқеалар туфайли туғилган фикр-мулоҳазалардан сизларни хабардор этиб қўйиш ва бу ола-тасир кунлардан оилаларимизни эсон-омон олиб чиқиш йўлида қандай тадбирлар кўрмоқ лозим, шулар ҳақида кенгашмоқдир. Аллоҳга шукр, бундоқ замонларни кўриш ҳам пешонамизга битилган экан, кўриб турибмиз... *(Ўйга толади. Ўғиллар қилт этмай, отага диққат қаратишган.)* Эртага қандоқ замон келур, фақат Аллоҳга маълум. Бироқ юз бераётган ишлардан ва мулоҳазали кишиларнинг фикрларидан шу нарса аниқлашяптики, олдимизда жуда мушкул ва мавҳум кунлар турганга ўхшайди. Бундай пайтда шамолга қарши юриш аҳмоқликдир. Ахир бекор айтилмаган-ку замон сенга боқмаса, сен замонга боқ деб. *(Ўғиллар бетоқатлана бошлайди.)* Хуллас, гапимнинг индаллоси шулким, мен шу бугунгача йиққан бор мол-давлатимни янги ҳукуматга топширмоқчиман. Мазкур тадбирни кечиктирмасдан тезда адо этиш даркор. Болшовойлар аввалроқ эшигимизни яна бузиб киришса – бу ҳодиса

бир кунмас, бир кун албатта юз беради – унда хонадонимизга қирон келиши аниқ...

*Ҳамма қарахт аҳволга тушиб қолади. Фақат аёллар хонасидан Сифат ойимнинг «Вой, шўрим!...» деган нидоси эшитилади. Тек ўтиришдан тоқати тоқ бўлган Абдумалик ва Кичик ойининг унга тенгдош ўғли Ҳусниддин бир-бирига қитмирлик қилишга тушади. Кичик ойи даст ўрнидан туриб, болақайларни тинчителишга шошилади.*

**Исмоил қори:** Ота, тушунмадим, бутун мол-давлатим деганингизда нималарни назарда тутаяпсиз?

**Иброҳим ҳожи (чуқур хўрсиниб):** Пахта заводи билан кўн заводлари, Эски Жўвадаги қаландархона, Оназирдаги буғдой, пахта далалари ва уларга туташ боғ, чорва моллари ҳамда... ҳамда Николай тиллалари... Хуллас, бизга қарашли ҳамма бойлик.

**Исмоил қори:** ...Бизга қарашли ҳамма бойлик? Булар қаторига бизга – ўғилларингизга тегишли мулк ҳам қирадимми?

*Ота бир неча дақиқа жавоб беролмай, бошини эгиб қолади, томоқ қириб қўйиб, гапини давом эттиради.*

**Иброҳим ҳожи:** Балки, менинг қарорим болшовойлар эътиборини сизлардан бир оз четга олар... Лекин, барибир, бор-будингиздан айрилиб қолмаслик учун ҳам мулкингизнинг бирор қисмини берганингиз маъқул. Ўз хоҳишингиз билан! Ҳа! Бермасангиз, барибир, тортиб олишади. Жаҳллари чиқса, юртдан бадарға ҳам қилишади. Шундоқ экан, мол кетса кетсин, жон кетмасин. Кўзни чирт юмиб, кеч бўлмасдан сизлар ҳам давлатингизнинг бирор бўлаги баҳридан ўтмоғингиз керак.

**Сифат ойи (ичқари хонадан):** Вой, шўрим, давлатингизни чоракорларга бериб, ўзингиз нима иш қиласиз?! Уларга чоракорлик қиласизми?!

**Иброҳим ҳожи** (*Сифат ойининг эркакларнинг гапига аралашгани ёқмайди*): Мен ҳукуматга топшириш керак деяпман. Чоракорларга эмас.

**Муҳаммаджон:** Фарқи нима? Ҳукумат чоракорлар ҳукумати бўлса!..

**Юнусвой:** Қизик, бу бойлик, бу хўжалик саводсиз йўқсиллар кўлига ўтгач, улар нима қилишади, ота?! Бошқаришни, иш юритишни билишмаса...

**Мансур:** Нима қилишарди, пешона теримиз билан топган мол-мулкимизни ҳавога созуришади таги пастлар!..

**Иброҳим ҳожи** (*жаҳли чиқиб*): Тек ўтир, аҳмоқ бола. Бундай гаплар сенга ярашмас. Улар ҳам сени мендек одам!

**Сифат ойи** (*йиғламсираб*): «Сену мендек» деб бошингизга чиқариб олдингиз, мана, энди оқибати...

**Иброҳим ҳожи** (*овозини ичкарига йўналтириб*): Нонкўрлик қилманг, ойим, шу хизматкорларим-ку мени қамоқдан кутқариб олиб чиққан.

**Юнусвой:** Ҳақиқатан ҳам, хизматкорларингиз сизни эъзозлашади. «Камбағалпарвар бой» деб, эҳтимол, сизни бу ёғига кўпам безовта қилишмас.

**Иброҳим ҳожи:** Мен ўзимни эмас, сизларни ўйлаяпман, жигарларим. Сибир ўрмонларида ё ўзга юртларда йўқ бўлиб кетманглар деяпман. Менга ўхшаб камбағалларнинг оғирини енгил қилиб келган бойлар каммиди?! Улардан яхшилик кўрган камбағаллар каммиди?! Лекин бу кўп бойларни бадарғалиқдан, шармисорликдан, кафангадоликдан асраб қололмаяпти-ку! Нега деб сўрамайсизми? Чунки Жўравойга ўхшаш садоқатли кишилар ҳамма вақт, ҳамма ерда ҳам топилавермайди. Аксинча, бундай пайтлари ғаразгўй чақимчилар урчиб кетади. Шундай экан, Аллоҳнинг бу иноятдан тантиқланмаслик керак. Энди янада эҳтиёт бўлиб туриш керак. Элга келган тўй, бундан ҳеч ким бебаҳра қолмас...

**Муҳаммаджон:** Хўп, ота, лекин катта ойимнинг саволларига жавоб бермадингиз. Бор-будимиздан жудо бўлиб, биз кейин нима иш қиламиз?

**Иброҳим ҳожи (оғир хўрсиниб):** Авваламбор, бор-будингиздан айрилмайсиз. Қолаверса, илмли-хунарли одам хор бўлмайди. Аллоҳга шукр, бундан бенасиб эмассиз. Янги ҳукуматга ҳам шундай одамлар керак, иншооллоҳ. Тинчлик бўлиб турса, насибаларинг ерда қолмас. Ҳа, яна бир гап... Исмоил, Гермонга – укаларинг Аҳмаджон билан Абдумажидга тезда хат ёз. Ўқишни йиғиштириб юртга қайтишсин. Бундай вақтларда ҳаммамиз бирга бўлганимиз маъқул.

*Адолат ойи билан Жаҳонбу бир-бирига қараб кўйиб, келган йиғини қайтариш учун этак учини кўзларига босадилар.*

**Мансур (алам билан):** Бундай бододликка қандай чидаш мумкин! Бу ахир талончилик-ку!

**Иброҳим ҳожи (жаҳли чиқиб):** Бу қилган гуноҳларимизнинг жазоси! Бу кибр-ҳаво, худбинлигимизга жавоб. Ҳаммамиз ҳам инсоф-диёнатли бўлолдикми? Мискиннинг бошини силай билдикми? Аллоҳ бизга давлат берди. Синамоқ учун. Уни муҳтожлар билан баҳам кўрмоқ учун. Лекин биз қандай йўл тутдик? Айш-ишрат, роҳат-фароғат кўзларимизни кўр қилди. Раҳм ўрнига зулм қилдик. Халқни кўп эздик. Мана оқибат! Халқ кўзғолди, энди тўхтатиб кўр-чи. Оломон йўлида учраган нарсани бузиб, ер билан яксон қилиб кетмоқда. Кўп вақтлар бойлардан тортган барча азоблари ўчини олмоқда.

**Мансур (йиғлагудек бўлиб):** Биз нима қилибмиз, уларга азоб берибмизми?

**Иброҳим ҳожи:** Биз бўлмасак-да, бизга ўхшаган кўп тўқлар хўп инсофсизлик қилган. Жазосини энди ҳамма тортади. *(Бир дақиқа сукут сақлайди.)* Денгизда пўртана босилиб, сув юзи тиниқлашгунча, қоронғилик чекингунча сабр айламоқ лозим. Ақлни пешлаб иш кўрсак, иншооллоҳ, яхши кунларга ҳам эсон-омон етиб олармиз.

**Муаллиф:** Бобомнинг бу қарори кечагина керилиб юрган амакиларимнинг ўктам қаддини дарров букди. Мағрур

бошлар эгилиб, изтиробли ўйлар уммонига шўнғиди. Буви-ларим эса гўдақларини бағирларига босиб, ғусса тўла кўзларини номаълум, қоп-қоронғи нуқтага тикканча серрайиб қолдилар...

Аёллар бўлмасида у ёқдан бу ёққа чопиб, яна тўполон қилишга тушган Абдумаликни онаси Нисобуви кўлидан тутиб олади. Бағрига босиб, беихтиёр йиғлаб юборади. Ким билади, бувим ҳали ҳеч нарсадан хабари йўқ, кўзичоқдек дўмбалоқ ошиб юрган қуралай кўзли жажжи ўғилчасининг мавҳум, мавҳумлиги билан кўрқинчли дунё домига тушиб қолганини ҳис этиб йиғлаб юборгандир. Ким билади, отасининг эркатойи, оналарининг суюнчагини энди тақдир сийламаслигини она юраги билан сезиб йиғлаб юборгандир...

### **Лавҳа**

*Ҳамма тарқаган. Фақат Иброҳим ҳожи ўзи билан ўзи қолган. Хона сув қуйгандек жимжит. Гоҳ-гоҳ ташқаридан укаларини тергаётган қизларнинг танбеҳлари, оймларнинг «Ҳой, самовар ўтини янгилаб қўй» деган овозлари элас-элас эшитилиб қолади. Ҳожи ниҳоятда толиққан ва маҳзун. Хонтахта четида илиниб турган бир қўли пастга шалвираб тушган. Тиззага тиралган иккинчи қўли билан пешонасини ушлаган. Маҳси учига қадалган нигоҳида ададсиз ғусса. Бирмунча вақт ўтгач Сифат оyi чилим кўтариб кириб келади. Эҳтиёткорлик билан эрига тутқазади. Иброҳим ҳожи бошини кўтариб, нима гаплигини тушунмагандек хотинининг юзига бир оз тикилиб туради. Сўнг чилимни олиб, ҳардамхаёллик билан қуриллатиб торта бошлайди. Ташқаридан қизларидан бирининг овози келади: «Ҳой Абдумалик, шумтака! Туш нарвондан. Йиқиласан». Бой овоз келган томонга бошини ўгиради.*

**Сифат оyi:** Кенжатойингиз Абдумалик ёмон шўх бўлибди-да. Ерга отса, кўкка сапчийди-я.



*Ташқаридан яна қизнинг нўписаси эшитилади: «Ҳой, Малик, агар ҳозир настга тушмасанг, отамга айтаман. Таъзирингни беради».*

**Иброҳим ҳожи:** Бор, қара, яна йиқилиб юрмасин.

*Сифат ойи ўрнидан туриб ташқарига чиқади.*

**Сифат ойининг овози:** Инобат, эплотмасанг бор, акаларингга айт, эҳтиётлаб нарвондан тушириб қўйишин.

*Сифат ойи қайтиб хонага киради. Бойнинг қаршисига оҳиста чўккалайди.*

**Сифат ойи (эҳтиёткорлик билан):** Отаси... бўлаётган ишлар, албатта, кўпроқ сизга аён. Лекин бор-будингиздан татом айрилмай... яъни айтмоқчи эдимки... лоақал, (овозини пасайтириб) тиллаларингизни... (Бой унга қарайди. Сифат ойим баттар довдирайди) ...Яъни айтмоқчи эдимки, тиллаларингизнинг бирор қисмини олиб қолсангиз... Нима, ҳукумат билиб ўтирибдими?..

**Иброҳим ҳожи (бирдан тутақиб қўлини хонтахтага зарб билан уради):** Билиб ўтирибдими?! Ҳа, билиб ўтирибди! Бугун бўлмаса, эртага албатта билиб олади! Бир им қоқса, айғоқчилари аниқлаб беради! Кейин нима бўлади, биласизми?! Мени олиб бориб яна қамаб қўйишга яхши баҳона бўлади. Мен-ку, майли-я, уруғ-аймоғингизга қирон келади. (Борган сари жазавага тушиб) Хўп, майли, тиллаларни яшириб қўйдик ҳам дейлик. Уни ҳеч ким топиб бермади ҳам дейлик. Лекин биттасини ҳам ишлата олмасангиз яшириб қўйиб нима қиласиз?! Аёлларнинг сочи узун, ақли калта деб бекор айтишмас экан-да...

*Бутунлай довдираб қолган ойим аламдан йиғлаб юборади.*

**Сифат оий** (*йиғлаб*): Ҳа, эркактларнинг ақли узунлигидан ҳаммаёқ кунпаякун бўляпти!..

*Аччиқ устида айтиб юборилган бу гап бойга қаттиқ таъсир қилади. Пиқ-пиқ йиғлаётган Сифат ойига қараб бир неча дақиқа тек қотади.*

**Иброҳим ҳожи** (*эзилган кўйи*): Ҳа, балли... ҳаммаёқ кунпаякун бўляпти... Оламни тўфон тутиб, оқ-қорани фарқлай олмай қолганда тўғри йўлни топиш осон эканми? Шундай қалтис пайтда ақл билан иш кўриш, сабр қилиш жоиз эмасми, ойим!

*Сифат оий индамай кўз ёшларини артади. Бир хўрсиниб кўяди-да, рўмолини тўғрилаб ўрнидан туриб кета бошлайди.*

**Иброҳим ҳожи:** Исмоил! (*Сифат оий тўхтайдди.*) Мен анави кун турмада Аҳмаджон билан Абдумажид ўғилларингни хорижга ўқишга юборишда елиб-югурган муаллими Нозомхўжани учратдим. (*Ҳаёлланиб*) Юраги катта, шижоатли йигит экан. Отасига раҳмат! Бироқ умри қисқага ўхшайди.

**Сифат оий:** Вой, ўлай! Нега ундай дейсиз?

**Иброҳим ҳожи:** Замондан орқада қоляпман, шекилли, кўп гапларига тушунмадим. Лекин ниятлари улуғлигини ва айни шу ниятлари унинг бошига етажагини тушундим.

**Сифат оий:** Бу деганингиз нимаси, отаси?

**Иброҳим ҳожи** (*хотинининг юзига тикилиб*): Бедаво дунёни даволаб бўларканми? (*Ҳазин илжайиб*) Бўл-май-ди. Буни тушунмаганларнинг ҳолига вой. Ҳамма нарса Аллоҳ ҳукмидадир. Буюрганига чидам билан бош эгишдан ўзга чора йўқ... Бўпти, боравер. (*Иброҳим ҳожи бир нима эсига тушгандек Сифат оийни яна тўхтатадди.*) Шошма!.. Исмоилни чақиртир... (*Ўз-ўзига гапиргандек*) Гермонга хат ёзмай турсин. Ўғилларинг ҳозирча ўша ёқда юргани маъқул...

**Сифат оий** (*йиғламсираб*): Ахир...

**Иброҳим ҳожи** (*гапани бўлиб*): Ҳозирча!.. Кейин кўрамиз...

**Муаллиф:** Кўп ўтмай совет ҳокимияти ўрнатилган барча худудлар бўйлаб бойларни ёппасига қулоқлаштириш ва сургун қилиш янада авжига чиқади. Масжиду мадрасалар, карвонсаройу йўллар, шифохонаю мактаблар қурдирган қанчадан-қанча маърифатли бойлар бу улкан тўфоннинг дастлабки қурбонига айланди.

### **Тасвирда:**

*Оркестрнинг тантанавор садолари ва жанговар нутқлар остида бадарға қилинаётган кафангадо одамлар, хотин-халаж ва болаларнинг кўкни тутган дод-фарёди.*

**Муаллиф:** Ҳали олдинда бундай қурбонликлардан қанча-қанчаси бор. Пўртана нафақат бой, аслзода зодагонларни, ўқимишли маърифатпарвар зиёлиларни, олиму фузалолар, шоиру ёзувчиларни, балки косибу деҳқонлар, ҳатто она сути оғзидан кетмаган болаларни ҳам ўз домига тортади. Лекин ҳали бундан беҳабармиз. Ҳозирча йўқсиллар ҳукумати камбағалларни неча асрлардан бери эзиб келган бойларни борбудидан айириб, шалоғи чиққан араваларда борса келмас ерларга сургун қилмоқда. Гўё халқнинг азалий орзуси тантана этмоқда!.. (*Фарёд овозлари тантанавор оҳанглар остида кўмилиб кетади.*)

*Орадан бир йилдан ортиқ вақт ўтган. Баҳор ёзга бўйлашган маҳал. Иброҳим ҳожи анҳор бўйлаб маҳзун бир аҳволда аста юриб келмоқда. Боши эгик, қўлларини орқага боғлаб олган... Олдинги сахналарда кўрганамиз бойга ўхшамайди. Кийиниши янада сиполашган, афт-ангори ҳам бир ҳолда – озган, букчайган, соқол-мўйлаби тамом оқарган. У энди «завудчи бой» эмас, дардчил мўйсафид.*

*Бойга хос салобат, оқ-сарик юзида доим барқ уриб турадиган мулоиймлик ва меҳрибонлик ўрнини ғуссага қоришиқ хоки-*

*сорлик эгаллаган. Лекин бу қулнинг хокисорлиги эмас, ўз қадри-ни билган, тақдирга тан берган ҳур одамнинг хокисорлиги эди.*

**Муаллиф:** Иброҳим ҳожи кейинги пайтлари йўлида учраган одамларга қарамасликка уринарди, уларнинг қаёққа яширишни билолмай қолган кўзларидан нигоҳини олиб қочишга ҳаракат қиларди. Бечора, ожиз одамларни хижолатга қўймасликка тиришарди. Гап шундаки, ҳамма бойларни халқ душманига чиқариб қўйган янги сиёсат кишилар онгига тезда сингишиб, уларга нисбатан душманга, зарарқунандага қарагандек муносабат пайдо қилган эди. Собиқ бойлар билан яхши муносабатда бўлиш ишчи-деҳқон ҳукуматига, адолатга, эзгуликка қарши чиқишдек гап эди. Одамгарчилик қон-қонига сингиб кетган баъзиларнинг саломига эса Иброҳим ҳожи катта қувонч ва миннатдорлик билан алик оларди. Лекин бугун у атрофни умуман кўрмас, сийрак саломларга ҳам жавоб бермас, ташвишли ўйлар бошини шу қадар чулғандики, ҳеч кимни пайқамас, оёқлари чалкашиб, гандираклаб борарди... Эрталаб кўз ўнгида содир бўлган ҳодиса Иброҳим ҳожини буткул довдиратиб қўйди. Кўрганларини ақлига ҳеч сиғдиролмас, юз берган воқеа дамбадам кўз олдига ёпирилиб келиб юрагини ғижимлаб оғритар, беҳузур қиларди. Иброҳим ҳожи саҳар туриб, қачонлардир заводлари учун пахта етиштириладиган ва моллар боқиладиган Оназирдаги мулкидан ўлиб қолмаслик учун ўзига қолдирилган бир парча еридан хабар олгани борганди. Кўкча дарвозадаги, Сассиққовуз, Оназирдаги пахта ва қўн заводларига йўл-йўлакай назар ташлаб ўтиш ҳам режасида бор эди. Шунинг учун от-аравасиз бир ўзи тонг азонда пиёдалаб жўнади.

Э, воҳ! Бу не кўргилик! Кечагина яшнаб турган иншоотлар бугун зах тортиб нурай бошлаган, гуриллаб ишлаб турган заводлар бир йил ўтмасданоқ ўлик чиққан ҳовлидек хувиллаб, ташландиқ ҳолга тушиб қолганди. У бутун мулкани болшовойларга икки қўллаб топширганида, мол аччиғи – жон аччиғи деганларидек, қадди букилган, лекин бунчалик эзилмаганди. Негаки умр бўйи йиққан-терганини халқ ихтиёрига

ўтказаётган эди. Мол-давлати эл корига ярайди деб ишонган ва бу ишонч кўнглини тинчлантирганди. Бугун эса далалар қаровсиз, моллар талон-торож, заводлар вайрон. Умр бўйи қилган меҳнатининг заволини кўриб туриш ва бу бедодликка чек қўйишга ҳаққи йўқлигини англаш бойни адои тамом этди. Бунинг устига, кўзлаган манзилига етиб боргач қиёмат қойим устидан чиқди. Қиёмат қойим Оназирдаги мулкига қўшни Ҳожимуроднинг хонадонидида қўпаётган эди.

### **Лавҳа**

*Қий-чув авжига чиққан. Аёл кишининг дод-войи, болалар йиғиси, эркаклар бақирғи бойни шу томонга юришга мажбур қилди. Ҳожимуроднинг эллик ёшларга бориб қолган хотини Ҳожар бошидан сирғалиб тушган рўмолига ҳам қарамасдан милтиқли икки йигит омордан олиб чиқаётган қопга икки қўллаб ёпишиб олган. Олтмишни қоралаб қолган бўлса ҳам, ҳали бақувват Ҳожимуродни эса яна икки киши зўр бериб босиб турибди. Уларнинг ўттиз ёшлардаги мулла ўғли Абдулла онасини тинчлантиришга, ичкарига олиб киришга ҳаракат қиляпти. Бақир-чақирдан қўрқиб кетган икки болакай овозининг борича бақириб йиғлаяпти. Уларни бағрига босган ёшгина жувон – Абдулланинг хотини бўлаётган воқеаларни эшик орқасидан кузатиб турибди. Катта-катта очилган шаҳло кўзларида ваҳима, қўрқинч қотиб қолган. Шу иш бошида турган қора шапкали, қора камзулли киши эс-ҳушини йўқотар даражада анграйиб қолган аёлнинг чиройли юзига зимдан қараб қўяди.*

**Ҳожар (додлаб):** Вой, дод! Бермайман! Бермайман дедими, бермайман! Болаларнинг ризқига кўз олайтирасанларми, уйинг куйгурлар?! Ундан кўра мани ўлдириб кетларинг... Вой, дод! Бермайман!..

**Ҳожимурод (йиғламсираб):** Ҳой ўғилларим, мусулмон фарзандимисизлар, ўзи?! Бу нима қилганларинг?

**Қора шапкали (гапини бўлиб):** Энди бу ёғига мусулмон-пусулмон деган гап йўқ...

*Бой гапираётган кимсага «ялт» этиб қарайди.*

**Иброҳим ҳожи:** Маматқул? Ўзингми?..

*Маматқул бир пайтлар валинеъматни бўлган Иброҳим ҳо-  
жигга кўз остидан қараб қўйиб гапида давом этади.*

**Маматқул:** ...Бой билан камбағал деган гап бор. Аввал кел-  
ганимда: «Камбағаллар бир бурда нонга зор пайтда сиз ёғли  
патир еб ўтирибсиз», – десам, «Менга ўхшаб тер тўкиб меҳнат  
қилса патир ейди-да», – дея бетгачопарлик қилгандингиз.  
«Яшириб қўйган буғдойларингни ўз вақтида ҳукуматга топ-  
ширинглар», – десам, «Ортиқчаси йўқ», – деб мени лақиллат-  
дингиз. Мана, бугун ортиқчасини топиб олдик...

**Ҳожимурод (ўзини зўрға босиб):** Ортиқчаси қани? Бола-  
чақага емиш бўлиб турган бир қоп уну ярим қоп гуручдан  
бошқа яна нима кўрдинглар? Ўғилларим, қўл кучи билан кун  
кўрадиган деҳқон бўлсам, менда ортиқчаси нима қилади?

**Маматқул (Ҳожар устига ётиб олган қопга ишора қилиб):**  
Бу нима, буғдой бўлмай, қўйнинг қумалоғими?!

**Ҳожимурод:** Бу уруғлик-ку! Эрта баҳорда экканларим ер-  
дан кўтарилмасдан чириб кетди. Вақти-соати келса, буниям  
ерга сочаман... Далани экишга тайёр қилиб қўйганман. Худо  
хоҳлаб яхши униб чиқса, кўпчилик бенасиб қолмайди...

*Маматқулнинг шериклари «Раҳм қила қолайлик» деган  
маънода унга мўлтирайди. Маматқул келин турган томонга  
яна бир қараб қўйиб, мулоҳаза қилаётган кишидек «уф» тор-  
тиб кўзини ерга тикади. Бунни ўзича тушунган Ҳожимурод ҳа-  
зин овозда ялинишда давом этади.*

**Ҳожимурод (Маматқулга қараб):** Ўғлим, бунни ҳам олиб  
кетсаларинг, хонавайрон бўламан... Инсоф қилинглар, ўғил-  
ларим, уйим куймасин. Курғоқчилик сабаб ўтган йил ҳосил  
бўлмади. Бу ёғига ҳам янги буғдой чиққунча ҳеч вақо йўқ. Ус-

тига-ушак, ўрисларнинг юртидан нон қидириб очлар ёғилиб келяпти. Қаттиқ очарчилик бўлади деган гап юрибди. Очарчилик бу – офат. Унга тайёр туриш керак...

*Маматқулнинг бирдан жазаваси тутиб, бақаришга тушади.*

**Маматқул:** Ҳали шунақа бузғунчи гапларни тарқатиб юрибсизми? Қанақа очарчилик? Қанақа офат? Ҳали бу гапларингиз учун маҳкамада жавоб берасиз! Собир, Эрмат, ол буни! Қўлини боғлаб аравага сол! Бу билан маҳкамада алоҳида гаплашамиз. Кўрсатиб қўяман сенга советларга қарши ташвиқот қилишни!

*Йигитлар Ҳожимуроднинг қўлларини қайириб аравага судрашади. Хотини билан ўғли отани ажратишга отилади. Ҳовлида яна қий-чув кўтарилади.*

**Ҳожимурод** (қўлдан чиқишга ҳаракат қилиб): Адолатларинг ҳали шуми?! Келиб-келиб, деҳқонни шиласанларми? Киссаурлик-ку бу ахир!..

**Маматқул** (бақариб): Сен деҳқон эмас, халқ душманисан, қулоқсан!

**Абдулла** (отасини тўсиб): Отамга тегманглар. Оладиган бўлсаларинг, мана, мени олиб кетинглар!..

**Маматқул:** Яхши! Мана бу муллаваччани ҳам отасига қўшинглар!

*Шундай деб илжайиб қўяди. Фавқулудда миясига келган қарордан жуда хурсанд бўлиб кетади. Келин додлаб ўзини эрининг оёқлари остига ташлайди. Гўдаклар йиғлаганча онасининг этагига ёпишади. Охири Иброҳим ҳожидан чидай олмай ўртага тушади.*

**Иброҳим ҳожи:** Абдуллага тегма! Оилани икки эркагидан айириб хонавайрон қилма, Мамат! Кўзи кўзингга тушиб ул-

ғайган тенгдошинг-а! Ҳа, хўп! Ҳожимурод ярим қоп уруғликни яширибди. Абдуллани нега бекордан-бекорга ҳибс қиласан? Аввал гуноҳини бўйнига қўй. Кейин қўлига кишан сол!

**Маматқул (сурбетларча):** Советлар ҳеч қачон бекордан-бекор қамамайди. Муллаваччанинг ишини тегишли жойда кўриб чиқамиз, гуноҳи бўлмаса, чиқариб юборамиз...

**Иброҳим ҳожи:** Гуноҳи нима экан? Гуноҳи илм ўргатганими? Гуноҳи ўз уйида мактаб очиб, камбағаллар боласини бепул ўқитиб, саводини чиқарганими?

**Маматқул:** Унинг гуноҳи камбағал болаларига эски, сарқит илмларни ўқитиб, мафкурасини бузаётганида! Отаси билан қўшилиб советларга қарши ташвиқот қилаётганида!

*Шу тобда Маматқул ўз-ўзидан ғурурланиб кетди. Бу гапларни топиб-топиб, ўхшатиб гапираётганига ўзи ҳам ҳайрон қолди. Иброҳим ҳожи ўзини қанчалик босиқ тутушга ҳаракат қилмасин, ҳукмдорлик нашидасидан маст бўлаёзган бу беҳаё, бу беандиша қулнинг тиржайган башарасига бир мушт туширгиси келди. Бироқ қўл қўтармади, шайтонга ҳай берди, лекин қалбининг туб-тубидан отилиб чиқаётган ғазаб кўзларида оташ бўлиб ёнди. Бошдан ҳушни олгудек бу ғазаб Маматқулни бир дам довдиратиб қўйди, нигоҳини ерга қадашга мажбур этди.*

**Иброҳим ҳожи:** Маматқул, бир кун бўлса ҳам тузимни ичгансан. Ҳеч курса, менинг ҳурматимни қил. Абдуллага тегма. Инсоф қил. Эркакларидан айрилган хонадон хонавайрон бўлмасин!

**Маматқул (эрининг оёқларини кучоқлаб олган келинга яна бир қараб қўяди):** Берган тузингизни миннат қилманг, бой ота!

**Иброҳим ҳожи (нафрат билан):** Бу ёғига мени «бой ота» демасанг ҳам бўлади.

**Маматқул (овозини пасайтириб, тағдор қилиб):** «Бой ота» бўлганингиздан кейин «бой ота» дейман-да, бой ота! Ав-



валамбор, сиз ўзингизни шукрингизни қилиб, фақир киши панада деганларидек, кўздан нари юриб турсангиз маъқул бўлармиди, а? Ҳа, айтгандек, Аҳмаджон билан Абдумажид ўғлингиз Гермондан ҳали қайтиб келмадимми?

**Иброҳим ҳожи** (кутилмаган саволдан довдираб қолади): А?.. Ҳа... Худо хоҳласа, ўқишни тугатиб қайтиб келишади...

**Маматқул** (бойга қаттиқ тикилиб): Ўғилларингиз чет элларда нима қилиб юрганини билмайди деб ўйлайсизми? Жуда яхши биламиз. Бир марта қутулиб қолдим деб бемалол-сиз-да! Ҳали шошмай туринг, сизга ҳам гал келиб қолади...

*Иброҳим ҳожи кутилмаган бу гапдан тошдек қотди. Қачонлардир ўз қаршисида итоаткорона мўлтираб турадиган бир қулнинг золим ҳукмдорга айланганини кўриб лол қолди. Ҳайвонот оламида думини қисиб ялтоқланадиган ит ҳеч қачон шер бўлолмайди, аммо одамлар дунёсида ит, қони бузилган одамхўр шерга айлана олар экан. Ҳозир унга қаттиқ тикилиб, хунук тиржайиб турган Маматқулга қараб Иброҳим ҳожининг миясидан шу фикр «ялт» этиб ўтди. Лаҳзалик довдирашдан ўзига келиб олган Мамат эса яна тантана қилар эди: Иброҳим ҳожидек бойни мум тишлатди-я! Қаршисида қалтираб, тили калимага айланмай қолишига мажбур қилди. Бундан номард кўкрак икки қарич кўтарилиб, атрофга ҳукмронларча қараб қўйди: шу ерда турганларнинг қисмати энди унинг қўлида. Уларнинг ҳаётини хоҳлаган томонга буриб юборишга қудрати етади. Бунга ўзини ҳақли деб ҳам билади.*

*Муллалар Аллоҳ номидан: «Уни қил, бун қилма», – деб халқни роса лақиллатиб юришаркан. Худо йўқ экан-ку! Энди унинг ўзи худо. У ўз тақдирини ўзи яратади. Бу серғалва ишда «худонинг йўқлиги» унга жуда асқотади-да. Ўз манфаати, олий мақсади йўлида виждон деган матоҳ қалбдан бутунлай юлиб ташланади. Тамом, вассалом! Бу ёғига хоҳлаган ишини қилавер. Энди унинг учун раҳм-шафқат бегона. Қалбида ўз қудратидан, кучидан завқланиш, лаззатланиш ҳисси кучайди. Ҳукмронлик туйғуси уни тамом эс-ҳушидан айирди. Бундай*

одам хоҳлаган кишини жисмидан тортиб то ғурури, руҳигача топтай олади...

Гаранг бўлиб қолган Иброҳим ҳожининг шуури бирдан тиниқлашиб, орқасидан биров тепиб юборгандек, қаттиқ силкиниб тушди. У миясига ногоҳ келган фикрдан чўчиб кетди: «Мамат унинг ўғилларига шаъма қиялтимми?» Уларнинг чет элдан қайтишини қора қузғундек пойлаб ўтирибдими? Худо кўрсатмасин, ўқишни битирдим деб кириб келишса, уларнинг қисмати ҳам тўсатдан йўқолиб қолаётган ёки «халқ душмани» деб қамалиб кетаётган ёш йигит-қизларникидек қаро бўлмасмикин? Бой шарт ўгирилиб орқага қайтди. Бу томонга нима мақсадда келганини ҳам унутди. Ота-ўғилнинг қўлларини боғлаб, қоп ва тугунлар жойланган аравага зўрлаб ўтқи-зишганини, қайнона-келиннинг сочларини юлиб, бошларидан тупроқ сочиб додлаб қолишганини, гўдакларнинг оталари орқасидан эргашиб бўзлаб югуришганини Иброҳим ҳожи кўрмади. У уйи томон шошарди. Аввалига чопиб борди, кейин тезлаб юрди, охири ҳаллослаганча секинлашиб қолди...

### **Лавҳа**

Иброҳим ҳожи юришдан тўхтаб, йиқилиб тушмаслик учун бир қўли билан пахса деворга суянди. Оғир-оғир нафас оларди. Йирик-йирик тер томчилари пешонасини қоплаган. Хаёлини ҳеч тарк этмаётган бир-биридан ёмон фикрлар юрагини ом-бирдек бураб нафасини сиқмоқда эди. Агар ҳозир, шу дақиқада ўзини қўлга олмаса, ҳоли хароб бўлишини аниқ сезди. У ўлимига кўпдан бери тайёр турса-да, айна шу тобда ўлишга рози эмас эди. Ўзини қўлга олиб, бир оз тинчланиш учун қулай жой ахтарди. Сал нарида деворга тиралиб турган катта харсангтошга бориб ўтирди. Юзини кўм-кўк осмонга буриб, кўзларини юмди-да, уч марта «Астағфирулло» деб пичирлаб, Оллоҳга мурожаат этди. Гуноҳлари учун афв тилаб, кўпнинг қаторида хонадонига, фарзандларига омонлик сўради. Шошмасдан, сидқидилдан илтижо қилди. Юрак уриши бир оз тинчлангандек бўлди, нафас олиши равонлашди. Кўзларини очиб оламни кўрди! Ажабо! Кўк-

да куёш чарақлаб нур сочар эди. Унинг шуъласи дарахт баргларини орасидан шўхлик билан ўтиб, жимир-жимирлаб ўйин тушар, анҳорда эркаланиб оқаётган тип-тиниқ сув қизалоқларнинг кулгусини эслатиб майин чулдирар, унга ёндош боғларда турли қушлар бир-бири билан дили изҳор этиб нағмалар қилар, анҳор бўйида бўй олаётган ёввойи ялпизларнинг куёш тафти таъсирида қўтарилган ўтқир ҳиди ҳавони тўлдириб, кишини сархуш айлар ва буларнинг ҳаммаси бир бўлиб ажиб уйғунлик яратар эдики, бу бахт деган жуда мураккаб тушунчанинг жуда оддий қўриниши эди. Табиатнинг бу гўзаллигини, улуғворлигини ҳеч нима бузолмасди. Дунёда юз бераётган тўнтаришлару эврилишлар билан табиатнинг ҳеч бир иши йўқ. Азалий ва абдий қонуниятини бузмай, одамлар ташвишини писанд қилмай, ўз ҳолича яшар эди. Ўз хусну тароватини борича кўз-кўз этиб, «Қарасанг-чи, дунё нақадар ажиб, гўзал, хузурбахш! Мазза қилиб яшасанг-чи, эй гумроҳ банда!» – дея уқтираётгандек бўларди. Одамлар-чи, афсус, борлиқнинг бу шивирини эшитмас, эшитолмас эдилар. Негаки улар гулдуросларни эшитишга мойил. Уларнинг кулоқлари тасир-тусур, дод-вой, ур-тўполон, даъват, қичқириқларни тинглашга мослашган. Бир-бирини йўқ қилиш, заҳарлаш, ўч олиш билан овора одамлар. Улар ойдин турмушларини ғурбатга, зулматга солишга устаси фаранг, хуллас...

Иброҳим ҳожи эса айни дамда шу шивирни илғагандек бўлди. Аллоҳ ҳадея этган буюк бахт мавжудлигини шу тобда теранроқ ҳис этди. Бироқ хотиржамлик, бахт энди ўзи учун олис ўтмишга айлангани ва бу оромбахш хузур уни бутунлай тарк этганини англаб етдию хўрлиги келди, ғусса тўла дардчил юзига кўзларидан дув этиб ёш тўкилди. Ҳеч нимадан уялмай кўз ёшларига эрк берди. Шу бир неча сонияда бутун ҳаёти кўз ўнгидан ўтгандай бўлди. Борлиқдан таралаётган куй бўғилиб-сиқилиб ётган қалб торларига урилиб кетиб уни юм-юм йиғлатганди. Энг яқин кишисига, онасига тавалло қилаётгандек, юзларини куёш нурларига бериб ёш боладай йиғлаб олди. Ғамларини тўкиб олди. Бир оз енгиллашгандек бўлиб атрофга қаради. Бахтига, ҳеч ким йўқ эди.

## Лавҳа

Иброҳим ҳожининг Кўкчадаги шаҳар ҳовлиси. Хотинлари, қизлари кундалик уй-рўзғор ишлари билан овора. Кўш деразали уйга тақаб солинган баланд айвонда катта хотинлари Сифат ойи ва Адолат ойи нималарнидир бичиб-тикиб ўтирибди. Сифат ойининг қўли игна-ипда бўлса ҳам, диққат эътибори ҳовлида бўлаётган ишларда. Кези келганда рўзғорга тегишли кўрсатмалар бериб туради. Каттагина ҳовлини кесиб ўтган ариқ бўйидаги лой супага қамиш бўйра ташланган, устидан гулдор наMAT тўшалган. Тўрт томонига кўрпача солинган. Ўртага супра ёйилган. Бойнинг яна икки хотини Жаҳонбу билан Нисобуви катта мис тоғораларда ҳамир муштраб нон ясашга ҳозирлик кўряпти. Бойнинг кенжа хотини Кичик ойи тандирга ўт қалаб тобига келтиряпти. Ҳовлини боғ билан ажратиб турадиган гувала девордан анча берида сершоҳ оқ тут соясига шолча тўшалган бўлиб, бойнинг чамаси 12-13 ёшлардаги қизлари Баҳринисо билан Ойнасиба ироқи дўппи тикиб ўтиришибди. Қошларида ўртаси билан қўйилган ўсма. Вақти-вақти билан қўлларидаги ишни ёнларига қўйиб, жонон пиёла орқасига сиқилган ўсма сувини нилчўп учига усталик билан илиб олиб, ўсмаси қовжираб қолган қошларини суғориб қўядилар. Баҳринисо отамнинг қориндош опаси бўлиб, Нисо бувимнинг ёлғиз қизлари эди. Баҳри аммам ёшлигидан айрича хусни, саришталиги билан бой бувамнинг бошқа қизлари орасида ажралиб турган экан. Самбитдек қадди-қомати, кишига маънодор боқувчи шаҳло кўзлари, елкаси оша тўлқинланиб, товланиб турувчи тақим ўпар қирқ кокили, яна булар етмагандек, нозик даҳаннинг ўнг четидаги атай ёпиштириб қўйилгандек қоп-қора холи бир қараган одамни такрор қарашига мажбур қилар эди. Овоздаги ажиб жаранг, шошилмай, салмоқланиб, ҳар бир гапни мулоҳаза қилиб гапириш одати ва ҳар қандай қалтис ҳолатда ҳам гўзаллигича қола билиш аммалари чинакам аслзода аёл мақомига кўтарган эди. Умуман, Иброҳим ҳожи фарзандларининг бари тик қоматли, қора қош, шаҳло кўз, пешонаси кенг, жуда

қўркам бўлган. Таъриф тавсифни шу ерда тўхтатиб, ҳовлидаги бошқа қатнашувчиларга эътибор қаратамиз. Бойнинг яна бир қизи Мушарраф чаққон ҳаракатлар билан самоварга ўт қалаяпти. У ишини тезда тугатиб, самовар мўрисиغا бир неча бор пуфлаб карнайини қаппайтириб қўяди-да, ариқ бўйида «ҳаммом пиш, узала туш» ўйнаётган укалари ёнига бориб чўккалайди. Мушарраф Баҳринисодай ҳусндор бўлма-са-да, жуда зукко, чаққон, хушчақчақ эди. Шеър ёзарди, қизлар даврасини қизитиб, шўх-шўх ҳангомалар ўйлаб топарди. Мен бувам, бувиларим, амакиларим ҳақидаги кўпгина маълумотларни шу аммамдан эшитганман.

Уч-уч ярим ёшлардаги Абдумалик билан Ҳусниддин узун калтакни от қилиб миниб олиб, супанинг атрофида чўх-чўх-лаб қийқириб, кимўзарга диконглаб чопиб юрибди. Бир-бирига етиб қолишса борми, иштиёқ билан ўрилган кокиллари тортмоққа тушишади. Супада нон ясаётган Нисобуви ва тандир тафтидан икки юзи қизариб кетган Кичик ойи ўғилларига меҳр билан қараб-қараб қўйишарди. Тера айвонда ўтирган Сифат ойи ҳам уларнинг шўхликларини кулиб кузатиб: «Ҳой шумтакалар, урилиб кетманглар», – деб танбеҳ бериб туради. Айниқса, Абдумалик тиниб-тинчимас, «от»ини чунонам чоптирадики, Ҳусниддинни йиқитиб устидан ҳатлаб ўтиб кетаверади. Орада супага сакраб чиқиб, онаси Нисобувининг кўкрагини тимирскилаб очиб, қўзига ўхшаб миқ-миқ эмиб олишга ҳам улгуради. Унинг бу қилиқлари ойимларнинг меҳрини ийтиб, уларнинг оналик қалбига бирдек қувонч бағишларди. Кўп хотинли бойнинг хонадонида ҳатто ўша давр учун ҳам фавкулудда хотиржамлик ҳукм сурарди. Қамчисидан қон томган, баджаҳл, қаттиққўл эрлар ўрнатолмаган тинчликни раҳмдил, беозор Иброҳим ҳожидан катта оиласида қандай қилиб ўрнатган, бу фақат Ўзига маълум. Аммаларимнинг айтишича, кундошлар жуда аҳил яшашган. Фарзандлар ўртада бўлган, барини ўз болаларидек яхши кўришган. Ўғил-қизлар ҳам барча ойимларни ўз оналаридек билиб, фарзандлик хурмати ва муҳаббатини баб-баравар улашишган.

Абдумаликнинг қилиқларига маҳлиё бўлиб қолган хотинлар Иброҳим ҳожининг эшикдан кириб келганини сезмадилар. Шу бир неча сония бойга ўз «салтанат»ига бир қур назар солиб олиш имконини берди. Ташқарида уфуриб турган «совуқ ҳаво» ҳали хонадонига кириб келмагандек туюлди. У довулдан қочиб пана жой топган йўловчидек бирдан хотиржам тортди. Қўрқув ва ваҳмдан зада бўлган қалби ийиб, синиқ чеҳрасига ним табассум инди. Иброҳим ҳожини биринчи бўлиб қўлоянани қошларига олиб борган қизлар пайқаб қолишди. «Вой, отам келдилар», – деб сакраб ўринларидан туриб, юз-кўзларини чайиш учун ариқ бўйига, очилиб-сочилиб ётган қип-қизил майда атиргуллар орқасига ўтиб кетишди. Хотинлар пешвоз чиқишга шошилдилар. «Ҳаммом-пиш» ўйнаб ўтирганлар ҳам: «Отам келдилар», – деб қийқириб, лой қўлларини ариқдаги сувда шапир-шупур ювиб шу томон югуришди. Болаларнинг тўполонидан тебранган райҳон ва атиргулларнинг муаттар бўйи ҳовлини тутиб кетди. Иброҳим ҳожи ўзи томон чопиб келаётган гўдакларини тўнанинг барини кенг очиб қутиб турарди. Беш-олти ёшлардаги Абдужалил, Абдусамад, Муҳсин, Мушарраф кимўзарга қийқириб тўн қаватига кириб кетишди. Болалар учун отанинг тўндан яралган уйи ажойиб дунё эди. Ҳам қоп-қоронғи ва сирли, ҳам меҳрибон иссиқ гўша. Улар бу гўшада қиқирлашиб бир оз шўхлик қилишгач, бой тўнини очиб гўдакларини «қоронғи уй»дан чиқариб юборди. Иброҳим ҳожи ҳориб уйга қайтганида жигаргўшалари билан ҳар гал шундай ўйин ўйнарди. Сўнг кичкиналарга попук, катталарига ширин кулчалар бериб бир дунё қувонч бахш этарди. Мушарраф аммам отасининг бу ўйинини то ўлгунча эслаб юрдилар. Ҳозир ҳам бу ўйиндан фақат болаларнинг эмас, бойнинг ҳам кайфияти кўтарилди. Ширинлик илинжида «от»да чопиб келган кичкинтойларига ҳам насибасини бериб, кокилларини силаб қўйди. Уларнинг ичларига сиғмай қувонишини оталик меҳри билан қузатиб туриб миясига келган қай бир ўйдан қалбини қора ўпқондай яна ғам босди. Елкалари бирдан чўкиб, букчайиб қолгандай бўлди. Оёқлари остида ҳеч нарсадан хабари йўқ,

*беғаму беташвиш ўйноқлаб юрган фарзандларига шу алпозда бирмунча вақт қараб турди-да, айвон томон ўйналди. Сўнг тўхтаб нигоҳини Сифат ойига қаратди.*

**Иброҳим ҳожи:** Мени тушликка чақирманглар. Дам олмоқчиман.

*Сифат ойи эрига савол назари билан қаради.*

**Иброҳим ҳожи:** Овқатланганман. Чой бўлса бўлди.

### **Лавҳа**

*Ўша таниш меҳмонхона. Хона салқин ва ним қоронғи. Қўш қаватли ойнаванд деразага осилган духоба парда ярим тортилган. Иброҳим ҳожи ичкарига кириб, эшик олдида бир оз тўхтаб қолди. Курсига бориб ўтирсаммикан ё кўрпачага чўзилсаммикин деб хаёлланди. Дераза олдида бир пайтлар Қозонда татар савдогаридан сотиб олинган ва ўша пайтлар камёб бўлган арғамчи курси хона буюмларига қўшилолмай, қўлларини белига тираган мисол гердайиб турарди. Бир оз тараддуддан сўнг аста юриб бориб курсига оғир чўкди. Курси қутилмаган ташрифдан лопиллаб кетди. Бир оз силкиллаб, кейин тинчиди. Бой ҳудди шуни қутиб тургандек негадир кафтларини юзига яқинлаштириб, бармоқларини, тирноқларини бирма-бир эринмасдан кўздан кечириб чиқди. Сўнг бармоқларини қаттиқ эзиб қарсиллатишга тушди. Чойнак қўтариб кирган Сифат ойи бойнинг ўзига ҳеч ярашмаган бу ғалати қилиғидан ажабланиб қаради. Аёлини пайқаган ва унинг кўз қарашида ҳайронликни сезган Иброҳим ҳожи қўлларини дарҳол курси бандига қўйиб, бошини орқага ташлади. Сифат ойи икки пиёла билан чойнакни хонтахтага қўйди-да, кетиш-кетмаслигини билмай остонада туриб қолди.*

**Иброҳим ҳожи** (бошини қўтариб, оймга паришонхотир қарайди): Парпихўжаникида овқатланганман... Ҳа, айтгандек,

Исмоил билан Муҳаммаджон ўғилларингга одам юбор. Мад-расадаги юмушларини барвақтроқ тугатиб менга кўринишин... Зарур гапим бор...

**Сифат ойи** (*хавотирланиб*): Тинчликми, отаси?..

**Иброҳим ҳожи** (*гапни бўлиб*): Тинчлик! Сен бор... Мени холи қолдир... Дам олмоқчиман!..

*Бойнинг овозида зардани пайқаб Сифат ойи тезда чиқиб кетади.*

**Иброҳим ҳожи** (*ўз-ўзига*): Қиладиган ишларимни ўйлаб олмоқчиман...

*Бой болаларининг кулгуси, аёлларининг шивир-шивири келиб турган ёпиқ деразага юзини бурди. Ким нима деяпти экан деган маънода эшитишга уринди. Хотиржам юзи бора-бора тиришиб, кўзлари қинидан чиққудек важоҳати ўзгара бошлади. Қулоғига чалинаётган кулгу йиғи-сиғига, ғувур эса дод-фарёд ва қарғишга айлана бораётган эди. У жон ҳолатда ўр-нидан даст туриб ташқарига отилди. Ҳовлида ўша-ўша ҳаёт ўз маромида давом этарди. Қўрқувдан ҳансираётган бой аҳволини биров сезиб қолмаслиги учун, гўё ҳеч нима бўлмагандек, у ёқ бу-ёққа хотиржам қаради-да, ичкарига секин кириб кетди. Энди бу гал арғамчи курсига эмас, хонтахта атрофига ёзилган кўрпача устига чўзилди. Кўзларини юмиб яхши хаёлларга берилишга, ухлашга уринди. Минг чиранмасин, ўйлашга бирор арзиғулик нарса тополмади. Бу ҳам етмагандек, сал олдин уни таъқиб қилишга тушган ваҳимали товушлар энди жонланиб, бор бўй-баста билан кўз ўнгида намоён бўла бошлади: Маматқулнинг қора шапка остидан қаттиқ тикилиб турган кўзлари, аёлларнинг фарёди, гўдакларнинг чирқираб йиғлаши ва яна бир хоин нигоҳ – Маматқулнинг Абдулланинг ожизасига ҳирсланиб қараб-қараб қўйиши бойнинг тамом тинчани олди. «Ҳаҳ, номард!... Бекорга айлагани етмагандек, яна бировнинг ҳасмига кўз олайтиради-я! Нияти ёмон бу аблаҳ-*



нинг!» – хаёлига келган фикр лабларидан беихтиёр сирғалиб чиқиб кетди. Ўз товушидан чўчиб кўзларини очди. Хона бирдан қоронғилашгандек туюлди унга. Ҳозиргина ёришиб турган кун хира тортгандек бўлди. Ё вақт ўтиб қуёш уфққа қараб шўнғиганини сезмай қолган, ё қуёш юзини қора булут тўсган эди. У шунни аниқлашни жуда истаса-да, ўрнидан кўзгалмади. Ёнига келишни ҳеч истамаётган уйқуни зўрлаб чақирди ниятида шундай қилди. Кўзларини чирт юмиб, оёқ-қўлларини бўш қўйишга уринди. Бугун кўрганларини хаёлидан қувлаб чиқармоққа тутинди. Ҳали йўлда шошиб келаётганида нима иш қилмоқчи эди, а?

Жуда бир муҳим юмушни бажариши керак эди. Дарвозадан кириши билан паққос эсидан чиқди-қўйди. Нима эди-я?.. Балки, ўша юмуш билан машғул бўлса, хаёли чалғирдимми... Нима эди-я?! Э, ҳа... Гермондаги ўғилларига хат ёзмақчи эди! Уйқу илинжидаги кўзлар яна очилиб кетди. Ахир ўғиллари Исмоил билан Муҳаммаджонни ҳам айни шу мақсадда чақиртирди-ку! Улар қандай қилиб бўлса ҳам бу хатни тезда укаларига етказишининг бежавотир йўлини топишлари керак. Бой ўғилларини чақирдишга чақириб қўйиб, ўзи хат ёзиши кераклиги хотирасидан буткул кўтарилганига ҳайрон қолди. Ўрнидан даст туриб, китоблар тахланган токчадан қоғоз, сиёҳдон олиб жойига бориб ўтирди. Шу пайт момақалдиноқ гумбурлагандек бўлиб, бунга катта-кичикнинг ташвишли овозлари ҳам қўшилди. Бу товушлар ҳақиқатда бўляптими ё яна унга шундай туюляптими? Бой шунни аниқлаш ниятида қўлидаги қаламни қўйиб ҳадиксираганча дераза олдига борди. Ҳақиқатан, ҳаммаёқни тўзғитиб шамол турган, осмону фалакни титратган момақалдиноқ гумбури ерга ҳам етиб келган. Ҳовлидагилар, супадагилар чувиллаб айвонга кўчаётганди. Қулоғига эшитила бошлаган товушлардан чўчиб қолган бой энди бир оз тинчланди. Лекин шу заҳоти эсидан чиқаёзган уч-тўрт кун олдинги туши янгитдан жонланди. Бой хотирасини яхшилаб ковлаштириб даҳшатдан бақириб уйғонишга мажбур этган тушини қайтадан тиклай бошлади...

...Ойдин кеча. Иброҳим ҳожи тақир ялангликда жунжикканча бир ўзи турибди. Сўнг бошини кўтариб осмонга қарайди. Ажабо, ойнанинг нури бор-у, ўзи йўқ. Ойнанинг симобранг совуқ шуъласи кўнглини ғашлаб хатар туйғусини уйғотарди. Бой атрофига жавадираб бирор тирик жонни қидиради. Ёрдам сўраб кимнидир чақирмоқчи бўлади, овози чиқмайди, бўғилади. Кўзга кўринмас, лекин мавжуд хатар у томон шиддат билан бостириб келаётганини ички шуур билан сезиб туради. Юзига қора ниқоб тутган номаълум хавотир қонини музлатиб, бутун вужудини шамол ҳукмида қолган ёлғиз баргдек титрата бошлайди. Ана шунда тақдирига тан бериб, «Менга омонлик йўқ экан, ажалим етибди» деган ўйда кўзларини чирт юмиб, ерга ётиб олади. Шу пайт момақалди роқ гумбурлайди. Қўрқиб кўзини очади.

Борлиқ сокин. На ёмғирдан, на шамолдан дарак бор. Ойнанинг шуъласи ҳам йўқолган. Осмон гирдобдай қоп-қорайиб ётибди. Лаҳад ичига тушиб қолгандай зўё. Момақалди роқ яна гумбурлайди. Ер силкина бошлайди. Бой жон ҳолатда ўрнидан туриб қочмоқчи бўлади. Лекин турган жойига михланиб қолган, кўз-ғалишига имкон йўқ. Шу пайт не кўз билан кўрсинки, қоронғилик қаъридан тўс-тўполон билан, бир қараса, қутурган буқалар подаси, бир қараса, ғазабдан эс-хушини йўқотган одамлар тўдаси у томон бостириб келяпти. «Шуларнинг оёғи остида қолиб кетарканман-да», – деб умидсизланиб турганида орқасидан чақмоқнинг овозини эслатувчи товуш эшитилади. Ўғирлиб қараса, отаси Каримбой. Билакдек келадиган узун арқонни қамчига ўхшаб қарсиллатиб ўйнаяпти. «Ие, отам ўлмаган эканлар-у, қўллараридаги ҳам ўзлари ишлаб чиқарадиган саноат арқонлари... Қандоқ яхши, отам тирик эканлар!» деган ўй хаёлидан лип ётиб ўтади. Каримбой арқонни ҳар силкиб ташлаганида ўғлига қараб: «Бу ёққа ўт, бўла қол, оломон тагида мажақланиб кетасан», – дея бақирарди. Бой нима қилишини билмай, бир оз талмовсираб қолади. Оқиб келаётган оломон эса омонлик бераман демас, бой қўрқанидан отаси томонига ўтиб олади. Оёғи бирдан юриб кетганига ҳайрон бўлиб ҳам кўяди. Отасининг орқасида туриб бундоқ қараса,

оломон ўғиллари Аҳмаджон билан Абдумажидни қувиб келётган эмиш. Негадир кичкина бўлиб қолган ўғлини опичлаб Ҳожимурод ҳам ҳаллослаб улар билан ёнма-ён чопиб бораётган эмиш. Бойнинг ўғиллари: «Ота, бизни қутқаринг!» – деб ёлворармиш. Бой: «Тезроқ бу ёққа ўтинлар, бу ер бехатар», – деб ўғилларини чорлармиш, лекин Каримбой арқонни ерга қарсиллатиб уриб уларни ўз томонига ўтказмасмиш. Орқадан эса ваҳшийлашган оломон яқинлашаверармиш. Ўғиллари: «Ота, ёрдам беринг», – деб жон ҳолатда бақаришармиш. Ғамдан адо бўлган бой: «Ота, ўғилларимни бу ёққа ўтказинг», – деб ёлвориб йиғлармиш. Каримбой эса беомон: «Йўқ, ўғилларингга бу томонда жой йўқ», – деб арқонни қарсиллатиб ураверармиш. Иброҳим ҳожиди: «Жуда бўлмаса, Ҳожимурод билан ўғлига раҳмингиз келсин, неча йил хизматимни қилган», – деб қичқирибди. «Майли, улар ўта қолсин», – деб Ҳожимурод билан ўғли Абдуллани ўзи томонга ўтказибди. Лекин негадир Ҳожимуроднинг ўғли Абдулла эмас, Жўравой эмиш...

Иброҳим ҳожиди: «Менинг ўғилларим қолиб кетди, улардан ажралиб қолдим-а», – деб аламдан шу қадар ўкраб юборгандики, йиғи кучидан ўзи ҳам чўчиб уйғонганди. Анча вақтгача нафасини ростлолмай, титраб ётди. Кейин ўрнидан туриб, таҳорат олиб, намоз ўқиди. Эрталабгача тасбеҳ ўгириб, Аллоҳга ёлвориб, элу юртга тинчлик, ўғилларига омонлик тилаб чиқди. Эрталаб ойимларга ҳолвайтар буюриб, етти титанон билан масжидга жўнатди. Етим-есирларга садақа улашиб, анчагина тинчланган, машғум тушини эсдан чиқаришга ҳам улгурган эди. Мана, ҳозир осмоннинг қай бир нуқтасида тўқнашиб кетган икки қудратли булут тўдасининг гумбуридан қўрқинчли туши хотирасида қайта жонланди. Фақат жонланди эмас, худди ўша тундагидек ваҳима уни ўз исканжасига олиб, қўрқувдан дир-дир титрай бошлади, пешонаси, мўйлаби, икки курак ости кўпчиб чиққан тердан намланди. Уч-тўрт кун бурун «Нега бундай туш кўрдим, таъбири нима экан-а?..» деган саволига энди жавоб топгандек бўлди. «Қуниб битганга ўхшайди, отам ёнига чақирди» деган ўй вужудини

*сескантириб идрокига михланди. Фақат Жўравойга тегишли томони жумбоқлигича қолаверди.*

*Ишқилиб, омонмикин?..*

### **Лавҳа**

*Иброҳим ҳожи букланган хатни қаршисида ўтирган ўғилларидан бирига узатди. Бойдаги саросима, талмовсираш ўрнини толиққан одамларда зоҳир бўладиган сўлғин вазминлик ва тақдирга тан берган кишининг хотиржамлиги эгаллаган.*

**Иброҳим ҳожи** (овози хириллаб чиқади): Мана бу хатга керакли гапларни ёздим. Исмоил ўғлим, укаларингга етказишнинг бежавотир йўлини топ. Хорижга йўлланган ҳар бир мактуб текширилади, очиб ўқилади деб эшитаман. Агар шу гап рост бўлса, хат ҳеч қачон манзилига етиб бормас, йўллагувчи ҳам бало-қазодан бенасиб қолмас. Мактубни жўнатишнинг ишончли йўли топилмаса, ушбу гапларим холис биродарлар кўмагида укаларинг қулоғига албатта етиб борсин. Бундай мушкул юмушни қандай уддалайсизлар, билмайман, аммо ниҳоятда эҳтиёт бўлинглар. Ҳозир дўстдан кўра душман кўп, ҳаммаёқни чақув босган.

*Иброҳим ҳожи эшикка, қоп-қорайиб турган деразага беихтиёр қараб қўяди-да, бошини олдинга чўзиб, овозини пасайтириб гапида давом этади.*

**Иброҳим ҳожи:** Укаларинг зинҳор-базинҳор бу ёқларга келмасин. Жувонмарг бўлишади. Ўша томонларда томир отиб, палак ёйишсин. (Овози титраб) Абдумажид укангга алоҳида етказинглар, хотини ва ўғлидан хавотир олмасин. Иншооллоҳ, ташлаб қўймасмиз. Мендан рози бўлишсин, мен ҳам улардан мингдан-минг розиман.

**Муҳаммадҷон:** Ота, ортиқча хавотир олмаяпсизми?..

**Исмоил** (*ижирғаниб*): Ука, бўлаётган ишлардан бежабармисиз дейман?! Ҳукуматга ёқмаётган одамларни ярим кеча-

**Муҳаммаджон** (*афсус билан*): Бундайлар ҳеч қачон ҳеч қайси ҳукуматга ёқмаган. Уларга Маматқулга ўхшаган қулар керак.

**Иброҳим ҳожи**: Болалари ҳали ёш эди. Боқувчисидан айрилиб қолишибди... (*Исмоилга*) Ўғлим, Жўравойникидан хабар ол. Қўлингдан келганча ёрдам қил. (*Исмоил бош ирғаб розилик аломатини беради. Бой қўзидан сизаётган ёшни артиб*) Ўз одамлари эканини қайдан билишибди?

**Исмоил**: Мударрисларимдан бири ўша маҳалладан. Қора чарм камзул кийган йигитлар Жўравойнинг эшиги тагида ўралашиб юрганини кўришган экан. Ораларида Маматқул ҳам бўлган. Жўравойни маҳв қилган заҳоти Насрулло бойни уйдан ўғиллари билан қўшиб олиб чиқиб кетишибди. Бир ўқ билан икки куёни ургандек гап-да.

**Иброҳим ҳожи**: Халқ: «Биз яшайдиган замон келди», – деб ичига сиғмай юрибди. Камбағал камбағални отса, бу ҳукуматнинг ҳам аввалгиларидан фарқи йўқ экан-да...

**Исмоил**: Фарқи бор. Авваллари ҳар ким ўз ўрнини биларди. Шоҳ шоҳ, гадо гадо эди. Риёга унчалик зарурат йўқ эди. Энди эса гадо ҳам шоҳликка даъвогар. Энг аянчлиси, қилинаётган иш билан айтилаётган гапнинг бир-бирига тўғри келмаётгани. Янги ҳукумат фақат риё устига қурилган.

**Иброҳим ҳожи**: Эсиз, халқ яна бир алдовга учрабди-да...

**Муҳаммаджон** (*жаҳли чиқиб*): Халқ, халқ дейсиз. Нима, биз халқ эмасмизми? Бизлар додимизни кимга айтишимиз керак?

**Исмоил**: Бу кўпчиликнинг бошига келган офат. Бу бандасидан эмас, Аллоҳ томонидан имонимизни синаш учун юборилган офат! Унга қарши чиқиб бўлмайди. Фақат сабр этмоқ ва чидамоқ лозим.

**Иброҳим ҳожи** (*Исмоилга ғалат қараб*): Жўравойни ўзиникилар отиб кетибди дегин? Ораларида Маматқул ҳам бор эди дегин? Ҳа, у бор! У ҳамма ерда бор! (*Аянчли илжайиб*) Қара-я! Дунё тўнтарилиб, оёғи осмондан бўлиб қолибди-ку!.. Дунё эсидан оғиб, телба бўлиб қолибди... телба бўлиб қолиб-

ди... Низомхўжа... Унинг тақдири не бўлди экан?.. Эҳ, аттанг!  
Уни бағримга босиб хайрлашолмадим... (*Ўғиллари унга ҳай-  
рон қараб қолишади.*)

**Муаллиф:** Бобом ўша куни уйкуга ётиб, қайта уйғонмади-  
лар. Катта бир оила бош паноҳидан айрилиб тушкунликка юз  
тутди. Бу пайтда отам эндигина уч ёшга кирган гўдак эканлар...

*Иброҳим ҳожини сўнгги йўлга кузатишяпти. Хотин-халаж  
фарёд кўтариб, бола-чақа ҳайрон бўлиб, лопиллаб чиқиб кет-  
ган тобут орқасидан мунғайиб қолишган...*

*...Кўкчадаги мозорга элтувчи йўл тумонат одам билан  
тўлган. Йўл-йўлакай «Иброҳим ҳожи ўтибдилар...» деган ан-  
дуҳ билан сафга қўшилиб, тобутга елка тегизишга шоши-  
лаётганлар ҳам бир талай. Тобут елкадан елкага ўтиб бо-  
ради. Сафнинг энг олдида бойнинг кичик ўғил, набиралари,  
орқароқда катта ўғиллар, куёвлар уч-тўрт қатор бўлиб ғам-  
га қоришиқ ажиб бир салобат билан кетиб боришмоқда. Шу  
пайт ёндош кўчадан шовқин солиб ўттиз-қирқ кишилик тўда  
йўлни кесиб чиқади. Қўлларида қизил байроқлар, «1 май – Меҳ-  
наткашлар куни» деган шиор ёзилган тахтачалар... Олдинда  
хитоб қилиб келаётган воиз:*

***Басдур шунча йил чеккан  
Кулфат ва хўрлик!  
Золим бойлар ҳақингга  
Қилди хўп зўрлик.  
Яна истар хоинлар  
Қилмоқ қонхўрлик.  
Битсин энди истибдод  
Бирла контрлик!***

**Ҳамма:**

***Битсин энди истибдод  
Бирла контрлик!***

*Тўда ҳассакашларни кўриб беихтиёр тўхтайди. Икки томон бир-бирини зимдан кузатади. Намойишчилар бошида турган Маматқулни бойнинг ўғиллари дарров пайқайди. Мамат эса уларни. Тўда орасидан тобуткашлар томонига ўтишга чоғланганларни кўриб Маматқул шаҳд билан олға интилади, тараддудланиб қолган тобуткашлар олдидан тўдани тантана ва очиқ зуғум билан намойишкорона олиб ўтади.*

**Маматқул (бақириб):**

*Ҳой, ҳой, отамиз.  
Тошни кесар болтамиз!  
Замон келди, ишчиларни  
Уйқудан уйғотамиз!  
Ҳой, ҳой, отамиз.  
Тошни кесар болтамиз.  
Бизга кимлар қарши турса,  
Шартта, шартта отамиз!*

*Тўда ҳам Маматқулнинг шавқи таъсирида: «Бизга кимлар қарши бўлса, шартта-шартта отамиз!» – деб жўр бўлади. Йўли кесилган тобуткашлар афсус ва надомат билан намоёнишни кузатиб қолади...*

**Муаллиф:** Кунлар йилларга, йиллар асрларга тенг бўлган давр бошланди. Азалий тартиботлар, қонуниятлар, мезонлар инсоният умрига нисбатан олганда бир неча сонияда остинустин бўлиб кетди. Беҳудуд уммонда кўтарилган пўртана ҳаммани, ҳар нарсани беаёв ямлаб юта бошлади. Аслида, бу талотўп ва тўнтаришлар сабаби XIX асрнинг охириги ўнйилликларига бориб тақалади.

Коинотда номаълум бир қувватнинг портлаши сабабми, инсон тафаккури ялт этиб ҳам фанда, ҳам онгда шундай мўъжизалар ярата кетдики, бу нафақат ўз фойдасига, балки зарарига ҳам ишлай бошлади. Инсон буғ ва оловни жиловлади,

дунёнинг кўзга кўринмас зарраларини илғаб, уларни ҳам ўзи хоҳлаган мақомга солишга киришди. Натижада инсон туни ёришди. Телефон, телеграф деб аталмиш ҳодисалар туфайли ойлик, йиллик масофалар қисқариб, бир вақтнинг ўзида ҳатто қитъалараро алоқа қилиш имкони пайдо бўлди. Кечагина бир-биридан узоқ қитъалар кўзи, қулоғи, юраги яхлит вужудга айланди. Инсон самога нигоҳини тикди, ердан кўтарилиб, осмонда қанот қоқди. Ой ва юлдузларни забт этишни ният қилиб қўйди. Хуллас, еру кўкда ўз қудратини намоён этишга киришди. Инсон ўзини ҳамма нарсанинг урдасидан чиқа олувчи, табиат ва жамият мурватини ўз измида тутиб турувчи қудрат – Аллоҳ даражасига тенглай бошлади. Илмдаги кашфиётлар инсоннинг Аллоҳ номи билан нурланиб, покланиб турган руҳий дунёсига тажовуз қилиб имонда шубҳа уйғотди. Одамзод онгида бўҳрон кўптирган буюк кашфиётлар – материализм, дарвинизм, фрейдизм каби кўплаб «измлар» инсонни илоҳий хилқат эмас, ҳайвонот дунёсининг бир аъзоси эканини уқтириб, тақдирни Яратган эмас, кишининг ўзи ўз қўли билан яратишини «исботлаб» бергач, инсон шу пайтгача қўрқув остида ушлаб турган барча майлларига эшик очиб ҳайвон даражасига туша бошлади. Охир-оқибатда шусиз ҳам нотўқис дунё чалғиди!

*Муסיқа.*

### **Биринчи қисм тугади.**



*Зим-зиё қоронғиликдан ушбу ёзувлар чиқиб келади:*

Инқилобни даҳолар тайёрлаб беради,  
мутаассиблар амалга оширади,  
муттаҳамлар ҳузурини кўради.

**Отто фон Бисмарк**

Отам улғайган муҳитнинг қандай бўлгани, қандай вужудга келганини англаш илинжида яқин тарихда кечган ҳодиса ва воқеалар тафсилотини тарихий ҳужжатлар қатидан ахтара бошладим.

**Муаллиф**

*Осмону уммон талвасада увиллайди, қарсиллайди.  
Катта-кичик кемалар ваҳший тўлқинлар чангалида  
у ёқдан бу ёққа урилади, сурилади. Сўнг тасвирга  
ҳамоҳанг мусиқа янграб, ёзувлар пайдо бўлади.*

## **Иккинчи қисм**



*Секин-аста муסיқа сокинлашиб, матнга мос тасвирлар қатори пайдо бўлади.*

**Муаллиф:** Башар қисматининг бу қадар тез ўзгариб кетишига яна бир сабаб шуки, ўрта асрлар жаҳолатидан сўнг табиий фанларнинг тараққий этиши билан бирга гуманитар фанлар ҳам ривожланиб, ижтимоий онгда баногоҳ улуғ кашфиётлар барқ урди.

Шу даврда яшаб ижод қилган файласуф олимлару маърифатпарвар мутафаккирлар инсониятнинг азалий орзу-умидларини жамлаб, хаёлан ажойиб мамлакатлар шамойили туза кетдилар. Улар адолатли, лекин хаёлий ғоялардан сархушланиб, инсоннинг инсон томонидан Эзилиши, хўрланишига, инсон қадрини топтовчи қашшоқлик билан бирга инсон моҳиятини таназзулга етакловчи тийиқсиз бойликка ҳам қарши чиқа бошладилар. Натижада Тенглик, Биродарлик, Озодлик, ҳамма учун баб-баробар Бахт-саодат деган гўзал, улуғ тушунчалар кенг қулоч ёзди. Башариятнинг олийжаноб, олийҳиммат, виждонли ва раҳмдил аслзода бир тоифаси пайдо бўлдики, улар мудроқ виждонни қитиқлаб, инсонпарвар жамият қуриш учун ғофил оммани курашга чорлади. Коммунизм ғоялари кенг ёйилиб, ақл ва қалбларни оҳанрабодек жалб этиб, тезлик билан бутун дунёни эгаллай кетди.

### **Лавҳа**

*Дарё каби оқаетган, мавжланаётган бетоқат, ғазабкор оломон. Улар орасидаги «1871 йил» ёзуви қалқиб чиқиб келади.*

**Муаллиф:** Коммунизм байроғи биринчи бўлиб социал-утопистлар ватани Францияда кўтарилди. Фақат 72 кун яшаб қонга ботирилди. Рус инқилоби йўлбошчиси Ленин революцияни қандай қилиб сақлаб қолиш сабоғини улардан олди: қарши томонни охиригача қириш, йўқ қилиш, батамом янчиб ташлаш ва ихтиёрларидаги ҳамма мулкни тортиб олиш. Рус революцияси ғалаба қозонди, яшаб қолди, лекин қандай оқибатларга

олиб борди, буни келажак кўрсатди... Шундай қилиб, Россияда оқподшони йиқитган февраль инқилоби, сўнг дунё тақдирини тубдан ўзгартириб юборган октябрь тўнтариши юз берди.

### **Лавҳа**

*«1917 йил» санаси нуқтадан катталашиб экранни тўлдиради. Петроград, Москвадаги халқ ғалаёнлари, Қишки саройнинг эгаллаб олиниши, Керенский ҳукуматининг ҳибс қилиниши ва Лениннинг халқ олдидаги чиқишлари, ғалабадан қўпчиган бахтиёр ишчи, солдат ва деҳқонлар қиёфалари...*

### **Лавҳа**

*Хира тортган осмон фонида «1860 – 1917» саналари пайдо бўлади. Оғир сузаётган қора булутлар қаъридан Чўли ироқнинг мунгли ноласи сизиб чиқади.*

**Муаллиф:** Туркистон ярим асрдан ортиқроқ вақт мобайнида Чор Россиясининг мустамлакаси сифатида топталиб, таланиб келди. Бу қадим ўлканинг босиб олиниши ва узоқ вақт тобеликда ушлаб турилишига хонликлар ўртасидаги низо, тахт учун курашлар, ночор халқ исёнлари, мутаассиб руҳонийлар таъсирида илм-фанни рад этиш каби омиллар асосий сабаблардан бўлди. Амир Темур давлатини буюк қилган ясо ва тузуклардан узоқлашилиши оқибатида Туркистон – ҳарбий қудрати билан дунёни титратган, неча асрлар давомида жаҳон маданияти гултожи саналган мамлакат XIX асрга келиб улуғворлигини бутунлай йўқотди. Тараққиёт занжиридан узилиб, бўғзигача жаҳолат ботқоғига ботди. «Замонлар шу даражада ўзгариб, теурийларнинг инқирозидан сўнг Ўрта Осиё ҳам олиймақом маданиятдан айрилиб, ниҳоятда жаҳолат ва ваҳшатга тушдики, ғоят гўзал ўтган замоннинг нақадар гўзали бўлган Мовароуннаҳр давлати жаҳон тарихи саҳифасида ўз вазифасини йўқотиб, таназзулга юз тутди».<sup>3</sup>

<sup>3</sup> Херман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Тошкент: Ф.Ғулом, 1990.

Бу ҳолат Чор Россиясига боқинчилик мақсадларини амалга оширишда жуда қўл келди.

*Тасвирда Туркистоннинг ўша пайтдаги аянчли аҳволини ифодаловчи тарихий суратлар ва лавҳалар кетади.*

**Муаллиф:** Ниҳоятда эзилган, хўрланган халқ орасидан ахийри ватанпарвар, маърифатпарвар инсонлар бош кўтариб чиқа бошладики, улар жипслашиб бу шармандали ҳолатга чек қўйиш, тенглар ичра тенг бўлишга бел боғладилар.

### **Лавҳа**

*Нурсиз, мудроқ ўлка кўланкалари қаъридан улуғ сиймолар бирин-сирин пайдо бўла бошлайди.<sup>4</sup>*

### **Абдулла Авлоний:**

*На хўрлик, на касолат? Доимо афғор биз миллат.  
Ҳаётга қобил эрмас, сифати девор – биз, миллат.*

*Ҳама илму хунар асбобини олмоқни истарса,  
Чафан, чалма, риё сотмоқға хўп тужжор – биз, миллат.*

*Тафаккур соясида ўзгалар шаҳду шакар ерса,  
Турурмиз бақрайиб ҳар гўшада бекор – биз, миллат.*

*Ҳамма касбу камолот этса ҳосил илм-фан бирла,  
Шифиргувчи, ямоқчи, хайрчи – хўп хор биз, миллат.*

*Бу саволга жавоб ахтариб Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ўйчан ва аламли қиёфаси кўринади.*

---

<sup>4</sup>Тарихий шахслар актёрлар ижросида намоён бўлади, лекин баъзи ўринларда асл суратлари ва ҳужжатли тасмалардан ҳам фойдаланилади.

**Маҳмудхўжа Бехбудий:** Ҳа, бу таназзул! Яъни нимаики бой берилаётган бўлса, мусулмонларнинг унсизлиги ва ҳаракатсизлиги натижасидир.

**Мунаввар қори Абдурашидхонов:** Оламни қайси тарафига назар солсак, ўз диндош ва миллатдошларимизни хор ва бошқа мутараққий миллатлар қошида шармисор кўруремиз. Бунинг сабаби бошқа миллатларнинг илм ва маърифати, биз мусулмонларнинг ғафлат ва жаҳолатимиз эмасму? Шу сабаб бошқаларни хўжа, бизни эса қул сифатида қолдирур...

*Бенолон, шавқсиз ва қайғули чеҳралар; букик, озғин ва мажруҳ гавдалар...*

**Абдурауф Фитрат:** Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир? Нечук кунларга қолдинг? Ер юзининг бир неча полвонлари бўлган ботир туркларинг қани? Нечун чекиндилар? Нечун кетдилар? Кураш майдонларини ўзгаларга нечун қўйдилар? Нечун?..

*Жавоб тарзида Мунаввар қори сўзлари жаранглайди.*

**Мунаввар қори:** Ватанни буткул ғорат этилиш хавфидан авлодларни маърифат ва тараққиёт йўлига олиб чиқиш қутқаради.

**Муаллиф:** XX аср бошларида халқни жаҳолат уйқусидан уйғотиш, қолоқ давлат тузумини ўзгартириш ғояси янги оқим – жадидчилик ҳаракатининг асосий мақсадига айланди. Янги ғояни амалга оширишда, энг аввало, халқни ҳар қандай янгилик душманлари бўлган жоҳил, мутаассиб муллалар таъсиридан узоқлаштириш лозимлигини жадидлар жуда яхши тушунар эдилар. Шу мақсадда «Усули жадид», «Усули савтия» номи билан шуҳрат топган замонавий мактаблар очдилар, янгича дарсликлар ёздилар. Бу таълим масканларида қирқ кунда савод чиқариш имкони яратилди.

*Тасвирда эски ва янги мактаблар, дарслик ва китоблар суратлари акс этади.*

**Лавҳа**

- Муллаларнинг хўмрайган, жоҳил юзлари;*
- ёш жаҳид муаллимларнинг сокин, фикр-мулоҳазали қиёфалари;*
- муаллимлар хонадонида, ҳовли ва боғларида савод чиқараётган болалар;*
- устозлар сўзидан руҳ ва маъно олаётган қиёфалар...*

**Мунаввар қори (ҳовлисидаги мактабда):**

*Ёвинг кимдир биласанми?  
Нодонликдур, ялқовликдир.  
Ёвга қарши қурашмаслик  
Қўрқоқликдир, анқовликдир.  
Иш қиличин, тур, қўлга ол,  
Ёвга қарши чиндан қўзғол.*

**Абдулла Авлоний (уйида):**

*Билинг, ўғлонларим, сизларни ғамдин қутқарур мактаб,  
Сироти мустақим, роҳи аламдин қутқарур мактаб.*

**Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий (каттагина давра ўртасида):**

*Уйғон, уйғонмоқ даврида Туркистон,  
Яша Туркистон, омон, омон, омон!*

*Битсун қонхўрлар, мустабид тўралар,  
Бир тўп доқа салла, узун сурралар!*

*Яшасун мактаб, шогирдлар ўқисун,  
Эски турмушлар, ваҳшатлар йўқолсун!*

**Муаллиф:** Жадид пешволари, илғор зиёлилар миллатнинг уйғониши ва юксалишига фақат мактаб очиш билан эришиб бўлмаслиги, аҳолини дунё сиёсий воқеаларидан, мамлакатдаги ижтимоий аҳволдан воқиф қилиб туриш зарурлигини англайдилар. Бу йўлда ғайрат ва маблағларини аямай газета-журналлар («Тараққий», «Ойина...») чиқарадилар, нашриёт ва босмахоналар ташкил этадилар; мумтоз адабиётимиз намуналарини, жадид ёзувчилари, демократ шоирларнинг китобларини, рус ва жаҳон адибларидан таржима асарларни нашр қиладилар. Европача театр санъати шакллана боради. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» асари билан миллий драматургияга асос солинади.

### **Лавҳа**

*– Ўша пайтлари чиқарилган турли газета-журналлар, китоблар, театр афишалари ҳамда шу жабҳада фаолият кўрсатаётган жадидларнинг архив суратлари...*

*– Майдонда икки устунга парда тортилиб томоша кўрсатиляпти: содда, беғубор, тўпори одамларнинг ҳайратдан, ажабланишу завқдан анграйиб, қулиб, йиғлаб, ёниб турган юзқўзлари...*

*– Томоша тугайди. Парда тортилади. Чапаклар чалинади. Абдурауф Фитрат пайдо бўлади.*

**Абдурауф Фитрат (жўшиб шеър ўқияпти):**

**Эй йигит, йўқми томирингда қон,  
Мунча хўрлик билан ётибсан?!  
Давлатинг, иззатинг йўқ қўлингда,  
Бошқага қул бўлиб қолибсан.  
Турк эли, тургин энди!  
Тиғ, яроғ, отга мин, чоптир энди,  
Сидириб ташла ёвнинг қўлини,  
Зулмини истамаймиз дебон!**



### **Тасвирда:**

– Сийрак чапаклар...

– Бирдан жиддий, ҳайрон, ўйчан бўлиб қолган нигоҳлар...

### **Лавҳа**

*Ям-яшил боғ кўйнида қуёш нуридан товланиб турган оқ уйча. Бу Мунаввар қорининг боғи ва ишхонаси. Хона ичи саранжом-саришта. Китоб, жариди ва газеталар тахланган чоғроққина хонтахта атрофида умид, ишонч, ғайрат ва шижоат вужудларидан ёғилиб турган бир гуруҳ ёш жадидлар йўлбошчилари бўлмиш Мунаввар қорининг сўзларини диққат билан тингламоқдалар.*

**Мунаввар қори:** Ўтканда Абу Али, Форобий, Тафтазоний каби ҳақимлар ва олимлар етиштирган Туркистон мадрасалари кейинги пайтда диний ва дунёвий илмлардан тамом тозаланиб, холис ишсизлар еткуза турган бир тамбалхона ҳолига келиб қолди. Буларни биз халқни қоронғуда қолдирғувчилар деймиз.

Ерлик халқни доимо жаҳолатда қолуб қул бўлиб туришларини истаган мустамлакачиларга эса бу қўл келади. Мусулмонлар учун ҳеч бир диний мактаб ва мадрасалар очилмас, очилғонлари эса ёлғиз русча ўқитмак учун очилади. Бу хусусда мусулмонларни ҳақлари руслар ила баробар эмасми?! Биз, жадидлар, одамларни ҳурфикрлиликка кўниктира бориб, айни пайтда, чоризмга қарши махфий сиёсий ишларни ҳам олиб бормоғимиз зарур. Чор ҳукуматини йиқитиш жадидлар тилагидур.

### **Тасвирда:**

– Шиддатли, ғалабани ифодаловчи ёрқин мусиқа...

– Экранда ёзув: 1917 йил ноябрь.

**Муаллиф:** Россияда кўтарилган довул мустамлака ўлкаларга ҳам ёйилди. Маърифат, мурувват йўли билан аста-се-

кин ҳурликка эришиши мумкин бўлган авом, худди ўша мурувватли ва маърифатли инсонлар туфайли кўзи очилган, рағбатланган оломон қўлга қурол олиб, бу зулмкор дунёни орқа-ўнгига қарамай парчалай бошлади.

**Тасвирда:**

- Қўлига кетмон, калтак қўтариб чиққан халқ...
- Қочиб яширинаётган эшону муллалар, миршаблар, зулмкор бойлар...
- Намойишлар, нутқ сўзлаётган воизлар...
- Милтиқ, тўппонча тутган рус, ўзбек ишчилари...

*Шу каби талотўплар фониди жадиид шоирларнинг шеърлари жаранглайди.*

**Абдулҳамид Чўлпон:**

*Эй, бу кун дўл келиб,  
Оламни йиққан кун!  
Эй, бу кун қуррамиз  
Меҳвардан чиққан кун!..  
Қўзғолди оч қолган,  
Энтиккан бир йиғин,  
Ўлимнинг кўзига  
Кўз тиккан бир йиғин...*

**Садриддин Айний:**

*Чақмоқлар чақилди кўк юзинда,  
Фақирлар дунёси яшнасун.  
Хоинлар қолмасин ер юзинда,  
Ишчилар отлари кишнасун...*

**Ҳамза Ҳакимзода:**

*Асрлардир қора булут  
Босган эди бахтингни,  
Шарқингга чин қуёш чиқди,  
Оч уйқудан кўзингни!  
Ишчилар уйғон, уйғон, уйғон!  
Сенга яшашга етишди замон!*

*Абдулҳамид Чўлпон ижод хонасида шеър битмоқда. Ташқаридан оқиб кираётган намоишчилар шовқини шоирни баттар ҳаяжонга солади.*

**Абдулҳамид Чўлпон:**

*Кишан, гавдамдаги излар, бугун ҳам битгани йўқдир!  
Темир бармоқларнинг доғи буткул кетгани йўқдир!  
Башар тарихининг ҳар саҳифасида қонли доғинг бор!  
Кишан, гавдамдаги доғинг ҳануз ҳам битгани йўқдир.*

**Лавҳа**

*1917 йил 20 ноябрь. Петербург.*

*– В.И.Ленин инқилобий йиғинларнинг бирида нутқ сўзламоқда;*

*– Туркистонлик делегатлар ҳаяжон ва қувонч билан тингламоқда.*

**Муаллиф:** 1917 йил 20 ноябрда Лениннинг «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» қарата юборган мурожаатида «Ўз миллий ҳаётингизни эркин ва бемалол уюштира берингиз... Сизлар ўз Ватанингизнинг раҳбарлари бўлишингиз лозим...» каби ваъдалардан руҳланиб, жадидларнинг «Эрк» ва «Тараққийпарвар» партиялари дастурида белгиланган Туркистон ўлкасига мухторият мақомини бериш учун ҳаракат бошланди. Яъниким қарамлик асоратидан

қутулиб, мамлакатни мустақил идора этиш; миллий қўшин, темир йўл, почта ва телеграфни, асосий саноат муассасаларини миллий ҳукумат қўлига топшириш, лекин шу қаторда хусусий мулк тизимини сақлаб қолиш; кучли миллий маданиятни ривожлантириш, дин ишларини ўқув-таълим ва давлат ишларидан тамоман алоҳида тутиш, хуллас, мустақил миллат сифатида яшамоқ. 1917 йил 27 ноябрида янги ҳисоб бўйича, 10 декабрь 1892, 1898, 1916 йиллардаги миллий озодлик курашининг мантиқий натижаси сифатида Туркистон мухторияти эълон қилинади! Ўлка тарихида илк бор демократияга асосланган миллий давлат тузилади.

### **Тасвирда:**

– *Босмахонада изма-из чоп этилаётган, халқ орасида қўлма-қўл тарқатилаётган миллий газеталар...*

– *Миллий мажлислар;*

– *Туркистон мухториятининг эълон қилиниши...*

– *Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Мустафо Чўқай, Убайдулло Хўжаев, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулҳамид Чўлпон, Ҳамза, Абдулла Авлоний, Низомхўжа ва бошқа жаҳидларнинг қувончли чеҳралари;*

– *нутқ сўзлаётган воизлар.*

**Маҳмудхўжа Беҳбудий:** ...Билингки, Туркистондаги барча халқлар учун мухторият эълон қилинди. Билингки, ҳақ олинур, берилмас! Биз бўшлиқ қилсак ва Туркистонда халқлар бирлашиб, мухторият йўлига саъй қилмасак, албатта, қоғоз устидаги мухториятимизни ҳам йўқ қилурлар...

**Абдурауф Фитрат:** ...Миллатнинг мухторияти ёлғиз бир съезд билан, эълон билан тамом бўлмас. Мухториятни олмоқ ва сақламоқ лозим. Съезд ўз ишини қилди. Қолғонлари бутун миллатнинг вазифасидур. Мухториятни бажармоқ учун ақча керақдир. Буларни миллат ҳозир қилсин!..

*Нутқлар чапаклар билан бўлиниб туради.*

**Тасвирда:**

*– Мухторият овозаси халқ байрамига айланганини ифода-  
ловчи сайиллар;*

*– халқ олдида чиқиш қилаётган шоирлар...*

**Ҳамза Ҳакимзода:**

*Тўрт юз йиллик Романов битгач давлати,  
Кўтарилди асорат, хўрлик зиллати,  
Насиб бўлди миллатга қайтиб шавкати,  
Қутлуғ бўлсин Туркистон мухторияти!*

**Абдурауф Фитрат** (*бошқа бир йиғинда*): Туркистон туркининг қонини қайнатгувчи, имонини юксалтгувчи бир қувват бор эса, ёлғиз шу сўзда бордир – Туркистон мухторияти!

**Ҳамза Ҳакимзода:**

*Келди муборақ бизга янги бир замон,  
Янги давр кечирмас энди филамон.  
Ёд этмоққа исмимиз тарихи жаҳон,  
Қутлуғ бўлсин Туркистон мухторияти!..*

**Абдулҳамид Чўлпон:**

*Кишан, гавдамдаги доғинг ҳануз ҳам битгани йўқдир,  
Фақат буткул қутулмоққа умидим энди ортиқдир!*

*Тантанавор мусиқа ва мос тасвирлар фонида гапирувчилар пайдо бўлиб, йўқолиб, овозлари ҳам пасайиб ва кучайиб ғалаба симфонияси яралгандек бўлади.*

**Муаллиф:** Ярим асрдан бери мустамлака ва миллий зулм исканжасида эзилиб ётган халқ учун бу чинакам байрам эди. Лекин большевиклар ҳам Чор Россияси мустамлакачилари каби Туркистондек турган-битгани хазина ўлкани қўлдан бой бериб қўйиш мумкин эмаслигини тезда фаҳмлаб қоладилар, мухториятни йўрғақдалигидаёқ бўғиб ўлдириш режасини тузадилар.

*Хавф-хатарни англатувчи мусиқа.*

### **Лавҳа**

- *Большевикларнинг бесаранжом хатти-ҳаракатлари;*
- *хуфия йиғин-суҳбатлар;*
- *руҳоний ва уламоларнинг гезарган юзлари.*

**Муаллиф:** Тошкентда жоҳил уламо-руҳонийлар мухториятни тан олмасликларини эълон қилиб тўполон кўтарадилар. Большевиклар уларни баттар гижгижлайди. Чунки айти шу пайтда мутаассиб мусулмон уламолар таҳдидининг яна ортишидан манфаатдор эдилар.<sup>5</sup> Натижада янги русумдаги 25 та жаҳид мактаби ёпилади.

### **Тасвирда:**

– *Вайрона қилинган мактаблар: синдирилган парта-курсилар, йиртилган китоб-дафтарлар, ерда сочилиб ётган ўқув қуроллари ва глобус...*

**Муаллиф:** Яна бир қанча ерларда маърифат ва жаҳолат ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтади. Бундан фойдаланган большевиклар халқ орасида мухториятга нисбатан ишончсизлик, ҳурматсизлик кайфиятини уйғотишга уриндилар. Туркистон мухториятининг эълон қилиниши миллатчи буржуа ҳукуматнинг халққа қарши ҳаракати деб баҳоланиб,

---

<sup>5</sup> Аҳмад Закий. Хотиралар. – Тошкент: Истиклол нури, 2014.

қизил армия совет ҳокимияти номидан 1918 йил 19 февралда Қўқонга юриш қилди, арман дашноқлари билан бирга уч кун давомида шаҳарни қонга булғадилар. Тинч аҳолини чинакамига қатли ом қилишди, ўн минг маҳаллий халқнинг ёстиғи қуриди<sup>6</sup>. Туркистон мухторияти худди Париж комунаси каби 72 кунгина яшади.

### **Лавҳа**

*Ваҳшатли куй янграйди.*

– Қўқонда содир этилган қатли ом саҳналари: отувлар, қуролсиз одамларнинг уйига бостириб киришлар, эркаклар отилиб, чопилиб, қиз-жувонларнинг хўрланиши, гўдакларнинг чавоқланиши;

– уй-жойларнинг вайрон этилиб, талон-торож қилиниши;

– кўча тўла ўликлар, кўкка ўрлаётган ёнғин;

– ёниб кулга айланган Қўқон шаҳри ва қишлоқлари;

– ўликлар устида сакраб, қувончи ичига сиғмай қийқираётган қотиллар...

**Муаллиф:** Э, воҳ! Босқинчиларнинг бу қадар қутуриб, содир этган ваҳшийликларига муносиб сўз топиларми?! Дашноқлар 1915 йили усмонли турк сиёсатмандлари томонидан уюштирилган сургун ва қирғинда ҳалок бўлган арманларнинг ўчини мусулмонлардан олдик деб, у ишга ҳеч бир алоқаси бўлмаган туркистонликларни ўлдириб тантана қилишарди гўё...

Большевиклар террорчи дашноқлардан ҳадиксираб қолиб, 1919 йили партия фаолиятини қонундан ташқари деб эълон қилди-да, Туркистондан чиқариб юборди. Сал ўтмай Россияда ҳам шундай йўл тутилди.

---

<sup>6</sup> Дашноққутгон – арманча иттифоқ дегани, арман миллатчи партияси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: ЎзМЭ, 2002.

## **Лавҳа**

*Юрак ўртар най ноласи. Харобалар аро кезиб юрган Ҳамза. Унинг жизғанақ бўлиб қуяётган қалбида ушбу сатрлар туғиларди.*

**Ҳамза Ҳакимзода (йиғлазудек):**

***Эй мардуми Фарғона, аҳволингга ким йиғлар?  
Бадбахтлигинга юз тутган иқболингга ким йиғлар?***

***Иффат ила номусинг кимлар қўлида барбод,  
Қурбон ўлар маъсумлар, аҳволингга ким йиғлар?***

**Тасвирда:**

- Еру қўқни тутган йиғи-сиғи, жанозалар;
- қабристон томон ўрлаётган катта-кичик тобутлар қатори;
- мухторият аъзоларининг бахтсиз, ҳорғин, ноумид қиёфалари...

**Муаллиф:** Мухторият миллатнинг энг улуғ муваффақияти ва энг улуғ бахтсизлиги бўлиб қолди. Кечагина олижаноб ваъдалар бераётган большевиклар бирдан тўнини тескари кийиб, мухториятни янчиб ташладилар. 1917 – 1922 йилларда<sup>7</sup> Туркистон жадидлари билан ҳамкорликда фаолият олиб борган, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов каби истиқлолчилик ҳаракати раҳнамоларидан ҳисобланган бошқирд шарқшунос олими Аҳмад Закий билан йўқсиллар инқилоби доҳийси В.И. Ленин ва унинг энг яқин дўсти Г.Петровский ўртасида кечган мана бу баҳслар бизга кўп нарсани тушунтиргандек бўлди...

---

<sup>7</sup> Аҳмад Закий улуғ ниятлар барбод бўлгач 1922 йили чет элга чиқиб кетади.



## **Лавҳа**

1918 йил декабрь. Кремль.

*В.И.Ленин қабулхонаси.*

*Ленин норози алпозда қошларини уйиб суҳбатдошини тингламоқда. Аҳмад Закий қалбидан тошиб чиқаётган аламини босишга уриниб, вазминлик билан гапираётган бўлса-да, оқариб кетган лаби, бармоқ учларидаги титроқлар қалбда кечаётган ғалаёндан далолат берарди.*

**Аҳмад Закий:** Ахир дастлабки битим тузилган эди. Барчамиз имзолаган эдик. Шарқнинг мазлум миллатларига оз бўлса-да ҳақ-ҳуқуқ берилган эди. Ўн тўрт ой ўтиб бари ҳавога учди.

**Ленин:** Сиз нега бундай ахлоқий назариялардан ваъз ўқияпсиз? Ўша битим ўткинчи зарурат сабабли имзоланган оддий қоғоз парчаси эди.

**Аҳмад Закий:** Мен сизнинг инсоний муносабатларда мана шундай қоғоз парчаларига риоя қиласиз деб ишонган эдим.

**Ленин:** У ҳолда адашибсиз. Бир пайтлар ўткинчи зарурат юзасидан имзоланган бир парча қоғозни деб мунозарага киришиш сизга ярашмайди.

**Аҳмад Закий** (*ўрнидан туриб кетиб, аччиқ истеҳзо билан суҳбатдошининг кўзига тик қараб гапиради*): Лекин биз, осиеликлар, сиз қадрсиз деб биладиган битимларга риоя қилишга одатланганмиз.

**Ленин** (*жаҳл билан ўрнидан туриб кетади*): Сизнинг тазйиқингиз остида берган фармойишимни бажараман деб мусулмонлардан қўшин ташкил этиб, Туркистондаги рус пролетариатини эзишим керакмиди? Бизнинг мақсадимиз маҳаллий халқларга мустақил давлат куриб бериш эмас, балки шўро режимини амалга оширмақдир!

**Муаллиф:** Аҳмад Закийнинг эътироф этишича, Фрунзе, Риков, Рудзутак каби инсонлар Туркистонда миллий қўшинга эга мухтор ҳукуматнинг ташкил этилиши тарафдори бўл-

ган. Бироқ Ленин ҳокимият тизгинини Сталин сингари тили ширин, ишлари жирканч кишиларга бериб қўйганди. Уларнинг фикрича, Туркистон «социалистик диктатуранинг шарқий сектори» сифатида қолиши керак эди.<sup>8</sup>

### **Лавҳа**

*Петроград. 1919 йил.*

*Лениннинг яқин дўстларидан бири Г.Петровский билан Аҳмад Закий хиёбонда аста кезиб суҳбатлашиб юрибди. Атроф ниҳоятда сўлим ва сокин. Петрограднинг булутли, рутубатли кунларидан бири бўлса-да, латофатли кузнинг хиёбонларга берган ҳусну таровати кишига ҳузур ва ором бағишлайди. Сал олдин шивалаб ўтган ёмғир борлиқни янада тиниқлаштирган. Хазон ва майсалардан қўтарилган қоришиқ ифор кўнгилининг нозик ерларини қитиқлаб, кишини дардлашишга ундайди.*

**Аҳмад Закий:** Владимир Ильичнинг энг яқин дўстларидансиз. Мен у кишини яхши инсон, виждонли коммунист деб биламан. Фақат... (*Бир йил аввалги суҳбат кўз ўнгидан ўтади.*) баъзан... Владимир Ильични тушунмай қоламан. (*Петровский тўхтаб, Аҳмад Закийга «хўш» дегандек қарайди.*) Ўртоқ Ленин, ҳақиқатан ҳам, самимий интернационалистми?

**Петровский** (*миийиғида қулиб қўяди-да, йўлда давом этади*): Ленин коммунизмни жаҳон миқёсида ўрнатиш борасида самимий интернационалистдир. Бироқ... (*Яна тўхтаб суҳбатдошига жиддий қарайди.*) Россия худудида яшовчи халқларга нисбатан унинг интернационалиги хўжақўрсинга.

**Аҳмад Закий:** Ахир, «Оқимга қарши» асарида, мақолаларида кичик миллатларнинг чексиз ҳимоячиси бўлиб кўринади...

---

<sup>8</sup> Аҳмад Закий. Хотиралар. – Тошкент: Истиқлол нури, 2014.

**Петровский** (*суҳбатдошининг гапани бўлиб*): Назария даври аллақачон тарихга айланди. (*Яна юриб кетишиб, бир неча дақиқа жим боришади.*) У великорусчи бўлмагани ҳолда великорусча сиёсат олиб боради. Бир қанча великорусчи дўстларига ўхшаб сиздек кичик миллатларга мансуб инқилобчиларни ва партия аъзоларини кичик буржуазия деб билади. Великорус тезисини ҳеч қандай шартсиз («*шартсиз*» *сўзини алоҳида таъкидлаб*) қабул қилмагунингизча сизларга ҳақли ё ҳақсиз равишда кичик буржуазия номи тиркалаверади. (*Суҳбатдошига қараб*) Буни қабул қилиш ва бу билан тил топишиш зарур.

**Аҳмад Закий** (*норози оҳангда*): Бунақада социализм империалистик анъаналар даражасига тушиб қолмайдими? Бир суҳбатда Роза Люксембург – дарвоқе, у Ильичнинг яқин дўстларидан – агар ғолиб халқлар империалистик анъаналар домида қолса, бундай социализмдан яхшилик кутиб бўлмайди деган ва жуда ҳақ гапни айтган. Сезишимча, Чор Россиясидан мерос мустамлакачилик майллари борган сари авж олмоқда.

**Петровский:** Аҳмад Валидович, сал оширяпсиз. Ленин диктатор, лекин мустабид эмас. У буюк социалистик Россия биносини барпо этишда ва мустаҳкамлашда фақатгина рус миллати цемент вазифасини ўтайди деб ҳисоблайди. Шарқликларга унча ишонмайди.

**Аҳмад Закий:** Афсус!..

**Муаллиф:** Рус миллати орасида ўта шовинистик руҳ, айниқса, большевиклар ҳокимияти даврига келиб кучайиб кетди. Қизил империяда русларни бошқа халқлардан устун қўйиш сиёсат даражасига кўтарилган эди. Ленин фақат рус миллатигина очлик ва қашшоқликка бардош бериб жаҳонни коммунизм йўли билан эгаллашига ишонганди.

В.И.Ленинни бевосита билган, инқилобий жараёнда ёнма-ён юриб, суҳбатларида бўлган Аҳмад Закийнинг «Хотиралар» китобида баён этган кузатув ва мулоҳазалари кишини ўйлантириб қўяди. Бир неча авлоднинг ўйи ва қалбига буюк

инсонпарвар дея сингдирилган, адолат қидирган миллионлар учун нақ пайғамбар даражасига кўтарилган бу шахсга бошқа томондан қарай бошлайсан. Ленин ўлимидан кейин ҳам давом этган жуда кўплаб адолатсизликлар уруғи ўша пайтларда сочилганини, заволнинг бошланишида унинг ҳам анчайин ҳиссаси борлигини пайқаб қоласан. Ўз хатоларини англаб, тузатиш ҳаракатига тушганида (НЭП) ўлим уни бу имкониятдан маҳрум қилади. Қисмат ундан кўзи тириклигида йўл кўйиб берган барча адолатсизликлари учун шундай қасос олади. Бир умрлик жонфидолик зое кетади. Тер ва қон билан инқилобни амалга оширган юз минглаб жонларнинг ҳам орзу-умидлари кўкка соврилади. Фақат бу ҳукм етмиш йил ўтгандан сўнг ўқилади.

*Тасвирда матнга мос манзаралар ва сўнгида Ленин ҳайкалининг ағдариб ташланаётгани акс этади.*

Коммунизм жаҳонни эгаллай олмади. «Россия чегараларида рус империализми билан аралашиб-қуралашиб йўқолди».<sup>9</sup> Ленин асарларининг бирида рус революциясини рус шовинизмидан бўлак ҳеч нима йўқ қилолмайди деган эди. Айтгани бўлди. Улуғ рус шовинизми улуғ рус инқилобининг бошига етди. «Виждонли, фидойи коммунистларнинг инсонпарвар ғоялари кўплаб ҳаммаслақларининг шайтоний майллари қаршисида ожиз қолди».<sup>10</sup>

### **Лавҳа**

*Тушкунлик суратини чизаётган куй оҳиста таралиб турибди...*

*Ярим тун. Қилт этган шабада йўқ. Тун эркаси чирилдоқларнинг ҳам нафаси ўчган. Шумшайиб қотиб қолган боғ қора чодрага бурканиб олган гўё. Боғ қўйнидаги ўша оппоқ уйча ҳам мотамсаро кўринади. Ичкаридан таралаётган хира шуғла*

<sup>9</sup> Аҳмад Закий. Хотиралар. – Тошкент: Истиклол нури, 2014.

<sup>10</sup> Аҳмад Закий. Хотиралар. – Тошкент: Истиклол нури, 2014.

таъсириданми, яккаш деразанинг икки кўзи худди мижжалари ёшга тўлган инсон кўзларини эслатиб жимир-жимир қилади.

Хона ичкарасига мўралаймиз. Бизга таниш ва нотаниш жадидлар йиғилганини кўрамиз. Кўнгиллари атроф-борлиқдан андоза олгандек хомуш. Шам тун зулматидан ҳадиксирагандек липиллаб ёнади. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Убайдулло Хўжаев, Абдурауф Фитрат ва бошқа маслакдошлар қандайдир қоғозларни тартибга солишмоқда. Баъзиларини мис жомга ташлаб ёқишмоқда. Бир-бирлари билан нималар ҳақдадир оҳиста сўзлашмоқда. Улар орасида яраланганлар ҳам бор. Кўзимиз бир чеккада ўтирган, боши ва бир қўли оқ дока билан тинғиб ташланган Низомхўжани илғайди. У гапга аралашмай, ўз хаёллари чангалида беҳол ўтирибди. Кейинги пайтларда рўй берган баъзи воқеалар ҳеч кўз ўнгидан кетмас, онгу шуурини пармалаб сира тинчлик бермасди...

### **Лавҳа**

*Мустафо Чўқай, Убайдулла Хўжаев ва Низомхўжа бирга Самарқанд, Андижон каби шаҳарлар бўйлаб от-аравада кезиб юрибди. Эғни-бошлари чангга ботган, афт-ангорларидан ҳорғинлик ёғилиб турибди. Бугун улар андижонлик Миркомил бойнинг хонадонига боришган. Убайдулла Хўжаев қаршисида сўррайиб ўтирган бойга ҳаяжон билан гапиряпти.*

**Убайдулла Хўжаев:** ...большевиклар келса, ҳаммасини шундоғам бериб қўйганингизни билмай қоласиз.

**Миркомилбой (гердайиб):** Нега берар эканман?

**Низомхўжа:** Сиз ҳали большевикларни билмас экансиз.

**Убайдулла Хўжаев:** Шўрода пул ва мол-мулк мусодара этилажагини эшитмаган кўринасиз...

**Миркомилбой (гапга чек қўйиш мақсадида хонтахта устида турган пулга ишора қилади):** Мен бундан ортигини беролмайман!

**Низомхўжа** (*чидай олмай*): Чақаларингизни тиланчиларга беринг. Биз садақа сўраб келмадик. Биз улуғ ишга кўмак тилаб келдик!..

*Хаёлланишдан баттар изтиробга тушган Низомхўжа соғ қўлини ҳавода бир силкиб ташлайди. «Аҳмоқлар, гумроҳлар!..»*

**Муаллиф:** Туркистон мухторияти молиявий жиҳатдан жуда заиф эди. Миллий қўшинни тезлик билан йиғиш, керакли қурол-аслаҳа билан таъминлаш, ҳарбий маҳоратини ошириш учун, Абдурауф Фитрат сўзи билан айтганда, ақча керак эди ва буни миллат ҳозир қилиши лозим эди. Миллат эса сусткашлик қилди. Мухторият ёлғизлатиб қўйилди, четдан ҳам ёрдам қўли чўзилмади. Бухоро амири Саид Олимхон беҳисоб бойликлари устида ястаниб ётиб, Туркистон мухториятининг тор-мор этилишига шунчаки томошабинлик қилди. Миллий ҳукумат аъзоларининг тажрибасизлиги, журъатсизлиги ҳам қимматли вақтнинг бой бериб қўйилишига олиб келди.

#### **Тасвирда:**

*– Поездларда ва отларда бостириб келаётган қизил аскарлар;*

*– қутилмаган ҳужумдан эсанкираб қолган мухторият зобитлари билан қизил аскарлар ўртасидаги беомон жанглардан кўринишлар.*

**Муаллиф:** Большевиклар эса, аксинча, вазиятни тезда баҳолаб, Тошкент ва бошқа жойлардан ёрдам кучларини жалб этиб ғалаба қозондилар. Русларнинг Биринчи жаҳон урушидан орттирган ҳарбий тажрибаси ҳам ёш ҳукуматни мавҳ этишга етарли эди.

*Туркистон осмонида қора булутлар қуюқлашган.*

**Муаллиф:** Кўп ўтмай миллат ойдинлари яна бир фожеадан ғамга ботади. Қўқон воқеаларидан қаттиқ изтиробга тушган Маҳмудхўжа Беҳбудий 1918 йил май ойида Байтуллоҳга юзланиб, ҳамроҳлари билан Қарши йўлида кетаётганда Амир Олимхон бекларининг қўлига тушиб қолади. «Туркистон жадиdlарининг тан олинган раҳнамоси, мустақил жумҳурият ғоясининг яловбардори, янги мактаб ғоясининг назариётчиси ва амалиётчиси, ўзбек драмачилигини бошлаб берган биринчи драматург, театрчи, ношир, журналист»<sup>11</sup> Маҳмудхўжа Беҳбудий Амир Олимхон буйруғи билан қатл этилади.

### **Лавҳа**

*Юз-қўздан жаҳолат ва қаҳр-ғизаб ёғилаётган бек ҳамда тиш-тирноғигача қуролланган, нашадан кўзлари сузилиб, қизарган йигитлар қаршисида Маҳмудхўжа Беҳбудий тек турибди.*

**Бек (ғазаб билан):** Сизлар жадид, кофир, тилчидурсиз. Бухорода жаноб олийға тиғ кўтарганлар сизнинг маслақдошингиз эмасларми?<sup>12</sup> Сизларни ўлдирмоқ керак!

**Бек мулозими (эҳтиёткорлик билан):** Бек жаноблари, Беҳбудий афанди тилчи ҳам, кофир ҳам эмаслар. Улар маорифда хўп хизмат қилғон...

**Бек (унинг сўзини бўлиб):** Ўчир овозингни, мурдак! (Йигитлариға) Олинг буни ҳам! Манавининг шериклари ёнига ташланғизлар!

**Мулозим (жон ҳолатда):** Бек жаноблари, бек жаноблари...

*Йигитлар мулозимни судраб олиб кетишади.*

**Маҳмудхўжа Беҳбудий (бек юзига тик қараб):** Бизлар ўлимдан қўрқмаймиз. Балки ҳақ йўлинда ўлмакни ўзимиз учун шараф деб биламиз.

<sup>11</sup> Бегали Қосимов. Сўзбоши. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. – Тошкент, 1997.

<sup>12</sup> Файзулла Хўжаев бошчилигидаги «Ёш бухороликлар» назарда тутилган.

**Муаллиф:** Бу мард инсон ўлими олдидан ҳам ўзини йўқотмай, бутун ҳаёти мазмунига айланган миллат равнақи йўлида сафдошларига васият йўллайди.

**Маҳмудхўжа Бехбудий** (*ниҳоятда қийналиб, абгор аҳволда хат битмоқда*): Манинг ўзим гарчанд банди бўлсам-да, сизларни эсимдан чиқармайман ва сизларга бир оз васият қилиб ўтаман.

Мани севар ўртоқларим! Маним сўзимни қулоқларингизга олингизлар! Маорифга ёрдам этингиз! Ўртадан нифоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар! Бизнинг отимизга мактаблар очингизлар! Бизлар у чоқда қабримизда тинч ётурмиз.

**Муаллиф:** Жаҳолат посбонлари бўлган бу манқуртлар Бехбудийдек улуғ мутафаккир, миллат ифтихорига тиғ тортишга журъат этдилар. Ул зотнинг ёвузларча ўлдирилиши Туркистон бошига тушган катта бахтсизлик ўлароқ жуда кўшларни ларзага солди.

#### **Тасвирда:**

- *Хувиллаган йўллар, мактаблар, хонадонлар...*
- *Маҳмудхўжа Бехбудийнинг эгасиз қолган иш анжомлари: очиб ёпилмаган китоблари, ёзиб тугатилмаган асарлари...*
- *Эгилган бошлар, ғамгин, ўйчан чехралар...*

*Ушбу тасвирлар ортидан Садриддин Айнийнинг мунгли овози эшитилади. Бир оздан сўнг ёшли юзи ҳам кўринади.*

#### **Садриддин Айний:**

*Сани мундин буён Турон кўролурми, кўролмасму?  
Санинг мислингни Туркистон тополурми, тополмасму?*

*Бошингни кесдурғон қотил, у бадтийнат, у сангин дил,  
Худодан гар эса ғофил, халойиқдан уялмасму?*



*Қотиллар кўринади: қилиб кўйган ишларидан ҳайрон, дил-  
лари сиёҳ, кўнгиллари хижил...*

***Эй қотила, эй фожира, эй фитнаи Турон!  
Қуръонни, шариатни оёқ остида босдинг,  
Беҳбудий каби доҳийни, Туронни-да осдинг!***

### **Лавҳа**

*Оғир хаёллар таъсирида ланж ўлтирган қотиллар кўз ўн-  
гидан Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг сўнги дақиқалари ўтмоқ-  
да: Беҳбудий тиз чўккан ҳолда салласиз бошини адл тутиб  
турибди. Унинг ҳорғин, лекин сокин юзида қўрқувдан асар  
ҳам йўқ. Фақат қотилларига, атрофида турган йигитларга  
нисбатан сохир табассум ортида яширинган ниҳоятда кучли  
ачиниш туйғуси бор.*

**Маҳмудхўжа Беҳбудий:** Чироғларим! Бошқа халқлар, ма-  
салан, серблар, италянлар, арманлар, славянлар, поляклар ва  
бошқалар ҳатто дунёнинг у бир учидаги қариндошлари ила  
бирлашур эканлар, биз ўз ичимиздаги қариндошларимиздан  
айрилсак, уятдир, аҳмоқликдур. Турк томирига болта урмоқ-  
ликдур...

**Бек (бўғилиб):** Ўчир овозингни!

**Маҳмудхўжа Беҳбудий (овозини баландлатиб):** Турк то-  
мирига болта урмоқликдур...

*Унинг овозини фожеавий муסיқа кўмиб юборади.*

**Муаллиф:** Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон фожеаси-  
нинг навбатдаги силсиласи бошланаётганини бутун вужуди  
билан ҳис қилган эди ва бу содир бўлди!

### **Лавҳа**

*Тўсатдан жаранглаган жанговар муסיқа остида яшил  
байроқ пайдо бўлиб ҳилтирай бошлайди. Тоғу тошда, далаю*

*дашда ярим ой тамғали яшил байроқ кўтарган отлиқлар борган сари кўпайиб, кенгликларни тўлдириб важоҳат билан елдек от суради.*

**Муаллиф:** Фарғона водийсида содир этилган хунрезликларга жавобан миллий истиқлолчилик ҳаракати юзага келади. 1918 йили бошланган бу қуролли кураш Туркистонда авж олган зулм, ҳақсизлик, адолатсизликка қарши пешонаси шўр халқнинг яна бир исёни эди.

Ўша пайтлар халқимизнинг тушунган қатлами совет тарихчилари тарафидан ноҳақ равишда «босмачилик» дея атаб келинган, аслида, озодлик ҳаракати бўлган иқтиқлолчиликка катта умид боғлаб, қизил империяга қарши муносиб кураш олиб борадиган миллий давлатнинг миллий армияси туғилиши деб ҳам қарай бошлаган эди. Ўлкамизнинг шарқий, марказий, жанубий ва ғарбий ҳудудларида маҳаллий қўрбошилар етакчилигида озодлик кураши гоҳ кучайиб, гоҳ сусайиб, гоҳ бирикиб, гоҳ бўлиниб ўн беш йиллар давом этди. Фарғона водийсида, Самарқанд-Жиззах теграси ҳамда Бухоро атрофларида, Хоразм томонларда, жанубий минтақаларда Эргашбек, Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Очилбек, Баҳромбек, Ҳамроқулбек, Иброҳимбек, Жунаидхон каби қўрбошилар бошчилигида минглаб асл ўғлонлар Туркистонни қуллик занжирларидан холи кўриш умидида жон олиб, жон берди. Қўрбошилар, совет идеологияси халқнинг қулоғига қуйганидек, бир тўда ўғри-муттаҳамлар эмас, балки дунёдан бохабар, эътиқоди мустаҳкам, орияти баланд, лафзи ҳалол кишилар бўлган. Улар давлатчилик бобида ҳам ўрта аср анъаналарини давом эттирмоқчи эмас, аксинча, замонавий тутимларга асосланган ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаган эдилар. Аҳолини талаш, моли ва жонига зиён етказиш қатъий тақиқланган, буйруқни бузганларга нисбатан қаттиқ жазо қўлланилган. Минг афсуски, бундай тартиб-қоида ҳамма кўшинларда ҳам жорий қилинмаган эди.

Зиддият борган сари кучая бориб, икки ўт орасида қолган халқ аҳволи ёмонлашавергач, кўрбошилар орасида айрича обрўга эга бўлган Шермуҳаммадбек ортиқча қон тўкилишига чек қўйиш мақсадида шўролар билан келишув йўлларини излаб, большевик ҳукумат аъзолари билан учрашади.

### **Лавҳа**

*Кўрбоши қароргоҳи. Чодир ичига тузалган жойда қарама-қарши томон бир-бирига қараб ўтирибди. Икки тараф соқчилари сергак бўлиб, қурулларини маҳкам тутганча тек қотишган.*

**Г.Зиновьев:** Сиз нима хоҳлайсиз?

**Шермуҳаммадбек:** Хуррият истаймиз, истиқлол истаймиз. Бизни холи қолдиришингизни хоҳлаймиз!

**Муаллиф:** Албатта, бу талабни қизиллар қабул қилмайди. Вазият янада ёмонлашиб бораверади. Рус граждандар уруши қахрамони Фрунзе каби кучли кўмондонларнинг бошчилиги туфайли қизилларнинг кўли устун кела бошлайди. Кўрбошилар иззатпарастлиги ва манманлиги ўзаро келишиб иш қилишга қўймади. Ҳаракат йўлбошчилари бир мақсад сари бир ёқадан бош чиқаришолмади. Оқибатда ислом ва озодлик байроғи остида билиб-билмай хунрезликлар, ёвузликлар қилина бошланди. Пайҳон этилган пахта ва экин далалари, ўт кетган буғдойзорлар, ёндирилган озиқ-овқат омборлари, қиррилган чорва моллари, шафқатсизларча осилган-отилган бегуноҳ одамлар – буларнинг ҳаммаси халқни босмачилардан бездириб, ҳафсаласини пир қилди. Бунинг устига, ҳаракат йўлбошчиларининг йўқсиллар ҳокимиятини йўқ қилиб мусулмон бойлари ва руҳонийлар давлатини барпо этиш ғояси шўро инқилобининг «Ҳокимият йўқсилларга!» деган хитоби ва ваъдаси қаршисида кучини йўқота борди. Бойлар ва руҳонийлардан жабр тортиб келган халқ яна улар кўлига тушишини истамади. Халқ яшил байроқдан кўра қизил байроқни афзал билди. Халқ кўмагисиз қолган миллий истиқлолчилик

ҳаракати рус ва хориж, хусусан, Англия, Туркия аксилинқил-  
лобий кучлари ёрдамига қарамай, 30-йилларга бориб қизил-  
ларнинг қақшатқич зарбаси туфайли батамом барҳам топди.

*Тасвирда матнга мос саҳналар кўринади.*

*Лавҳа баланд ҳилпираётган қизил байроқ ва отда чопиб  
бораётган ғолиб қизил аскарлар тасвири билан тугайди.*

**Муаллиф:** Мустақиллик йўлида навбатдаги бу ҳаракат-  
дан ҳам жўяли натижа чиқмаслигини англаб қолган жадид-  
лар совет ҳокимиятига қарши ошқора курашнинг самарасиз  
эканига ишонч ҳосил қиладилар. Бир юрт фарзандлари ора-  
сидаги қирғинга айлана бошлаган бу урушни тўхтатиш мақ-  
садида шўролар томонига ўтишга мажбур бўладилар.

*1924 – 1925 йиллар.*

**Муаллиф:** Миллий чегараланиш баҳонасида Туркистон  
парчалаб ташланди. Ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, кейинча-  
лик тожик халқига бўлак-бўлак давлатчалар ясаб берилиб,  
барчаси қизил империянинг таркибий қисмига айлантирил-  
ди. Шу тариқа ўлканинг ягона мустақил давлат бўлиб жаҳон  
сиёсий харитасидан жой олишига имкон қолдирилмади.

**Лавҳа**

*Тун. Мунаввар қорининг бизга таниш қулбаси. Пастак хон-  
тахта атрофида маслакдошлар хуфёна суҳбатлашиб ўти-  
ришибди. Боғ тарафга очилган дераза тоқчасидаги керосин  
лампа чироқ хонани яхшигина ёритиб турибди.*

**Абдурауф Фитрат:** Москванинг ғирром сиёсати бу! Тур-  
кий халқларни бир-биридан айириш кўзланган.

**Мунаввар қори:** Англия Ҳиндистонни осон бошқариш  
учун аҳолисини кичик миллий бўлақларга бўлиб ташлагани-  
га айнан ўхшаш сиёсат.

**Элбек:** Англия ҳам Туркистонга кўз қирини ташлаб турган эди. Агар Англия қўлига ўтиб қолганимизда, озод бўлиш учун ҳеч қандай умид қолмасди.

**Мунаввар қори (жаҳл билан):** Агар англизлар босиб олганида, яхши бўлар эди. Масалан, Ҳиндистонда матбуот эркинлиги бор. Ҳар ким ҳам ҳукуматни матбуотда очиқ танқид қила олади. Миллий урф-одатлар таъқиб қилинмайди. У ерда савдо эркинлиги мавжуд. Ягона фирқа диктаторлиги йўқ.

**Абдулҳамид Чўлпон:** Аксинча, мен ўз режаларимизни ҳаётга татбиқ этиш учун шўрони муносиб ҳукумат деб билман.

**Абдурауф Фитрат (очиққўнгиллик билан):** Хаёлпарастсизда, дўстим!..

**Мунаввар қори:** Шундай бўлишини мен ҳам истардим...

*Ўртага бир неча лаҳза сукут чўкади.*

**Мунаввар қори (чуқур нафас олиб):** Москва миллий чегараланиш зарур деб билган экан, қаршилиқ кўрсатиш бекфойда, масаланинг ижобий томони билан шуғулланишдан бошқа йўл йўқ. Бу ёғига, дўстлар, шўро билан муроса қилиб яшашга тўғри келади. Лекин уларга тўла ишониб ғафлатда қолмаслигимиз зарур. Озодлик учун курашни давом эттиришга пайт пойламоқ бугун энг маъқул чора бўлиб турибди.

**Абдурауф Фитрат (ижирғаниб):** Шўро ҳокимияти ич-ичидан бузилиб, бир кунмас-бир кун пойдевори бўш иморатдай кулаб тушиши муқаррар. Ахир халқ бундай ўйинларга қачонгача чидар?

**Мунаввар қори:** Лекин халқ кундан-кун шўро томонга ўтмоқда. Негаки ташвиқотга устаси фаранг улар. Мана, саводсизликни тугатиш баҳонасида бизнинг неча йиллардан бери қилаётган меҳнатларимизни йўққа чиқариб, ўқиш-ёзишни халқимизга фақатгина ўзлари ўргатаётганини бутун дунёга жар солиб ётибдилар. Аслида-чи, бетакрор маданиятга эга

бўлган бу муҳитни таг-томири билан куритмоқдалар. Кўйиб берса, улар фарзандларимизга туркий халқларнинг тарихи йўқ деб ўқитишга тушишади. Чунки шўролар бизнинг буюк миллатимиз тарихининг фақат бир даврини билади. Рус мустамлакаси даврини.

**Абдулҳамид Чўлпон:** Ҳақиқатан, бундоқ разм солсангиз, коммунист кадрларнинг савияси ниҳоятда пастдур.

**Абдурауф Фитрат** (*истеҳзо билан*): Авомнинг ҳам савияси ҳамин қадар. Шунинг учун улар бир-бирларини яхши тушунадилар.

**Мунаввар қори:** Лекин авомнинг миллий туйғуси ҳали бақувват. Тан бермоқ керакки, амалда руслаштириш, урфодат, анъаналардан зўрлик билан узоқлаштириш ҳолатлари, тарихий илдизларни унуттириш сиёсати кучайиб бормоқда. Агар аҳвол шундай давом этаверса, ўзбекларда миллий руҳ қолмайди. Шунинг учун миллий ғоя, миллий руҳни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш соҳасида биз ҳам тарғибот ишларини кучайтирмоғимиз, аҳолининг маданий савиясини кўтаришда бор имкониятдан фойдаланмоғимиз керак.

**Абдурауф Фитрат** (*қизишиб*): Ҳа, хўжакўрсинга бўлса-да, шўро ҳукумати томонидан кўтарилган шўро идораларини маҳаллийлаштириш ҳақидаги шиоридан фойдалансак айни муддао бўлади.

**Мунаввар қори:** Балли, шўро идораларига миллий кайфиятдаги кишиларимизни аста-секин жойлаштирсак, бошқарувни ҳам қўлга олишимизга имкон туғилади.

**Абдулҳамид Чўлпон** (*илҳомланиб*): Мактаблар учун дарсликлар чиқариб, миллий руҳни иложи борича адабиёт ва ўзбек тили дарсликларига сингдиришга ҳаракат қилиб боришимиз керак.

**Элбек:** Тўғриси айтганда, коммунист кадрларнинг савияси пастлиги сабабли бу ишлар осон кечади.

*Даврадагилар бир-бирларига қараб кулиб қўйишади.*

**Мунаввар қори** (*Элбекка қараб*): Мана сиз, Ғози Юнус, Санжар каби миллий зиёлиларимиз газета ва журналларда салмоқли таъсирга эгасизлар. Фитрат, Чўлпон, Жулқунбой каби миллий руҳдаги ёзувчиларимиз бор. Гапнинг қисқаси, матбуотда, адабиётда миллий таъсир коммунистик таъсирдан кучлироқ.

**Абдурауф Фитрат:** Демак, бундан бу ёғига қуролли кўзғолондан маданий инқилоб сари юз бурмоқ даркор.

**Мунаввар қори:** Худди шундай.

**Элбес:** «Кўмак» жамияти ишини янада фаоллаштириш, ёшларни ўқиб учун чет элга кўпроқ юбориш йўллارини қидириш керак бўлади.

**Мунаввар қори:** Ҳа. (*Фитратга қараб*) Фирқанинг ўз-ўзидан айниб кетишига мен ҳам ишонаман. Охир-оқибатда шўро ҳукумати мағлубиятга учраб, ҳокимиятини қўлга олишимизга ҳам ишонаман. Коммунистлар шовинистлашмоқда. Хусусий мулк ва синфларни тугатиш мақсадидаги аёвсиз кураш оқибатида аҳолининг аҳоли тобора оғирлашиб бормоқда. Вақти келиб халқ большевизмдан юз ўгиради. Ушал қутлуғ кунларига қадар маориф ва маданият йўлида тивмай ишлашимиз лозим бўлади.

**Муаллиф:** 1920 – 1936 йилларда социализм куриш учун астойдил курашган, оммага етакчилик қилган, партия ва совет хўжалик ташкилотларига раҳбар бўлган, мамлакатимизнинг маданий-мафкуравий ҳаётида катта роль ўйнаган кўшлаб сиймолар жадидчилик бешигида суяги қотган, жадидчилик ғояларидан сув ичган инсонлар эди.<sup>13</sup>

### **Лавоҳа**

*Ушқалмаган орзу-армонларни англатувчи мусиқа.*

*Қора туун. Қуюқ дарахтзор чангалида қорайиб кўринаётган уй. Деразадан базўр нур таратиб турган керосин чироқ*

<sup>13</sup>Ҳамид Зийод. Ўзбекистон мухтажирлиги учун куришлар тарихи. – Тошкент, 2001.

*атрофни ёритишга уринади, лекин бора-бора нури сўниб, ёруғ нуқтага айланади. Ниҳоят, уни ҳам қоронғилик ютиб, уйча зулмат домига чўкади...*

**Муаллиф:** Мустамлакачилик ва шовинизмга муккасидан кетган, аммо бағридаги иллатларни қалин камзули билан халқдан паналаб келаётган большевизм ҳар қандай шароитда ҳам мустақиллик ғоясини илгари сурган жадидчилик ҳаракатига қарши уруш очди. Биринчи бўлиб «Туркистоннинг қутқарилиши ғоя-идеалининг фидокор, саботли, жасур курашчиси ва ғоя маслак чашмаси»<sup>14</sup> Мунаввар қори Абдурашидхоновни йўқотиш режаси тузилди.

### **Лавҳа**

*Тошкент, 1927 йил декабрь.*

*Қиш. Совуқ хона. Шамчироқ ёруғида Мунаввар қори эски тўнига ўралиб олиб бир нима тўқиб ўтирибди. Хонтахта ўртасидаги темир тақсимчада уч-тўртта қора нон бўлаги. Хонтахта ёнида эса янги тўқилган икки-уч жуфт жун пайпоқ тахлаб қўйилган. Хона бурчагидаги темир каравотда устига қават-қават кўрпа ташланган бемор хотини юзини девор томонга ўгириб ётибди.*

**Муаллиф:** 1926 йилларга келиб Мунаввар қорининг маънавий ва моддий аҳволи ниҳоятда танглашди. Матбуотда унинг китобларига ҳужум бошланди. Ишдан четлатилиб, ёшларни миллатчилик руҳида тарбиялашда айбланиб, ҳатто мактаб ўқитувчилигидан ҳам ҳайдалди. Миллат муаллими, халқнинг маънавий отаси, йўлбошчиси саналган киши ишсиз қолди. Тирикчилик вазидан кунига тўққиз соатлаб пайпоқ, қўлқоп тўқиб, бир неча ой ночорликда кун кечирди. Хўрлик ва адолатсизликдан чарчаб Москва ёки Афғонистон томонларга бош олиб кетмоқчи ҳам бўлди, лекин...

---

<sup>14</sup>Профессор Иброҳим Ёркин. Анкара университетида кўним топган юртдошимиз.



*Тошкент, 1928 йил февраль.*

*СССР Халқ комиссарлари қошидаги Бирлашган давлат сиёсий бошқармасининг Ўрта Осиёдаги мухтор вакили Лев Николаевич Бельский кабинети. Эшикдан ҳарбий ходим етовида Мунаввар қори кириб келади.*

**Лев Бельский** (ўрнидан сакраб туриб Мунаввар қорига пешвоз чиқади): Эй, Мунаввар Абдурашидович! Сизни ҳам кўрар кун бор экан-ку. Кўпдан бери танишиш истагида эдим. (Кўлини узатиб) Жуда хурсандман. Бельский. Марҳамат, ўтиринг.

*Ўзи ҳам бориб жойига ўтиради. Ходимига имо қилади, у эшик орқасига ўтиб кетади.*

**Лев Бельский:** Сиз ҳақингизда жуда кўп илиқ гаплар эшитганман. Халқингиз сизни хўб улуғлар экан. (Кўзини маъноли қисиб) Эсерлар қатнашган бир йиғилишда «Яшасин миллат, яшасин Мунаввар қори!» деган ашула ҳам айтилган экан. Яна оркестр ижросида. Қойил. Зўр, зўр...

*Мунаввар қори нима дейишини билмайди, гап нимадалигини англолмайди.*

**Лев Бельский** (олдидаги қоғозга қараб): 1918 йили комфирқа сафига кирган экансиз. 1921 йили эса чиқиб кетган экансиз. Ай, ай... Яхши бўлмаган экан. Хўш... Сиз «Кўмак», «Иттиҳоди тараққий», «Миллий иттиҳод», «Миллий истиқлол», «Бирлик» каби расман ошқора ва яширин ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг ташкилотчиси, ғоявий раҳбари ҳисобланасиз. (Мунаввар қорига қаттиқ қараб) Кўрдингизми, сиз ҳақингизда кўп нарсани биламиз.

**Мунаввар қори:** Ҳа, сиёсий бошқарманинг эътиборидан ҳеч нарса четда қолмайди.

**Лев Бельский:** Шундай, Мунаввар Абдурашидович! Хўш... Сизни ҳузуримизга чақиришдан мақсад жадидчилик ҳақида баённома тайёрлаб берсангиз. Ҳаммага маълум, сиз Туркистон жадидчилиги ҳаракатининг раҳнамоларидансиз. Жадидчиликнинг пайдо бўлганидан то ҳозирги кунгача нима ишлар қилгани, келажакдаги режалари ҳақида кенг ва, албатта, ҳужжатларга асосланган ҳолда ёзиб беришингизни сўраймиз.

**Мунаввар қори:** Бундан кўзланган мақсад нима? Шундай савол берсам бўладими?

**Лев Бельский (қулиб):** Хизматчилик. Ахир совет ҳокимияти ўрнатилган жойларда ҳар хил расмий ва норасмий ташкилотларнинг фаолияти билан таниш бўлишимиз керак-да. Ё кўрқяпсизми?

**Мунаввар қори:** Менимча, сиёсий бошқарманинг мақсади мен каби маҳаллий зиёлиларни йўқ қилиш бўлмаса керак.

**Лев Бельский:** Албатта.

**Мунаввар қори:** Шундай экан, менда кўрқиб учун ҳеч қандай сабаб йўқ. Бизнинг ташкилотларимиз фаолиятида ҳеч қачон давлатга қарши ҳаракат бўлмаган. Мақсадимиз илм ва маърифат тарқатиб халқнинг уйқудаги кўзини очиш эди.

**Лев Бельский (қоғозга нимадир ёзиб):** Ҳа, ҳа... Бу жуда нозик масала – «халқнинг уйқудаги кўзини очиш»...

**Мунаввар қори (илмоқли гапни тушуниб):** Тўғри, биз Чор Россияси даврида ерлик халқнинг доимо жаҳолатда қолиб қул бўлиб туришини истаган мустамлакачиликка қарши қураш олиб борганмиз.

**Лев Бельский:** Ҳа, ҳа. Совет ҳукумати ҳам мустамлакачилик сиёсатига қарши. Мана, совет ҳокимияти сизларга эркинлик берди. Энди ўз юртингизда ўзингиз хўжайинсизлар. Тақдирингиз ўз қўлингизда.

*Мунаввар қори кўзини ерга тикиб жим бўлиб қолади. Бельский унга синовчан қараб қўяди.*

**Лев Бельский:** Ё сиз бошқача фикрдамисиз?

**Мунаввар қори:** Йўқ, асло. Миллатимиз гуллаб-яшнаши фақат шўро тузумида амалга ошади деб ишонаман. Фақат...

**Лев Бельский:** Хўш?

**Мунаввар қори:** Айни замонда шуни айтиш керакки, ҳозиргача маҳаллий аҳолига нисбатан рус миллатчилиги тагтуги билан битирилмаган.

**Лев Бельский:** Ў... Қизиқ... Хўш, хўш?

**Мунаввар қори:** Ҳануз ерлик аҳолини Чор Россияси давридагидек «туземец» деб ҳақоратлашади. Уларга шўро ҳукумати берган ҳуқуқлардан фойдаланишга тўсқинлик қилувчилар бор. Масалан, барча идора ва ташкилотларда иш юритишни маҳаллий тилда олиб бориш ва шу йўл билан оврополик ходимларни ҳам маҳаллий тилда гапириш ва ёзишга ундаш керак деб биламан. Бу ерлик халқнинг ўз юртида хўжайин эканини эслатиб турувчи омиллардан биридир.

**Лев Бельский** (ясама қувноқлик билан): Ў, ажойиб! Ёзинг, мана шулар ҳақида ёзинг. (Бир-бирларининг кўзларига тикилиб қолишади.) Сиз ҳам яхшигина миллатчи кўринасиз, Абдурашидхонов.

**Мунаввар қори:** Бир халқни иккинчидан устун қўйиш миллатчиликдир. Миллийлик эса ҳар бир халққа хос умуминсоний қадриятлар бўлиб, миллат тақдирини белгилайди. Бизнинг ҳаракатларимиз миллийлик билан боғлиқдир. Ҳа, мен шу маънода миллатчиман.

**Лев Бельский:** Жуда яхши. Мана шулар ҳақида ёзинг. Ахир жаҳидчилик ва жаҳидлар ҳақида тарихда бирор маълумот қолса ёмонми?

**Мунаввар қори** (бир оз ўйланиб тургач): Мен розиман. Шу баҳонада бўлиб ўтган воқеаларни тадқиқ қилиш ва тарихга молик бирор нима қолдириш имкони ҳам туғилар экан. (Кулимсираб) Балки, ҳукумат олдидаги сиёсий мавқеим ҳам яхшиланиб қолар.

**Лев Бельский:** Албатта! Бугундан ишга киришинг. Хижолат бўлманг, иқтисодий аҳволингизни биламиз. Бемалол иш-

лашингиз учун бошқарма ҳисобидан сизга нафақа ажратдик.  
Муваффақият!

**Мунаввар қори:** Раҳмат!

**Лев Бельский:** Кўришгунча! (Кўлини сиқиб хайрлашади.)

*Мунаввар қори орқага ўгирилиши билан Лев Бельскийнинг юзидаги табассум бирдан йўқолиб, олдидаги қоғозга нималарнидир тез-тез ёзиб кўяди.*

*Мунаввар қори кўча бўйлаб шахдам қадамлар билан хурсанд ҳолда кетмоқда.*

**Муаллиф:** Мард одам орқадан келиб уриладиган ханжар хавфини хаёлига келтирмайди. Чунки ўзи бу ишни ҳеч қачон қилмайди. Шу суҳбатдан сўнг Туркистон жадиличилик ҳаракати ҳақида ҳужжатли рисола яралди, лекин Мунаввар қори ва сафдошлари кўл-оёғига миллатчи, аксилинқилобчи, халқ душмани деб аталмиш темир кишанлар тушди.

### **Лавҳа**

*Фитна, умидсизлик руҳини ифодаловчи мусиқа.*

*Қора тун чўккан таниш боғ кўйнидаги ўша таниш қулба. Мунаввар қори дераза ортидаги қоронғиликка тикилиб, жунжикиб ўтирибди. Унинг хаёлидан Чўлпоннинг ушбу сатрлари ўтмоқда:*

***Тун ёмон, тун қоронғи,***

***Тун кўрқинч, тун азоб.***

***Тунда эски ва янги –***

***Ҳар нарса – хаёл сароб...***

*Ташқарида бирдан шамол кўтарилиб, дераза тарақлаб очилиб кетади. Мунаввар қори қулоғига келиб урилаётган дарахтлар шовуруни Чўлпоннинг аламли ноласига менгзайди.*

**Қоп-қоронғи кеча... чироқлардан  
Сўнги нур кетди, у йироқлардан  
Ўжириб, гувлаган товуш келадир,  
Кечанинг кенг сукутини тиладир...  
Нима?  
Қандоқ товуш бу?  
Билмайман...  
Кечанинг, балки, йиғлаган доди,  
Балки, куннинг аламли фарёди!..**

Мунаввар қори деразани ёпмоқчи бўлиб ўрнидан туради. Назари шамолда жонланган дарахтларда қотиб қолади. Дарахтлар унинг кўзига қўлларини силкитиб, не қиларини билмай, на олдинга, на орқага кетолмай ҳайрон қолган ўртоқларининг қўланкалари бўлиб кўринади. Шамол эса шувиллаб, увиллаб, дарахт баргларини қўланкалар оёғи остига узиб ташлайверади. Соябон остига тахланган ёзги мактабнинг тахта курсилари йиқилиб, сурилиб тарақлайди. Китоб варақлари йиртилиб, хазонларга қўшилиб сарсон кезади. Бир неча сонияда баргларидан айрилган дарахт шохлари фалакдан мадад сўраган қоқшоқ қўллар мисоли осмонга узади қолади. Мунаввар қори тарақ-туруқлаб очилиб-ёпилаётган дераза табағига қўл чўзганда бармоқлари турма панжараларига бориб тегади. Уй кўз ўнгимизда қамоқхона бўлмасига айланади. У бир неча ойдан бери шу ерда, хавфли жинойтчиларга мўлжалланган бир кишилик камерада азоб тортмоқда. Сочлари оқариб кетган Мунаввар қорининг ваҳм чўккан нигоҳи чўян панжаралар аро қора булутлар сузиб юрган осмонга қадалган. Қулоқлари остида Чўлпон овози:

**Кенглик хаёллари учдими кўкка,  
Бутун умидлари ёвларми кўмди?  
Мангу тутқунликка кирдими ўлка,  
Хаёлда порлаган шамларми сўнди?**

**Муаллиф:** Туркистонда биринчи университетни ташкил қилган, биринчи ўзбек ректори, «Чўх мунаввар этди оламни Мунаввар қоримиз, Кўрдимиз равшанлиғидан феълимиз, атворимиз...» дея олқишланган миллат ифтихори ва жонкуяри Мунаввар қори узоқ қийноқ ва азоблардан сўнг ўлимга ҳукм қилинди. Аммо бу машъум ҳукм қачон ва қаерда адо этилгани, майити қаерга дафн қилингани номаълум бўлиб қолмоқда.

Абдурауф Фитрат 1917 йили: «Россияга бир бало келди. Большевиклар!» – деган эди. Бу бало энди умумий бўлиб, миллати, мамлакатига қарамай, советлар ҳокимияти ўрнатилган сарҳадлар бўйлаб барчанинг бошига баб-баравар ёғила бошлади.

### **Тасвирда:**

*– Еру кўкни оҳ-воҳ, дод-фарёд тутган... Бир томонда рус бойлари, бошқа томонда эса ўзбек-қозоқ бойлари бола-бақраси билан бадарға қилинмоқда...*

**Муаллиф:** Октябрь тўнтаришидан сўнг бошланган бойларни қулоқлаштириш сиёсати 1929 – 1936 йилларда яна авжига чиқдики, буни тарихчилар қатағон этишнинг биринчи босқичи деб ҳам ҳисоблашади.

### **Тасвирда:**

*Бир томонда ўрис деҳқон хўжаликларига, бошқа томонда эса ўзбек, қирғиз деҳқон хўжаликларига бостириб кирилиб, бир-иккита бўлса ҳам отми, хўкизми, қўй-қўзими олиб чиқиб кетилмоқда; хотин-халаж молларига ёпишиб додлаганча қолмоқда.*

**Муаллиф:** Колхозлаштириш сиёсати туфайли деҳқонлар чекига чеки йўқ бахтсизликлар тушди. Бир-иккита хўкизи ёки оти бўлса бўлди, «муштумзўр» – «қулоқ» деб айбланиб, оила аъзолари билан қўшиб Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистон, Украина томонларга бадарға қилина бошланди.

### **Тасвирда:**

– Кенг майдон. Қулоқ қилинган деҳқонларни оилалари билан шу ерга тўплашган. Юпун энгил-бош, уч-тўртта бўғчаси билан номаълум, узоқ юртларга жўнатишмоқда.

– Қўрқув ва чорасизликдан карахтланиб қолган эркаклар, қўлларини кўкка чўзиб йиғлаётган аёллар, даҳшатдан ота-оналарини қучиб олган болалар;

– буйруқни адо этаётганларнинг эса бефарқ, мамнун, беараҳм қиёфалари, юз-кўзлари;

– ёпиқ вагонларга тиқиб жойланаётган одамлар...

**Муаллиф:** Юртдошларимизнинг кўпчилиги йўл азоби, оғир меҳнат, ноқулай, совуқ иқлимдан, турли касаллик ва очарчиликдан ўлиб кетади. Бир қисми қатағонга учраб ё узоқ муддатга қамалади, ё отиб ташланади. Кимлар? Оддий деҳқонлар! Заҳматкаш қўллари билан ерда ишлаб, эл-юртни едириб-ичиргувчи оддий деҳқонлар!

### **Тасвирда:**

– Йўл азоблари: ёпиқ вагонларда тиқилиб, бўғилиб кетаётган одамлар;

– сувсаган, очқаган болалар хархаша қила-қила, охири сўлжайиб қолишган;

– нафас етмай жони узилган қариялар;

– ўзга илож йўқлигидан вагон тахтасини кўчириб ўлганларни рельсга ташлаб юборишади;

– ниҳоят, оч-наҳор одамларни вагонлардан тушириб, араваларга ўтқазиб, номаълум манзилларга олиб кетишмоқда;

– ёш келинчак қўлида жимиб қолган гўдагига қараб қотиб қолган; унинг қўлидан чақалоғини тортиб олишга тиришадилар. Аёл бўш келмайди... Йўлда кичкина қабрча пайдо бўлади. Она қабр устига ўзини ташлайди. Зобитлар уни тезроқ йўлга тушишга ундашяпти. Эри беҳуш хотинини кўтариб шалоқ аравада мунғайиб ўтирган ота-онаси ёнига ётқиза-

ди... Йўлда яна бир қабр пайдо бўлади. Бу фарзанд доғи ва очликка чидолмай, юраги ёрилиб ўлган навниҳол келинчакнинг қабри эди;

– фарзанди ва севимли хотинидан айрилган йигитнинг авзойи бузуқ, аскарларга ёмон-ёмон қарайди. Барини битта қўймай қирмоққа тайёр. Лекин ота-онаси бўйнига ёпишиб олиб уни бу ниятидан қайтариш учун ялиниб-ёлворишади;

– бахти қароларни борса келмас манзилларга олиб кетаётган шалоқ араваларнинг узун қатори...

**Муаллиф:** Чек-чегарасиз хўрлик ва адолатсизлик, шунингдек, алам ва чорасизлик исканжасида барбод бўлган қанчадан-қанча тақдирлар! Ким бунга жавоб беради? Тўловини ким тўлайди, ахир?! Оддий халққа қилинаётган бундай ваҳшийликларни кўриб-билиб турган виждонли коммунистлар ҳайрону лолликдан довдираб қолишади. Бошларини хавфга қўйиб бўлса-да минбарларда халқнинг оғир аҳволдан дарак берувчи гапларни кўрқмасдан айта бошлайдилар.

### **Лавҳа**

*Фирқа йиғинларидан бири. Туркистон АССР МИК раиси Турор Рисқулов ҳаяжон билан гапиряпти:*

**Турор Рисқулов:** Совет ҳокимияти ўрнатилганидан кейин аҳволимиз янада ачинарли ҳолга тушиб қолди. Ҳар куни ўн минглаб кишиларнинг ёстиғи қуримоқда. Бунақада бутун миллат йўқ бўлиб кетиши мумкин...

*Залдагилар нотиқнинг ҳақ гапларини кўрқиб-писиб, дамини ичига ютиб эшитиб ўтирибдилар.*

*Шундай йиғинларнинг яна бири. Коммунист Усмонжон Эшонхўжаев ўзига оғиз очирмаётган большевикларнинг тўполонини босишга уриниб овозини баланд қўйиб гапиряпти.*



**Усмонжон Эшонхўжаев:** Туркистон озодликка чиққани йўқ! Ҳали бу юртда мустамлакачилар ҳукмронлиги давом этмоқда...

*Залда баттар норозилик шовқини кўтарилади. Нотиқнинг гапларига ич-ичдан қўшилганларнинг эса уни чиқмайди. Бироқ юз-кўзлари сўзловчига хайрихоҳликни ифодалаб турибди.*

**Муаллиф:** Бу каби уринишлардан ҳеч бир иш чиқмаслигига ақли етганлардан бири ЎзКП аъзоси И.Хидиралиев тўғридан-тўғри Сталин номига хат ёзишга журъат қилади. Республикада содир этилаётган адолатсизликлардан хабар бериб: «Партиянинг деҳқонларга нисбатан сиёсати нотўғри», – деб айтишга куч топади. Лекин бундан бу ёғига уни қандай тақдир кутаётганини англаб ўзини ўзи олади.

Бу каби эътирозлар инobatга олинмади, аксинча, ҳақиқатгўйларнинг овози ўчирилди, оқибатда янада мудҳиш фалокатлар кетма-кет келаверди...

*Аравалар қолдирган қатқалоқ излардан «1933 йил» ёзуви чиқиб келади.*

**Муаллиф:** Шусиз ҳам ўлда-жўлда мамлакат хўжалиги ички урушлар туфайли буткул хонавайрон бўлган эди. Ер эгалари бекордан-бекор қувиб-қириб ташланиши, партиянинг ҳалокатли сиёсати яна юз минглаб одамларнинг ёстиғини қуритган очарчиликни бошлаб келди.

Қизил империя қулаганидан кейин сув юзига қалқиб чиққан кўплаб фактлардан маълум бўладикки, 1930 – 1932 йиллар Россия ва Қозоғистонда қурғоқчилик туфайли буғдой етиштирилмай қолгани боис ўзбек буғдойи Москвага олиб кетилган ва чет элга валютага сотиб юборилган. Ўша даврда «Тилла тангага нон топилмас» деган нақл бежиз тарқамagan экан. Қарангки, кунжарадан шишиб ўлган қанчадан-қанча одамлар мана шу «инсонпарвар» сиёсатнинг қурбони бўлган

экан. Совет даврида яшаган, совет ғояси билан улғайган ким-са учун бу ақлга сиғмас ҳақиқат эди...

*Тасвирда қорни шишиб кетган одамлар, йўл бўйида ўлиб ётган ёшу қари, болаларини судраб хонадонма-хонадон тиланчилик қилиб юрган хотинлар ва яна...*

**Муаллиф:** Шўро байроғи ҳилпираган сарҳадлар бўйлаб неча маротаба очлик шамоли шувиллаб ўтганди. Кўп жойлар ўроқ тушган пайкалдай хувиллаб қолганди. Шундай қалтис вазиятда «Нон шаҳри» деб аталган Тошкент минглаб очларга нон улашган. Аммо 1933 йилги очарчилик айна бизнинг ўлкада содир бўлиб, ушбу кампания атай уюштирилмаганмикин деган ёмон хаёлдан вужуд беихтиёр жунжикиб кетади.

Иброҳим ҳожининг нариги дунёга рихлат қилганига ҳам бир неча йил бўлди. Ўтган вақт мобайнида аҳил, фэйзли оила парокандаликка юз тутиб, катта ва кичик ойимлар умумий мулкдан ўз улушларини олиб, фарзандлари билан бири ота уйида бошпана топди, яна бири алоҳида хўжалик қилиб тарқаб кетишди.

*Тасвирда Иброҳим ҳожи қадами теккан жой ва қўчалар:*

*– қоронғи хона бурчагида мунғайиб турган арғамчи курси;*

*– бойнинг хувиллаб қолган катта ҳовлиси: оловсиз тандир, мўриси қийшайган самовар, нураб тушган лой супа, суви қуриган ариқ бўйидаги сўлиб қолган гуллар...*

*– бой юрган йўллар кимсасиз: тўлиб оқадиган анҳор шовири ҳам тиниб қолган гўё, қаровсиз боғлар қаъридан сайроқи кушлар нағмаси эмас, уккининг қичқириши дам-бадам қулоққа чалинади...*

**Муаллиф:** Бойнинг хотинларидан энг камсуқум ва беозори бувим – Нисобуви тўрт фарзанди билан Кўкчадаги «бўлди-бўлди» бўлиб кетган ҳайҳотдек боғ этагидаги айво-

ни очик лойсувоқ хужрага кўчиб ўтиб, шу ерда нолимай, ҳеч кимдан ёрдан кутмай, баҳоли қудрат кун кечири бошлади. Қора қозоннинг қайнаб туриши Нисо бувим билан Баҳри амма тиккан ироқи дўппилардан келадиган даромадга боғлиқ эди. Очлик балосининг аждардек ёпирилиши билан бу юмуш ҳам касодга учради. Оила чинакам ҳалокат ёқасида қолди.

### **Лавҳа**

*Қаҳратон қиш. Танча кўрпасининг бир учини ўзига тортиб Баҳринисо тиззасига қўйилган каштани тиқишга ҳаракат қилар, лекин совуқ ва очликдан қарахт бармоқлар қалтираб ироқи дўппи гулларини матога битмакка халақит берар эди. Бундан олдинги фаслда кўрганимиз фусункор ва шўх қиздан асар ҳам қолмаган. Ёшига ёш қўшилиб, бўйи чўзилган, кўз остлари кўкариб, шаҳло кўзлар ич-ичига ботган, кечаги ол лаблар ранги ўчиб, тарс-тарс ёрилган... Кўплар қатори очлик унинг ҳусни тугул, вужудини ҳам беаёв кемирмоқда эди. Икки ёнидаги укалари – ўн уч ёшлардаги амаким Абдусамад ва ўн бирни қоралаб қолган жингалак соч отам Абдумалик очликдан мадорсизланиб, чўзилиб ётишарди.*

*Ташқарида эса Нисо бувим ва ёшига нисбатан анча новча амаким Абдужалил шумшайган дарахтлар тагида ғимирлаб юришибди. Диққат билан қаралса, улар ёзда қолиб кетган ўрик данакларини музлаб тўнглаган ердан кўчириб олишгаётганини кўриш мумкин. Сўнг аёздан кўкариб, қотиб қолган бармоқлари билан тешани зўрға кўтариб, товага йиғилган данакларни чақишга тушишади. Чақиб бўлгач шошиб ичкарига кирадилар. Абдужалил оёқларини танчага тиқиб, жонсиз бармоқларини «куф-куф»лаб иситишга тиришади. Нисобуви халтачадаги мағизларни ҳавончага солиб туя бошлайди. Тақирлаган товудан чўчиб уйғонган болаларнинг очликдан толиққан сўник кўзлари ҳавончада ниманидир туяётган оналарига тушади. Қадрларини кўтармасдан, оғирлашган мижжаларини иштиёқсиз очганча дам*

ҳавончага, дам оналарининг совуқдан қотиб қолган, лекин шошиб ҳаракат қилаётган қўлларига ва ҳавончадан сидириб олинаётган толқонга мўлтирайдилар. Бувим толқонга тўлган косани кўтариб, шошиб болалари олдига келади-да, ёғоч қошиқ билан ҳар бирининг оғзига солади. Дастлаб лоқайд очилган оғизлар эсдан чиқаёзган емиш мазасини тотгач очкўзлик билан тамшана бошлайди. Фарзандларига жон кирганидан ҳаяжонланган она нималарнидир пичирлаб, полапонларининг оғзига талқон солишда давом этади.

**Нисобуви** (ўз-ўзига гапиргандек): Шу қишдан эсон-омон чиқсак бўлгани... Бу ёғига оз қолди. Худо хоҳласа, кунлар исиб, тут пишиғига етиб олсак... У ёғига ўрик, мева-чева, бугдой...

**Муаллиф:** Отамнинг бизга сўйлаб беришича, бувим фарзандларини шу йўсинда ўлимдан асраб қолган эканлар. Ҳақиқатан ҳам, тут пишиғи очликка барҳам берган. Негаки у пайтлари фақат катта боғларда эмас, кафтдек ҳовлиси бор хонадонларда ҳам тут дарахти бўлган-да! Унинг оппоқ, сувли, ширали мевасини тўйиб-тўйиб ейишган. Болалардан ортгани шинни қилинган. Тут шинни эса мадор кетган вужудларга қайта куч-қувват бағишлаган.

Ички урушлар ва очлик азоби эсдан чиқар-чиқмас халқ бошига яна бир мусибат – қатағон балоси ёғилди.

*Осмонга санчилиб турган дарахт шохлари орасидан «1937 йил» ёзуви Бетховеннинг фожеавий мусиқаси садолари остида пайдо бўлади.*

**Муаллиф:** Қатағон! Тарих жуда кўп даҳшатли қирғинларни, маънавий ва маданий йўқотишларни бошидан кечирган. Лекин ўз-ўзини босқичма-босқич, режали равишда қириб бориш ҳодисасини кўрмаган эди.

### **Тасвирда:**

– Қатағоннинг тимсолига айланган қора машина кўчалар бўйлаб туну кун арвоҳдек кезиб юрибди;

– ярим кечаси қуролланган чекистлар эшикларни синдириб, уйларга бостириб киришмоқда;

– кўрқувдан бурчакка биқиниб олган хотин-халаж ва гўдаклар;

– судраб олиб чиқиб кетилаётган ота ёки она;

– қора машина айғоқчидек пушиб келиб дарвоза олдида тўхтайди;

– иш столида ёзиб-чизиб, ҳовлисида ишлаб, фарзандлари билан овқатланиб ё китоб мутолаа қилиб ўтирган кишиларни хонадонини қий-чувга тўлдириб олиб чиқиб кетишлар;

– қора машина муюлишдан қайрилиб кўздан йўқолади;

– отилган ўқлар даҳшатидан чўчиб осмонга кўтарилган қора қарғалар...

**Муаллиф:** Шундай қилиб, бойлару диндорлар, «буржуа миллатчилари» йўқ қилиб бўлинди, энди гал ўзиникиларга келди. Кечагина халқ келажаги, бахти учун умрини фидо қилмоққа тайёр турганларни бугун халқ душманига чиқариб, ўлимга маҳкум эта бошладилар. Миллатнинг мазмуни ва виждонини ташкил қиладиган қатламига қирон келди. Аср бошида ер юзи бўйлаб кўтарилган тўфон сабабчиси коммунизмга аввалбошда маҳлиё бўлган, кейинчалик эса бу ғояларнинг хомхаёл, пуч ва амалга ошмас қуруқ сафсата эканини пайқаб қолган ақл эгаларининг уни ўчирилди. Тубан, ҳасадгўй, ҳокимият васвасасига учраган, оғиз кўпиртириб айюҳаннос соладиган кўрқоқ, риёкорларнинг куни туғди.

*Панжара ортидан олиму фозиллар, ёзувчи-шоирлар, ҳарбийлар, оддий одамлар, ҳатто ўсмирларнинг ҳар хил ҳолати, ҳайронликдан, даҳшатдан гоҳ олайган, гоҳ сўнган нигоҳлари намоеъ бўлади.*

*Ушбу тасвирлар қаъридан Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Усмон Носирнинг қиёфаси галма-гал чиқиб кела бошлайди.*

## **Лавҳа**

*НКВД ертўласи. Маҳбуслар шу ерда тергов қилинади. Бирор тирқиш йўқки, қуёш нури кириб, қўрқувдан титраётган қалбларни жичча илитса... Қанча додлама, бақирма, овозингга фақат қалин деворлар акс садо беради. Бу ерга тушган маҳбус учун бир неча дақиқа олдин яшаб, ҳис этиб турган дунёси чаппасига айланади, вайрон бўлади. Унинг шахси вайроналар остида мажруҳланади, тамом бўлади. Инсон руҳини топташ, иродасини букиш мақсадида шундай қамоқхоналар атай яратилган, шекилли...*

*Терговчи электр чироқ ўрнатилган чоғроққина стол устидаги қоғозларни титкилаб ўтирибди. Шериги қўлларини орқасига чирмаб олган, буйруқни кутиб оёқларини керганча ғўддайиб турибди. Хона ўртасида эса калтак азобларидан чарчаб, оёқда зўрға турган Низомхўжа. Бир қанча вақт оғир жимликдан сўнг терговчи бошини қоғозлардан кўтариб қурбонига қарайди. Ие, бу Маматқул-ку! Бизнинг эски танишимиз Маматқул! Бир оз тўлишган, салобати ошган. Қудрати ва имконияти чексизлигидан кибрланган. Кўзларида эса этни жунжиктирувчи совуқ, бераҳм ўлик нигоҳ... Ҳарбий кийими елкасидаги юлдузлар сонига қараб ҳукуматнинг керакли кадрларидан бирига айланганини билиш мумкин.*

**Маматқул:** Бундан 13 йил олдин қамоққа олинган экансиз. Сабаб?

**Низомхўжа:** Анқарада бўлиб ўтган илмий анжуманга қатнашганим учун.

**Маматқул:** Илмий анжуман баҳона аксилинқилобчи тўда билан учрашгансиз...

**Низомхўжа:** Бўлмаган гап!

**Маматқул** (*қоғозлардан кўзини узмай*): Беҳбудий, Мунаввар қори социализм ғояси хаёлпарастлик деган эди. Сиз ҳам шу фикрдасиз! Бу ҳам бўлмаган гапми?

**Низомхўжа** (*босиқлик билан*): Биз социалистлар каби синфсиз жамият тарафдоримиз. Фақат хусусий мулк масаласида фикрларимиз бир оз айрича...

**Маматқул:** Хў-ўш!

**Низомхўжа:** Хусусий мулкка тажовуз инсон эркига... («Тажовуз» демоқчи эди, терговчининг авзоини кўриб юмшоқроқ сўз ишлатди.) ҳурматсизлик деб биламиз.

**Маматқул:** Нима?! Тушунмадим!

**Низомхўжа:** Минг йиллар мобайнида тирикчилик асоси ҳисобланган хусусий мулкчилик ва эркин бозор муносабатларини, инсониятнинг энг буюк кашфиётларидан саналган пул муомаласини йўқ қилиб бўлмайди. Биз мана шу жиҳатдан социалистларни «хаёлпарастлар» деймиз. Қолган масалаларда фикр ва мақсадларимиз бир.

*Маматқул ғазаб билан ўрнидан туриб кетиб, Низомхўжанинг қаршисига келади.*

**Маматқул (бақариб):** Демак, сенингча, бойларга барча мол-мулкни қайтариб бериш керак экан-да! Аблах! Контра!

*Совет ҳукуматидан ундириб олган мулкни ундан яна қайтариб олишаётгандек, Низомхўжани ғазаб билан дўппослай кетади. Бир оз қараб туриб, шериги ҳам унга қўшилади. Маматқул хумордан чиққач жойига бориб ўтиради. Ёрдамчиси ерда чўзилиб қолган Низомхўжани судраб-сургилаб стулга ўтирғизади.*

**Маматқул (дастрўмоли билан пешонасини, қўлларини артиб чўнтагига солади):** Сен комфирқанинг паранжи ташлаш, ерни умумлаштириш сиёсатига ҳам очикдан-очик қарши чиққансан!

**Низомхўжа (нафратини ичига ютиб зўрға гапиреди):** Бу масалада халқимизнинг аҳволи руҳияси билан ҳисоблашмоқ керак эди деганмиз. Бизлар ўттиз йилда ҳам қилолмайдиган ишларни большевиклар ўн йилда дўндириб қўя қолди.

**Маматқул:** Бу ёмонми?!

**Низомхўжа** (*ёрилган лабидан оқаетган қонни кафти билан артиб*): Йўқ, яхши... Биз қойилмиз. Бироқ шунча қурбонлик шартмиди?..

**Маматқул** (*столни муштлаб*): Шарт! Социализмнинг тўла ғалабаси учун янаям кўп қурбонликлар бериш шарт! Бутун дунёда коммунизм мана шундай қурбонликлар эвазига қурилади. Сен эса душмансан! Халқ душманисан!

**Лавҳа**

*Панжара ортида Абдулҳамид Чўлпон бошини чангаллаб ўтирибди.*

**Абдулҳамид Чўлпон** (*бошини аста кўтариб*):

**Қарғалар боғларда қағлашиб қолдилар,  
Билмадим, кимларнинг қисмати узилур?  
Ёнғоққа ёпишиб, бир чангал солдилар,  
Билмадим, кимларнинг умиди йўқ бўлур?**

*Қаёқдандир йиғи, ёлвориш, бақирӣқ товушлари эшитилгандек бўлади. Шоир ўрнидан туриб ёвуз жимликка қулоқ тутади.*

**Абдулҳамид Чўлпон** (*қўллари билан темир панжарани тутиб аста шивирлайди*):

**Тунда ҳар нарсанинг товуши  
Йироқдан ғувиллаб келар,  
Тунда кўп чоғлар юзимга  
Жинларнинг қўллари урилар.  
Туннинг яширин қучоқларида  
Ўлимлар, қонлар тўлгандир.  
Унинг алдамчи боғларида  
Қанча ёш гуллар сўлгандир.**



## Лавҳа

*НКВД маҳкамаси. Терговни Маматқулнинг шериги олиб бормоқда. Унинг ўзи эса хонанинг қоронғироқ бурчагидан кузатиб турибди. Европача кийинган, юз-кўзи хушрўйгина 20 – 24 ёшлардаги икки йигит, икки қиз қўрқувда титраб-қақшаб туришибди.*

**1-йигит:** Нега бизни отасиз? Гуноҳимиз не?

**НКВД ходими:** Сенлар чет эл жосусисанлар!

**1-қиз (йиғлаб):** Биз жосус эмасмиз... Германияга бизни совет ҳукумати юборган...

**Ходим:** Йўқ! Сенларни бузғунчилик, кўпорувчиликни режалаштириб «Кўмак» ташкилоти чет элга юборган! Сенларни совет ҳокимияти эмас, аксилинқилобчи жадиждлар ўқишга жўнатган.

**2-йигит:** Тухмат! «Кўмак» ташкилоти хорижда ўқийдиган ёшларга фақат моддий ёрдам бериш билан шуғулланарди.

**Маматқул:** Тухмат?! Мунаввар қори, Саидносир Миржалилов, Файзулла Хўжаевни танийсизларми?

**2-йигит (савол берувчини қидириб бир оз тараддудланиб қолади):** Ҳа... Мунаввар қори олим, Файзулла Хўжаев эса комфирқа раҳбарларидан...

**Маматқул:** Собиқ раҳбарларидан! Саидносир Миржалилов-чи?

**2-йигит:** Туркистонлик тадбиркор, талабаларни моддий қўллаб-қувватлаб турган...

**Маматқул:** Туркистонлик бой! Туркистон мухторияти газначиси. Файзулла Хўжаев эса чет эл айғоқчиси. Буни ўзи тан олди.

**1-йигит:** Бизни нимада айблаётганингизни тушунмаяпмиз. Бизни чет элга ўқигани юборишди. Биз ватанимиз равнақиға ҳисса қўшиш ниятида таҳсил олиб қайтдик. Бошқа ҳеч нарсани билмаймиз.

**Ходим:** Сенлар у ёқдан илм-фанни эмас, кўпорувчилик амалларини ўрганиб келгансанлар. Сенлар империалистларнинг буйруғини бажаргани келгансанлар!

**Йигитлар:** Бу тухмат!

**Ходим:** Сенлар билан бирга етмишдан ортиқ киши кетганди. Қаерда улар? Нима қилиб юришибди?

**1-қиз:** Ўқишни тугатиб аста-секин юртга қайтишяпти.

**Ходим:** Қайтмаганлари-чи?

**1-қиз:** Биз қайдан биламиз?

**Ходим** (бақириб): Қани, айтларинг. Сизларни бу ёққа ким юборди? Қандай топшириқ олгансанлар? Бу ердаги раҳнамоларинг ким?!

*Йигит-қизлар бараварига бақириб юборишади:*

– Биз билмаймиз... Биз ҳеч нарсани билмаймиз!..

**Ходим:** Ўчирларинг! Бақиршни бас қилларинг!

*Маматқул қоронғу бурчагидан шеригига кўз қири билан қизлардан бирини кўрсатиб сирли имо қилади. У тиржайиб «хўп бўлади» дегандай бош ирғийди.*

*Маматқул эшикдан чиқиши билан қуроли икки аскар киб келади. Уларни кўриб қизлар йиғлаб юборишади.*

**1-йигит** (жон ҳолатда): Бизни бекордан-бекор айблашга хаққингиз йўқ! Гуноҳимизни тасдиқлайдиган далилларингиз борми?!

**Ходим** (эътибор бермай, аскарларга): Бу шартакиларни анави ерга олиб бориб итдай отиб ташланглар. (1-қизни кўрсатиб) Манави қолсин. Ҳали яна сўроқ қилишимиз керак.

*Аскарлар маҳбусларни олиб чиқа бошлайди. 1-қиз ўзини йигити қучоғига отади. Уларни ажратиб, қизни бурчакка итқитиб юборишади.*

**2-қиз** (*додлаб йиғлаб, ялиниб-ёлворишга тушади*): Йўқ, йўқ, бизни отманглар! Ота-оналаримиз бор. Улар бу айриликқа чидай олишмайди. Ҳали ёшмиз... Айбимиз бўлса, кечиринглар! Бизни ўлдирманглар... Биз яшашни истаймиз...

*Маматқул ортидан эргашаётган фарёдга эътибор бермай, оғзига солган қуртни чапиллатиб сўриб, узун, қоронғу йўлакдан шайтонни ҳам лол қолдирган мараз ният хаёлида иршайиб кетиб боради...*

### **Лавҳа**

*Тергов хонаси.*

*Ранги ўчган, сочлари ўсиб, чаккалари оқарган Абдурауф Фитрат бир оёғи қийшайган стулга омонатгина ўрнашган.*

**Маматқул** (*қўлини бигиз қилиб*): Сенлар Россияга, оғаларимизга қарши бўлгансанлар!..

**Абдурауф Фитрат** (*овози хириллаб*): Биз рус бойлари, мустамлакачиларига қарши бўлганмиз... Рус мутафаккирларидан эса илҳом олганмиз. Масалан, маърифатпарвар Александр Герцен: «Рус халқини рус ҳукуматидан ажратиб олмас экан, улар ҳеч нимани тушунмай ўтадилар», – деган. Жаҳидлар эса буни яхшигина фарқлай билган.

**Маматқул**: Советлар эса тупой, а?!

*Фитрат унинг юзига қараб туриб: «Ҳа!» – дегиси келди-ю, ўзини зўрға босди, лекин «тупой»га нафратини яширолмади.*

**Абдурауф Фитрат** (*овози жаранглаб чиқади*): Улуғ рус ёзувчиси Фёдор Достоевскийни танийсизми? (*Аччиқ истеҳзо билан*) Албатта, танимасангиз керак. У: «Ҳақиқат Россиядан улўғдир!» – деган.

*Маматқул қаршисида турган тутқунга ўзини ундан нечоғлик ожиз ва паст эканини ногоҳ сездириб қўйганди. Шу оний ютқизиқдан боши гангиб бўкириб юборди.*

**Маматқул:** Тур ўрнингдан! ( *Фитрат стул бандидан тутиб ўрnidан аранг туради.*) Россиядан ҳеч нима улуг бўлолмайди! (*Шеригига*) Сол тумшуғига!..

### **Лавҳа**

*Панжара ортида Чўлпон сўник нигоҳларини бўшлиққа тиккан. Юзидаги қонталаш излар кун азобли ўтганидан дарак беради. Хаёлида руҳига мос сатрлар ўзидан-ўзи туғила бошлайди:*

**Қора кунлар тушди менинг бошимга...**

**Қип-қизил қон бўлиб**

**Кунлар ботадир...**

**Ёмон ҳидга тўлиб**

**Тонглар отадир...**

**Оғир кунлар тушди менинг бошимга...**

### **Лавҳа**

*Тергов хонасида Усмон Носир. Унинг навқирон, кўркам, беғубор қиёфаси ҳаддан зиёд ҳаяжонда.*

**Усмон Носир:** Мен... мен бутун вужудим билан совет тузумига содиқман, ахир! Ишонманглар, бу гапни мени кўролмайдиган, ҳасадгўйлар тўқиб чиқарган...

### **Лавҳа**

*Тергов хонаси.*

**Абдулла Қодирий:** Биродарлар... Мен душман эмасман! Бу хато, бу туҳмат!.. Мен ноҳақликнинг қурбони бўлишни ис-тамайман!..

## **Лавҳа**

*Тергов хонаси. Маматқул юз-кўзи моматалоқ бўлиб кетган, ҳолдан тойган Низомхўжани бўйнидан қисиб деворга тираб турибди.*

**Маматқул:** Гапир! Сиз, жадидлар, босмачилик ҳаракатига катта умид боғлагансизлар, шундайми?!

**Низомхўжа** (*зўрға*): Шундай... Совет ҳокимиятининг фирромликлари оқибатида юзага келган халқ ҳаракати деб билганмиз.

**Маматқул:** Пайт пойлаб яна мухторият тузиш ниятингиз бўлган, тўғрими?

**Низомхўжа** (*терговчининг кўзига тик қараб*): Тўғри...

*Маматқул мақсадига етган ғолибдек уни ерга итқитиб юборади.*

**Маматқул** (*тантанавор*): Мана бу бошқа гап! Биз, жадидлар, ундоқмиз, бундоқмиз деб сафсата сотасанлар. Мана асл қиёфангиз! Сенларга ўхшаган ўқимишли донолар, латтачайнар зиёлилар, йиғлоқи шоирваччалар баҳридан тезроқ ўтиш керак! Сендайларни таг-томиринг билан йўқотиш керак!

## **Лавҳа**

*Қиёфаси бутунлай ўзгарган, руҳи батамом чўккан Абдулла Қодирий:*

– Мен маънан ўлдирилиб бўлдим. Жисмонан ўлиш энди кўркув эмас. Мен тўғрилиқ орқасида бош кетса, «их» дейдиган йигитмасман...

*Унга безрайиб турган қотилларга, панжаранинг ташқарисида қолган хиёнаткор «дўстлари»га қарата хаёлан шу сўзларни айтади:*

– Мени дор остига ким келтирди? Виждон эмасми, тақсир?! Сизни бу ерда ким томошабин қилди? Ифлослик эмасми, тақсир?!<sup>15</sup>

### **Лавҳа**

*Усмон Носирнинг аҳволи абгор: соч-соқоли ўсган, кўзлари киртайган, озиб-тўзган. Панжара ортида туриб қалбида қўпаётган изтиробларни шеър билан ифода этади:*

***Жим!.. Уфқдан ботар қуёшни  
Шарт кесилган бошга ўхшатдим.  
Парча-парча қуйган шафақлар  
Тирқираган қонни эслатди!  
Қандай қўрқинч, қандай қабоҳат!  
Мумкин эмас ҳеч қийналмасдан!  
Ақлидан озганми муҳаббат?  
Мумкин эмас қарши турмасдан.***

(Йиғлаб) Ҳали ёшман... Ижодий режаларим бисёр... Доҳийларимиз Ленин, Сталин ҳақида дostonлар ёзмоқчиман. Менга туҳмат қилинди. Яшашни истайман... Ёрдам сўрайман!..

### **Лавҳа**

*Фитрат қамоқхона бурчагида бошини чангаллаб ўтирибди.*

**Абдурауф Фитрат (пичирлаб):** Биз бундай инқилобни хоҳламаган эдик ахир... Биз амирни ағдариб адолатли жамият барпо этмоқчи эдик!... (Йиғлаб юборади.)

### **Лавҳа**

*Мунаввар қорининг қора тун ямлаган ўша боғи. Эгасиз қолган кулба кўзларини юмиб, ғамдан тўнғиган гўё... Яланғоч*

---

<sup>15</sup> Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидан Анварнинг сўзлари.

шоҳлари осмонга санчилган дарахтлар орасида қотиб қолган кўланкалар жонланиб ҳаракатлана бошлайди. Шарпалар бу гал кўпайгандан-кўпайган. Улар чироғи ўчган кулба томон аста юриб келиб тўхтаб қолишади. Синган эшик-дераза тирқишларида айланаётган шамолнинг увлаши худди Мунаввар қорининг нидоси каби эшитилади:

**Кўзимга кўринган саробми эди,  
Мен шунга алданиб тоғларми ошдим?  
Севгимнинг боғчаси харобми эди,  
Шу боғча ичида йўлми адашдим?**

Осмонда чақмоқ чақади. Қора кўланкалар ялт этиб самога қаришади. Уларнинг юз-кўзи чақмоқ ёғида бир кўриниб-йўқолади. Лекин бизга таниш ва нотаниш қиёфаларни пайқашга улгураемиз. Уйча томондан эса фарёдга менгзаш нидо келаверади:

**Нега мен сезмадим? Ўт эмасмиди?  
Шул ўт ичидаги мен эмасмидим?  
Каъбамга осилган бут эмасмиди?  
Ўтни тангри деган мен эмасмидим?**

Ўзгаришдан шамол кучайиб ҳаммаёқни тўзғитиб олади. Бир вақт ичиди йўқотган йигит-қизлар кўланкаси қайта томонларидан тутишади. Йигитидан ажратилган, ҳаётдан қайтарилган қиз кафтлари билан юзини тўсиб олган. Йигитнинг кўзи кўларидан аста олиб юзини очади, сочларини силаб, қўлини кўришга босади. Қолган кўланкалар эса турган ерлардан қўриқиб тураверади. Бир табақаси қийшайиб тушган қўриқиб турган Мунаввар қорининг сиймоси бир кўриниб ўт-қолади:

**Бир вақт хаёлий, тотли бир севиш –  
Бир вақт хаёлий, тотли бир муҳаббат, ишқ билан севдим.**

**Оҳ, энди билдимки, барчаси хаёл,  
Барчаси бир тотли, роҳат туш экан.**

*Чақмоқ тағин чақаверади. Тун жодусига банди бўлган кўланкалар фалакдан омонлик сўраб, азоб тўла кўзларини осмонга тикишган. Бироқ чақмоқ найзаси ерга келиб санчилиши билан бир қанчаси йўқолиб қолаверади.*

**Соялар шивир:**

**На исён, на тўлқин, на тўфон, на ўт!  
Кўзимда оғир бир таслим нури бор.  
Ай ўтли кечмишим, юзингни беркит,  
Сенда шайтонларнинг ҳақсиз зўри бор.  
Мен энди худди бир сомон парчаси  
Тамом таслим бўлдим муҳит эркига...**

*Кўланкалар бирин-кетин йўқолиб, ҳайҳотдек боғ хувиллаб қолади. Осмон аза очиб, кўз ёшлари дувиллаб тўкилади. Видолашув кўшиғи янграйверади:*

**Алвидо, эй қучоққа сиғмас ер,  
Алвидо, эй кўкатга кўкрак қир.  
Алвидо, «мунда қол!» деган кўкрак!  
Кўп оғир сендан айрилиб кетмак!..**

*Овоз осмонга кўтарилиб, булутлар қаърига сингиб, пасайиб ўчади. Мусиқа садолари тинади, лекин момақалди роқ гумбури – ўқ овозлари давом этаверади.*

*Тасвирда айбномаларнинг ўқилиши, қаторлаштириб отишлар, газета саҳифаларидаги «Халқ душманларига ўлим!» каби хитоблар, ишчи-деҳқон, зиёлиларнинг партия қарорларини қувватлаб чиқишлари, давомли гулдурос чаклар...*



Коммунизм ғоялари кўпол воситалар орқали амалга оширилган экан. Қароқчилар каби талаган, ёндирган, тортиб олган, йўқ қилган. Ваҳм-қўрқув, таъқибу таҳдид таъсирида сотқинлигу хиёнат, уйдирма ва маддоҳлик ҳақиқат қиёфасига кириб, мардумларни қарахт қилиб қўйган, ҳаққонийлик билан сохталик, ёлғон билан ростни ажратиб олиш амри маҳол бўлиб қолган... Коммунизм ғоясининг мағлубияти, қизил империянинг шармандаларча қулаши ҳеч бир салтанат ҳалокати юзага келтирмаган руҳий, ахлоқий таназулни туғдирди: гўзал орзу-ниятлар масхараланди, эзгулик гумон остида қолди, тенглик деган тушунча йўқолди. Инсон зиёси билан эмас, бойлиги билан қадрлана бошланди. «Камбағаллик айб эмас» деган мақол ўрнини «Пулинг бўлса, чангалда шўрва» деган мақол эгаллади. Бойлик тағин тахтига минди. Дунё яна бир чаппасига айланиб тушди...

### **Иккинчи қисм тугади.**

*Агар мен коинот бўлсам,  
Мен – тўлдим.*

**Рауф Парфи**

## **Учинчи қисм**



*Муסיқа оҳангидаги фожевийлик ўрнини жўшқин, ёрқин са-  
долар эгаллайди.*

*1932 – 1938 йиллар.*

**Муаллиф:** Социализм асосан қуриб бўлинди деб ҳисоб-  
ланди. Инсоният тарихидаги биринчи ишчи-деҳқон давлати  
– СССРда социализм ғалаба қозонгани дунёга эълон қилинди.  
Бойлик ва тўқликка ўт очган йўқсиллар ҳукумати бўй-басти  
билан ўзини кўрсатди. Омма улут ғояларга йўғрилган нурли  
келажак сари интилиб, жон-жаҳди билан тиним билмай меҳ-  
нат қила бошлади. Ахир халқ ўзининг давлатини, халқ давла-  
тини яратмоқда эди-да!

Янги даъватлар, янги оҳанглар, янги ранглар шу қадар  
жозибатор эдики, бахтли келажак учун бугунги азобларга  
чидаш олий бахт ҳисобланарди. Халқ ташаббускорлиги, фи-  
докорлиги тарих кўрмаган қўламга чиқди. Асосий тармоқ-  
лардаги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари илғор капиталистик  
давлатларга тенглашаёзди. Адабиёт ва санъатда одамлар-  
нинг ижодкорлиги ва илҳомини жўштирадиган асарлар пай-  
до бўлди. Завқ-шавққа тўла бошланган янги ҳаёт эски тур-  
муш «сарқит»ларига беаёв ўт очди.

### **Тасвирда:**

*– Паранжи ташлаган аёллар; паранжи ёндириш тадбир-  
лари;*

*– савод чиқариш курслари; ёши катталар алифбони ўрган-  
моқда;*

*– ёшларга муллалар эмас, рус ўқитувчилари дарс бермоқда;*

*– одамлар тиббиёт кўригидан ўтказилмоқда;*

*– театр актёрлари, саҳнадаги репетиция жараёнлари;*

*– ҳар хил афишалар; омма олдида саҳна асарлари, концерт-  
лар, бадиий ўқишлар билан чиқаётган санъат усталари, шоир-  
лар ва уларга маҳлиё бўлиб ўтирган содда-беғубор одамлар;*

*– завод, фабрикаларда ишлаётган эркак ва аёллар;*

*– байрам намойишлари, халқ сайиллари;*

– қўлларида қизил байроқларни баланд тутиб бораётган бахтиёр ва ғолиб чеҳралар;

– халқ ўтаётган майдонлар гўё қип-қизил рангга бўялган: қизил гул, қизил шарларни қўлларида ўйнатиб бораётган қизил дуррачали қизлар, қизил бўйинбоғ таққан пионерлар ва яна қизил байроқ, байроқчалар тутган шўх, қувноқ йигитлар...

*Қисқаси, ушбу лавҳаларда тобора йўқолиб бораётган эски турмуш ва яшнаб келаётган янги ҳаёт тасвирлари аксланмоғи лозим.*

**Муаллиф:** Улуғ ғоялар сеҳридан сархушланган, руҳланган омма фақат байрам ва тантаналарни кўрар, таъсирли даъват ва қувноқ кўшиқларни эшитар, ёнгинасида содир этилаётган қатлларни эса гўё сезмас эди. Чунки бу қирғинлар, қама-қамалар юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун қилинаётганига деярли ҳамманинг ишончи комил эди.

Одамлар «Правда» газетаси саҳифаларида ёзилган ҳар бир гапни, айниқса, «халқ душманлари» ҳақидаги уйдирмаларни бамисоли арши аълодан тушган илоҳий сўздек мутлақ ҳақиқат деб билишар, шундай фалокатга ўзлари йўлиқишганида эса буни шунчаки тушунмовчиликка йўйишар ёки ҳасадгўй ғанимларининг тухмати деб ўйлашар, қалтис вазиятдан партия ва Сталин хабардор бўлгач адолат тезда қарор топишига ишонишар эди.

Каналлар қазиларди, завод-фабрикалар қуриларди, шаҳарлар қад кўтарарди. Янги ҳаёт йўлбошчиси Сталин: «Биз яхши яшай бошладик», – деб халқни ишонтириб, янги режалар сари рағбатлантирар эди. Айни пайтда, ёлғондан яралган қалин девор ортида, зич ўрмонлар ўртасида концлагерлар барпо этиларди. Инсоният шаънига ҳақорат бўлган, ҳатто йиртқич ҳайвонот оламида ҳам кўрилмаган жабр-зулмлар, адолатсизликлар оқибатида юз минглаб жонлар жувонмарг кетарди. Бизнинг ҳам қанчадан-қанча миллатдошларимиз хоки туроби совуқ ўлкаларнинг маълум ва номаълум қабристонларида ётибди.

*Муסיқа оҳангидаги фожеавийлик ўрнини жўшқин, ёрқин са-  
долар эгаллайди.*

*1932 – 1938 йиллар.*

**Муаллиф:** Социализм асосан қуриб бўлинди деб ҳисоб-  
ланди. Инсоният тарихидаги биринчи ишчи-деҳқон давлати  
– СССРда социализм ғалаба қозонгани дунёга эълон қилинди.  
Бойлик ва тўқликка ўт очган йўқсиллар ҳукумати бўй-басти  
билан ўзини кўрсатди. Омма улуғ ғояларга йўғрилган нурли  
келажак сари интилиб, жон-жаҳди билан тиним билмай меҳ-  
нат қила бошлади. Ахир халқ ўзининг давлатини, халқ давла-  
тини яратмоқда эди-да!

Янги даъватлар, янги оҳанглар, янги ранглар шу қадар  
жозибадор эдики, бахтли келажак учун бугунги азобларга  
чидаш олий бахт ҳисобланарди. Халқ ташаббускорлиги, фи-  
докорлиги тарих кўрмаган кўламга чиқди. Асосий тармоқ-  
лардаги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари илғор капиталистик  
давлатларга тенглашаёзди. Адабиёт ва санъатда одамлар-  
нинг ижодкорлиги ва илҳомини жўштирадиган асарлар пай-  
до бўлди. Завқ-шавққа тўла бошланган янги ҳаёт эски тур-  
муш «сарқит»ларига беаёв ўт очди.

### **Тасвирда:**

*– Паранжи ташлаган аёллар; паранжи ёндириш тадбир-  
лари;*

*– завод чиқариш курслари; ёши катталар алифбони ўрган-  
моқда;*

*– ёшларга муллалар эмас, рус ўқитувчилари дарс бермоқда;*

*– одамлар тиббиёт кўригидан ўтказилмоқда;*

*– театр актёрлари, саҳнадаги репетиция жараёнлари;*

*– ҳар хил афишалар; омма олдида саҳна асарлари, концерт-  
лар, бадиий ўқишлар билан чиқаётган санъат усталари, шоир-  
лар ва уларга маҳлиё бўлиб ўтирган содда-беғубор одамлар;*

*– завод, фабрикаларда ишлаётган эркак ва аёллар;*

*– байрам намоёнликлари, халқ сайиллари;*

– кўлларидида қизил байроқларни баланд тутиб бораётган бахтиёр ва ғолиб чеҳралар;

– халқ ўтаётган майдонлар гўё қип-қизил рангга бўялган: қизил гул, қизил шарларни кўлларидида ўйнатиб бораётган қизил дуррачали қизлар, қизил бўйинбоғ таққан пионерлар ва яна қизил байроқ, байроқчалар тутган шўх, қувноқ йигитлар...

*Қисқаси, ушбу лавҳаларда тобора йўқолиб бораётган эски турмуш ва яшнаб келаётган янги ҳаёт тасвирлари аксланмоғи лозим.*

**Муаллиф:** Улуғ ғоялар сеҳридан сархушланган, руҳланган омма фақат байрам ва тантаналарни кўрар, таъсирли даъват ва қувноқ кўшиқларни эшитар, ёнгинасида содир этилаётган қатлларни эса гўё сезмас эди. Чунки бу қирғинлар, қама-қамалар юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун қилинаётганига деярли ҳаммининг ишончи комил эди.

Одамлар «Правда» газетаси саҳифаларидида ёзилган ҳар бир гапни, айниқса, «халқ душманлари» ҳақидаги уйдирмаларни бамисоли арши аълодан тушган илоҳий сўздек мутлақ ҳақиқат деб билишар, шундай фалокатга ўзлари йўлиқишганида эса буни шунчаки тушунмовчиликка йўйишар ёки ҳасадгўй ғанимларининг туҳмати деб ўйлашар, қалтис вазиятдан партия ва Сталин хабардор бўлгач адолат тезди қарор топишига ишонишар эди.

Каналлар қазиларди, завод-фабрикалар қуриларди, шаҳарлар қад кўтарарди. Янги ҳаёт йўлбошчиси Сталин: «Биз яхши яшай бошладик», – деб халқни ишонтириб, янги режалар сари рағбатлантирар эди. Айни пайтда, ёлғондан яралган қалин девор ортида, зич ўрмонлар ўртасида концлагерлар барпо этиларди. Инсоният шаънига ҳақорат бўлган, ҳатто йиртқич ҳайвонот оламида ҳам кўрилмаган жабр-зулмлар, адолатсизликлар оқибатида юз минглаб жонлар жувонмарг кетарди. Бизнинг ҳам қанчадан-қанча миллатдошларимиз хоки туроби совуқ ўлкаларнинг маълум ва номаълум қабристонларида ётибди.

### **Тасвирда:**

- *Парадлар, инқилоб доҳийларининг расмлари;*
- *барпо этилаётган каналлар, завод-фабрикалар, темир йўллар;*
- *қиёфаси ўзгараётган қишлоқ-шаҳарлар;*
- *қорли ўрмонларда жойлашган концлагерлар;*
- *меҳнат қилаётган, азоб тортаётган, касалликдан ўлаётган, отилаётган одамлар;*
- *қалин қор остида, изғирин шамоллар измида тизилиб ётган, гоҳи яккаш қабрлар;*
- *қўм-қўк осмон, кўкда жавлон ураётган беғам, беташвиш оппоқ кабутарлар...*

**Муаллиф:** Отам ана шундай мақру ҳийла ва ажиб найранглари кўп, ниҳоятда мураккаб оламга ўз руҳига яқин давлатлардан кўзи қамашиб, жўшқин қалб, пок ниятлар билан кириб келди...

### **Лавҳа**

*Баҳор. Толлар кўклам эпкинида соч попуқларини силкилатиб, оч яшил тусга кира бошлаган. Қатор қилиб экилган мевали дарахтлар тагидан шарқираб оқаётган зилол сувли ариқнинг четларига яккам-дуккам сачраб кетган қўм-қўк бинафшаларнинг муаттар бўйи атрофга тарқалиб ҳатто ҳаётдан чарчаган, кетарини ўйлаб қолган кекса қалбларда ҳам ҳаёт шавқини кўзгайди.*

*Болалар учун эса янги ўйинлар, чексиз қувончлар палласи. Икки томони тик қоматли тераклар билан қуршалган, баҳор ёмғиридан тўпиққўмар сап-сариқ тупроқлари ивиб, сўнг қатқалоқ бўлиб ётган арава йўлдан тақир қилиб қирилган бошларига оҳори кетган гилам дўппиларни кўндириб олган ўн-ўн икки ёшлардаги икки ўғил бола ва сочлари майда қилиб ўрилиб, бошига қизил дуррача ўраган бир қизалоқ кулишиб-қийқиришиб келмоқда. Қўлларидаги халталарга қараб болакайларнинг мактабга йўл олганини фаҳмлаш мумкин.*

**Абдумалик** (*бирдан тўхтаб*): Мушарпа, биз Ҳусниддин билан бугун мактабга бормаймиз. Бошимиз оғрияпти, а, Ҳусниддин?

*Ҳусниддин акасига нима дейишини билмай ҳайрон қараб қолди.*

**Мушарраф** (*ингичка овозда чийллаб юборади*): Вой, ўлай... Ўқитувчи опа сўрасалар, нима дейман?

**Абдумалик** (*қулоғини бекитиб*): Ву-уй, опа! Овозингиз бунча баланд! Хўш... Нима дейсиз?.. Малининг томоғи, Ҳуснининг боши оғриб қолди дейсиз. Сизни шу ерда кутиб оламиз. Уйга бирга қайтамиз.

**Мушарраф**: Ойиларим билиб қолишса уришадилар-ку...

**Абдумалик**: Сиз айтмасангиз, ҳеч ким билмайди.

**Мушарраф** (*қайсарлик қилиб*): Мен ёлғон гапиришдан кўрқаман.

**Абдумалик**: Қурбақадан-чи? Айтганимни қилмасангиз, (*халтасига қўл солиб*) қур-қур бақани елкангизга кўйиб кўяман.

**Мушарраф** (*қичқириб*): Бўпти, бўпти... Жон Мали, ундай қилма! Айтганингни қиламан...

*Қизалоқ шаталоқ отиб қочиб қолади. Болакайлар қорниларини ушлаб мазза қилиб қулиб олишади-да, у ёқ-бу ёққа қараб теракзор ортидаги ўтлоққа ўтишади. Бир-бирини қувлаб чопишади, кўм-кўк ўтлар устида думбалоқ ошишади, сўнг халталаридан чиллак таёқларини олиб ўйинга тушиб кетишади.*

**Муаллиф**: Аммаларимнинг ҳикоя қилиб беришича, отам болалиқдан қувноқ, тиниб-тинчимас, шўхлигу тўполонда ҳам, ўқишу ҳунарда ҳам олди йигитлардан бўлиб, ноҳақлик, номардликка индамай қараб туролмас эканлар. Кимдир бошқа бировни ноҳақ ураётган ё камситаётган бўлса, ортиқча ади-бади айтиб ўтирмасдан кўкрагига калла кўйиб масалани осонгина ҳал қилиб кўярканлар. Болалиқ оламида адолатни



шу каби жуда оддий, лекин мардонавор йўл билан ўрнатиш мумкин бўлган-да! Макр ва хиёнатдан иборат катталар дунёсида эса отам, энди унга қўйилган каллалардан ёмон довдираган бўлсалар-да, ўла-ўлгунларича ўша олис болаликдаги софлик, беғуборликни сақлаб қола билган эдилар.

### **Лавҳа**

*Нисобуви билан Баҳринисо уй юмушлари билан банд. Югуриб Мушарраф киради.*

**Мушарраф** (ҳаяжонланиб): Кичик ойи, кичик ойи!.. Мали боғда катта қозонга сув солиб қурбақаларни пиширяпти...

**Нисобуви:** Вой, омон бўлгур-е... Ҳозир мендан кўради-да...

### **Лавҳа**

*Боғ четидаги ўчоққа осилган катта қора қозонда бир талай қурбақалар «вақ-вақ»лаб ташқари чиқишга уриниб сакраяпти. Қозон атрофига йиғилган болалар жониворларнинг қилиғидан хохлаб қулишяпти. Абдумалик ҳам қурбақаларнинг борган сари жазавага тушиб сакраб, вақирлашини қизиқиб томоша қилиб турибди. Шу пайт икки челақ сув билан қора човли кўтарган Нисобуви ва Баҳринисо келиб қолди. Бир челақ сувни қозонга қуйиб, яна бирини ўчоққа сепиб оловни ўчиришди. Абдумаликнинг онаси билан опасини кўрган болалар кулгидан тўхтаб дув этиб нари кетишди.*

**Нисобуви** (койигандек бўлиб): Ҳаҳ... қилган ишинг бор бўлсин... бу нима қилиқ?..

**Абдумалик** (ҳазиллашиб): Мушар опамга қурбақа шўрва пишириб бермоқчи эдим.

**Мушарраф** (қичқириб): Мен қурбақа шўрва ичмайман!

*Баҳринисо човлида қурбақаларни қозондан териб олиб, ерга ташлай бошлади. Озодликка чиққан жониворлар диконглаб дуч келган томонга ўзини урди. Қизалоқлар оёқлари та-*

гида пайдо бўлган қурбақалардан сесканиб чийиллаб қочиб қолишди.

**Нисобуви:** Буларниям жони бор... юрагинг ачимайдими, болам?..

**Абдумалик:** Ачийди...

**Нисобуви:** Унда бу қилган ишинг нимаси? (Малик бошини эгиб жим турарди. Ўғлига меҳр билан қараб) Бошқа бундай иш қилма, худонинг қаҳри келади, болам.

**Абдумалик:** Хўп бўлади, ойи...

**Нисобуви:** Опангга қарашиб юбор. Қозонни яхшилаб ювиб тозалаб қўйинглар.

**Абдумалик:** Хўп бўлади, ойи...

### Лавҳа

Орадан бир неча йил ўтган. Абдумаликнинг бўйига бўй қўшилиб, мўйлови сабза ура бошлаган. Бозорда попуклар солинган мис патнисни кўтариб харидор излаб у ёқдан-бу ёққа саланглаб юрибди. Зерикдими ё қорни очиб кетдими, патнисдан битта попукни олиб, кўз олдига яқин олиб келди, жонли нарсани томоша қилгандек обдан қараб турди, сўнг чуқур хўрсиниб попукни жойига қўйиб қўйди. Яна олди, сўнг чапдастлик билан қоғозидан ажратиб, оғзига солиб юборди. Шу пайт уни анчадан бери кузатиб юрган қизил дуррали қизга кўзи тушиб қолди. Таъқибдан қутулиш учун одамлар орасига шўнғиди. Бироқ қиз Абдумаликни назаридан қочирмай кузатиб келаверди. Учлари қип-қизил шойи лента билан бежирим қилиб туғиб қўйилган икки ўрам сочи елкасини тутган, қора қош, куралай кўз, чиройли бу қиз отамнинг синфдоши, комсомоллар бошлиғи Мунира эди. Мушук-сичқон ўйинининг охирида иккаласи юзма-юз келиб қолишди.

**Мунира (ҳансираб):** Нима қилиб юрибсан, Мали?

**Абдумалик (патнисни чўзиб):** Ол, биттасини олиб е... жа ширин...

**Мунира:** Ўқишга бормай қилиб юрган ишинг шуми?

**Абдумалик:** Ўзинг-чи? Мактабга бормай сен нима қилиб юрибсан?

**Мунира** (*бошини сал эгиб*): Касал бўлиб қолдингми деб хабар олгани уйларингга боргандим, аканг: «Малик бозорга попук сотгани кетган», – дегандилар, сени қидириб келдим.

*Ноқулай авҳолга тушган Абдумалик гавдасини у оёғидан бу оёғига ташлаб бир оз жим қолди.*

**Мунира** (*мулойимлик билан*): Бу нима қилиқ, Малик?

**Абдумалик** (*жаҳли чиқиб*): Нима қилиқ?! Попук олиб, попук сотиб юрибман. Билмоқчи бўлсанг, икки килосини 60 тийинга сотиб олувдим. Донасини 1 тийиндан пуллаяпман. Энди ҳисобла, бир килода 40 донга попук бўлса, икки килосидан қанча фойда қолади?

**Мунира:** Яхшими шу ишинг?

**Абдумалик:** Нимаси ёмон? Ўғирлик қилаётганим йўқ...

**Мунира:** Олибсотарлик қиляпсан. Шу яхшими?

**Абдумалик** (*жеркиб*): Намунча у яхшими, бу яхшими деб қолдинг? Нима яхши, нима ёмонлигини мен ҳам билсам керак!.. Лекин... онанг, опанг оч ўтиришса, нима яхшию нима ёмонлигини билмай қолар экансан.

**Мунира:** Акаларинг-чи?

**Абдумалик:** Жа қизиқсан-а! Жалил акамнинг оиласи бор. Ташвиши ўзларига етиб ортади... Самад акам ҳали ёш... Ҳам ўқийдилар, ҳам ишлайдилар... Ҳеч ким қараб тургани йўқ. Биргалиқда амаллаяпмиз-да.

*Иккаласи бир оз жим қолди. Бирдан Абдумаликнинг юзи бужмайиб, ўнг қўли билан қорнини ушлаб олди.*

**Мунира:** Яна қорнинг оғрияптими?

**Абдумалик:** Сал...

**Мунира** (*ачиниш билан*): Куни бўйи оч юрсанг керак-да...

*Абдумалик энсаси қотгандек қизга норози қараб қўйди. Мунира айтган гапидан хижолат чекди.*

**Мунира:** Яқинда ёзги имтиҳонлар бошланади. Аълочи бўла туриб синфда қолиб кетсанг, одам ачинади-да.

**Абдумалик:** Қолмайман. Қўрқма, дарсларимни қилиб юрибман. Имтиҳонларни сендан яхши топшираман ҳали! Мана кўрасан...

*Иккаласи бир-бирига қараб кулиб қўйди.*

### **Лавҳа**

*1 май тантаналари. Кишини тўлқинлантириб юборувчи хитоблар ва марш садолари остида қўлларидида алвон байроқ-байроқчалар, гуллар, яна бир нималар кўтарган одамлар минбар ёнидан оқиб ўтмоқда...*

*Намойишчилар қаторида оқ қўйлақ, қизил галстук таққан пионер ўқувчилар кўринади. «Пионерлар! Коммунистик партия иши учун бўл тайёр!» деган хитоб бутун майдонни эгаллайди. «Ҳар вақт тайёр!» деган акс садо ундан-да баландроқ жаранглайди. Сафда Абдумалик ҳам бор. Унинг ҳайрат, қувонч, ифтихор, садоқат тўла кўзлари минбарда саф тортиб турган давлат раҳбарларига қадалган...*

### **Тасвирда:**

*– Абдумалик керосин лампа ёруғида дарс қилиб ўтирибди; ҳовлида ер чопяпти...*

*– Шанбаликларда бутун халқнинг – ёшу қарининг қатнашуви; умумий мамнунлик, умумий қувонч кишилар чеҳрасида кўриниб турибди;*

*– Абдумалик ҳам жонини жабборга бериб меҳнат қиляпти; ҳаракатларида шижоат ва завқ...*

**Муаллиф:** Инқилоб ўзининг иккинчи ўнйиллигини нишонлаганига ҳам бир неча йил бўлди. Яна бир буюк империя

– салтанат дунёга келгани афкор омма учун аниқ ва равшан бўлиб қолди. Унинг мағлубиятини кутиб ётганлар охир-оқибат чарчашди. Қатағон йилларининг совуқ шамоли ҳам анча пасайди. Ёш совет ҳукумати ҳокимият учун курашда ҳориган халққа анча енгилликлар бера бошлади. Қийинчиликлар, йўқотишлар эвазига бир куни албатта коммунизм даври келиши муқаррарлигига кўпчиликда ишонч уйғонди. Мамлакатда янги ҳаёт, янги ўзгаришлардан руҳланиб, келажакка умид, қувонч туйғулари кучайди. Оммавий кўтаринкилик даври бошланди.

### **Лавҳа**

*Комсомолга қабул қилиш маросими. Абдумалик Иброҳимовнинг аризаси кўриб чиқилляпти. Мактабнинг мажлислар залига охирги синф ўқувчилари ва мактаб ўқитувчилари йиғилган. Минбарда бошланғич комсомол ташкилотининг раиси Мэлс Тошматов, райкомдан келган вакил ҳамда бюро аъзоси, 10-синф комсорги Мунира. Мунира Абдумалик Иброҳимовга ўзи томонидан берилган тавсияномани ўқиб эшиттирмоқда. Хиёлатдан қизариб кетган Абдумалик йиғилганлар қаршисида бошини эгиб турибди.*

**Мунира** (ўқишда давом этиб): Абдумалик Иброҳимов ўзини ўқишда, жамоат ишларида фақат яхши томондан кўрсатди. Мактабни аъло баҳолар билан тугатяпти. Актив жамоатчи. Ўртоқларига нисбатан эътиборли, меҳрибон. Ўзига нисбатан эса принципиал муносабатда. Низом билан яхши танишиб чиққан ва уни қабул қилган. Танқид ва ўз-ўзини танқидни ёқлайди. Ҳали бирор марта совет ўқувчиси деган шарафли номга доғ туширмаган. Унинг олий мақсади ўзини комсомолда ғоявий чархлаб, улуғ коммунистик партия сафига ўтиш ва бутун дунёда коммунизм ғалабаси учун, барча халқлар бахт-саодати учун куч-қудратини аямай жаҳон империализмига қарши курашишдир. Бу унинг ўз сўзлари (қарсаклар). Мен Абдумалик Иброҳимовни бир неча йиллардан

бери билганим учун унинг бу самимийлигига ишонаман ва ҳеч иккиланмай Абдумалик Иброҳимовга ўз тавсиямни бераман. Шунингдек, Абдумалик Иброҳимовнинг шарафли комсомол сафига ўтиш тўғрисидаги аризасини қабул қилишингизни сўрайман. *(Қарсақлар)*

**Раис:** Ҳозирги сўз мактабимизнинг ҳурматли математика ўқитувчиси Содиқ акага. *(Қарсақлар)*

**Содиқ ака** *(минбарга чиқиб):* Абдумаликни ҳаммамиз яхши биламиз. Ҳозир айтиб ўтилганидек, аълочи ўқувчи, айниқса, физика билан математикага қизиқиши кучли. Келажакда ундан катта олим чиқади деб умид қиламан. *(Қарсақлар)* Тиниб-тинчимас жамоатчи. Мактабимизда «Темурчилар» ҳаракатининг йўлбошчиларидан. Тўғриси ўз йигит. Ўзини ва бировни танқид қилишдан кўрқмайди. Ҳақиқатпарвар. Ноҳақликка чидаб туrolмайди. Урмайди, сўкмайди. Фақат калла қўйиб масалани ҳал қилиб қўя қолади. *(Ҳамма кулади.)* Лекин шунчаки бекорга эмас. Кимнидир ҳимоя қилишга тўғри келганда шундай йўл тутлади.

*Вакилнинг энсаси қотиб, ингичка лабини жийирди. Бу ўзга-риш мажлис раисининг эътиборидан четда қолмади, қўлидаги қалами билан столга чертиб ўқитувчининг гапини бўлди.*

**Раис:** Содиқ Олимович, Иброҳимовнинг бу қилиғини биз, албатта, ёқламаймиз. Комсомолга ўтганидан сўнг ўз-ўзини тарбиялаб совет ёшларига ярашмайдиган бу қилиғидан қутулади деб ишонамиз. Шундайми, Иброҳимов?!

*Залда бир оз шовур кўтарилди. Абдумалик хижолатдан бошини яна қўйи солиб «ҳа» дегандек секин қимирлатиб қўйди.*

**Содиқ ака** *(бир оз довдираб):* Хуллас, мен ҳам Мунира қизимизнинг айтиб ўтган гапларига қўшиламан ва Абдумаликни комсомолга лойиқ йигит деб биламан. *(Қарсақлар)*

**Раис:** Яна сўзга чиқувчилар борми?

*Залдан «Розимиз», «Қўллаймиз», «Малик зўр йигит» деган хитоблар янграйди.*

**Раис:** Бошқа сўзга чикувчилар бўлмаса, овозга қўяман. Абдумалик Иброҳимов комсомол сафига қабул қилинсин деганлар қўл кўтарсин.

*Ҳамма қўл кўтаради. Шу пайт анчадан бери қоғоз титиб ўтирган вакилнинг хўмрайган кўзлари хурсандликдан чарақлаб кетади. Қўлини шаҳд кўтариб мажлисни тўхтатади.*

**Вакил:** Мен Иброҳимовдан таржимаи ҳолини айтиб беришини сўрайман.

*Минбарда ўтирганлар ҳайрон, бир-бирига секин қараб қўйишади.*

**Абдумалик:** Мен, Иброҳимов Абдумалик, 1922 йили Тошкент шаҳрида туғилганман. Отам Иброҳим ҳожи Каримбой ўғли 1925 йили вафот этганлар, онам Нисобуви...

**Вакил** (*худди бировни жиноят устида тугиб олгандек*): Отангиз Иброҳим ҳожи бой бўлганларми?

*Зал бирдан сув қуйгандек жимиб қолади. Ранги оқариб кетган Абдумалик бир оз довдираб туради-да, ўзини қўлга олиб, босиқлик билан жавоб беради.*

**Абдумалик:** Ҳа, отам камбағалпарвар бой бўлганлар...

**Вакил** (*гапни чўрт бўлиб*): Камбағалпарвар бой бўлмайди. (*Ўрнидан виқор билан туриб расмий оҳангда тантанавор гапиришга тушади.*) Улуғ доҳийларимиз Маркс, Энгельс, Ленин ва Сталин бойларни эксплуататор синф дейишган. Шонли партиямизнинг олий мақсади эса Ер юзидаги ана шу эксплуататор синфни батамом йўқ қилиб, бутун дунёда камбағал ишчи ва деҳқонлар давлатини барпо қилишдир.

*(Қарсақ қутади, лекин олқиш бўлавермагач, томоғини бир қириб қўйиб зарда билан гапида давом этади.)* Мен ҳайронман, ўртоқлар, синфий кураш кучайган бир пайтда Иброҳим ҳожи деган бир бойнинг ўғлини бугун комсомолга, эртага партияга қабул қилсак, партиямиз сафларига аксилинқилобий унсурларнинг суқилиб киришига йўл очиб берган бўлмайми? *(Худди хавфли душман тўдасини фавқулодда фош қилгандек кўзлари олайиб ҳаяжонга тушиб кетади.)*

**Мунира** *(тутулиб):* Лекин Иброҳимов уч ёшида отасидан етим қолган. Етимликда...

**Вакил:** Барибир, бойнинг ўғли бой! Чунки илоннинг боласи... а? Илон! Чаённинг боласи, а? Чаён!

**Содиқ ака:** Ҳаддан ошяпсиз, ука!

*Даққи эшитишга ўрганмаган вакил залга қараб бақрайиб қолади. Ўзига келиб беихтиёр қичқириб юборади.*

**Вакил:** Бу сиёсий кўрлик! Хўп, майли, балки, Иброҳимов яхши йигитдир... *(Истеҳзо билан)* Калла қўйиб адолат учун курашар экан... Кулгили! Ваҳоланки, калла қўйиш – совет кишисига ярашмайдиган иш, бу ўтмиш сарқити!

**Абдумалик** *(ўзини босиб):* Отам Иброҳим ҳожи Каримов кулоқ қилинмаганлар! Октябрь инқилобини ёқлаган, қўллаган бойлардан бўлганлар! Совет ҳукуматининг ўзи...

**Вакил** *(гапни бўлиб):* Мен буни билмайман. Шунинг учун мазкур масалани кейинга қолдиришни талаб қиламан. Бу ишни синчиклаб ўрганиб чиқиш керак бўлади.

*Мижлисни олиб бораётганлар қарахт бўлиб қолишади. Раис секин ўрnidан туриб зўрға гапиради.*

**Раис:** Абдумалик Иброҳимовнинг комсомолга ўтиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш кейинга қолдирилсин деган таклиф тушяпти... Кимда-ким шу таклифга қўшилса қўл кўтарсин.



*Йиғилганлар бирин-кетин қўл кўтара бошлайди.*

### **Лавҳа**

*Кеч. Абдумалик билан Мунира дарахт тагида гаплашиб турибди.*

**Абдумалик:** Вой, аблаҳ-эй... тумшуғига ўтмиш сарқити бўлган шу каллам билан бир туширсам эди. Илоннинг боласи – илон, чаённинг боласи – чаён, бойнинг боласи – бой дедими? Ҳимм... Сени кинога олиб тушишга пулим йўғ-у, бой эканман.

*Маҳзун кулиб қўйишади.*

**Мунира** (хўрсиниб): Сен ҳам нима қилардинг таржимаи ҳолингга: «Отам бой бўлган эди», – деб ёзиб? Ҳеч ким сўраб-суриштириб ўтирмасди. Мен ҳам кўрмай қолибман...

**Абдумалик** (тутақиб): Нега мен отамдан уялишим керак? Нега алдашим керак? Агар билсанг, мен ўз отамдан фахрланаман. Балки, отангдан воз кеч ҳам дерсан?

**Мунира:** Малик, бу нима деганинг? Мен фақат баъзи ша-роитларда сал эҳтиёткорроқ бўлиш керак демоқчиман, чунки фойдаси йўқ.

**Абдумалик:** Ниманинг фойдаси йўқ?

**Мунира:** Бугунги вакилга ўхшаш одамлар билан олишишининг.

**Абдумалик:** Унда адолат, ҳақиқат деган гаплар қаёқда қолади?

**Мунира:** Малик, ҳаётда сал бошқача...

**Абдумалик** (истеҳзо билан): Шунинг учун вакилнинг таклифини қўллаб қўл кўтарибсан-да!

**Мунира** (хижолатда): Барибир, биргина менинг овозим ҳеч нарсани ҳал қилолмасди.

**Абдумалик** (аламда): Лекин мен қўл кўтармаган бўлардим...

**Мунира:** Мен сен бўлолмайман.

**Абдумалик:** Аттанг, сенинг мендай бўлишингни истардим. (Кетади.)

**Мунира** (ортидан): Малик, тўхта, мени нотўғри тушундинг...

**Абдумалик** (тўхтаб): Ҳечқиси йўқ. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Мен ишонаман. Ҳали мени комсомолга ҳам, партияга ҳам қабул қилишади. (Кулиб) Мана, кўрасан... (Кетади. Мунира орқасидан ғамгин қараб қолади.)

**Муаллиф:** Юксак идеаллар, буюк ғояларни шиор қилиб олган бу инқилобни ҳар қандай зулмга бефарқ қараб туролмагувчи имонли инсонлар қаторида отам ҳам, бойнинг ўғли бўлишига қарамай, бутун борлиғи билан қабул қилиб олган эди. Инқилобни инсонлар бахти-саодати учун адолатли кураш йўли деб биларди. Фақат у отасини эзувчилар қаторига қўшмас, тириклигидаёқ «камбағалпарвар бой» деб ном чиқарган отасидан воз кечмагани боис «бойнинг ўғли» деган тамға пешонасида бир умрлик тавқи лаънат бўлиб қолишини ҳали билмас эди.

### **Тасвирда:**

– *Партия съездларида нутқ сўзлаётган нотиқлар...*

– *қамоққа ҳукм қилинган турли тоифа ва турли ёшдаги одамлар...*

– *совет концентрацион лагерларидаги сиёсий маҳбуслар ҳаётидан кўринишлар...*

– *қад кўтараётган завод-фабрикалар...*

**Муаллиф:** Ўша кунлардан бу ёғига қанча сувлар оқиб ўтди, Ер ўз меҳварида неча минг марта айланди, қанча ақллари келиб кетди. Лекин қатағон йилларида туҳмат, бўҳтон қиличига ўзлари ва яқинларининг бошини мутеларча тутиб бериш ҳодисасини охиригача изоҳлаш ҳамон мушкул бўлиб қолмоқда. Ҳатто оқ-қорани таниган, адолат учун курашларда тобланган кўрқмаслар ҳам ялпи қирғинда беихтиёр қат-

нашганди-ку! Нега, нима учун?! Қанчадан-қанча нозиктаъб инсонлар инқилобий бу жараёнда билим ва меҳнатини аямдилар-ку! Нега, нима учун?! Шахсни шу даражада кўр, қар, меров қилиб қўйган сабаб нима? Балки... балки, ҳамма гап қиличга қон билан ёзилган «Халқ бахти учун» деган битикдадир. Балки, қатағон кундасига бошини қўйганлар, сургун ва қамоқларда мажруҳ қилинганларнинг аксарияти ўзларига нисбатан содир этилган бу адолатсизликларни олдиндан пухта ўйланган, мақсадга мувофиқ жиноят эмас, фақат шунчаки бир англашилмовчилик оқибати деб билганларидадир... Балки, бутун дунё империализми халқ инқилобини бутунлай мажақлаб ташлаш учун кўпоровчилик сиёсатини олиб бораётган қалтис вазиятда хатоликлар, қурбонликлар бўлиши муқаррар деб ишонганларидадир. Балки, шунинг учун ҳам чеккан азобларини минг йиллардан бери инсон орзу қилиб келган, ҳамма тенг ва бахтли яшайдиган, ғоя ва ҳаракат, туйғу ва фикр уйғунлашган гўзал келажак учун бадал деб билишгандир. Бўлаётган ишларга қарши бош кўтаришни эзгуликка, ахшиликка ва, ниҳоят, меҳнатқаш халққа сотқинлик қилиш баробарида кўришгандир.

Менинг отам ҳам худди шундай инсонлар тасифасидан эди. Мавжуд тузумда унга нисбатан қанча адолатсизлик қилинмасин, ҳеч қачон танлаган йўлидан воз кечмади, ўзи ишонган идеалларга умрбод содиқ қолди. Ажабо! Инсон руҳида бу қадар ялпи жонфидалик, ғояга бу қадар садоқат қачон бўлган ва яна қачон бўлади?! Ҳеч қачон!

1941 йил. Аср бошида кўтарилган пўртананинг жазавалари тиниб-тинмай инсоният пўртананинг яна бир қутуришига дуч келди. Умумбашар офатининг иккинчи қисми бошланди. Инсоният тарихида мисли кўрилмаган – энг беомон, энг бешафқат қирғин юз берди. Уруш жаҳондаги деярли барча хонадонларга сурбетларча кириб борди ва жароҳати сира битмас мусибат қолдирди. Ер юзи қон, тутун, фарёд, оҳ-воҳга кўмилди.

### **Тасвирда:**

- Портлаётган бомбалар, вайрон бўлаётган шаҳарлар...
- қочаётган, ўлаётган одамлар...
- уруш майдонидаги икки томоннинг беаёв жанги...
- концлагерлардаги одамютар печлар, қора тутун ўрлаётган мўрилар ва охири кўринмас қурбонлар қатори...
- хуллас, уруш даҳшатларидан огоҳ бергувчи кадрлар...

### **Лавҳа**

1942 йил сентябрь. «Абдусамад урушга жўнаётганмиш, Нисобунинг ўртанчаси...» Абдусамад дод солиб қолган ой кунни яқин ҳомиладор хотини ва келинойисини эшик тагида қолдириб катта кўчага тушиб олиши билан бу совуқ хабар «дув» этиб бутун маҳаллага тарқалди. Ҳавога кўтарилиб кезиб кетган шумхабар ўша кунлар учун ҳеч янгилик бўлмаса-да, маҳаллани оёққа қалқитди. Гами ҳам, шодлиги ҳам бир бўлиб қолган одамларнинг қўшниси бахтидан хурсанд, бахтсизлигидан хафа бўлган кезлар. Урушга бирга йиғлаб кузатиб, бирга кулиб кутиб оладиган дамлар. Бу гал ҳам сомон сувоқли пастқам сувала деворлар ортидан бошларини чиқариб қиз-жувонлар мучғайиб қарашар, эркаклари қолмаган уйлардан оналар югуриб чиқиб, йигитнинг елкаларини силаб-сийпаб, кўз ёши қилиб олишар, кекса ёхуд ногирон кишилар эса эшик тагида фахрий қоровулдек тек қотиб, борса қайтиши номаълум томонга кетаётган йигитнинг орқасидан андуҳ билан қараб қолишар, сўнг фотиҳага кафт очиб эссн-омон қайтишини Яратгандан сўрашарди. Бу тахлит ҳамдардликни ҳис этган Абдусамаднинг тўлиб турган юраги бир қалқиди-да, кўзларидан тошиб ёш тўкилди. Ҳаяжонини кўрсатмаслик учун ёнида дўмбыллаб кетаётган тўрт ёшлардаги ўғлини даст кўтариб олди, орада сездирмай кафти билан кўзидаги ёшни сидириб ташлади. Пайқаб қолишмадимикин деган ўйда кечагина икки ёшга тўлган яна бир ўғилчасини елкасига миндириб олган укасига ва ёнида келаётган поччасига зимдан қараб қўйди. Жиянининг оёқчаларидан ушлаб олган Абдумалик ҳеч кимга

қарамай, қуюқ қошларини чимирганча ўз хаёлларига ғарқ бўлиб борар эди. Поччаси эса салобат билан атрофни кузатар, салом берганларга, қўнғил сўраганларга бош қимирлатиб ё қўлини кўксига қўйиб жавоб қиларди. Бир-икки қадам орқароқда икки ғамбода аёл – Нисобу ва турмушга чиққандан сўнг хуснига яна хусн қўшилган Баҳринисо бошларини эгган қўйи секин эргашиб келарди.

**Муаллиф:** Нисобуви бугун ўртанчасини урушга кузатяпти. Уруш бошланиши билан маҳалладаги навқирон эр йигитлар сафарбар қилинган, улар орасида тўнғичи Абдужалил ҳам бор эди. Анчадан бери ўғлидан на хабар, на хат келади. Кун оралаб гоҳ у ёқдан, гоҳ бу ёқдан эшитилиб қоладиган йиғи овозлари Нисобувининг хавотирини янада ошириб адоёйи тамом қилаётганди. Юҳодек оғз■ очик урушнинг ҳеч нафси тўймас, энди гал Абдусамадга ҳам етиб келган, бундан она бутунлай довдираб қолган эди.

### **Лавҳа**

*Бир-бирларига сўз қотмай, чуқур сукутда Кўкчадан сўнг Каттаҳовуз, Сассиқҳовуздан ўтиб Чорсуга чиқишди. Яқинда шу ердан темир йўл вокзалига трамвай юра бошлаган эди. Улар тўхтаб турган трамвайга чиқиб бўш ўриндиқларни қидира бошлашди. Аввал онасини ўтқазишди. Нисобуви сирғалиб олдига тушган дока рўмолининг учларини қайтариб орқага ташлади-да, сўнг сурилиб қизига ҳам жой бўшатди. Баҳринисо латофатини ёмон кўзлардан бир оз бўлса-да яшириб турган ғижим рўмолини тўғрилаб сиқилибгина ўтирди. Қарши ўриндиқдаги бўш жойга Абдусамад беҳушгина чўкди. Елкасидаги хуржунини оёқлари остига қўйиб ўғлини тиззасига олди. Амакисининг елкасидан чаққон сирғалиб тушган болакай яйловга чиққан кўзичоқдай диконглай кетди. Ҳамма бу боланинг қилиқларига меҳри ийиб қараб қолишди. Трамвай бир силкиниб юра бошлагач, Абдумалик болани тутиб олиб уни ҳам акасининг бўш тиззасига ўтқазиб қўйди. Филдиракларнинг темир*

*изларга ишқаланиб чиқараётган ғалати товушларидан чўчидими, болакайнинг шўхлиги бирдан сўниб, тинчиб қолди.*

**Муаллиф:** Абдусамад амаким отамнинг юракка яқин, энг севимли акаларидан бўлган. Оқ-сарикдан келган, мовий кўзлари катта-катта, қомати кўркам, ҳассос қалб ва бир оз маъюс йигит яширинча маҳзун шеърлар ҳам қораларкан. Кимнингдир кўксига ўқ отишни ақлига сиғдиролмаганидан анча пайт чақирувга бормай, бекиниб ҳам юрган эканлар. Лекин йигитлик ғурури, бостириб келаётган ёвдан онани, оилани асраш каби эркакларга хос туғма туйғу аскарлик кийимини кийишга мажбур қилган эди. Айни чоғда болаларини бағрига босиб йиғлаб борарди. Ўзининг етим ўтган кунларини эслаганча, нуридийдаларини ҳам шу қисмат кутаётганига чидай олмай, юмалаб тушаётган йирик ёшлардан камзулини доғ қилиб борарди...

*Ўғлининг фарзандлари билан бундай маҳзун ўтиришига қараб онанинг юраги баттар сиқилди. Нафас етишмаётгандек бир-икки чуқур-чуқур хўрсинди. Абдусамаднинг ўз тиззасида ўйнаб ўтирган гўдаклик чоғларини эслади. Дадасининг кўкрагига бошини тираб кетаётган катта набирасига қараб хаёлда: «Боламнинг боласи худди ўзига ўхшайди-я», – деб қўйди.*

**Муаллиф:** Аслида, бувим ортиқча ҳис-туйғуга эрк бермайдиган, ниҳоятда босиқ, ройишгина аёл эдилар. Кўп гапирмас, бўлар-бўлмасга йиғи-сиғи қилмас, ҳозир ҳам ўғлининг оқариб кетган чиройли юзига, ёшли кўзларига индамай қараб келаркан, оламга сиғмас ғам-ғуссаси юрак-бағрини чунонам тилкаласа-да, кўксидан отилиб чиқмоқчи бўлаётган фарёдга изн бермас, негаки бу балонинг зарбаси ҳамманинг бошига бирдай тушганини чуқур ҳис қиларди. Ҳа, оқила аёл эдилар бувим!

Трамвай эса ғирчиллаб, тарақлаб, чийиллаб темир йўл вокзали сари илдамлаб борар, видолашув вақтини, ажралиш онларини тобора яқинлаштирар эди.

## **Лавҳа**

*Жўнатилаётганлар саф бўлиб тизилишяпти. Кузатувчилар эса муқаррар айрилув дақиқаларини кутиб чекка-чеккада мунғайиб туришибди. Радиокарнайдан берилган навбатдаги буйруққа биноан ҳамшира қизлар сафга тура бошладилар. Абдумалик кутилмаганда улар орасида бўйнига ҳамширалар сумкасини осиб илгарилаб бораётган Мунирани пайқаб қолади.*

**Абдумалик:** Мунира!..

*Қиз бирдан тўхтаб Абдумаликнинг олдига югуриб келади. Бир-бирига қараб жим қолишади.*

**Абдумалик:** Кетяпсанми?..

**Мунира:** Ҳа, кетяпман...

**Абдумалик:** Ариза берган эдим. Мени олишмади. Заводда ишлайдиганларга брон беришибди.

**Мунира:** Хабарим бор... Фронт орқасида ҳам сенга ўхшанганлар керак-ку...

**Абдумалик:** САГУдаги ўқишинг нима бўлди?

**Мунира:** Келиб битирарман... (Нигоҳлар беихтиёр тўқнашди.) Қорнинг оғримаяптими?

**Абдумалик (жулиб):** Оғримаяпти...

*Командирнинг буйруғи қайта жаранглайди. Унга поезд чинқириғи кўшилади.*

**Мунира (шошиб):** Майли, Малик, яхши қол. Омон бўл ..

**Абдумалик (қизнинг қўлидан тутиб):** Муни, эҳтиёт бўл, хўпми?!

*Мунира кутилмаган бу эътибордан ҳаяжонланиб бошини эгади, кейин ёниб турган кўзлари билан Абдумаликка қарайди.*

**Мунира:** Хат ёзсам бўладими?

**Абдумалик (шошиб):** Бўладими эмас, албатта ёз! Хатингни кутаман...

### **Лавҳа**

*Қий-чув... хотинлар, болалар йиғиси, бақриқ, буйруқ овозлари... Бу изтиробли овозларни духовой оркестрнинг тантанали садолари босмоқчи бўлади.*

**Муаллиф:** Одамлар бир-бирини, атрофни кўрмайди, эшитмайди. Кулоқни қар, шуурни қарахт қилар даражадаги шовқин, олатасир тўполон ичида фақатгина қалбига энг яқин кишисининг ҳолатини, нигоҳини илғаб, тутиб олишга ва шу азиз сувратни хотирага муҳрлаб қўйишга ҳаракат қилади. Амакимнинг хотирасида сўнгги суврат бўлиб ғамдан қуввати суғуриб олинган онаизорининг шилқ этиб тушиб чўккалаб қолгани, ортидан сочларини юлиб, қўлларини чўзиб қолган ҳомиладор хотини ва... ва ўрнидан силжиб юра бошлаган поезд ортидан додлаб югураётган одамларга беихтиёр кўшилиб бир-бирининг қўлини маҳкам тутганча йиғлаб чопган гўдаклари муҳрланди. Юрак-бағрини бурдалаб, дарду дунёсини қоп-қоронғи қилиб сўнгги нафасигача шу изтироб қолди...

Отамни чиндан севган Мунира ҳам қалб тўрида қора кўз Малигининг қиз қалбини беҳос эркалатган, умид бахш этган кадрдон нигоҳини олиб кетди. Фашист ўқи юрагини тешиб ўтганида ҳам йўқликка шу нигоҳ оғушида тушиб эмас, учиб кетди...

### **Лавҳа**

*Хандақ. Жангчилар тўплардан отилаётган ўқлар довулидан бош кўтаролмай хандақ деворларига ёпишиб ўтирибди. Уларнинг қотиб қолган нигоҳларида дўзах даҳшати. Ҳақиқатан, шу топда қиёмат қойим қўпмоқда эди. Ҳеч қаёққа қочиб бўлмайди, олдинда ҳам, орқада ҳам нажот йўқ, тепангда эса олов ёмғири... Кечагина қимматли ҳисобланган ҳаёт, умид,*



муҳаббат ўз маъносини йўқотган. Ҳамма нарсани барбод, йўқ қилувчи ўлим бор, холос. Асрга татирли шу бир неча соат ўтгандан сўнг тўплар овози секин-аста тина бошлади. Отряд бошлиғи хандақдан сакраб чиқиб жангчиларни хужумга ўтишга буюрди. Олдинга отилганларнинг кўпчилигини пулемёт ўқлари ўша заҳотиёқ ўроқ тушган поядек қаро ер билан битта қилди. Омон қолганлар жон ҳолатда орқага чекиниб ўзларини яна хандаққа урдилар. Отряд бошлиғи югуриб келиб тўппончасини ўқталганча уларни жангга ундади. Лекин ўзи ҳам ўққа учиб кулади. Бошқалар каби саросима, ўлим ваҳшатида қолган Абдусамад бирдан овози борича наъра тортиб юборди. Бир неча сония жазавога тушиб додлайверди. Сўнг милтиғини қаттиқ тутиб хандақдан сакраб чиқди-да, бақирганча ўқлар ёмғирига ўзини урди. Унинг наъраси бошқаларга ҳам таъсир қилдими, қолганлар ҳам орқасидан эргашди. Одам ўлдириш учун эмас, шеър ёзишу дарахт экиш учун, фарзандларию аёлини эркалаш учун туғилган инсон кўксидан ногоҳ отилиб чиққан бу наърада ҳам кўрқув, ҳам аччиқ алам, ҳам ёш юракнинг ўлимга қарши исёни, ҳам фашист деб номланувчи ваҳшийга нисбатан адоқсиз нафрат – ҳамма-ҳаммаси мужассам эди. Кўзлари даҳшат ва ғазабдан олайган Абдусамад овози борича бақириб, фашистни бўралаб сўкиб борар, қаршисида учраган ёвга ўқ отиб, милтиғи тиғини санчиб, ўзи эса душман ўқига учрамай олға жиларди. Орқасидан келаётганлар эса тобора сийраклашиб борарди...

### **Лавҳа**

Тўплар овози узоққа чекинган. Бир оз олдин бўлиб ўтган ҳаёт-мамом жангидан фақат унда-бунда қорайиб, тутаб ётган дарахтлар огоҳ бериб турибди. Эрта билан қаттиқ совий бошлаган ҳаво қорни ҳам эргаштириб келган экан, яқиндагина ёға бошлаган қор ҳаммаёқни оппоқ чойшабга ўрашга улгурган эди. Чор атроф сукунат қўйнида, гўё кулоқ битар шовқиндан безор бўлган жанг майдони оқ чойшабни бошига тортиб осуда тин олаётгандек...

Батамом оқаришга улгурмай, ёнбағирлари қорайиб турган чоҳлар киши эътиборини тортади. Снаряд портлашидан ҳосил бўлган ана шундай чуқурларнинг бирида кимдир ғимирлар эди. Бу Абдусамад. Ҳужум пайти чопиб бораётганда шу ўрага йиқилиб ҳушидан кетганди. Ўзига келганида ҳаммаёқ тинчиб қолган, симобранг осмондан ғужғон ўйнаб қор учкунлари учиб тушар, чалқанча ётган танасини бир сидра қоплаб ҳам олган эди. Кўзини очиб, шу заҳоти миясига келган фикрдан хурсанд бўлиб кетди. У тирик! Ўлмаган!.. Измига қўнмаётган қўлларини ишга солиб усти-бошини қоқди, ўрнидан турмоқчи бўлди. Лекин ўнг оёғидаги оғриқ уни яна чўккалашга мажбур қилди. Шундагина қўллари совуқдан қотиб қолганини, оёғи эса яхшигина лат еганини сезди. Муҳими, яраланмаган, соғ-омон... Милтиғига суяниб чуқурдан чиқишга уринди. Тимирскиланиб бир-икки қулоч кўтарилади-да, қаттиқ оғриётган оёғининг таянчисиз пастга сирғалиб тушади. Бор кучини жамлаб чуқурдан чиқишга яна уннайди, бироқ мақсадга етолмай ярим йўлда тағин пастга шўнғийди... Яна ва яна... Охири мадори қуриб, дам олиш учун ерга чўккалади.

**Абдусамад** (ҳансираб пичирлайди): Ўлмай қолдим, худога шукр... Ўт орасидан ўлмай чиқибман, бу ердан чиқиб олиш нима бўлибди?.. (Қўлларини ишқалаб пуфлай бошлайди.) Фақат оёқ лаънати халал беряпти-да, бўлмаса, аллақачон... Ҳозир бир оз нафасимни ростлаб олай... (Қўлларини қўйнига тикади.) Кейин зўр берсам чуқурдан чиқиб оламан... (Бўшашиб, кўзлари секин юмилади. Шу пайт кўз ўнгида тиззалаб, унга ёлвориб қараб турган онаси, ҳомиладор хотини ва бир-бирининг қўлларидан тутиб «дада, дадажон»лаб чопиб келаётган ўғилчалари пайдо бўлади... Кўзларини шарт очиб бўғиқ овозда ғудранади.) Мен ҳозир... ҳозир... Бир оз дамимни олиб олай... кейин олдиларингга чиқаман... Мен ўлмай қолдим, жигарларим... Албатта олдиларингга бораман...

Қишининг беаёв қаҳридан туши билан ҳушининг фарқини йўқота бораётган Абдусамад бор кучи билан тепага чиқишга

яна уринади. Бу гал ярим қулоч ҳам кўтарила олмайди. Сирғаниб ерга чўкади.

**Абдусамад** (ҳирқироқ овозда): Қўлларимни бир оз иситиб олай, хўпми?.. Қаранглар, совуқдан тараша бўлиб қолибди... (Қўлига пуфлайди. Боши шилқ этиб тиззасига тушади.)

Боғ. Тонгги қуёш ердан, дарахтлардан таралаётган ҳовур таъсирида жимир-жимир қиялпти... Бой отасининг айвониди ҳамма ойимлар йиғилишган. Катта самавор мўрисига қўйилган чойнакдан хушбўй буғ кўтарилади. Лекин негадир дастурхонга тандир нонлар эмас, ўрис нонлар қўйилган. Опачалари дўппи тикиб ўтиришибди. Болалар, улар орасида ўзи ҳам бор, қувлашмачоқ ўйнаб чопқиллаб юришибди. Ойимлар болаларга қараб майин қулиб қўйишади... Тушга менгзаш бу хаёл бирдан йўқолиб, чуқур тепасида унга қараб турган ўғилларини кўргандек бўлади. «Дада, дада... туринг...» Абдусамад чўчиб кўзини очади, тепага қарайди. Ҳеч ким йўқ. Беихтиёр кўзлари яна юмила бошлайди.

**Абдусамад** (аранг пичирлаб): Йўқ... йўқ... Мен ухлаб қолмайман... Биламан, совуқда ухлаб бўлмайди. Мен фақат қўлоёғимни илитиб олмоқчиман. (Қўлларини яна кийими бағрига тикади.) Шу холос...

Болалиги. Иброҳим ҳожи қулиб эшикдан кириб келади. Абдусамад ака-укалари билан отасининг очилган тўни қабатига кириб кетади.

**Абдусамад** (лаблари билинар-билинемас қимирлайди, сезилар-сезилмас жилмаяди): Оҳ, оҳ... қандай ёқимли... Ота, тўнингиз мунча иссиқ... Бағрингиз мунча иссиқ... Мазза... Ана, қоним ҳам қизий бошлади... Яна бир оз... (Кўзлари қаттиқ юмилиб қолди.)

Абдусамаднинг истиқболига ўғилчалари хурсанд чопиб келяпти. Уларни галма-гал кўтариб осмонга отади. Болалар қиқирлаб кулишади. Кўкда қуёш чарақлаб турибди... Унинг тафти жуда иссиқ...

Қуёш нурафшон этган катта боғ. Болага айланиб қолган Абдусамад билан отаси Иброҳим ҳожи етаклашиб боғнинг ичкари томонига кета бошлайдилар ва аста-секин кўздан йўқоладилар...

...Кун қайтиб, атрофга қоронғилик чўкди. Қор борган сари қуюқлашиб Абдусамадни бутунлай кўмиб юборди...

**Муаллиф:** Урушнинг охирги йили Нисобувининг катта ўғли Абдужалил оёғидан қаттиқ яраланиб қайтиб келди. Абдусамаддан эса «Бедарак кетган» деган хабар олинди. Бувим бу аламнок дунёдан ўтгунларига қадар ўртанча ўғлининг эшикдан кириб келишига ишониб яшадилар.

#### **Тасвирда:**

- Абдумалик дарс бермоқда.
- Ҳарбий заводдаги ишчилар меҳнати.
- Абдумалик аудиторияда маъруза тингламоқда.
- Уруш вайроналарини бартараф этиш ишлари кетмоқда...
- Умумшанбаликлар...
- Партия съездлари, съезд хужжатлари ёритилган газета саҳифалари...
- 7 ноябрь, 1 май, 8 март байрамлари, бахтиёр, чароғон чеҳралар...

**Муаллиф:** Уруш йиллари отам Тошкентга кўчириб келтирилиб, фронт учун қурол-аслаҳа ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ҳарбий заводда ишлаганлар. САГУнинг физика-математика бўлимида сиртдан ўқиганлар. Урушдан эсон-омон чиққанлар улуғ неъмат – тинчликнинг қадрига етиб, хароб бўлган турмушни тиклашга жон-жаҳдлари билан киришиб кетишган. Дадамдан эшитишимча, урушдан кейин-

ги йиллар қийналиб қолган халққа енгиллик бериш учун ҳар бир байрам, ҳар бир партия съезди олдидан энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, керакли эҳтиёж моллари арзонлаштириб борилган экан. Одамлар бундан илҳомланиб байрамларни интиқлик билан кутар ва бу тантаналар чинакам сайилга айланиб кетар экан. Натижада коммунистик партиянинг, совет ҳукуматининг бутун дунёни фашист вабосидан қутқариб қолган энг инсонпарвар, энг адолатли, энг халқпарвар давлат эканига ишонч мустаҳкамланиб борарди. «Яшасин советлар юрти ва коммунистик партия! Коммунистик партиянинг одил сиёсати раҳнамолигида бизни бахтли ва нурли келажак кутмоқда. Ура!..» Янгидан-янги хитоблар, умидбахш режалар асносида ҳаёт измига туша бошлади. Қатағон, очлик ва, ниҳоят, уруш аста-секин эсдан чиқиб, мамлакат бахтли, нурли келажак орзусига берилди. Шу орзу отамни ҳам тинимсиз ишлаш, янги режалар сари илҳомлантирар эди. Урушдан сўнг отам ижтимоий фанларга қизиқиши кучайиб, университетнинг марксизм-ленинизм курси ва юридик факультетининг сиртқи бўлимини ҳам битириб олдилар. Ёш бўлишларига қарамай, маҳалла райси лавозимини ишониб топшириб қўйишган, шу сабаб отамда жуда катта ташкилотчилик қобилияти намоён бўлиб, одамларга эътибор, муҳтожларга раҳм-шафқат туйғулари яққол кўзга ташланиб қолган эди. Отамдаги бу улуғ хислатлар бобомдан мерос бўлса керак. Шунинг учунми, эл уни «Иброҳим ҳожининг ўғли» деб алқарди. Эсимда, отамни сўнгги манзилга кузатаётганимизда: «Иброҳим ҳожи бойнинг кенжа ўғли дунёдан ўтибди», – дея бувамни кўрган ё билган қанчадан-қанча қариялар мотам қаторига келиб қўшилиб, дуои фотиҳа қилиб, шу орқали бобом руҳига ўз таъзияларини билдиришган эди.

### **Лавҳа**

*Кўча бўйлаб Абдумалик отда келяпти. Эғнида гимнастёрка, оёғида хром этик. Бошида чуст дўппи. Сочининг қалинлигидан дўппи бир оз қўтарилиб турибди. У йўлда учраган ёши*

улуғларга салом бериб, ўзидан ёшларнинг саломига алик олиб отини аста йўрғалатиб келмоқда...

Кўча четидан шалдираб оқаётган ариқда Маннон ака кетмонини ювиб ўтирибди. Ҳабашлардек қоп-қора, қирқ ёшлардаги бу одам маҳалла чойхонасида самоварчилик қилар, ҳовлисида етиштирган помидор-бодрингми, аччиқ гаримдори ё кўкатми, чойхонага пуллар эди. У отда бир маромда чайқалиб келаётган ёш маҳалла раисини кўриб дик этиб ўрнидан турди. Кўлини яктаги четига шошиб артиб пешвоз чиқди. Кўшқўллаб қуюқ кўришиди. Уйига, бир пиёла чойга таклиф қилди. Абдумалик ташаккур айтганча йўлда давом этди. Маннон унинг орқасидан ғалати қараб қолди.

**Хотини** (эшикдан чиқиб): Ҳа, нимага анграйиб қолдингиз?

**Маннон** (алам билан): Дунёнинг ишларига ҳайронман-да, бойлар даврида бойнинг ўғли эди. Камбағаллар замонида ҳам отда беклардек керилиб юришини қара!..

**Хотини** (эри қараб турган томонга қараб): Кимни айтяпсиз? Анави маҳалла раисимиз Абдумаликми?

**Маннон** (тиш орасида): Ҳа, маҳалла раисимиз, Абдумалик...

Абдумалик пастаккина бир табақали эшик олдида тўхтаб отдан тушади. Отини йўл бўйида соя солиб турган якка толга боғлайди. Аста келиб эшик ҳалқаларини бир-бирига уради. Ичкаридан садо келгунча атрофга бир қур назар ташлайди... Сомон сувоғи кўчиб, айри тушган синч ёғочлари орасига текис қилиб терилган гувалалари кўриниб қолган девордан кичкинагина дарча очилган. Дарча тоқчасида бўздан тикилган халтачаларга расамади билан қурут, писта солиб териб қўйилган. Шиша идишда мошранг носвой ҳам кўзга ташланади. Ўқувчиларнинг ёзиб ташланган дафтар варақларидан харидни солиб бериш учун тайёрлаб қўйилган ўрамалар бир чеккада тахланиб турибди... Ҳеч ким овоз беравермагач, эшикни аста очиб ҳовлига мўралайди. Кафтдеккина ҳовлида қўшни девор

тагига экилган садарайхонлар тупроғини занг босган ошти-  
чоқ билан юмшатаётган олтмиш ёшлардаги аёлни кўради.  
Қулоғи оғир, шекилли, эшикнинг ғирчиллаб очилганини ҳам  
сезмайди.

**Абдумалик** (овозини бир оз баландлатиб): Ассалому алай-  
кум. Мумкинми, хола?..

**Омила** (Абдумаликни кўриб сакраб ўрнидан туради): Кел,  
кел, болам... (Кутилмаган ташрифдан довдираб қолади.) Қа-  
дамингга ҳасонот... Кел, болам...

**Абдумалик:** Ўғлингиз келиб хурсанд бўлиб қолдингизми?

**Омила:** Ҳолимни сўраган тилларингдан айланай, болам...  
(Йиғлаб юборади.)

**Абдумалик:** Ие, ие... бу нимаси?.. Йиғламанг, хола... Бу ёғи  
хурсандчилик-ку... Қосим аканинг ўзлари қанилар?

**Омила** (овозини пасайтириб): Қосим акангни фақат қуруқ  
сумбати қайтиб келибди, ичи адо бўлибди, болам. (Хўрсиниб)  
Майли, шунисигаям шукр... Уйга кира қол... Ичкарида...

### **Лавҳа**

Хона ичи ним қоронғи, салқин. Исириқ, носвой, кейин яхши-  
лаб шиббаланган намчил тупроқ ердан анқиётган ҳидларнинг  
қоришиқ бўйидан қуёшли, иссиқ ҳаводан ичкари кирган киши-  
нинг кўнгли сал беҳузурланиб, боши айланади. Абдумалик юп-  
қагина қуроқ кўрпачада мук тушганча чордона қуриб ўтирган  
навқирон эр йигитни эмас, сочлари оқариб кетган мўйсафид-  
ни кўрди. «Қосим ака шумикан?» – деб бир оз тараддудланди.

**Абдумалик** (яқинлашиб саломга қўлини чўзади): Ассалому  
алайкум, Қосим ака!

Қосим қизарган кўзларини ердан узиб Абдумаликнинг са-  
ломга чўзилган қўлларига, кейин юзига безрайиб қарайди.

**Қосим:** Кимсан?

**Абдумалик** (*қўлини қайтиб олиб қаршисига чўккалайди*): Мен Абдумалик бўламан. Балки, танимассиз. Шу маҳалланинг раисиман. Ҳол-авҳол сўрашиб кетай деб киргандим. (*Эҳтиёткорлик билан*) У-бу масалада ёрдамим керак бўлиб қолар...

**Қосим** (*қаттиқ қараб*): Ёрдам?!. Қанақа ёрдам?! Ҳм.. Қўлингдан қандай ёрдам келади?

**Абдумалик**: Айтайлик, ишга жойлашиш масаласида... Қандай соҳада ишлаш ниятингиз бор?

**Қосим** (*заҳарханда кулиб*): Қайси соҳада? Мен ҳамма соҳада ишлаб бўлдим. Энди бу ёғига мияни чалғитиб ҳеч нимани ўйламаслик... (*Ямоқ дастурхон солинган хонтахта тагидан шиша идиш олиб олдидаги пиёлага култиллаб ароқ қўяди.*) Куйиб кетган ҳаётимни, эсиз кетган йигитлик йилларимни эсламаслик... (*Бир кўтаришда ичиб юборади. Пиёлани тарақлатиб қўяди, лаб-лунжини зарда билан артиб, аламли нигоҳини ерга тикади.*)

**Абдумалик** (*унинг изтиробли юзига бир оз қараб туриб ўктамлик билан гапирди*): Қосим ака, нима бўлган тақдирда ҳам яшаш керак-ку!

**Қосим** (*қўкрагига муштраб бақириб юборади*): Энди мени яшашга ҳам мажбур қиласанларми?! Мени зўрлаб ўлдириб бўлдиларинг, бу ёғига ўз ҳолимга қўйларинг... Ўламанми, қоламанми – ўз ишим!

**Абдумалик** (*босиқлик билан*): Қосим ака, менга бекор зарда қиляпсиз.

**Қосим** (*панжалари билан бошини чангаллаб дардчил овозда*): Э ука!.. Сенга зарда қилаётганим йўқ... Онам айтди. Кампирнинг ҳолидан хабар олиб турибсан. «Халқ душманининг онаси», – деб камситишларига йўл қўймабсан. Раҳмат, ука!.. Лекин (*ғазабдан овози хириллаб*) ёмон кўраман ҳукуматингни, ўша партиядан нафратланаман!.. Мени еди улар, э, фақат мени эмас, қанчадан...

**Абдумалик** (*гапни бўлиб*): Бу гапни менга айтдингиз, бошқа ҳеч кимга айта кўрманг. Тўғри, сизга жабр қилишган.



Лекин қайсидир аҳмоқларнинг хатоси деб бутун бошли ҳукуматга туҳмат қилманг-да, Қосим ака...

**Қосим** (яна қизишиб): Хато?! Туҳмат?! Йўқ, бу ҳукуматинг одамқушанда, одамхўр!

*Эшик орқасида гап пойлаб турган Омила хола югуриб ўғлининг олдига келади.*

**Омила** (қўрқиб): Ўчир, ўчир овозингни, ергина ютгур!.. Гапирма бу бўлмағур гапларни. Нима, яна ўша жойларни қўмсаб қолдингми? (Йиғламсираб) Жуда бўлмаса, шўрпешона онангни ўйласанг-чи, жувонмарг!

**Қосим** (онасининг гапларига аҳамият бермай): ...Мен ўшанда ҳали она сути оғзидан кетмаган ўспирин эдим. Мен ўша куни жўраларим билан кино кўриб ўтирардим...

### **Лавҳа**

*Мўъжазгина ёзги кинотеатр. Майдонча оҳакланган пас-так девор билан ўралган. Девор ортида бир текис бўй чўзиб турган узун тераклар қоронғида майдонга файз бериб ажиб манзара ҳосил қилган. Диққат билан қарасангиз, теракларга чирмашиб чиқиб олган болаларнинг шох-шабба орасидан мўралаган юзларини кўрасиз. Хотин-халаж, йигит-қизлар эса узун тахта ўриндиқларда ўтириб қизиқ бир фильмни ангра-йиб томоша қилишмоқда. Гўё ҳозир улар бу ерда эмас, оқ мато юзида содир бўлаётган воқеалар ичига тушиб қолгандек... Бирга куладилар, бирга куюнадилар. Фильм қаҳрамонлари мағлубиятидан қайғуриб, ғалабасидан ичларига сиғмай кувонадилар. Бугун Қосим ўртоқлари билан ўнинчи марта «Чапаев» киносини кўргани бу ерга келган. Бўйчан, елкалари кенг бу йигитчанинг истарасини иссиқ қилиб турган чарақлаган қоп-қора кўзларини доим кулимсиган қалин лаблари эди. Лекин юқори лаб устида қанот ёза бошлаган мўйлаби ўспириннинг йигитлик пиллапоясига кўтарилаётганидан дарак берарди. Қосимнинг эс-ҳуши экранда, лекин ора-сира сал нарида дуго-*

налари билан қунишиб ўтирган жамалак сочли, қорачадан келган қизга қараб-қараб қўяди. Шу пайт бирдан чироқ ёқилиб, экрандаги тасвир йўқолди. Томошабинлар тасма узилиб қолди деб ўйлаб ҳуштак чалиб шовқин кўтаришди. Саҳнага қора чарм камзулли, қора шапкали тўрт эркак бирин-кетин чиқиб келиши билан зал сув қуйгандек тинчиб қолди. Номаълум ғул-ғула ҳаммининг юрагини беихтиёр шувиллатиб ўтди. Баъзилар секин ўринларидан тура бошлашди.

**1-киши:** Кўзғалманглар, ўртоқлар. Эртага байрамолди ўтказиладиган ҳашарга ёрдамчилар керак бўлиб қолди. Шуларни танлаб оламиз, холос, кейин киноларингни кўраверасизлар.

*Келганлардан иккиси пастга тушиб ёнма-ён ўтирган беш йигитчани танлаб олди. Булар орасида Қосим ҳам бор эди. Йигитларнинг юзида тушунмовчилик, норозилик, хавотиру доводиришга ўхшаш ҳолат пайдо бўлди. Қора камзулликлардан бири йигитчаларни тинчитишга шошилди.*

**2-киши:** Оилаларингга ўзимиз хабар қиламиз. Бизга озгина қарашиб юборасизлару эрта билан уйларингга кетаверасизлар.

**1-киши (бақириб):** Ҳой механик! Кинонгни қўй! Ўртоқлар, бемалол томоша қилаверинглар! *(Пастга сакраб тушади.)* Қани, йигитлар, кетдик!

*Қора камзулликлар йигитларни тизиб майдончадан олиб чиқиб кетишади. Бир неча сергак кўзлар уларни хавотир билан қузатиб қолади...*

**Қосим:** ...Кейин бизни машинага ўтқазиб тўғри Тоштурмага олиб боришди. Кечаси билан қийнаб, тушунарсиз галлар қилиб, гуноҳларингни бўйнингга ол деб кўрқитишди. Қандайдир қоғозларни олдимизга қўйиб, шунга имзо чек-

саларинг, уйга кетасизлар деб қўл ҳам қўйдириб олишди. Лекин эрта тонгда кишан солиб поездда Қалама деган жойга жўнатишди. Бир неча кундан кейин эса бизларни зараркунандаликда айблаб, «халқ душманлари» деб эълон қилишибди. Меҳнаткашларнинг 1 май намойишини ўтказишга халақит берганмишмиз. Мактабларда ўқувчи ва ўқитувчиларнинг «Орамизда бундайларга ўрин йўқ» деган чиқишлари бўлиб ўтибди. Бу гапларни биздан кейин ҳибсга олиниб ортимиздан жўнатилганлардан эшитдик. Мен билан бирга қамалганларнинг ҳаммаси ўлиб кетди. Бири синфдошим Ўктам; меҳрибон, бўш-баёвгина, онасининг яккаю ёлғиз ўғли эди. «Онам менсиз нима қилаётган экан?» – деб йиғлай-йиғлай ичикиб ўлди. Биттаси ўзини осиб қўйди. Яна бири совуқ қотиб ўлди. Яна бири бор эди – Аҳмад. Орамизда ёши каттароғи, журъатлиси. «Айбимни бўйнимга қўйиб беринглар ё қўйиб юборинглар», – деяверганидан кейин уриб ўлдиришди. Фақат биргина мен қайтиб келдим. Лекин кўриб турибсан, мен ҳам тирик мурдаман.

**Омила** (ялиниб): Қосимжон ўғлим, ўтган ишга саловат. Ўтган-кетганни эслаб ярангни янгилама.

**Қосим** (Абдумаликка қараб): Бизни нега қамашганини биласанми?

**Омила** (йиғлаб): Жон болам, секинроқ гапир, деворнинг ҳам қулоғи бор...

**Қосим:** План бажарилмай қолган экан.

**Абдумалик** (ҳайрон): Қанақа план?

**Қосим:** Ҳар байрам олдидан барча соҳаларда эришилган меҳнат зафарларидан ҳисобот беришадими? А?!

**Абдумалик** (ҳайрон): Хўш?..

**Қосим:** Шунча қўйлак-шим тикиб, шунча гектар ерга буғдой экиб планимни ортиғи билан бажардим дегандек, 1 май – бутун дунё меҳнаткашлари байрами муносабати билан шунча «халқ душмани»ни қўлга оламиз, фош қиламиз деган мажбурият ҳам бор экан. Бунга қараки, мажбуриятни ортиғи билан бажаришга тўрт-беш одам етмай қолибди. Ҳечқиси

йўқ. Кўча тўла одам. Бўйнига тиркашга эса айбнинг тури кўп. Фақат иси чиқмаса бўлди. Бу режани амалга оширишда бизга ўхшаш гўл, ландавур, содда йигитларни тўрға туширишдан ҳам осон иш бор эканми?

**Абдумалик** (*жаҳли чиқиб*): Э, қўйинг, Қосим ака, бўлмағур гапларни айтяпсиз. Ким куйган бу гапларни сизнинг қулоғингизга, билмадим-у, лекин...

**Қосим:** Бўлмағур гаплар?!

**Омила:** Ҳа, ҳа ... Бўлмағур, бўлмағур...

**Қосим:** Унда бошқа сабабини кўрсатиб бер. Нимага бизни камашди унда? Йў-ўқ! Кўрсаткичларни тўлдириш учун керак бўлиб қолган эди жонимиз! Лекин биз кўйлак, шим ё бир қоп сомон эмасдик-ку! Юраги, жигари бор бутун бир бошли одам эдик-ку! (*Йиғламсираб*) Ҳар куни қуёшни ҳаяжондан ҳаприқиб кутиб олардим. Юрагим орзуларим шавқидан тўлиб-тошарди. Учувчи бўлмоқчи эдим. Қўшнимизнинг қизини яхши кўрардим. Унга уйланмоқчи эдим, бола-чақали бўлмоқчи эдим... Снамнинг кўзидаги ёшни эмас, бахтдан яшнаб турган юзини кўрмоқчи эдим...

*Қаршисида мўлтираб ўтирган онасининг мунглиғ юзига кўзи тушадию охирги сабридан ҳам айрилиб, яккаю ёлғиз муштипарининг тиззаларига барвақт оқарган бахтсиз бошини кўйганча ўкраб юборади...*

*...Абдумалик отнинг жиловини тутиб чуқур хаёлга ботган кўйи орқага қайтяпти. Бу сафар йўлда учраган ҳеч кимни кўрмайди, сезмайди. Кўз ўнгида фақат бахтиқароликдан яралган манзара: деворлари оқланмаган зах уй, чўплари сочила бошлаган бўйра, унинг устидан ташланган эски шолча... Атрофига юпқа қуроқ кўрпачалар солинган пастак хонтахта, бурчакда эса устига увадаси чиққан уч-тўрт кўрпа-ёстиқ текис ташланган қора сандиқ... Ҳаммасидан ҳам биргина деразага сарғайиб кетган оқ сурупдан осиб қўйилган парданинг қийшайиб, сўлжайиб туриши кайфиятига ғалати таъсир қилди. Гўё бу хонадоннинг абгор ҳаётидан бир нималар деяётгандек туюл-*

*ди унга... Ниҳоят, қоқшол қўллари билан бошини чангаллаб ўтирган қаримсиқ йигит!.. Қалб нигоҳи чизган бу сурат Абду-маликнинг юрагини эзар, кўнглини хуфтон қиларди...*

**Муаллиф:** Отамга бу ташриф жуда қаттиқ таъсир қилди. Қосим аканинг фожиасини ўз дардидек чуқур ҳис этди. Ҳам унга ачинди, ҳам унданми ё бошқаданми, қаттиқ ранжиди. Негаки Қосим ака кимларнингдир адолатсизлиги туфайли у ишонган, буюк инсоний эътиқод тимсоли деб билган коммунистлар партиясига адоват, ғазаб, таъна тошларини отган эди. Наҳотки, Қосим акадан эшитганлари рост бўлса? Наҳотки, инсон тақдирини бераҳмларча совуққонлик билан шу қадар топтаб ташлаш мумкин бўлса? Наҳотки, бу ёвузлик инсон бахти-саодати учун кураш олиб бораётган бизнинг ватанда юз берган бўлса?! «Йўқ! Бўлиши мумкин эмас!» Беихтиёр ғазабдан чимирилган лабларидан «Аблаҳлар, падарингга лаънатлар!» деган хитоб чиқиб кетди. «Бундай адолатсизликларни фақат ҳақиқий халқ душманлари қилиши мумкин. Улар бу хатти-ҳаракати билан халқнинг сиёсатимизга, давлатимизга бўлган ишончига раҳна солади, қанчадан-қанча тўкилган қутлуғ қон бадалига эришилган буюк ғояларни булғайди. Бу номаъқулчиликлардан доҳий Сталиннинг хабари йўқ. Унинг атрофига йиғилиб олган душманларнинг кирдикори бу!»

Отам Маркс, Ленин, Сталин асарлари билан яхши таниш эди. Айниқса, Сталиннинг китобларини ҳайрат билан ўқирди. Шундай улуғ фикрлар, ғоялар, режалар муаллифи ўз эътиқодига буткул тесқари ишлар қилиши мумкинлиги ҳеч ақлига сиғмасди. Бугун эшитганлари юрагини ёмон оғритди, бироқ қатъий фикридан чалғитолмади. Лекин йиллар ўтиб, рутубатли куз кунларининг бирида, тўкилган кўмирдан қорайиб кетган девор пойида худди Қосим акадай совет ҳукумати, коммунистлар партиясини сўкканча хўнг-хўнг йиғлаб ўтиришини хаёлига ҳам келтирмасди. Ҳали унгача анча гаплар бор. Ҳозирча эса отамнинг қалби буюк ғояларга ишонч ва садоқат билан лиммо-лим, барча эзилган, ноҳақликка учра-

ган, хўрланган одамларга қўлидан келганича ёрдам бериш, уларни бахтли қилиш орзуси ва нияти билан тўла эди. Шу тобда ҳам Қосим аканинг издан чиққан ҳаётини қандай қилиб яна изга солиш чораларини ўйлаб борарди...

### **Лавҳа**

*Абдумалик қўм-қўк рангга бўялган икки табақали эшик олдида тўхтайтиди. Бу ерда Абдужалил акаси хотини ва уч ўғли билан яшайди. У акасидан бирров хабар олиш, чигал кўнглини бир оз бўлса-да ёзиш ниятида отдан секин тушиб, кўча эшикни очади ва отини етаклаганча йўлакдан аста юриб келиб ҳовли томонга ўтади. Ўтадию турган ерида бир неча сония кўзғала олмай қолади.*

*Унча катта бўлмаган ҳовли ўртасидаги тарвақайлаб ўсган қари тут атрофида «тут қоқиш» ҳангомаси бўлаётган эди. Келинойиси, икки ёш жиянчаси ва бир нотаниш қиз катта бўз дастурхонни четларидан ушлаб туришибди. Ўн беш ёшлардаги яна бир жияни узун тол ёғоч билан тут қоқарди. Ҳамманинг мақсади тепадан тушаётган тут доналарини ерга тўкмай тутиб олиш. Бу завқли юмуш билан овора бўлиб Абдумаликнинг кириб келганини сезмай қолишди. Фақат қизнинг нигоҳи худди сеҳрлангандек унга тикилиб турган қора қош, шаҳло кўз йигитга беҳос тушади. Тушадию бу нигоҳ ҳам бир неча сония йигит юзида тўхтаб қолади. Сўнг уялганидан пастки лабини тишлаганча кўзларини ерга тикади. Шу орада келинойиси ҳам қайнисини кўриб тут қоқишни бас қилади, оғирлашиб қолган дастурхонни тутамлаб дарахт тагига эҳтиётлаб қўяди-да, меҳмонга пешвоз чиқади. Йигитчалар ҳам: «Амаким келдила», – деб йўлак бўйида туриб қолган Абдумаликнинг ёнига чопишади.*

### **Келинойи:** Келинг, айланай, келинг...

*Катта жияни қўл бериб кўришади. Кейин отнинг жиловини олиб бойлаб келгани нари кетади. Кичкиналари хурсанд бўлиб, амакисига осилиб шўхлик қиладилар.*

**Келинойи** (елкасини қоқиб кўришади): Вой, бўйлариздан гиргиттон... Эсон-омон юрибсизларми? Ойим яхшимилар? Анчадан бери келмай кўйдиз...

**Абдумалик:** Ишлар кўп, янга.

**Келинойи** (ирғишлаб ўйнаётган болаларига қараб): Ҳой тирранчалар, бўлди-я! Акангларни ҳол-жонига кўйинглар, бўлмаса, ҳозир кетиб қоладилар. (Қайнисига) Қайнонангиз суйган йигит экансиз. Тут қоқиб бўлиб, энди тушлик қиламиз деб турувдик.

**Абдумалик:** Акам уйдадилар?

**Келинойи:** Ҳа, уйдлар, уйдлар. Пешин намозини ўқигани кириб кетганларига алламаҳал бўлди. Тугатиб, тасбеҳ ўғириб ўтиргандирлар. Келинг, кўлингизни чайиб олинг.

*Жиянларидан бири обдаста билан сочиқни олиб келиб Абдумаликнинг кўлига сув кўяди. Йигит кўлини юва туриб қиз томонга сездирмай қараб олади. Сутга чайилгандек оппоқ юзи хижолатдан пушти рангга кириб ўзгача латофат таратар, қиз нигоҳини ерга тикиб туришини ҳам, кетишини ҳам билмай, гўзал ҳайкал мисол қотиб қолган эди.*

**Абдумалик** (кўлини сочиққа арта туриб секин сўрайди): Анави қиз ким?

**Келинойи** (у томонга қараб кўйиб): Кўшнимизнинг қизи. (Маъноли тикилиб) Яхши қиз экан...

**Абдумалик** (ҳаяжонини бекитишга уриниб томоқ қиради): Э, ҳа... Икки ҳафта бурун маҳалламизга кўчиб келган Йқ-бол опанинг қизларими?

**Келинойи:** Ҳа, бизга кўшни туришади...

**Муаллиф:** Бир кўришдаёқ отамнинг эс-ҳушини ўғирлаган соҳибжамол қиз менинг онам эди. Дид билан тикилган олмагул нусхали ипак кўйлаги чирмаган тўлача, аммо бежирим қомати, ибо билан ерга қадалган ҳаёли нигоҳи, ҳаяжондан оппоқ ва дўмбоқ бармоқларини худди ёш боладай букиб

турган ҳолати ҳали ҳеч кимни чинакамига севиб улгурмаган отамнинг беғубор қалбини ром қилганди.

Хушрўй одамларни ёқтирадиган онам ҳам умри сўнгигача «Адангга ўхшаш эркак йўқ эди бу дунёда. Тўғрисўз, виждонли, ҳаёли... Қошлари қора, кўзлари шаҳло, чиройли одам эдилар» деган гапни такрор-такрор қайтаришдан чарчамадилар.

Шу сеҳрли онлар уларни умрбод боғлади.

Шу сеҳрли онлар уларни қийнади, ҳар алпозга солди. Дунёқарашлар ўзаро чиқишолмай, умрларининг охиригача бир-бирларини қийнаб ўтишди. Лекин шу он, шу дақиқа, биринчи сония енгди, отам ва онамни армонларга тўла мураккаб ҳаётларида боғлаб тургувчи ягона ришта бўлиб қолди.

### **Лавҳа**

*Орадан бир неча йил ўтди... Абдумаликнинг болалиги ўтган уй... Оқлаб-қўқлаб таъмир қилинган очиқ айвонга туташ хона қаршисига яна икки хона солинган.*

**Муаллиф:** Эсингизда бўлса, биз бу ерда сўнгги марта қаҳатчилик ва очарчилик балоси ёғилган йилнинг қаҳратон қишида бўлгандик. Нисобуви ўша омонсиз кунларда муз тагидан ўрик туршаклари, данакларини йиғиб болаларини ўлимдан асраган эди. Бу кунга келиб у дарахтлар кесилиб кетган. Боғдан ҳам бир парчаси қолган. Инқилобдан сўнг йўқсилларга «бўлди-бўлди» қилинганидан кейин ҳам оила чекига теккан каттагина ер урушдан сўнг ҳам юртига қайтиб кетмаган ўрисларга яна тақсимлаб берилди. Янги урилган деворнинг бериги ёғидаги баҳайбат тутгина Иброҳимбойнинг боғидан хотира бўлиб қолганди, холос. Лекин ҳовлини кесиб ўтган ариқ ҳамон шилдираб оқиб ётибди. Икки четдаги кўм-кўк гулсафсарлар енгил эпкинда тебраниб сув оҳангига ҳамоҳанг муқом қиляпти гўё. Оқ, пушти, қизил атиргуллар, садарайҳонлар, бир четга экиб қўйилган хинаю ўсмалар, ҳо-ов ўша бир пайтларни эслатиб турибди...



## **Лавҳа**

*Чоғроқ хона. Болаларнинг ўйинчоқлари, кийимлари сочилиб ётибди. Нариги хонанинг эшиги тирқишидан бошини боғлаб каравотда ётган Муаззам кўринади.*

*Абдумалик ерга тахлаб тўшалган мато устида шимига дазмол урмоқда. Асабдан лаблар қаттиқ чимдилиб, қалин қошлар туташган. Куйиб қолмасин деб шим устига ташланган газета варағини ора-сира кўтариб дазмол олаётгани ё йўқлигини текшириб туради.*

## **Лавҳа**

*Нисобуви думалоқ гардишли кўзойнагини қулоғига ип билан илдириб олиб кўрпа қавиб ўтирибди. Қизалоқлар кўрпанинг ичига кириб, думалашиб, қийқиришиб ўйни бошларига кўтаришяпти. Буви ишга халақит бераётган бўлишса ҳам, набираларининг тўполонига кулибгина кўйиб юмушини давом эттираверарди.*

**Муаззам (кириб):** Ҳой! Дилором, Малика! Қани, бу ёққа келларинг-чи! Бувиларингга халақит қиляпсизлар...

**Нисобуви:** Кўяверинг, болам... халақит беришаётгани йўқ. Ўйнайверишсин. Ҳозир-да, шўхлик қиладиган пайти...

*Муаззам қизчаларининг тўполонига бир оз қараб туради-да, қайнонасининг ҳайҳайлашига эътибор қилмай, қўлчаларидан тутиб, мажбурлаб хонасига олиб кириб кетади.*

*Борган сари асабийлашаётган Абдумалик бармоқ учини тупуги билан ҳўллаб дазмол тафтини текширади. Сўнг кўмир чўғида қизитиладиган чўян дазмолнинг қопқоғини очиб олов қаловини тоблаш мақсадида пуфлайди. Сўнаётган чўгдан кўтарилган кул кўз-қошига ёпишади. Жаҳлланиб кафти билан юзини артади. Аламидан қизларини хонага судраб кирган хотинига бақриб юборади.*

**Абдумалик:** Неча кундан бери айтаман шу шимга дазмол уриб кўй деб!

**Муаззам** (*бўш келмай*): Кечадан бери бошим оғрийди. Кунни бўйи ётганман бошимни кўтаролмай...

**Абдумалик**: Ундан олдинги кун-чи?

**Муаззам**: Ўтган кунни қуримаганди. Биттагина шимингиз бўлса, мен айбдорми?..

**Абдумалик**: Ҳамма гапга баҳонанг бор. Бир кунни бошинг оғрийди, бир кунни нафасинг сиқади.

**Муаззам**: Ҳар гал кийимларингиз дазмолланган турардику! Бир мартага шунчаликми?!

**Абдумалик** (*алам билан*): Бир марта эмас!

**Муаззам**: Икки кундан бери мазам йўқ. Ҳолинг нима деб сўрамайсиз...

**Абдумалик**: Соғ кунинг борми, ўзи?!

*Абдумалик шимини кийгани нариги хонага ўтиб кетади. Муаззам бирпас жим қолади.*

**Муаззам** (*хўрлиги келиб*): Ҳа, нафасим қисади... пахта ёғига кўнглим айнийди, бўғиламан. Кейин йўталаман. Шуни била туриб нукул пахта ёғи олиб келасиз. Мен сариеғда овқат еб ўрганганман.

*Абдумалик хотинининг лаби титраб кетганини кўриб раҳми келади.*

**Абдумалик** (*ҳазил аралаш*): Бошинг-чи, нимага оғрийди?

**Муаззам** (*дабдурустдан*): Мен бу уйизда яшамайман. (*Абдумалик «уф» тортиб эшикка йўналади.*) Қариндошларингиз жонимга тегди. Тинчлигим йўқ. Бундоқ ётиб дам ололмайман. Шунинг учун бошим оғрийди.

**Абдумалик**: Онам жонингга тегдими?

**Муаззам**: Онангизни айтаётганим йўқ.

**Абдумалик**: Кимни айтяпсан, бўлмаса? Қариндошларининг оёғи узилиб кетганига анча бўлган бўлса...

**Муаззам**: Укангиз йўталади...

**Абдумалик (хайрон):** Қайси укам?

**Муаззам:** Хусниддин. Уйга кирганида нукул қизларимга қараб йўталади. Мақсади болаларимни ҳам сил қилишми?

**Абдумалик:** Ҳой, ўйлаб гапиряпсанми? Ким айтди сенга Хусниддинни сил деб?

**Муаззам:** Ўзим биламан, қув-қув йўталади. Кўм-кўк тупуради.

**Абдумалик (ўзини зўрға босиб):** Мен ишдан кеч қоляпман. Кейин гаплашамиз...

**Муаззам:** Йўқ! Мен барибир бу ерда турмайман!

**Абдумалик:** Қаерда турасан, бўлмаса?.. Уй битсин, кейин ўша ёққа кўчиб кетамиз. Ҳозирча чида!

**Муаззам:** Уйингиз қачон битади?! Беш йилдан бери қура-сиз. Сиз билан бирга бошлаганлар бир-икки йилнинг ичида кўчиб ҳам киришди.

**Абдумалик:** Мен билмайман, улар қандай қилиб бир-икки йилда битириб олишяпти. Балки, хотинлари саранжомдир. Эрнинг топганини совурмай рўзғорга қайишар...

**Муаззам (борган сари қизишиб):** Сизга қайишмай нима қиляпман?! Иморатингизнинг томини ёпишга бўйнимдаги қатор-қатор дурларимни сотиб пулини бермадимми?

**Абдумалик (ранги оқариб):** Икки қатор дурингни сотиб, «Хотиннинг пулига иморат солди» деган тавқи лаънатни бўйнимга осиб қўйдинг, шекилли?

**Муаззам (ловиллаб):** Уйланаётганингизда топганим сизники дегандингиз. Нимани топиб, нимани қойиллатиб қўйяпсиз?

**Абдумалик:** Бўлди қил! Ҳозир бир нима қилиб қўяман!

**Муаззам:** Урмоқчимисиз? (Хезланиб эрининг олдига силжийди.) Уринг, уриб ўлдирилинг! Бу кунимдан ўлганим яхши, уринг!

*Абдумалик ахийри чидолмай стол устида турган пиёлани шартта олиб хотинига қараб отмоқчи бўлади, лекин бир оз тараддудланиб пиёлани куч билан ўз бошига уради. Пиёла чил-*

чил синиб кетади. Ота-онасига жавдираб турган қизчалар қўрқиб йиғлаб юборишади.

### **Лавҳа**

Муаззам йиғлаб, кўзлари шишган. Оқишдан келган, кўркам қоматли, кўкракдор Иқбол оғи бир қўлини столга, яна бир қўлини белига қўйиб қизининг арзини: «Ана, айтмовмидими?» – дегандек тинглаб ўтирибди.

**Иқбол оғи** (белига тиралган қўли билан бақувват тиззасига бир шапати солади): Ўзинг танлаган эр. Ўламан саттор, фақат шунга тегаман дегансан. Ана энди қора қошини ош, қора кўзини бўза билиб еб-ичиб ўтиравер. Гапимга кириб Суннат мудирга текканингда хонпошшалардек давру даврон сурардинг. (Овозини пасайтириб хуфийа оҳангда) Хўп десанг, ҳозир ҳам ўша сариқ машак хотинини қўйиб, икки қизинг билан сенга уйланади.

**Муаззам** (юзини буриштириб): Оғи, гапирманг шу гапларингизни!.. Мен сиздан пул сўрасам, қаёқдаги кўнгил айнитар гапларни эслатасиз. Ўша сиз менга раво кўрган Суннатдан ирганаман. Бойлиги бошидан ордона қолсин. Кўзи шилпик, тишлари сап-сариқ... гапирганда тупуги сачрайди.

**Иқбол оғи:** Қўйсанг-чи! Кетворган йигит. Қанчадан-қанча жононлар қошини қоқиб, йўлини пойлаб умрини ўтказиб юборишди. Э, ҳа... сен учун эрингдан бошқа ҳамманинг кўзи шилпик, тишлари сўйлоқ, а?! Тўғри, кўзлари шаҳло эмас, Раж Капурга ўхшамайди. Аммо эрингда йўқ нарсалар унда бор. Бир эмас, иккита машинали бўлди. Яқинда қулинг ўргилсин қаймоқранг «Победа» ҳам сотиб олибди. Бунақаси ҳали министрлардаям йўқ. Кўролмаганларга заёмдан ютиб олдим деб у ёғини ҳам тўғрилаб қўйибди. Данғиллама участка, далаҳовли, каттаконлар турадиган жойдан беш хонали уй... Уйи тўла гилам, чертсанг жиринглайдиган асл хитойи чиннилар... Хотинининг қўлию бўйнига тақиб қўйган тилло тақинчоқларини айтмайсанми? Худди тилла магазинни кў-

чириб келгандек. *(Овозини яна пасайтириб)* Унга тегсанг шуларнинг ҳаммаси сеники бўларди. Гижбадабанг қилиб яшай-верардинглар.

**Муаззам** *(гапини бўлиб)*: Э, қўйинг, ойи! Нималар деяпсиз? Уялмайсизми?! Ўша Суннатингизни камбағал эримнинг тирноғига ҳам алишмайман.

*Шу орада нариги хонадан латта қўғирчоғини судраган 4-5 ёшлардаги қизалоқ сездирмай келиб булар ўтирган стол тагига кириб олади. Чўнқайиб ўтириб бўлаётган суҳбатга норози алпозда қулоқ тутади.*

**Иқбол ойи**: Э, тавбангдан кетай! Ўзинг йиғлаб нолиганингга гапиряпман. Бўлмаса, кўчада қолган гапим йўқ сен мегажинга!

**Муаззам**: Ойи, ундан кўра пул бермайман деб қўя қолинг.

**Иқбол ойи**: Бермайман. Бойликнинг қадрига етмадинг. Билқиллаган қўлларингизга қўша-қўша билагузук, қулоқ-бўйинларингизга қатор-қатор дуру гавҳарларни осиб қўйиб узатгандим. Нима қилдинг шунча бойликни? Бирини сув текинга сотдинг, бирини дидингга сал ёққан одамингга совға қилиб юбординг, қолганини йўқотдинг.

**Муаззам**: Ойи, ўтган ишларни ҳадеб юзимга солаверманг.

**Иқбол ойи**: Қандоқ орзу-ҳаваслар билан ўстиргандим сени. Ёлғиз қизим деб қўлингни совуқ сувга урдирмадим. Оғзингдан чиққанини муҳайё қилдим. Хоҳлаган пайтингизда қутига қўлчангизни солиб илинган пулни санамай олиб чиқиб кетаверардингиз. Ҳамма очликдан шишиб, ўлиб ётган пайтлари ҳам сен билан укаларингга оппоқ, бўрсилдоқ нонларни қаймоққа ботириб едирганман. Булар ўз-ўзидан осонликча бўлмагандир... Мана, укаларинг ҳам қамоққа бири тушиб, бири чиқиб ётибди. Топганим шуларга кетяпти... *(Кўзига ёш олиб)* Эҳ, ҳеч кимни худо она қилиб яратмасин экан. Жонингни жабборга берасан, эвазига гина-кудурат эшита-сан.

**Муаззам (ялиниб):** Ойижон, мен нима дедим гина-кудурат қилиб? Озгина пул бериб турсангиз, эрим уйни тезроқ битириб олармиди деяпман-да...

**Иқбол оғи:** Эрингнинг ўзи сўратдими?

**Муаззам:** Йўқ, Онангдан ҳеч нима сўрама деб тайинлаганлар. Яна, сиз ҳам айтиб қўйманг... Фалончидан қарз олдим деб алдардим...

**Иқбол оғи (истеҳзо билан):** Тавба... Чўнтагида ҳемири йўғ-у, ғурурларига ўлайми? У пулни кейин менга ким беради?

**Муаззам:** Ким беради? Абдумалик акам берадилар...

**Иқбол оғи:** Қачон беради?

**Муаззам (уф тортиб):** Пулингизни еб кетмайдилар. Берадилар.

**Иқбол оғи (бир оз ўйланиб қолади):** Қанийди, эринг гапимга кирса... Магазинга ё озиқ-овқат омборига мудир қилиб қўярдим. Шу миясию шу фаросати билан ярим йилда кимсан Маликбойвачча бўлиб кетарди. Шунча айтдим-а, гапимни бир тийинга олмайди.

**Муаззам (қулиб):** Малик акам ҳеч қачон магазинчи, омборчи бўлиб юрмайдилар.

**Иқбол оғи:** Ие, ҳа-а, ор қиладиларми?

**Муаззам:** Ор қилмайдилар. Лекин, оғи, уларга ярашмайди-да...

**Иқбол оғи:** Ҳа, хўп... Магазинчи бўлмасин. Лекин шу ишлаб турган жойида ҳам қаловини топиш мумкин-ку! Бунинг учун совун бўлиш керак, совун! Хўжайинларнинг қўлтиғига сирғалиб кириб олиб кўнглига йўл топиш керак. Эринг бўлса хода! Хода ҳеч кимга эгилмайди. Эгилмайдими, бировга ёқмайди, ҳамманинг ғашига тегади...

*Стол тагида лабини чўччайтириб ўтирган қизча бошқа чи-долмай бувисининг оёғидан чимчилаб олади. Иқбол оғи чўчиб стол тагига мўралайди. Хўмрайиб қараб турган неварасини кўриб ҳайрон қолади. Муаззам беихтиёр қулиб юборади.*

**Иқбол оғи** (қизчага): Ҳа, ойпопу, бу нима қилиқ? Эсхона-намни чиқардинг-ку.

**Муаззам:** Адасини ёмонлаганингиз учун сиздан аламини олди.

**Иқбол оғи** (стол тагига энгашиб): Адангни шунақа яхши кўрасанми?

*Қизча индамай бувисига хўмрайиб қараб туравереди.*

**Иқбол оғи** (қаддини кўтариб истехзоли илжасяди): Ҳаҳ бў-ривачча... (Ўрнидан туриб) Бўпти... мен кетдим... (Кета туриб кўкрагидан дастрўмолга тугилган пул олади. Муаззам умидвор қарайди, лекин 25, 50 сўмликлар орасидан битта 3 сўмликни қидириб топиб қизчанинг олдига ташлайди.) Ма, морожний олиб ерсан. (Гарс-гурс қадам ташлаб чиқиб кетади. Муаззам ерда бужмайиб ётган 3 сўмликка тикилиб қолади.)

### **Лавҳа**

*Айвондаги хонтахта атрофида Нисобуви, Баҳринисо ва бир нуқтага хомуш тикилганча Абдумалик ўтирибди. Бир неча кундан бери гаплашмай, аразлаб юрган Муаззам қизларини олиб қўшниси Маруса опаникига эрта билан чиқиб кетган. У маҳаллада шу рус аёли билан кўпроқ чиқишар эди.*

*...Пиёлалардаги чой аллақачон совиб бўлган. Ҳар ким ўз хаёли билан банд. Тириклар дунёсидан айро самоваргина бир маромда бепарво жиғиллаб турибди. Сукунатни Баҳринисо бузади.*

**Баҳринисо** (хўрсиниб): Абдумалик, укам, бўлди, кўпам сиқилаверма. Ошқозонинг яна оғришга тушади. Ўлимдан бошқа ҳамма нарсага чора бор. Хотининг бу ерда турмайман деяётган бўлса, майли, вақтинча қайнонангникида яшаб тура қол...

**Абдумалик** (жаҳли чиқиб): Ичкуёв бўлиб туриш ниятим йўқ!

**Баҳринисо:** Вақтинча, уйинг битгунча...

**Абдумалик:** Опа, топганим қумга қуйилган сувдек йўқ бўлиб кетяпти. Бунақада қачон уйни қуриб тугатарканман, ҳайронман... Йўқ, опа. Бу хотин билан ортиқ яшолмасам керак. Қариндошларимни ёқтирмаса, онаминг иззатини ўрнига қўймаса...

**Нисобуви:** Вой, вой... Ким айтди сенга шу гапни?! Хотининг иззатимни жа жойига қўяди-да. Барака топсин. Кўнгли очиқ, қўли очиқ. Мендан ҳеч нарса аямайди. Тобим бўлмай қолса, атрофимда гирдикапалак. Бир хил келинларга ўхшаб юзингга бошқа гапни айтиб, орқангдан бошқа ишни қилмайди. Содда, беғубор, фақат эрқароқ-да. Қайнонанг кўча одами бўлиб, она тарбиясини олмаган. Кўпчиликни ёқтирмаса нима қилсин? Худо берган феъл... Қизларингни жуда яхши кўради. Шунинг учун ҳаммадан қизғанади. Хотинингни яхши кўриб олгансан. «Яшолмасам керак!» деган гапни гапирма, болам. Уят бўлади.

**Абдумалик:** Сизни қандай ёлғиз ташлаб кетаман, ойи?!

**Нисобуви:** Нега ташлаб кетасан?.. Хабар олиб турасан. Мана, опанг бор...

**Абдумалик:** Опамнинг ўз уйи бор...

**Баҳринисо:** Ҳаҳ, укам-а! Поччанг ўтганларидан кейин уйим ҳам йўқ бўлган...

**Муаллиф:** Аммамнинг эри озиқ-овқат дўконида мудир бўлиб ишларди. Навбатдаги текширувларнинг бирида, ҳозирги ўлчамларга нисбатан олганда, жуда арзимас чақа билан қўлга тушиб қолади. Суд икки йил қамоққа ҳукм қилади. Хотини, болаларидан айри яшашни истамаган почча кимнингдир маслаҳати билан намакоб ичади. Мақсад бетобланиб қамоқдан тезроқ қутулиш эди. Бироқ намакоб ошқозон ва жигарга ҳалокатли таъсир қилиб, қамоқхонада қутилмаганда вафот этади. Марҳумни уйидагиларга бермасдан Тоштурма мазорига кўмиб юборишади. 27 ёшида эридан айрилгани етмагандек, майитнинг ислом аҳкомларисиз кў-



милгани, вақти-вақти билан зиёрат қилиш учун қабри ҳам йўқлиги аммамнинг жону жаҳонини куйдириб юборганди. Шунда отам опасининг оху зори, доду фарёдига чидай олмай ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, ниҳоятда хавфли ишга жазм этади. У кўп иккиланиб ўтирмасдан поччасининг мурдасини ўғирлайди. Ярим кечаси Тоштурма мазорига ошиб тушиб, янги кўмилган гўрни топади ва майитни олиб чиқиб кетади. Ақлга сиғмас жасорат!

**Баҳринисо:** ...Мен у ерда ҳеч кимга керакмасман. Ҳатто бир-икки марта узатиб юборишга ҳам уриниб кўришди. Тоқ ўтиш худога хуш келмасмиш...

**Абдумалик:** Тўғри айтишибди. Яхши одам бўлса, балки, бахтингиз очилиб кетармиди...

**Баҳринисо:** Укажон, бахтим очилиб бўлган, энди бу ёғига поччангнинг ўрнини ҳеч ким босолмайди. Биргина ниятим – шу икки гўдагимни эсон-омон оёққа турғазиб орзу ҳавасини кўриш. Қолаверса, мана, сен борсан, ёлғизлатиб қўймассан. Яқинда қайним ҳам уйланадиган. Уйни бўшатиб болаларни олиб чиқиб кетсам, ҳамма жон-жон дейди.

**Абдумалик:** Опа, у ерда шунчалик ортиқча бўлиб қолган экансиз, нега аввалроқ кўчиб кела қолмадингиз?

**Баҳринисо (кулиб):** Абдумалик, укам... Хотинингнинг бир қайнови ичида, феълени била туриб тинч уйингни бузаманми?..

**Абдумалик:** Уйим шусиз ҳам тинч эмас..

**Баҳринисо:** Ҳа, энди, нимаям қилардинг? Инсофга келиб қолар. *(Онасига қараб қўйиб)* Худо берган феъл...

**Нисобуви:** Ҳа, болам! Хотинингни қўйиш ҳақидаги ўйни миянгдан чиқариб ташла. Гулдек қизларинг бор. Ўзинг етимликда ўсдинг. Бунинг нималигини биласан. Қизларингни етим қилма, болам.

**Абдумалик (чуқур уф тортиб):** Менинг ҳам қўл-оёғимни боғлаб турган биргина андиша шу. Ажрашиб кетсам, қизларининг ҳоли нима кечади, хотинимнинг ўзи-ку инжиқ гў-

дакдан фарқи йўқ, болаларига қандай тарбия беради деб кўп ўйлайман.

**Нисобуви (хомуш):** Болам, пешонанг шу экан. Манглайингга ёзилганидан қочолмайсан. Майли, қайда бўлсанг омон бўл. Фақат... (Кўзлари намланиб) Ўзинг-ку келиб турарсан, қизларингни соғиниб қоламан-да...

### **Лавҳа**

*Абдумаликнинг қайнона уйига кўчиб келганига ҳам анча бўлди. У хизмат сафарига тайёрланыпти. Хотини ёнида икки қизчаси билан кузатяпти.*

**Абдумалик** (ойнага қараб бўйинбоғини тўғрилар экан): Идорамизга Оҳангарондаги ўрта мактаб директорининг устидан шикоят аризаси келиб тушибди. (Отам ўша пайтлар ГорОНО – шаҳар халқ маорифи бўлимида хизмат қилардилар.) Шуни текшириб, бир ёқлик қилиб келишни менга топширишди. (Чўнтагидан бир даста пул чиқаради.) Мана буни олиб қўй. Авайлаб ишлат. Бир ҳафталарда қайтаман. Қани, она қизларим, дуру гавҳарларим, адангларни бир ачом қилинглари-чи...

*Тўнғичи бўйнидан қучоқлаганча қўйвормайди. «Ада, кетманг», – деб йиғлашга тушади. Қизини ўзидан зўрға ажратиб хотинининг кўлига тутқазади. Аммо у қўл-оёқларини типирчилатиб отасига талпинади. Абдумалик «хайр» дегандек хотинининг елкасини силаб, қизларига меҳр тўла кўзлари билан яна бир қарайди-да, эшик олдида тайёрлаб қўйган жомадонини олиб чиқиб кетади.*

### **Лавҳа**

*Қизалоқлар кўча тарафдаги панжарали дераза тагига қўйилган темир каравотда туриб олиб оналарининг йўлига илҳақ қараяптилар. Икки қўлида қоғоз қути ва ўралган бир нималарни кўтарган Муаззамнинг сояси лип этиб ўтади. Қиз-*

чалар хурсандликдан сим каравотда сакрай бошлайдилар. Сал ўтмай хона эшигига калит тушиб шарақлаб очилади. Қизалоқлар оналарига қараб отилишади. Муаззам бугун жуда хурсанд. Қўйни тўла харидлар... Эғнида ҳам ўзига жуда ярашган янги ипак қўйлак...

**Муаззам:** Мана сизларга нима олиб келдим!..

Қизларининг қўлига тароқ, ойна, мунчоқ ва ҳар хил ўйинчоқлар тутқасади. Олдиларига бир қоғоз қутида музқаймоқ, бир талай ширинликлар қўяди. Болалар совғаларнинг хилма-хиллигидан қувончи ичига сиғмай қўзичоқдек диконглаб кетишади. Ҳаммадан ҳам Муаззамнинг севинчи бир олам...

### **Лавҳа**

Муаззам стол тортмасини очиб пул қидиради. Пул йўқ. Пул тугаган. Бу ёғига нима қилиш кераклигини билмай ўйланиб қолади...

### **Лавҳа**

Муаззам онасининг озиқ-овқат сақланадиган хужрасига худди ўғрига ўхшаб писиб кириб келади. Саватдан тўрт дона олмани танлаб олиб халатининг чўнтагига солади. Сўнг атрофга қўз югуртириб ун ва гуруч қидиради. Нам тортмаслиги учун тагига тахта қўйиб бир-бирига тираб терилган қоплар тепасида бир оз ўйланиб қолади. Қазноқдан паккини олиб келиб, қопнинг оғзини эмас, тагидан титиб-титиб тешикча очади. Гуруч шув этиб тоғорачага тўкилади. Унни ҳам шу йўсинда бўз халтачага солиб хужрадан шошиб чиқиб кетади.

### **Лавҳа**

Абдумалик деворга суянганча хомуш ерга тикилиб турибди. Хонанинг ўртасида икки қўлини белига тираб Иқбол ойи қизи ва қуёвига танбеҳ бeryпти.

**Иқбол оғи** (*заҳарханда қилиб*): Куёв, сафарга кетар экан-сиз, бола-чақанинг рўзғорини бутлаб, пул ташлаб кетмай-сизми? (*Абдумалик бармоқларини эзиб қисирлатиб турган хотинига ўпкали қараб қўяди. Муаззам кўзини олиб қочиб ерга тикилади.*) Хотинингиз ҳужрамни куритиб қўйибди-ку!

**Муаззам** (*болаларча алдаб*): Ойижон, ҳужрангизда сичқонлар кўпайиб кетган бўлса, мен айбдорманми? Мен текканим йўқ ун-гуручингизга...

**Иқбол оғи:** Тўрт-беш кунда ярим қоп унни паққос туширган қанақа очофат сичқонлар экан? Қишга саралаб олиб қўйган олмаларимни ҳам сичқонлар еб кетдимми? Бунақасини ҳеч эшитмаган эканман.

**Муаззам:** Тўғри, олмаларингиздан бир-иккитасини олдим. Олган бўлсам, набираларингизга бердим...

**Абдумалик** (*чидолмай*): Иқбол опа, ҳозир ёнимда пулим йўқ...

**Иқбол оғи** (*гапини бўлиб*): Ёнингизда қачон пул бўлган, куёв?

**Абдумалик** (*ўзини босиб*): Яқинда ойлик оламан. Бир қоп ун билан бир қоп гуруч олиб бераман.

**Иқбол оғи** (*истеҳзо билан*): Олган ойлигингиз бир қоп ун билан бир қоп гуручга етадимми?

**Абдумалик** (*жаҳли чиқиб кетади*): Нима қил дейсиз, бўлмаса?! Устимдагини ечиб бера қолай?

*Иқбол оғи куёвининг эғнидаги ўзига жуда ярашиб турган тўқима жун жемперга қараб қолади.*

**Иқбол оғи:** Ҳай, майли. Бера қолинг. Қайнингизга қишга иссиқроқ жемпер оламан деб юргандим. Шуни берарман.

*Муаззам онасига ялт этиб қарайди. Абдумалик қутилмаган бу гапдан бир неча сония гаранг бўлиб қолади, сўнг эғнидагини зарда билан ечиб қайнонасига узатади. Жун жемпер*

*бекитиб турган озгин елкалар енгил ички кўйлақда қолиб ҳам совуқдан, ҳам хўрликдан титрашга тушади... Шу пайтгача бир чеккада жимгина кузатиб турган қизчаси жемперга ташланади. Кўлчасига илинган енгидан ушлаб олиб куч билан торта бошлайди.*

**Қизча (бақириб):** Бермийман... Бу адамники, бермийман...

*Иқбол ойи жемпернинг бошқа бир енгини кўйиб юбормай, набирасининг қилиғига лабини бурган кўйи кулиб қараб турарди.*

**Иқбол ойи:** Куёв, олинг қизингизни. Жемпер чўзилиб тўқуви бузилмасин.

*Абдумалик жун кийимни жон-жаҳди билан тортқилаётган қизчасини кўтариб олади. Кўлчаларини аста бўшатиб овутганча ташқарига чиқиб кетади. Онасининг беандишалигидан мулзам тортган Муаззам эри билан қизининг орқасидан юраги эзилиб қараб қолади.*

**Иқбол ойи** (қизининг оқариб кетган юзига қаттиқ тикилиб): Маззам! Сенга қилган иккита духоба кўрпам бор эди-ку, ўшани олиб чиқ! Шу билан расчётмиз! Барибир эплаб асролмайсан. (Иржайиб) Сичқонлар еб кетиши мумкин. Духобаси алламбало. Московдан ўзим олиб келганман. Ҳозир бунақасини топиб бўлмайди...

**Муаззам** (томоғига келиб қадалган аччиқ нарсани ютиб): Ойижон, хоҳлаганингизни олиб чиқиб кетаверинг. Менга ҳеч нарсангиз керакмас.

**Иқбол ойи:** Қизларингни узатганингда қайтариб бераман. Менинг хонамда бежавотирроқ туради.

**Муаззам** (овози титраб): Қизларимга ҳам керакмас кўрпаларингиз. Худо пешонасига берсин...

## **Лавҳа**

*Орадан яна бир йил ўтди.*

– Ярим тун. Хотини, болалари ухлаб ётибди. Абдумалик стол чироғи ёруғида китоб ўқиб ўтирибди...

– Студентларга дарс ўтмоқда; ёшларнинг юзида мамнунлик...

– Ишчилар ўртасида сиёсий машғулот ўтказмоқда: саволларга жавоб бермоқда...

– Ярим тун. Олдида очиб қўйилган китоблар. Ҳам ўқийди, ҳам шиддат билан нималарнидир ёзади...

– Партия пленум мажлисида катта трибунадан туриб маъруза қиляпти, ҳамма диққат билан тинглаяпти; сўзини тугатиши билан гулдурос қарсақлар янграйди. Президиумда ўтирганлар бир-бири билан пичирлашиб Абдумаликка хайрихоҳ қараб қўйишади.

Мажлис танаффусида раҳбарлардан бири келиб Абдумаликни табриклайди. Қўлини қаттиқ қисиб нимадир дейди. У бу гапдан жуда қаттиқ ҳаяжонга тушади. Суҳбатдоши билан миннатдор хайрлашади...

## **Лавҳа**

*Эрталаб. Абдумалик дераза тоқчасига тираб қўйилган кичкина ойнада соқол қиртишляпти. Хона ўртасидаги столда нонушта тайёрлаб қўйилган. Учинчисига оғироеқ Муаззам ерда ўтириб олиб эрининг шимига дазмол уряпти. Қизчалар темир симли каравотда сақраб ўзларини ўзлари хурсанд қилишляпти... Шу пайт хона эшиги тақиллайди. Абдумалик билан Муаззам шу томонга қарашади.*

**Иқбол оий** (истиҳола билан эшикдан мўралаб): Абдумаликжон... яхши ухлаб турдинглarmi? Сизни сўраб Манноп келибди...

**Абдумалик:** Манноп? Қайси Манноп?

**Иқбол оий:** Чойхонада самоварчилик қилади-ку...

**Абдумалик:** Ҳа... ишга шошаётган эдим... Нима иши бор экан?

*Таклифни ҳам кутмай Иқбол ойининг орқасида турган Манноп эшикдан сирғалиб кириб келади.*

**Манноп** (икки қўли кўксига): Э... Абдумаликжон, эсон-омонмисиз? (Ўтириб қўлини фотиҳага очади.) Илоҳим, отангиз Иброҳим ҳожининг жойлари жаннатда бўлсин. Илоҳим, отангизнинг мартабаларидан ҳам улуғроқ мартабаларга эришинг. Омин, Аллоҳу акбар!

*Муаззам бевақт келган меҳмондан ғижиниб стол олдига боради ва сездирмай дастурхондаги егуликлар устига сочиқ ташлайди. Бунини фақат Абдумалик пайқайди. У ҳам сездирмай сочиқни олиб қўяди.*

**Абдумалик:** Келинг, Манноп ака. Тинчликми?

**Манноп** (ялтоқланиб): Шу, сизни бирров табриклай деб кирувдим. Янги лавозимлар муборак бўлсин. Марказкомга ишга ўтибсиз.

**Абдумалик** (хижолат бўлиб): Ҳа, бир ҳафтача бўлиб қолди...

**Манноп:** Бундоқ улуғ одамларнинг маҳалламиздан, ўзимиздан чиққани жуда яхши бўпти-да! (Абдумалик секин соатига қараб қўяди.) Бўлди, бўлди... Вақтингизни олмайман. (Кўрсаткич бармоғини юқорига бигиз қилиб) Ундоқ жойларга кечикиб бўлмайди. Тушунаман. Олдингизга кейин, бемалолроқ пайтингизда келарман. (Қўлини кўксига қўйиб орқалаб чиқиб кетади. Иқбол ойи ҳам унинг орқасидан эргашади.)

**Абдумалик:** Нимага келдию нимага кетди?.. Тушунмадим...

*Муаззам стол устидаги ҳамма нарсани янгилай бошлайди.*

**Абдумалик:** Нима қиялпсан?

**Муаззам:** Тупуги сачради. Бурнини кўрдийизми? Ўртаси чўкиб қолган. Ёшлигида ёмон касал бўлганга ўхшайди.<sup>16</sup>

*Абдумалик бу масалада хотини билан баҳслашишни бефойда билиб бошини чайқаб қўяди, холос. Шу пайт кўлида янги костюм-шим билан Иқбол ойи кириб келади.*

**Иқбол ойи (ялтоқланиб):** Абдумалик ўғлим, танишлардан сўраб-суриштириб сизга атаб костюм-шимнинг жонидан топтириб келдим. Складдан олиб чиқиб беришди. Имбиртний. Бунақаси сотувда йўқ. У ёқда (кўзини маъноли қилиб сузиб) пўрим бўлиб юришингиз керак. Олинг, дарров кийиб олинг. Эгнингиздаги униқиб кетибди...

*Абдумаликнинг энсаси қотади. Муаззам илдам келиб онасининг кўлидан совғани олади.*

**Муаззам (болаларча қувониб):** Раҳмат, ойижон!

**Абдумалик:** Овора бўлибсиз. Ҳожати йўқ эди. Фақат ҳозир эмас, мавриди келганда киярман. Ҳозир шошиб турибман.

**Иқбол ойи:** Майли, болам, майли... Мавриди келганда киярсиз. Раҳмат...

**Абдумалик:** Менга нега раҳмат дейсиз? Сизга раҳмат...

**Иқбол ойи (эшилиб):** Ҳа, энди...

**Абдумалик (ён чўнтагидан пул чиқариб):** Қанчага олдингиз?

**Иқбол ойи (хафа бўлгандек):** Вой, вой, болам. Мен буни сизга сотишга эмас, чин юракдан совға қилиб олиб келдим. Пул десангиз, хафа бўламан.

**Муаззам:** Вой, Малик ака, олаверинг. Тўйимизда қилган костюм-шимларини ҳам олиб қўйгандилар. Тоғаларимники экан...

---

<sup>16</sup> Онам уруш йиллари Тошкентдаги ҳарбий госпиталда ҳамшира бўлиб ишлаган. дастлабки тиббий маълумотга эга эди. Бу ерда сифилис касалига ишора қияпти.



*Абдумалик хотинига: «Эсинг йўқ сени», – дегандек қараб қўяди. Иқбол ойи қизариб кетади.*

**Абдумалик:** Иқбол опа, хафа бўлмайсиз. Ўзингизнинг қизингиз... *(Шошилиб) Бўпти, мен кетдим. Яхши қолинглар. (Қизларини ўпиб чиқиб кетади.)*

**Иқбол ойи:** Маззам, эрингга яхши қара. Уст-боши тоза, қорни тўқ бўлсин. Энди у катта одам. Қаер, қаер, марказком-да ишлайди-я!

### **Лавҳа**

*Абдумалик кабинетида қабулига келган кишининг гапини диққат билан тинглаяпти.*

**Котиба (кириб):** Абдумалик Иброҳимович, сизни Нозим Нажимович чақиряптилар. Хоналарига кирар экансиз. Зарур гаплари бор экан.

**Абдумалик:** Яхши. Ҳозир бораман. *(Қаршисида ўтирганга)* Ориф ака, таклифингизни албатта ўйлаб кўрамиз. Менимча, бу ишдан халқ хўжалиги фақат ютса керак. Икки кундан кейин келинг, мутасадди одамлар билан маслаҳатлашиб сизга натижасини айтаман. *(Ўрнидан туради.)*

**Ориф ака:** Раҳмат, Абдумалик Иброҳимович. Сиз билан танишганимдан жуда хурсандман. Ҳамма умидим сиздан. Бир йилдан бери шу ишимнинг орқасидан юриб чарчаб кетдим. Ҳеч ким охиригача тушунай демайди. Икки кундан кейин албатта қабулингизга келаман.

*Абдумалик уни эшиккача кузатиб қўяди. Сўнг столидан дафтарча ва қаламини олиб кабинетдан чиқади.*

### **Лавҳа**

*Марказком масъул ходимларидан Нозим Нажимовичнинг хонаси. Стол устида Абдумаликнинг ҳужжатлари солинган папка. Абдумалик хонага кирганида раҳбар телефонда ким*

*биландир қошларини уйиб гаплашаётган бўлади. Эшик олдида туриб қолган Абдумаликни қўл ишораси билан ёнига чақиради.*

**Нозим Нажимович** (*телефонда*): ...Э, йўғ-е... Нега ундай дейсиз, Маматқул Узоқович? Аксинча, сиздан миннатдормиз. А-ҳа, а-ҳа... яхши, келишдик. Ҳа, ҳа, албатта кўришамиз. Хўп, саломат бўлинг! (*Телефонни қўйиб*) Ўтиринг, Абдумалик Иброҳимович. (*Олдидаги папкани варақлай бошлайди.*) Хў-ўш... Олий Советда ҳам ишлаган экансизми?

**Абдумалик** (*ёмон нарсани сезгандек, ранги қув ўчади*): Ҳа, бир неча кун...

**Нозим Нажимович**: Нега бўшатишган?

**Абдумалик** (*туйқус пайдо бўлган қўрқувни сездирмаслик учун секин йўталиб қўяди.*): Бойнинг ўғли деб...

**Нозим Нажимович**: Бой отангиздан воз кечмагансиз, шундайми?

**Абдумалик**: Йўқ, Нега кечишим керак, менинг отам...

**Нозим Нажимович**: Демак, ҳали ҳам бойнинг ўғли ҳисобланасиз?

**Абдумалик** (*ўзини совуққон туттишга уриниб*): Лекин партиянинг охирги, XX съездида ўғил ота учун жавоб бермайди деган....

**Нозим Нажимович**: Партиянинг XX съездида... (*Стол устида турган брошюралардан бирини олиб варақлашга тушади.*) Партия софлигини сақлаш учун партия сафларига суқилиб кириб олишга уринаётган империализм малайларига нисбатан бешафқат бўлишга...

**Абдумалик** (*гапини бўлиб*): Лекин мен империализм малайи эмасман...

**Нозим Нажимович**: Жаҳлингиз чиқмасин, Абдумалик Иброҳимович. Бизга сиз тўғрингизда «сигнал» тушди. Олий даргоҳда ишловчилар шаффофдек тоза бўлиши керак. Бу ерда ўтмишда бойлар томонидан эзилган меҳнаткаш халқ бахти-саодати учун умрини тиккан инсонлар хизмат қилди...

**Абдумалик:** Тўғри, менинг ҳам ниятим...

**Нозим Нажимович:** Гапимни бўлмаганг! (*Меҳрибон, босиқ, доно раҳбардан жиззаки домлага айлана боради.*) Сиз биздан яна бир фактни яширгансиз. (*Унга қаттиқ тикилиб*) Акаларингиз Абдумажид ва Аҳмаджон ашаддий жадидлардан бўлишган экан, қилмишларига яраша жавоб беришга тўғри келганда чет элга, Германияга қочиб кетишган экан!

**Абдумалик** (*қизишиб*): Бўлмаган гап! Улар қочиб кетишмаган. Совет ҳукуматининг ўзи уларни ўқишга юборган, лекин...

**Нозим Нажимович** (*жиноят устида ушлаб олгандек шахд билан*): Демак, сиз партиянинг халқ душманлари, хусусан, миллатчи жадидларга нисбатан кўрсатган сиёсатидан норозисиз!

**Абдумалик** (*довдираб қолади*): Мени тушунмадингиз... Мен айтмоқчи эдимки...

**Нозим Нажимович:** Мен сизни жуда тўғри тушундим. (*Папкани ёпади.*) Сиз ҳам мени тушунгандирсиз. Сизни бу даргоҳда бошқа ушлаб туrolмаймиз.

**Абдумалик** (*қаттиқ изтиробда*): Мен Усмон Каримович билан гаплашсам бўладими? Қандайдир тушунмовчилик бўлаётганга ўхшайди...

**Нозим Нажимович** (*маъноли қараб*): Малик Иброҳимович, Усмон Каримовичнинг ҳамма гапдан хабарлари бор. Бу иш ҳар томонлама кўриб чиқилиб ҳал қилиб бўлинган. («*Сенга ажратилган вақт тугади*» маъносига соатига қараб қўяди.) Ҳужжатларингизни кадрлар бўлимидан, икки ҳафталик иш ҳақингизни бухгалтериядан оласиз. Хайр, омон бўлинг!

*Абдумалик нима бўлганини тушунолмай анграйиб қолади. Нозим Нажимович котибани чақириб ҳузурига навбатдаги кишини киритишини буюради.*

**Нозим Нажимович** (*ижирғаниб*): Сиз бўшсиз.

Стулга михлаб ташлангандек қотиб қолган Абдумалик ўрнидан зўрға туради. У ўзини ҳарчанд бардам тутмоққа ҳаракат қилмасин, қаттиқ зарба еган юрак оёқ-қўлда титроқ кўзғатган эди... Эшикдан чиқаётиб ичкарига кираётган кишига кўр одамдек тўқнашиб кетади. Узр сўраш кераклигини хаёлига ҳам келтирмай коридорга ўзини уради. Чиқа солиб у ёқ-бу ёққа аланглаб, қаёққа бориш, нима қилиш кераклигини ўйлай бошлайди. Миясига келган биринчи фикр, нима бўлса ҳам, Усмон Каримовичнинг ҳузурига кириб унга нотўғри айбонма тиркалганини яхшилаб тушунтириш эди. Шунда масала ойдинлашиб, ҳамма нарса яна ўз ўрнига тушиб кетади деган умиддан бир оз тинчланади ҳам. У дадиллашиб Усмон Каримовичнинг хонаси томон юра бошлайди. Шу пайт ўйлақ муюлишидан унинг ўзи чиқиб қолади. Абдумалик хурсанд бўлганидан олдинга бир силкинади. Бироқ Усмон Каримович уни кўриши билан яқинидаги дуч келган эшикка намоийшкорона кириб кетади. Бу билан: «Мени тинч қўй!» – дегандек бўлади. Сўзсиз таъкидни тушунган Абдумалик турган жойида тек қотади. Ҳозиргина музлаган қалбини илита бошлаган умид чўғи батамом сўнади. Тақдири узил-кесил ҳал этиб бўлинганини аниқ билади. Бошига оғир нарса билан урилгандек гарангсиз қолади: кўз олди қоп-қоронғи эди, юрак қурғур жойида эмас, гўё тубсиз чоғга қулагандек, оёқдан мадор, қалбдан куч кетганди...

Кечагина у сидқидилдан ишонган ғоялар тимсоли мисол виқор ва салобат тўкиб турган бу улўғвор бино, бу ёруғ хоналар, чўғдек пойандоз тўшалган бу кенг ўйлақлар унга илҳом, эртанги кунга ишонч туйғусини бахш этиб турарди. Унинг беғараз қалби «халққа хизмат қилиш»дек биргина олий ният билан банд эди. Бугун эса шу оташин муҳаббати эвазига тарсаки еди, батамом абгор этилиб, итдек ҳайдалди... Узун ўйлақ ўртасида ҳушсиз сўппайиб қолган Абдумалик шуурига бостириб келаётган шу аламли фикрлар зарбидан йиқилиб қолмаслик учун бу ердан тезда чиқиб кетиши кераклигини англади. У кадрлар бўлимига ҳам, ҳисобхонага ҳам киришни ўйламади.

*Ёзув машинкалари тинимсиз чиқиллаб турган, қарор ва кўрсатмалар битилган қоғозларни жиддий қиёфада у хонадан бу хонага ташиб, дунё муаммоларини ҳал этишда жавлон ураётган бахтиёрларни ўз бағрида эркалатиб олиб ўтирган, бироқ энди унга ўгай бу масканни тезроқ тарк этишга шошиларди. У хўрлик ва аламдан бўғзига қадалган аччиқ тошдан қутулгиси келарди. Шу тобда ўлишни, фақат ўлишни истарди. Кўзларини юмсаю бошқа қайтиб очмаса...*

### **Лавҳа**

*Муаззам иккала қизини дераза тоқчасига ўтқазиб қўйиб, ташқаридан панжараланган дераза қабатини итариб очишга уринарди. Уддасидан чиқолмагач ойнани кучи борича тикирлатишга тушади.*

**Муаззам** (бақириб): Малик ака, эшикни очинг. Бундай қилманг! Мени ўйламасангиз, қизларингизни ўйланг...

*Стол устига чиқиб олган Абдумалик ҳеч нарсага аҳамият бермай арқонни шипдаги электр чироқ маҳкамланган илмоққа илдирмоқчи бўлар, лекин шипнинг баландлиги ва столнинг пастлиги халақит қиларди.*

**Муаззам** (қизчасига): Дилором, жон қизим, аданг сани яхши кўрадилар. Ялин адангга, ундай қилмасинлар...

*Отаси нима қилаётганини англамаган қизча нима дейишини билмай бир ойисига, бир стол устида тимирскиланаётган дадасига қараб туради-да, онасининг ваҳимаси таъсир қилладими ё нимагадир букчайиб кичкина бўлиб қолган отасига беихтиёр раҳми келиб кетадими, бирдан йиғлаб юборади.*

**Дилором:** Адажон, эшийни очийн. Олдийизга бораман... Адажон...

*Ёнидаги синглиси ҳам қўрққанидан уввос солиб опачасига жўр бўлди. Кўзлари ич-ичига ботиб, мурдадек оқариб кетган Абдумалик ялт этиб дераза томонга ўгирилади. Норасидаларининг тош бағирни ҳам мумдек эритувчи ноласи уни ҳалитдан бери кўзини олиб қочаётган тарафга қарашга мажбур қилганди. Кўзларидан дув-дув ёш тўкиб бўзлаётган қизчаларига, саросимада жавдираб турган ҳомиладор хотинига бир оз тикилиб қолади. Шуурига дув этиб ёғилган қарама-қарши фикрлардан шашти қайтиб боши эгилди. Бир қарорга келгунча шу алпозда нечадир дақиқа ўтиради. Кейин қизларига яна бир қараб қўяди-да, столдан секин тушиб эшикни очади...*

**Муаллиф:** Хотирам тасмасига ёзилиб қолган ўчмас лавҳалардан бири эди бу! Мен ўшанда гўдак идроким билан нима бўлаётганини тўла англамагандирман, лекин қадрдон кишимга кимдир қаттиқ озор берганини, уни жуда ёмон хафа қилганини мурғак қалбим билан чуқур ҳис этганман. Йиллар ўтган сари отамнинг менга қараб турган дардли, ич-ичига ботган ҳорғин кўзлари, бўздай оқарган юзлари, чўкиб қолган гавдаси кўз ўнгимга тез-тез келиб юрагимни жазиллатар ва мени саволга тутар эди: «Отам ўшанда нега ўзини ўлдирмоқчи бўлди? Шундай обрўли, катта даргоҳдан қувилгани учунми ва бу шуҳратпараст, мансабпараст худбин шахснинг арази, норозилиги эдими? Ё севавериб жавобсиз ишқдан чарчаган қалбнинг ўчи, исёни эдими?»

Ҳаёт дарсхонасида сабоқ олиб, ақлим тўла бошлагани сари, «чарх кажрафторлиги», «замона адолатсизлиги», «тақдир кемтиклиги» каби тушунчаларни англаганим сари отам шахсиятига унча ярашмас бу хатти-ҳаракатни тушунгандек бўламан. «Ҳайдалиш воқеаси» унинг метиндек ишончига, эътиқодига энг залворли зарбалардан бўлган эди, албатта. Лекин отам ўшанда фақат аламидан эмас, балки бизни ўйлаб ҳам шу тўхтамга келган экан. Уч ёшида ўлиб кетган отаси учун, қилмаган гуноҳига ҳануз жавоб бериб келаётган дадам

ўз қисмати фарзандларининг тақдирида ҳам такрорланиши мумкинлигини ўйлаб даҳшатга тушган ва ўз вақтида ўлиб қўя қолишни афзал билган, болаларининг ҳам шўри бўлиб қолишини истамаган экан. Оҳ, жоним отам-а!

### **Лавҳа**

*Палата. Абдумалик ёстиқни қорнига босганча дераза томонга ёнбошлаб ётибди. Бир-бирига қаттиқ ёпишган қабоқларининг асабий пириллаши ва чимдилган лабларининг ҳолати шу тобда унинг оғриқ исканжасида қийналаётганини айтиб турибди. Сал вақт ўтиб азоб юмшади, шекилли, юз ифодаси сокинлашди, ёстиқни ғижимлаган бармоқлар бўшашиди.*

*Ўз-ўзидан келган хўрсиниқ билан кўзини аста очди-да, дераза ортидан кўриниб турган дароҳт баргларининг шамолда шўх-шодон ўйноқлашига ҳаваси келгандек маҳзун тикилиб қолди... У бир неча кундан бери шу ерда даволаняпти. Оч-наҳор ва асабий ўтказилган йиллар оқибатида болалигида орттириб олган ошқозон касали охирги кунларда кечирган қаттиқ изтироблари сабабли қайта кўзгаган, чидаб бўлмас оғриқлар шифохонага ётишга мажбур қилган эди.*

*Палатада Абдумаликдан ташқари яна уч бемор бўлиб, улар шахмат ўйнаб ўтиришарди. Шу пайт хонага бир челақ тухум ва қоғозга ўралган бир дунё новвот кўтариб Муаззам кириб келади.*

**Муаззам** (ҳансираганча қулиб): Ассалому алайкум...

**1-бемор:** Ваалайкум... Келинг, келин...

**2-бемор:** Яхши келдингизми, кеннойи?..

*Муаззамнинг овозини эшитган Абдумалик деразадан нигоҳини олиб шу томонга қарайди.*

**Муаззам** (эрининг каравотига яқинлашиб): Ассалому алайкум, Малик ака... Яхши бўлиб қолдингизми? Қорнингиз оғримаяптими?

**Абдумалик** (*хижолатдан қизариб*): Нималар кўтариб юрибсан?..

**Муаззам**: Тухумларни Маруса опадан сотиб олдим. Свежий. Илтиб ичиб тулинг. Сизга жуда фойдали. Новвот ҳам ошқозонга қувват, оғриқни олади.

**Абдумалик** (*олдида турган бир челак тухум билан тумбасида сочилиб ётган новвотга норози қараб*): Шунча тухум билан новвотни нима қиламан? Жуда бўлмаса, ярмини бола-ларга олиб қолмадингми?

**Муаззам** (*ўйинни унутиб уларга қизиқсиниб тикилиб қолган палатадошларга қараб қулиб*): Ҳаммаларингга олиб келдим. Биргалашиб ейсизлар.

*Челакдаги тухумлардан қўлига сиққунча олиб ҳар бирининг тумбасига қўйиб чиқади. Шу пайт термометр кўтариб ҳамшира кириб қолади.*

**Муаззам** (*қулиб*): Ана, дўхтирларингизга ҳам берасиз.

**Абдумалик** (*хотинининг қилиқларидан жаҳли чиқа бошлайди*): Тухумни нима қилади дўхтирлар?..

**Муаззам**: Пишириб ейишади. (*Ҳамширага*) Синглим, тухумлардан олиб кетинг.

**Ҳамшира** (*чимирилиб*): Кераги йўқ...

*Ҳамшира «йўқ» дейишига қарамай, Муаззам халатининг чўнтақларини тухум билан тўлдириб қўяди. Унинг болаларча қилиғи Абдумаликдан бошқа ҳамманинг юзида табассум уйғотади.*

**Ҳамшира**: Вой, қизиқ экансиз-ку... Ҳа, майли... Раҳмат. (*Чуқиб кетади.*)

**Абдумалик** (*кескин*): Муаззам, бўлди қил! Бозор қилиб юбординг-ку! (*Ҳазилга ўйиб*) Бунақада менга қолмайди...

**Муаззам** (*соддалик билан*): Қолмаса, яна олиб келаман...

**Абдумалик** (*чўчиб*): Э, йўғ-э... ҳазиллашдим, яна кўтариб юрма!..



*Эр-хотиннинг муомаласига маҳлиё бўлиб турганлар беихтиёр кулиб юборишди. Уларга қўшилиб Абдумалик ҳам кулади. Кулгу босилгач, хотинини ёнига имлайди. Овозини пасайтириб сўроққа тута бошлайди.*

**Абдумалик:** Тухумни сотиб олдингми ё насияга олдингми?

**Муаззам:** Насияга олма дегансиз-ку, сотиб олдим.

**Абдумалик:** Унда бу ёғига пулинг қолмагандир.

**Муаззам:** Ташлаб кетган пулингиз ўтган кунни тугаган...

**Абдумалик:** Буларни қайси пулга сотиб олдинг, бўлмаса?

**Муаззам (ялиниб):** Жаҳлингиз чиқмасин... Абдулҳайдан қарз олдим.

**Абдумалик (жаҳли чиқиб):** Ҳеч кимдан қарз олма деб неча марта айтганман?! Уф... (Муаззам бошини эгади.) Ҳа, бўпти... Менга ўнтасини қолдир-да, қолганини уйга олиб кет. Икки-уч кунча рўзғорингга асқотиб турар. (Муаззам индамай ерга қараб ўтираверади.) Гапимни эшитяпсанми?

**Муаззам (ерга қараганча):** Касалхонадан чиққан тухумларни болаларга олиб бораманми?

**Абдумалик (ҳайрон):** Уларга ҳали ҳеч ким теккани йўқ-ку... Ё тухумга пўсти орқали ҳам микроб кириб оладими? (Хотини яна жим.) Ёғда қовуриб берасанми, ахир?! Ҳар қандай микроб ўлиб кетади, шекилли?

**Муаззам:** Абдумалик ака, касалхонадан уйга ҳеч нима қайтариб олиб кетмайман. Сизга олиб келганман. Ортиқчасини дўхтирларга беринг. Яхшилаб қарашади.

*Ҳамшира кириб термометрларни йиғиб олади.*

**Ҳамшира:** Ҳозир профессор Воҳидовнинг ташрифи бўлади. Ҳамма столининг устини йиғиштириб, ўринларини тўғрилаб қўйсин. Кўргани келганлар ташқари чиқиб туришсин.

*Муаззам шошиб новвотнинг устига сочиқ ёпади. Тухумли челақни каравот тагига суриб қўяди. Сўнг эрининг ўрнини тўғрилашга тушади.*

**Абдумалик:** Сен боравер. Бу ёғига ўзим қарайман. Қизларимни ўпиб қўй. Ўзингни эҳтиёт қил.

*Муаззам ҳамма билан кулиб хайрлашиб чиқиб кетади.*

**1-бемор:** Бахтли одам экансиз. Шундоқ меҳрибон, кўнгли ҳам очиқ, кўли ҳам очиқ хотинингиз бор экан.

**Абдумалик (кулиб):** Ҳа, пишиб етилмаган думбул хотиним бор.

**1-бемор (ранжиб):** Йўқ, ундай деманг, ука. Хотинингиз худди ёш боладек беғубор, содда, кўнглида кири йўқ аёл экан.

**Абдумалик (мийиғида кулиб ўзига ўзи гапиргандек):** Худди ёш боладек...

**2-бемор:** Тўғри, кеннойим ажойиб аёл эканлар.

**Абдумалик (ўша ҳолатда):** Ҳа... ажойиб...

**3-бемор:** Келин оғироёқ кўринадилар... Фарзандлардан нечта?

**Абдумалик:** Ҳа, икки қизим бор.

**3-бемор:** Илоҳим, буниси ўғил бўлсин.

**Абдумалик (чуқур хўрсиниб секин):** Ўғил бўлсин...

**Муаллиф:** Дадам касалхонадан чиқар-чиқмас Иқбол буювчим кичик тоғамни уйлантириш баҳонасида бизларни уйдан чиқариб юбордилар. Тузукроқ ижара топиб бемалол кўчишимизга ҳам имкон бермадилар. Бу «қувилиш» саҳнаси ҳам болалик хотирамда муҳрланиб қолган, хануз кўз ўнгимдан кетмайди. Мана, дадам яна бир хўрликнинг совуқ башарасини атрофдагиларга кўрсатмаслик учун ўзларини совуққон тутган ҳолда отувга бораётган одамдек бошларини адл кўтариб, кўлларига тутқазилган кўрпа-тўшакни ортмоқлаганча кўча

бўйлаб мағрур кетяптилар... Оғироёқ онам кўзларини ергатиккан кўйи кийим-кечак ва у-бу рўзғор буюмлари тугилган иккита бўхчани бир қўлида кўтариб, иккинчи қўли билан бўйи баробар супургини судраб кетаётган синглимнинг қўлчасидан ушлаб дадамдан ярим қадам берида ҳансираб боряптилар... Мен эса капкир, уч-тўрт қошиқ солинган қора қозонни тақирлатиб, тушириб юбормаслик учун икки қулоғидан маҳкам ушлаганча ота-онамдан орқада қолмаслик ҳаракатида пилдираб эргашяпман... «Уй топганда олиб кетарсизлар» деган баҳонада бизга теккан мулк шу эди.

Эсимда, барака топкур бувим ҳатто дадам кечалари мутолаа пайти ишлатадиган чироқ лампасини ҳам: «Тўйда керак бўлади», – деб ечиб олиб қўйган эдилар. Марказкомда ишлай бошлаганларида совға қилган костюм-шимни-ку ҳеч кимга ҳеч нима демай, тўппа-тўғри хонага кириб аллақачон олиб чиқиб кетгандилар.

Бувимнинг уйидан чиқиб кетган кунимиз маҳалла чойхоначиси Манноп аканинг уйида тунадик. Ташландиқ бир хужрасини бизга ижарага бериб туришга рози бўлди. Албатта, текинга эмас.

### **Лавҳа**

*Тун. Файзсиз хона. Ёлғиз шам амал-тақал ёритиб турибди. Шифтнинг бир чеккаси, ёмғир ёққанда яхшигина чакки ўтган, шекилли, фанери кўчиб, ўпирилиб тушган. Қамишлари осилиб ётар, қорайиб турган тешик зим-зиё ўрани эслатиб ваҳима уйғотар, у ердан хонага изиллаб кираётган совуқ ҳаво оқимидан шам пириллаб, ҳосил бўлган соялар ўйинидан киши тасавури ҳар хил манзаралар ясай бошлар эди: худди ҳозир у ердан ялмоғизми ё ажина сакраб тушадигандек туюлиб бу ғурбатли тунни янада кўрқинчлироқ қиларди. Абдумалик билан Муаззам қизларини бағрига олиб, қўпол қилиб ясалган қўлбола курсиларда бир-бирига суянган ҳолда ғужанак бўлиб ўтиришарди. Кўзлар бир нуқтага қадалган, ҳар ким ўз хаёллари гирдобига ғарқ...*

*Кечки пайт кириб келишгани боис ташландиқ хонани йиғиштиришга улгуришмаган. Шунинг учун жой солмай, бугунги тунни бир чеккада ўтириб бедор ўтказишга аҳд қилишган эди.*

*Муаззамнинг қучоғидаги кенжаси тезгина ухлаб қолди. Дилором эса қўрққанидан отасининг ичига кириб кетгудек бўлиб, кичкина қўлчалари билан унга ёпишиб олган. Катта-катта очилган кўзлари билан жавдираб атрофни кузатар, эшитган эртаклари кўз ўнгида жонланиб юракчасини потирлатар, ахийри қўрқинчли соялардан безор бўлди, шекилли, кўзларини чирт юмиб отасининг кўкрагига юзини босди.*

**Муаллиф:** Тунни бедор ўтказган отамнинг пинжида қачон ухлаб қолганман, билмадим. Эрталаб кўзимни очганимда кўёш нур сочаётганини, олам ёришганини кўриб, ниҳоят, тунги қўрқув азобларидан қутулганимни англаб хурсанд бўлиб кетдим. Янги жойга қизиқиб қарай бошладим. Хонтахтага тахланган кўрпа-кўрпачалар устида синглим билан ётардим. Онам эринибгина хонани йиғиштирар эди. Шошиб шипга қарадим. Кечаси даҳшат солиб турган томдаги тешик энди унчалик қўрқинчли кўринмасди. Лекин анчадан бери одам яшамаётганидан ҳаммаёқни босиб кетган чанг ва ислар пўпанак боғлаб кўнгилни ёмон ғаш қиларди.

Ётган жойимдан очиқ эшик орқали ташқарини ҳам кузата бошладим. Ҳовли тўридаги сўрида чой ичиб ўтирган уй эгаларининг қаршисида дадам негадир бошқача бўлиб турардилар. Кейин бошларини эгганча орқага қайтиб хужра олдидан ўтаркан, бизга ҳам қарамасдан уйнинг ортига қараб тез юриб кетдилар. Лекин мен дадамнинг юзлари қизариб, бўғриққанини пайқаб қолдим. Яна эшик томон қайтиб ўтишларини тушунарсиз хавотир билан кутиб ётдим. Ҳаяллаганларидан кейин секин ётган жойимдан тушиб ҳовлига чиқдим. Юмуш билан овора онам сезмай қолди. Дадам ҳозиргина ўтиб кетган томонга бориб уларни қидира бошладим. Ҳовлининг бурчагида яна бир пастаккина кўча эшик борлигини кўриб: «Ҳа, дадам шу ердан чиқибдилар-да», – дея тинчландим...

Кейинчалик эшитсам, бир кун олдин кечки пайт кириб келган эшикдан кўчага отланган дадамни Манноп ака орқага қайтарган, «Укам, бу ердан уй эгалари кириб-чиқади, сиз ҳу-в анави четдаги эшикдан чиқинг», – дея ёмон изза қилган экан. Кечагина пайтава бўлиб, хушомад қилиб юрган пасткашнинг ярамас қилиғи дадамга жуда оғир ботади ва шу куниеқ бошқа уй топиб бизни бу ердан олиб кетади.

### **Лавҳа**

*Нисобуви очик айвонда нималарнидир ямаб-ясқаб ўтирибди. Юмуш билан овора Нисобуви ўғли Абдумаликнинг эшикдан кириб келиб айвонга кўтарилганини пайқамай қолди...*

**Абдумалик** (онасининг қаршисига тиззалаб чўкиб): Ассалому алайкум, ойи...

**Нисобуви** (суюниб): Вой, қачон келдинг, пайқамай қолибман... Кел, болам... (Елкаларидан кучоқлаб кўришади. Фотиҳадан сўнг ҳол-авҳол сўрашга тушади.) Эсон-омон юрибсанми? Болаларинг, хотининг яхшими? Ой-куни ҳам яқинлашиб қолди. Илоҳим, эсон-омон қутулиб олсин. (Ўғлининг ҳорғин юзига тикилиб) Машқинг пастроқми?.. Тузукмисан, болам? Қорнинг оғримаяптими?

**Абдумалик:** Йўқ, ойи... Ҳаммаси яхши. Сизни бирров кўргани кирувдим.

**Нисо буви** (ўрнидан турмоқчи бўлиб): Опанг бозорга кетувди. Сен ўтириб тур. (Орқасига ёстиқ кўяди.) Мен ҳозир чой-пой тайёрлайман. (Абдумалик онасини кўлидан ушлаб қайта жойига ўтқазади.)

**Абдумалик:** Ойи, ўтиринг. Чой ичгим йўқ, жуда чарчадим... Бир оз чўзилиб, мизғиб олай... (Онасининг савол тўла нигоҳини пайқаб, ўзини бефарқ туттишга уриниб жавоб учун сўз қидира бошлайди. Маҳзун кулиб) Ойи, кўчада қолдим... Қайнонам қайнимни уйлантириш ҳаракатига тушган. Уйдан чиқиб кетишга тўғри келди. Ижарага тузукроқ уй топаман деб бир оз овора бўлдим.

**Нисобуви** (*ҳаяжонланиб*): Вой, болам, мана, уй-жойинг. Қайтиб кел, ким нима дерди?!

**Абдумалик:** Йўқ, чиқиб кетган еримга қайтиб келгим йўқ. Опам бола-чақаси билан бемалол яшайверсин.

**Нисобуви** (*куюниб*): Оқлондаги битаёзган ҳовлингни бекор сотиб юбординг-да. Аллақачон уйли-жойли бўлиб олардинг.

**Абдумалик** (*чарчаган оҳангда*): Ойи... Келинингиз чаён чиққан уйга бормайман деб туриб олди-ку... (*Мадори қуриб, орқасидаги ёстикни бошига қўйиб ҳорғин чўзилади.*) Муаззам калтакесак, илон-чаёнлардан ёмон кўрқади. (*Кўзини юмиб чуқур хўрсинади.*) Илон-чаёнлардан ҳам баттар кўрқинчли нарсалар борлигини билармикан?..

*Нисобуви жимиб қолган ўғлига узоқ тикилиб ўтиради. Ўғлининг гапиролмаган дарду ғамини она қалби билан англаб етади. Пешонаси, елкаларидан оҳиста силаб-сийпалайди. Бу оддий силаш эмас, ўғлининг вужудини чирмовуқдек ўраб ташлаган ғам-андуҳ тўрларини озғин қўллари билан сидириб ташлаш эди гўё. «Дардларингни мен олай» деган маънода пичирлаб, Яратгандан фарзандининг омонлигини илтижо қилиб сўрайди...*

*Абдумалик эса шу тобда муштупарининг адоқсиз муҳаббати оғушида эракаланиб ётарди. Она дуоси паноҳида худди ўша болалик пайтларидек ўзини бежавотир, безавол ҳис эта бошлади. Моматалоқ бўлиб кетган қалби ором олиб, таранглашган вужуди бўшашди. Юраги тинчланиб, нафас олиши равонлашди.*

*Нисобуви ўғлини ухлаб қолди деб ўйлаб уйғотиб юбормаслик учун силаб-сийпалашни бас қилди. Қўлларини тиззасига қўйиб, ўғлининг юзига яна бир оз қараб турди. Сўнг оқ доқа рўмоли учига тугиб қўйган бор пулини олиб ўғлининг чўнтагига аста солди ва оёқ учига юриб пастга тушиб кетди. Ўзини ухлаганга солган Абдумаликнинг лаблари она нари кетиши билан беихтиёр титрай бошлади. Юмуқ кўзларидан ёноқларига ёш қуйилди.*

**Муаллиф:** Бу воқеалар бўлиб ўтганида мен тўрт-олти ёшлардаги қизалоқ эдим. Ҳали мушоҳада қилиш, оқу қорани ажратишни билмасдим. Болалик оламида бола эдим, холос. Лекин ўзга дардини ҳис этиш, ҳақ-ноҳақни пайқаш каби туғма хислатлар отам шахсига мени тийрак қилиб ўстирди. Отам ҳаётимдаги энг асосий инсонга айланди. Уни ранжитган, қийнаган ҳар бир кишида, ҳар бир нарсада минг аламин қолди. Умримнинг ўша дастлабки тўрт-беш йилида мурғак қалбимда «Иқбол бойвачча» тимсолида бойликка нисбатан ниҳоясиз нафрат уйғонди. Негаки бу бойлик отамни хўрлаган, қадр-қийматини ер билан битта қилмоқчи бўлган эди.


Мен сип-силлиқ кийиниб, виқор билан юрувчи ғоясиз ғояфурушларни, сотқин ва кўрқоқларни ёмон кўриб қолдим. Чунки уларга гапи ва иши бир, отамдек покиза инсонлар керак эмас эди. Шунинг учун уни қатрларидан ҳайдашди, доводиратишди, топташди, йўқ қилишга уринишди. Ҳа, мен уларни жуда ёмон кўриб қолдим, лекин отам ишонган, хизмат қилган ғоялардан воз кечолмадим!..

### ***Учинчи қисм тугади.***

*Қумнинг бир заррасиман.  
Аммо бепоен чўлнинг дардини  
ортмоқлаб бормоқдаман.*

**Жалолиддин Румий**

## **Тўртинчи қисм**





## **Лавҳа** *Палата.*

**Муаллиф:** Операция кунига, ошқозон очиб-ёпиб қўйилганига ҳам икки ҳафтадан ошди. Отамнинг аҳволи кундан-кунга ёмонлашиб борарди. Буни фақат атрофдагилар билар, ўзи эса ҳеч тан олмай, вужудини тарк этаётган ҳаётнинг этагига жон-жаҳди билан ёпишиб ажал билан беомон олишиб ётарди. Бу курашда мағлуб бўлганини тана, жон сезар, лекин руҳ сира таслим бўлмасди. Ўлим эса ҳал қилувчи нишини уришга пайт пойлаб турарди...

*Ҳамшира Абдумаликнинг венасидан дори юборишга зўр бериб ҳаракат қиляпти. Бемор томирни илиб ололмаётган игнага илтижоли тикилган. Қиз аввал билакдан, сўнг қўлдан, кейин оёқдан венани ахтариб тополмайди. Қон оқиб турувчи йирик томирлар ҳам устухонга ёпишиб йўқ бўлиб кетгандек гўё. Охири ҳамшира узр сўраб бемор тепасида турганларга маъноли қараб қўяди-да, штативни қўтариб секин чиқиб кетади. Тушкунликка тушган Абдумалик аразлагандек бошини дераза томонга ўгириб олади...*

**Муаллиф:** Ташқарида эса баҳор... Кўклам энг гўзал палласига кирган. Борлиқ батамом гулга бурканган. Касалхона дарчасидан оқиб кираётган баҳор ҳавоси турфа гуллар исига тўйиниб келиб мўлтираб ётган касаллар димоғига урилар ва ҳар бирида фақат ўзигагина аён туйғуларни уйғотар эди. Ўлим ва Баҳор! Ҳаёт «яшамоқ» қўшиғини қуйлаётган шу паллада ажал шарпасини ҳис этиб туриш, у ҳақида ўйлаш нақадар оғир...

## **Лавҳа**

*Соат кундузги ўн иккилар. Абдумалик дераза ортида қўзга ташланиб турган борлиққа термилган қўйи уйқуга кетган. Хотини Муаззам каравот олдига қўйилган курсида мудраб ўтирибди.*

**Абдумалик** (*алаҳсираб*): Ойи... ойижон... А-а-а...Ойи...

**Муаззам** (*эрини уйғотиб*): Малик ака, Малик ака...

**Абдумалик** (*ҳамон алаҳсираб*): Ой-йи... кетманг... кет-манг!..

**Муаззам**: Уйғонинг, Малик ака, алаҳсираяпсиз...

**Абдумалик** (*чўчиб уйғонади*): Ой-и... (*Ўзига келиб*) Э... Нега уйғотдинг, ойимни туш кўраётгандим... Қорнимни силаётгандилар... Кўпдан бери бундай роҳат қилмагандим. Ҳар силаганларида оғриқ камаяверди-камаяверди... Кейин бирдан йўқолди. Қандай бахт оғриқсиз яшаш... (*Бирдан жаҳли чиқиб*) «Малайкалаб» ойимни чўчитиб юбординг. Кетиб қолдилар... (*Афти бужмайиб*) Ана энди яна оғрияпти... Кетманг десам ҳам кетиб қолдилар...

**Муаззам** (*хавотирланиб, секин*): Ойимлани туш кўрдим дейсизми?

**Абдумалик** (*зарда билан*): Ҳа! Айтяпман-ку ойимни туш кўрдим деб!.. Қорнимни силаб оғриқни олиб ташлаётган эдилар. Сен уйғотиб юбординг... Им-мм... Яна оғрияпти... Уф-ф...

**Муаззам** (*ялиниб*): Кечиринг, Малик ака, ҳозир ҳамширани чақираман. (*Ўрнидан туриб чиқмоқчи бўлади.*) Укол қилиб кўяди...

**Абдумалик**: Кераги йўқ. Сал кейин... Ҳали чидаса бўлади. (*Бир хўрсиниб юмшайди.*) Дилором қани? Опам-чи?

**Муаззам**: Дилором ишига ўтиб, кейин укаларидан хабар олгани уйга бирров кириб чиқмоқчи эди. Опам келинларига товук шўрва пиширтираман деб кетувдилар. Ҳозир келиб қолишади... Ҳа, ухлаб ётганингизда Малика қизингиз келувди. Адамга қараб тураман деб театридан икки-уч кунга рухсат олган экан. Дилором рози бўлмади. Табиб айтганларини эпломмайсан деб қайтариб юборди. Ўзидан бошқа сизни ҳеч кимга ишонмайди... (*кўнглига тушган ёмон хаёлни ёзиш мақсадида ҳазиллашган бўлиб қулиб*) Малик ака... мабодо... ойимла: «Юр мен билан», – деб сизни у ёқ-бу ёққа чақирмадиларми?..

*Эри ялт этиб хотинига ғалати қараш қилди. Муаззам ҳазилни ўринлата олмаганидан, ичидаги хавотири ташига қал-*

қиб чиққанидан довдираб қолди. Бу ёғига нима дейиш, нима қилишни билолмай, бармоқларини букиб қарсиллатишга тушди. Абдумалик хотинининг болаларча қилиғига, чиройли юзига яна бирмунча вақт маъюс тикилиб турди. Ўз-ўзидан кўкрагидан кўчган хўрсиниқдан сўнг паст овозда гапира бошлади.

**Абдумалик:** Эсингдами, ўтган кузда Бурчмуллага хизмат бўйича бориб келувдим. Ёлғиз ўғли ўлдирилган аёлнинг район милицияси устидан ёзган шикоят хати юзасидан...

**Муаззам:** Ҳе, ўлсин, ўша ёқдан касал бўлиб келдингиз... (Ноқулай вазиятдан чиқишнинг имкони топилганидан хурсанд бўлиб кетади.)

**Абдумалик:** Жуда ёқимсиз, кўрқинчли одамлар орасига тушиб қолгандим ўшанда... Шу ишни «босди-босди» қилсам, ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолса, жуда катта пул ваъда беришди. Шайтон йўлдан уриб, олсаммикан деган уятли хаёлга ҳам бордим. Тўғриси-да, қизларимизнинг бўйи етиб қолган бўлса, бу пулларга эса бир эмас, икки тўйни ўтказиб олардик.

*Муаззамнинг кўнглидан «Хўп десангиз нима қиларди?..» деган иддао лип этиб ўтди. Лаб ва кўзларининг беихтиёр ҳаракатидан шу маънони уққан Абдумалик қошларини уйганча бир оз жим қолди. Сўнг кучая бошлаган оғриқнинг аччиғиданми ё жаҳли чиққаниданми, овози қалтираб бақиргудек гапира кетди.*

**Абдумалик:** Қайсидир бир корчалоннинг арзандаси қилган гуноҳни бўйнига олишга кўнмаган йигитчани тепиб ўлдириб қўйган ифлосларга нафратим кучлилиқ қилди. Ўн гулидан бир гули очилмаган ёлғиз ўғлидан айрилган бахтиқаро онанинг фарёди ўша маразлар билан ош-қатиқ бўлишимга йўл бермади...

*Муаззам эрининг бетоқат бўлиб ҳансирай бошлаганидан ташвишга тушади.*

**Муаззам** (*Ўрнидан туриб*): Малик ака, мен ҳозир ҳамширани чақираман...

**Абдумалик:** Ҳозир эмас дедим-ку!.. Яна озгина чидаса бўлади... Ўтир... (*Оғриқ сал пасайгандек бир оз тинчланади.*) Гувоҳлар билан гаплашиб, хатдаги фактлар тасдиғини топгунча тўрт-беш кун қаттиқ ишладим. Кетар чоғимда район раҳбарлари: «Ҳақиқатни ойдинлаштиришда бизга катта ёрдам бердингиз», – деб раҳматнинг қуюғини айтишди. Мен эса бу олчоқларнинг айнан ўзи шу ишнинг бошида турганини билиб турибман... Уф... Им-м...

**Муаззам:** Малик ака, гапирмай қўя қолинг, чарчадингиз...

**Абдумалик:** Эшит!.. Қизиғи энди келади. (*Эслаб*) Нима деяётган эдим?.. Ҳа... Раҳмат дейишди... Кейин миннатдорлик юзасидан ресторанга таклиф этишди. «Редакцияда кутишяпти» деган баҳона билан бормадим, лекин... Лекин мен билан ҳамроҳ бўлиб юрган ходимлардан бирининг қариндошиникида тўй бўлаётган экан. Боришимни жуда илтимос қилиб сўради. «Камбағалнинг тўйи, борсангиз, тўйимга Тошкандан меҳмон келди деб рос-са хурсанд бўлади. Ўзингиз ҳам тўйларимизни кўриб дам олиб кетасиз», – деб ҳеч қўймади. Катталиқ қилмайин, сўзи ерда қолиб хижолат чекмасин деб бора қолувдим. Ўзи хокисоргина, тузук одамга ўхшаганди... Бунинг устига, жуда чарчагандим. Бир оз ёзилгим келди... (*Хотинига сирли боқиб*) Муаззам, ўша тўйда, биласанми, менга ғалати коньяк ичиришди. Томоғимдан ёғдай сирғалиб ўтди-ю, лекин ошқозонимда тошдай қотди. (*Худди биров эшитиб қоладигандек овозини пасайтириб*) Назаримда, коньяк эмас, бошқа нарса ичиришдиёв... (*Хотинининг лаблари титраб, юзи оқариб кетади. Яна бармоқларини букиб қарсиллатишга тушади.*) Ойим ўтганларидан бери ҳеч тушимга кирмасдилар. Ўша кун тушимда: «Болам ичма дейман-ку, нега ичдинг?» – деб куюниб койияптилар. Ҳаётда койиганларини ҳеч эслолмайман. Фақат ёдимда... (*Кулимсираб*) Болалигимда қурбақаларни дошқозонга солиб пишироқчи бўлганимда бир пўписа қилиб қўйгандилар. (*Кўнгли бузилиб*) Менинг

фаришта, меҳрибон онажоним... (Кўзига қўйилиб келган ёшни кафтлари билан сидириб ташлайди.) Кейин қўлимдан ушлаб: «Юр, болам, мен билан кета қол, жуда сени қийнаб юборишди», – дея мени чиройли боғ томон бошляаптилар. «Ие, бу отамнинг чорбоғлари-ку», – десам, «Ҳа, болам, отангники, отанг ҳам сени соғинганлар», – дермишлар... (Оғриқ яна забтига ола бошлади, шекилли, бошини орқага ташлаб, чўндай қўлларини бетоқат силкитади.) Им-м! Муаззам, бор ҳамширани чақир! Оғриқ зўрайди... Оҳ, бу ёғига чидолмайман!.. Уколимни қилиб қўйсин... Им-м-м...

*Муаззам хонадан югуриб чиқади. Ҳамшира тезда келиб укол қилиб кетади. Абдумалик аста-секин тинчлана бошлайди.*

**Абдумалик** (овози жуда заиф хириллаб чиқади): Ўша тушимда онам билан бирга кетдимми ё йўқми, яхши англолмадим, лекин «Йўқ, ойижон, болаларим ҳали ёш, уларни оёққа қўйишим керак» деган ўй миямдан чақмоқдай ялт этиб ўтгани эсимда... (Хотинининг хавотирланиб, мўлтираб турган юзига ҳазин кулиб қараб) Лекин бу гал аниқ чақирмадилар...

**Муаззам** (ҳаяжонланиб): Чақирсалар, кетиб-нетиб қолманг! «Кетмайман!» – деб туриб олинг. Хўпми, Малик ака?..

*Абдумалик ҳозир «хўп» деса, худди шундай бўладигандек ундан жавоб кутиб турган хотинига ҳорғин назар ташлади-да, чуқур «ух» тортиб «чарчадим» дегандек бир сўлиш олди. Кейин кўзларини чирт юмиб ўзини ухлаганга солди.*

**Муаллиф:** Отам уколдан сўнг оғриқсиз ўтадиган ҳар бир дақиқани жуда кадрлар, узлуксиз азобдан вужуд дам олар, атроф кўзларига равшан тортиб, ҳаётга бўлган ишончи яна тикланар, касалхонадан чиқиб қиладиган ишларининг режасини туза бошларди.

Мана, кечагина операциядан олдин бир палатада ётишган бири рус, бири татар икки киши дадамнинг газетада ишла-

шини, овозаси кетган журналист эканлигини билиб қолиб дардини айтгани киришганди. Айтишларича, уларни олдиндан огоҳлантирмай ишлаб турган заводидан ҳайдаб юборишган. Оиласи яшаш учун маблағсиз қолган. Кўринишларидан ичкиликка берилган ялқов одамларга ўхшасалар ҳам, лекин қонун бузилган, ҳуқуқлари топталган, ўзбошимчаликка йўл қўйилган эди. Касалхонадан чиқиб олса, биринчи иши шу бўлади: завод маъмурияти билан учрашиб масаланинг тагига етади. Иккаласини ҳам ишга қайта тиклашга ҳаракат қилади. Лекин бирдан руҳи тушиб, юраги «шиғ» этиб кетди: «Касалхонадан чиқмасам-чи...»

Бурчмулла воқеаси унга кўп унутилган нусхаларни, воқеаларни эслатган эди... 1962 – 1975 йилларда отам республикада Абдумалик Иброҳимов номи билан қалами ўткир, қўрқмас фельетончи-журналист сифатида доврўғ қозонди. У пайтлари матбуот бекиёс обрў ва кучга эга бўлган, «тўртинчи ҳокимият» мақомини тўла оқлаган. «Тошкент ҳақиқати» таҳририятида ажойиб инсон, малакали журналист Аҳмад Исроилов қаватида ҳамфикр, шижоатли журналистлар йиғилганди. Отам қанчадан-қанча туртилиш ва сурилишлардан сўнг ушбу даргоҳда ўз жойи, ўз ўрни, ўз муҳитини топгандек бўлди. У ўзи каби виждонли, касбига содиқ инсонлар даврасида ишлаб, кўп йиллардан буён сарфланмай ётган фидокорлик қувватини, ниҳоят, намоён эта бошлади. «Инсон қадри шуми?», «Безоридан эл безор», «Масжиддаги хангома», «Принцип эмиш», «Йўлақдаги муҳаббат», «Комендантнинг туши», «Бирюса қаллоблари», «Оқ сочли ошиқ-маъшуқлар» каби долзарб мавзулардаги кўплаб фельетонлари матбуотда воқеа бўлиб, жамиятда рўй бераётган номаъқулчиликларни фош этишга хизмат қилди. Лекин ёзган мақолалари кўпинча отамнинг бошига битган бало бўларди...

### **Лавҳа**

*Абдумаликнинг ғарибона уйи. Кўз-қоши қуюқ бўялган, тилла тақинчоқларга қўмилган аёл арз-дод қиляпти.*

**Аёл** (*йиғламсираб*): Ўғлим бечора яқиндагина қамоқдан чикувди. Тушмагур ўртоғига билмасдан пичоқ уриб кўйибди.

**Абдумалик**: Билмасдан?! Ҳмм! Қамоқдан яқинда чиққан экан, яна қамалади.

**Аёл**: Йўқ!.. Энди қамалмасин! Ёрдам берасиз!

**Абдумалик**: Нима деяпсиз?! Бу мумкин эмас.

**Аёл**: Даъвогар даъвосидан кечди!

**Абдумалик**: Мажбур қилгансиз...

**Аёл**: Барибир эмасми?..

**Абдумалик**: Лекин қонун кечмайди!

**Аёл**: Кечади! Мақолангизни газетага чиқармасангиз бўлгани, опўси!

**Абдумалик** (*жаҳл билан*): Иложи йўқ!

**Аёл** (*кўзини бақрайтириб*): Иложи бор! Хўжайинимнинг кўли узун. Прокуратурада ҳам, милицияда ҳам қиёматли оғайнилари бор. Мақолангиз билан барибир ҳеч нима қилолмайсиз. Аммо гапимга кўнсангиз, тувагингиз тиллодан бўлади.

**Абдумалик**: Мен сизга ёрдам беролмайман. Уйимдан чиқиб кетинг!

**Аёл** (*гезариб*): Уйимдан?! Шу уйми?! Гўлаҳнинг кулбасику! Э, ўргилдим!.. (*Чиқаётиб ғазаб билан пичирлайди.*) Илоё, йигит ўл!

*Аёлнинг ўтинқираб қолган бўлса-да, ҳали келишимли рухсори шу заҳоти ғазабдан бужмайган хунук башарага айланди-қолди.*

## **Лавҳа**

*Қоронғи тушиб қолган. Таҳририят биносидан чиқиб келаётган Абдумаликнинг йўлини қориндор, бақувват киши тўсади.*

**Қориндор** (*кўлини кўксига кўйиб*): Эрталабдан йўлингизни пойлайман... Ука, шу мақолангизни чиқарманг. (*Атрофга аланг-жаланг қараб*) Ҳозирча шуни олиб кўйинг! Бу ёғига қарздормиз... (*Қоғозга ўралган қалин пул дастасини Абдумаликнинг кўлига тутқазишга уринади.*)

**Абдумалик:** Бу нима қилиқ? Олинг пулингизни!

**Қориндор:** Омборда сақланаётган ўша «Бирюса» музлаткичларидан бирини олиб келдик. Машинада турибди... Бу ҳали хамир учидан патир. Ақа-ука бўлиб қолсак...

**Абдумалик:** Менга ҳеч нарсангиз керак эмас! Боринг, йўлимни тўсманг...

*Қориндорнинг орқасида турган шотири олдинга чиқади.*

**Шотир:** Ока, директоримизнинг ўзлари катта бошларини кичик қилиб кеп турибдилар. Сазаларини ўлдирманг энди. Бу дунёда яхшилик қолади.

**Абдумалик** (*сигарет тутатиб*): Одамларнинг ҳақиға хиёнат, бу ҳам яхшиликми?!

**Қориндор** (*хунук тиржайиб*): Вей, ука, жа-а катта кетманг. Ёмонлик ҳам қўлимиздан келади!..

**Лавҳа**

*Палата.*

**Абдумалик** (*кўзи юмуқ, лекин қошлари чимирилган*): Ҳа!.. Ёмонлик кўлларингдан келади!..

*Раковинада қўлини юваётган Муаззам эрини яна алаҳляпти деб ўйлаб чўчиб тушади.*

**Муаззам:** Малик ака... Бир нима дедингизми?

**Абдумалик** (*кўзини очмай*): Йўқ... Ўйлаб ётибман...

**Лавҳа**

*Сочлари чиройли турмакланган, дид билан башанг кийинган қирқ ёшлардаги аёл симрайган кўзларини сузиб виқор билан гапиряпти.*

**Аёл:** Мени шарманда қилманг, ука! Яхшиликни унутмайдиганларданмиз.



**Абдумалик** (*истехзо аралаш*): Шарманда бўлиб бўлган-сиз, ўзи! Бирингиз уч фарзанднинг онаси, бирингиз беш бола-нинг отасисиз, ҳадемай куёв-келин кўрай деб турганингизда саёқ йўлда тентираб юрибсизлар. Сочингизга оқ оралаганда шу иш жоизми? Яна сиз депутатман, коммунистман дейсиз... Сиз қибласи йўқ одамсиз!

**Аёл** (*алам билан*): Ҳм! Биз сўрадик-у, сиз йўқ дедингизми?! Эсиз, эсиз одамгарчилик...

**Абдумалик** (*гапини бўлиб*): Фарзандларни хору саргардон қилиб қўйиб одамгарчилик ҳақида гапиряпсизми?!

**Аёл** (*юзи гезариб*): Ҳой, ҳадеб қутурган отга ўхшаб ер теп-синманг. Бунақаларнинг умри қисқа бўлади!

**Абдумалик**: Қўрқитяпсизми?

**Аёл** (*тиржайиб*): Огоҳлантиряпман!

## Лавҳа

*Ярим кеча. Тун ойсиз, қоп-қоронғи. Фақат ҳовли тўридаги иморатнинг қайси бир хонасидан таралаётган чироқ нури зул-мат ваҳимасини юмшатиб чор атрофга файз бериб турибди.*

*Кўча эшик иллагини ташқаридан кимдир чўп билан қўта-риб туширади, эшикни ғижирлатмасдан очиб ҳовли томон оҳиста қадам ташлайди. Қора кўланка қаёққа боришини, нима қилишини аниқ билади, шекилли, тўғри олма дарахти тагига қўйилган ёзги каравот олдига келиб тўхтайдди. Каравотда Аб-думалик ўғли Ҳасан билан бирга ухлаб ётарди. Қоронғиликдан сирғалиб чиққан кўланка ғира-шира бўлса-да ёруғлик ҳудудига ўтгач бўйи-баста билан кўзга ташланади. Бу қўшни маҳалла-лик 35 – 40 ёшлардаги савдойи йигит, ҳаммага таниш далли-девона Нажим эди. У кунини санғиш билан ўтказар, ҳеч кимга зарари тегмас, асосий юмуши кўчадан топганини кўчада еб-ичиб юриш эди. Бугун ҳам эғнида ҳар вақтдагидек оппоқ яқтак-иштон (қари онаси девона ўғлининг усти-бошига яхши қарар, кучи етганча ювиб-тарарди), тақир қилиб қирилган бошига гилам дўппини бостириб олган, оёқяланг ва ўнг қўлида учли қи-либ синдирилган шампан бутилкаси... Девона ҳеч нарсадан бе-*

хабар қаттиқ ухлаб ётган ота-болага бир оз тикилиб туради. Унинг бир қарашда қўҳликкина юзида, қоп-қора, катта-катта кўзларида ҳеч қандай маъно йўқ, бирор фикр ҳаракати сезилмайди. Сокин, ҳатто бир оз кулимсираган қиёфаси ниҳоятда хотиржам. Одам ўлдириб келган қотилга сира ўхшамайди. Лекин у бугун айнан жон олишга юборилган. Ўткир ханжарга айлантирилган мана шу бутилка синиғи билан Абдумаликнинг бошини мажақлаб ташлаши керак. Ҳозир бу ишни пухта бажариш учун қулай жой ахтаряпти, холос. Турган еридан қулочкашлаб бошга солиш учун темир каравот суюнчиғи халақит берадигандек туюлди. Аста сурилиб ухлаб ётганларнинг ён томонига ўтди. Қўлини энди юқорига кўтарган ҳам эдики, томда мушуклар тапир-тупур қилиб миёвлаб қолишди. Ўткир ва ёқимсиз товуш Абдумаликни беҳосдан уйғотиб юборди. Кўзини очдию тепасида пичоқ (шиша синиғи пичоқ бўлиб кўринган эди) ўқталиб турган кишини кўрди. Шу заҳоти ғайришуурий туйғу билан қаршисидаги тажовузкорга чапдастлик ила мушт солди. Девона қутилмаган зарбадан орқага гандираклаб ерга ўтириб қолди. Лекин тезда ўзини ўнглаб олиб қоча бошлади. Абдумалик каравот устидан сакраб тушиб уни қува кетди. Қўча эшиги қаттиқ очиб-ёпилганидан аввал Ҳасан, кейин уйдагилар уйғонишди. Талмовсираб қўчага мўралашганда кимнидир таъқиб қилаётган отасини кўришди.

**Абдумалик** (етиб олиб, бўғзидан олади): Аблаҳ!.. Нима қилиб юрибсан ярим кечаси ҳовлимда?.. Ниятинг нима эди?

**Девона:** Ока, менга буюришди... Ўлдир дейишди... Мани айбим йў...

**Абдумалик:** Нима?! Ким ўлдир деди?! Гапир, ифлос!

**Девона:** Билмиман, ока, билмиман... Худо урсин!..

**Абдумалик:** Ўлдир деса, ўлдираверасанми, аҳмоқ?!

**Девона** (йиғламсираб): Нима қиле, ҳа, маниям хотин олгим келади. Ойим, опам сани уйлантириб бўмийди дейишди. Мани-чи, уйлангим келади. Ўшалар зўр одамлар экан. Абдималини ўлдирсанг, санга хотинни зўридан олиб берамиз

дейишди. (Бирдан кўзлари олайиб хохолаб кула бошлади.) Сизни барибир ўлдирман, кейин котта тўй қип уйланаман. Ман ўлдирмасам, бошқалар ўлдиришади... (Девона кулавергани сари катталашиб Абдумаликни боса бошлайди. Унинг эса нафаси бўғилиб, тобора кичкиналашиб кетаверди...)

Эрининг хириллаб қолганини эшитган Муаззамнинг эхонаси чиқиб кетади. Юзургилаб дўхтир билан ҳамширани чақириб келади. Дўхтир беморни тезда кўздан кечириб ҳамширага кўрсатмалар беради. Юрак фаолиятини тикловчи укол қилинади, кислород ёстиғи келтирилиб, найчаси бурун тешигига ёпиштириб қўйилади. Абдумаликнинг нафаси равонлашиб, аста-секин тинчланади...

**Муаллиф:** Ўлим хабарчиси ғарғарага ўхшаб онамни кўрқитган бу ҳолат яқинлашиб келаётган ажалнинг тирикликка қарши хуружларидан бири эди. Вужуднинг ўлимга қарши яна бир уриниши, яшашни истаётган жоннинг бесамар кураши эди. Бу гал ҳам ҳаёт вақтинча енгди. Лекин жуда ҳолдан тойди, кучдан кетди...

Азобли кунлардан яна бири бошланди...

### **Лавҳа**

*Палата. Ҳасан отасининг қўлини қўлига олиб юзига тикилиб ўтирибди.*

**Абдумалик** (кислород ёстиқчаси бир четга олиб қўйилган. Ўзини бир оз енгил ҳис қилмоқда): Ҳасанжон ўғлим, бора қол. Дарсларинг қолиб кетмасин...

**Дилором:** Мен ҳам шуни айтаман. Гапга кирмайди.

**Абдумалик** (ўғлининг юзига синчков қараб): Ўқишларинг яхши кетяптими? Бу йил «Глиэр»ни битирасан-а?

**Ҳасан:** Ҳа...

**Абдумалик:** Кейин консерваторияга кирасан...

**Ҳасан:** Ҳа...

**Абдумалик:** У ердан чолғучи бўлиб чиқасанми?

**Ҳасан:** Йўқ, композитор бўлиб чиқаман. Чайковскийга ўхшаб симфониялар ёзаман.

**Абдумалик** (*хомуш жилмайиб*): Чайковскийга ўхшаган композитор бўламан дегин.

**Ҳасан** (*хижолатли кулиб*): Чайковскийга ўхшаш қийин-у, лекин...

**Абдумалик:** Кўшиқлар ҳам ёзасанми?

**Ҳасан:** Йўқ. Фақат рапсодия, симфониялар ёзаман.

**Абдумалик** (*мадорсизланиб*): Ҳа, майли... Унда яхшилаб ўқи, дарсларни қолдирма. Хўпми, ўғлим?

**Ҳасан:** Хўп, ада...

**Абдумалик:** Хаёлингни қочирмай имтиҳонларга яхшилаб тайёрлан. Ҳадеб келаверма. Мен яхши бўлиб қолдим. Ана (*дераза тоқчасида териб қўйилган шиша идишчаларни қўрсатиб*) опанг табиб тайёрлаб берган дорилардан ҳам ичириб турибди...

**Ҳасан** (*хурсанд*): Ростдан яхши бўп қолдингизми?..

**Абдумалик:** Мен сени алдармидим? Яхшиман деяпман-ку, ўғлим... (*Лоҳас бўла бошлайди.*) Энди бора қол...

**Ҳасан** (*ялиниб*): Олдингизда яна бирпас ўтирай...

**Абдумалик** (*ҳазил аралаш*): Бу ерда нима қиласан? Шахмат ўйнолмасак, копток тепишолмасак... Тузалиб олай, кейин кўп бирга бўламиз.

**Ҳасан:** Тузаласиз-а, ада?

**Абдумалик:** Тузаламан, ўғлим. Бор кучим, иродам билан шунга ҳаракат қилиб ётибман-ку!.. Мен чарчадим, бора қол, ўғлим...

**Ҳасан** (*ўпиб*): Хайр, адажон!

**Дилором** (*койигандек*): Вой, ўпонғич-эй! Ҳалиям ёш боласан-а, бўлди, чиқа қол... Дўхтирлар келиб қолишса уришиб беришади.

*Опа-ука палатадан чиқишади. Касалхона йўлаги.*

**Ҳасан** (*опасини кўзига қараб*): Дилором опа, адамлар тузалиб кетадилар-а?

**Дилором** (*бир оз сукутдан сўнг*): Билмадим...

**Ҳасан**: Яхшиман деяптилар-ку!..

**Дилором**: Укам, катта йигит бўлиб қолдинг... Эркак одам ҳамма нарсага тайёр бўлиб туриши керак.

**Ҳасан**: Нимага тайёр бўлиб туриш керак?

**Дилором**: Ёмон нарсага ҳам...

**Ҳасан**: Нима, адамла ўладиларми?

**Дилором** (*гап тополмай*): Уф-ф!..

**Ҳасан** (*йиғлаб юборгудек*): Ўладиларми?!

**Дилором** (*жеркиб*): Йўқ! Ўлмайдилар. Бор уйга... Мен олдиларига киришим керак.

Ҳасаннинг ҳозиргина умиддан порлаб турган чеҳраси бирдан маъюсланиб, руҳи тушиб кетди. Қалбига баногоҳ кўнган ваҳм уни эсанкиратди. Опаси билан ҳам хайрлашмай, афтодаҳол алпозда нигоҳини ерга тикканча секин юриб кетди... Икки ўт орасида қолган бечора опа укаси касалхона дарвозасидан чиқиб кўздан йўқолгунча орқасидан қараб қолди. «Эй худо, укамга қандай айтаман? Уни қандай оевтаман?!» Вайрон бўлган кўнглини эпполмай, кўзларига қуйилиб келган ёшларни қайтаролмади...

**Муаллиф**: Ох, укагинам!.. Жигарим!.. Опанг бўйларингдан айлансин! Шунча йиллар ўтса-да, сенинг ўша кунги маҳзун қиёфанг кўз ўнгимдан сира кетмай қалбимни ҳамон ўртайди. Юрагимда алам бўҳронлари кўзғалиб, кўкка қараб ўкраб-ўкраб йиғлагим келади...

Қандоқ келишимли, хушсурат йигит бўлгансан! Гўдак мисол беғубор, бир гапириб икки куладиган қувноқ қалб косаси меҳр ва муҳаббатга лиммо-лим, юмшоқкўнгил, шоиртабиат, кўполлик ва ёмонлик қаршисида эса ҳимоясиз, беозор укагинам! Сен дунёга келганингда қанчалар қувонгандик! Туғилишинг билан бу кўрнамак дунёга қувонч олиб келган-

динг. Ўзинг ҳам ҳар бир лаҳзани қувонч билан ўтказардинг, кўзларингда олам гўзал эди! Лекин... Лекин тақдир нега сени бунчалик севмади?

Бунчалик бахти қаро бўлиб туғилмасанг, Ҳасанжон! Пешонангга отам қисматидан ҳам аянчли кўргиликлар битилган экан-ку! Бу ахир адолатданми, эй фалак?! Бўлди, бас, бас... Бошқа чидолмайман... Йиғи яна баттар бўғиб келмоқда. Яхшиси, бу ҳақда кейинроқ гапираман. Айни пайтда эса укамни орқасидан кузатиб қолар эканман, кўпроқ отамнинг дарди билан андармонман. Мени олдинда кутиб турган бундан-да оғир кунлардан ҳали беҳабарман...

## **Лавҳа**

*Палата.*

**Абдумалик (хаёлда):** Бўйлари чўзилиб, катта йигит бўлиб қолибди. Аммо ҳалиям ёш бола... Менга ёмон боғланиб қолган экан...

## **Лавҳа**

*Қоронғи чўка бошлаган. Абдумалик талабалар шаҳарчасининг охирги бекатида троллейбусдан шошиб тушади. Глиэр номидаги мусиқа мактаб-интернати томон тез-тез юриб кетади. Интернат ҳовлисига яқинлашгач панжарани ушлаганча отасининг йўлига кўз тикиб турган ўғлини кўради...*

*Ўғлида мусиқага ўзгача иқтидор яққол сезилгач, 4-синфдан шу даргоҳ бағрида ҳам ўқиб, ҳам яшаб келаётган эди. Фақат шанба-якшанбада уйига борар, бошқа кунлар машғулотлар тугаши билан отасини кутишга тушарди. Бу ҳол, айниқса, дастлабки йилларда ҳеч канда қилинмади. Абдумалик ишдан бўшаши билан ўғлининг ҳузурига шошар, у ерда бир қанча вақт бирга бўлар, сўнг шундай антиқа ўғли борлигидан кўнгли кўтарилиб, ҳориб-чарчаб уйга қайтарди... Ҳасан дадасини кўриши билан хўнграб йиғлаб юборади. Абдумалик панжарани тезда айланиб ўтиб ўғли томон шошилади.*

**Абдумалик:** Ҳасанжон, ўғлим, бу ерда бир ўзинг нима қил-ляпсан? Ҳовлида ҳеч ким қолмабди. Хонангга кириб ўтирсанг бўларди...

**Ҳасан** (*кафти билан кўз ёшларини артиб*): Сизни кутдим... Нега келмаяпсиз деб кўрқдим...

**Абдумалик:** Ўғлим, бугун навбатчи эдим... Шунга кеч қолдим. (*Ўғлини ўпиб-қучоқлаб овутади.*)

*Интернат ҳовлисининг ёруғ бир бурчагидаги ўриндиқда ота-бола гаплашиб ўтиришибди. Ҳасан қизиқ-қизиқ ҳаракатлар билан ниманидир кўрсатиб, кулиб гапириб беряпти. Дадаси ҳам ўғлининг қилиқларидан мароқланиб унга қўшилиб куляпти.*

**Лавҳа**

*Палата.*

**Абдумалик** (*хаёлда*): Менга ёмон боғланиб қолган эди-да...

**Лавҳа**

*...Ота-бола ҳовлида футбол ўйнашяпти. Ҳасан дадасини дарвозага турғизиб қўйиб ўзи копток тепади. Дадаси тўпни тутиб қололмаса, хурсандлигидан қийқириб, ирғишлаб сакрайди...*

*...Бирга шахмат ўйнаб ўтиришибди: ўғил ютқазини истамай «фирром»лик қилади, ота кулиб қўйиб ён беради...*

**Лавҳа**

*Палата.*

**Абдумалик** (*хаёлда*): Менга бир нима бўлса, ҳоли не кечаркин?.. Эй Худо, наҳот, қизларимни жойламай, ўғлимни оёққа қўймай ўлиб кетсам?..

**Муаллиф:** Шу кунгача ҳатто хаёлига ҳам яқин йўлатмаётган ўлимнинг нуқсини баногоҳ ёнгинасида кўргандек бўлди. Бу тузалмас бало чангалидан қутулишнинг ҳамма йўллари

бекилаётганини биринчи марта чуқур ҳис қилди. Вужуди жунжикиб, юраги орқага тортиб кетди...

### **Лавҳа**

*Бош шифокор хонаси. Абдували оғир нигоҳини ерга қадаган. Қовоқлари солиқ, қуюқ қошлар чимирилган. Даволовчи дўхтирнинг ташхисини диққат билан тингламоқда.*

**Дўхтир:** Гапнинг очиғи, Абдумалик аканинг аҳволлари оғир. Айни пайтда касаллик энг сўнги палласида... Оғриқ кучайиб, бемор кундан-кун ҳолдан кетиб бормоқда. Лекин кучли дорилар билан оғриқни босишга ҳаракат қилиб турибмиз.

**Абдували:** Ҳм-м! Касалликни ўтказиб юборибмиз-да!.. Чатоқ бўлибди!..

**Дўхтир:** Ҳа, Абдували Мажидович... Ошқозон очилганда саратон ўз ишини қилиб бўлганини кўрдик. Атрофидаги бошқа аъзоларига ҳам метастаз беришга улгурган, минг афсуски. Ўн беш кунча олдин операция қилинганида ҳам ошқозонни олиб ташлаб, қизилўнғачга тўғри ичакни улаб қўйишнинг иложи бор эди. Парҳез сақлаб юрилса...

**Абдували:** Ҳа, ҳа... шу йўл билан умрни бир неча йилга узайтирса бўларди... Аттанг! Дўхтир, нима деб ўйлайсиз?.. Бу ёғига...

**Дўхтир:** Бу ёғига оз қолди. Узоғи билан тўрт-беш кун, ундан ошмайди...

### **Лавҳа**

*Касалхона айвончасининг бир бурчагида, кўзлардан нарида икки аёл бир-бирининг қўлини ушлаб ҳасратда мунғайиб турибди. Бири Муаззам, ўпкасини тутолмай овозсиз ҳўнграяпти. Абдувалининг хотини Фаридaxon уни овутишга уриниб нималардир деяпти, лекин ўзининг кўзларида ҳам ёш шашқатор...*

### **Лавҳа**

*Палата. Абдумаликнинг бош томонига қўйилган курсида қунишибгина ўтирган Абдували бир ярим ой олдин кўрган*



қадрдонини эмас, устухонига ёпишиб кетган у дунё одамини кўриб турар ва ичидаги изтиробли кечинмаларни ташқарига чиқаришга йўл қўймай, ўзини бемалол ва хотиржам тутишга тиришарди. Ҳол-аҳвол сўраётганида овоз пайлари орасидан сотқинлик билан сирғалиб чиқиб кетай деяётган титроқни ёлғон йўтал билан алдашга уринарди. Лекин, энг оғири, нигоҳи Абдумаликнинг кўзлари билан тўқнаш келиб қолишидан чўчир, унинг олдида ўзини ниҳоятда гуноҳкор ҳис қиларди. Абдумалик ҳам у томон қарамас, нигоҳлари оёқ тарафидаги каравот панжаралари оралиғида бемаъно кезар, саволларга бош қимирлатибгина жавоб бериб қўя қоларди. Худди энг яқин одамидан ширинлик кутиб ололмаган боланинг аразига ўшаш бир ҳолат эди...

**Муаллиф:** Абдували Мажидов. Ўзбекистонда номдор шифокор. Профессор. Юқумли касалликлар бўйича кўплаб монографиялар яратган, фақат республикада эмас, ўша пайтда Иттифоқда ҳам таниқли олим бўлган. Бувам Иброҳим ҳожининг четда қолиб кетган икки ўғлининг бири Абдумажид амакимдан ёдгор. Отам билан амаки-жиян бўлишса-да, тенгдошлиги боис ака-укадек ўсишган. Иккови ҳам отасиз ҳаётнинг барча оғирлигини бошдан кечирган.

Абдували болалигидан сермулоҳаза, оғир-вазмин, тириш-қоқ, мақсадига эришмагунча тинчимайдиган иродали бўлиб ўсди. Абдумалик эса, ундан фарқли равишда, тўполончирок, жўшқинроқ, кўрқмас, эҳтиросли, жонқуяр бўлиб вояга етди. Лекин иккови ҳам илмнинг сирли ва заҳматли оламини забт этиш иштиёқида бир хил ёнар ва келажак ҳаётларини фақат шунда кўрар эди.

Йиллар ўтиб отам жияни Абдували Мажидов эришган ютуқларни бизга ғурурланиб сўзлаб берардилар. Унинг шундай олим бўлиб етишишида кундалик турмушнинг барча оврагарчилигию қийинчиликларини бўйнига олган аёли Фаридахоннинг хизмати катта эканини хўрсинибгина айтиб онамга секин қараб қўярдилар.

Абдували ака эса отам ҳақида: «Афсус, шундай билими, иқтидори билан турмушнинг чигал йўлларида қолиб кетди», – деб куюнардилар.

Отамнинг ҳаётда омади чопмагани сабабларидан бири феъл-атвори билан боғлиқ эди, мард ва тўғрисиў одам бўлгани боис замонасозликни хушламасди. Энг хавfli пайтларда ҳам отаси бой ўтганини яширмаган, аксинча, камбағалпарвар Иброҳим ҳожининг ўғли эканидан доим ғурурланган.

Абдумажид амаким хорижда қолиб кетгани етмаганидек, бувам бу дунёдан риҳлат қилганларидан сўнг катта, аҳил оила ўз-ўзидан тарқаб, Абдували тоғалари қарамоғи ва тарбиясига ўтади. «Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» деганларидек, фаросатли тоғалар керакли ҳужжатларга жиянининг келиб чиқишини «ишчи косиб» деб ёздирди. Чет элда қолиб кетган «душман» ота умуман тилга олинмайди. Бу тадбир эса Абдувалининг келажагида катта роль ўйнайди.

Замона анча юмшаб, «Ўғил ота учун жавоб бермайди» деган қоида кучга киргунча яна қанчадир вақт ўтади ва, ниҳоят, ажралиб кетган жигарлар бир-бирларини ахтаришга тушади. Узоқ суриштирув ва қидирувлардан сўнг Германияда қўним топган амакиси ва Туркияда бола-чақа орттириб илдиз отган отасининг дараги чиқади. Уларнинг дийдорлашувига оз қолганида эшиклар яна тақа-тақ ёпилади. Германияга (ГФР) борган СССР раҳбарларидан Николай Подгорный расмий йиғинларнинг бирида русларга қарши кайфиятдаги ўзбеклар билан тўқнаш келади. Унга «Туркистонда қачонгача ўрислар ҳукмронлик қилади?» деган маънода кескин савол берилади ва қатъий жавоб талаб этилади. Бу саволни Германияда геология фани бўйича катта ютуқларга эришган таниқли олим ва жамоатчи Аҳмаджон Иброҳим ўғли, яъни Абдували Мажидовнинг амакиси берган эди. Шундан сўнг текшир-текшир бошланиб кетади. Абдували Мажидовнинг боши ғалвадан чиқмай қолади. Институтдаги (ўша пайтда САМПИда ректор эдилар) ишлари қолиб кетиб, эртадан-кечгача керакли ташкилотларга жавоб бериш билан овора бўлади. Айни шу

воқеа отамнинг Абдували дўстидан ёрдам кутиб ётган вақтига тўғри келади. Йигирма йил аввал ўз жонига қасд қилиш ниятини туғдирган оғир хўрликлардан сўнг ошқозон яраси ёрилиб кетиб, жарроҳлик столига ётқизилгач, тепасида Абдували дўсти турган, энг машҳур ва қўли енгил жарроҳларни жалб қилганди. Ўша муваффақиятли операциядан сўнг отам қанча вақт оғриқсиз роҳатда яшади. Бу гал ҳам унинг ёрдамига ишонганди. Лекин тақдир ўзга ечимини тайёрлаб қўйган экан... Абдували аканинг хижолати ва отамнинг арази шундан эди.

*Ўзаро суҳбат аста-секин илиқлаша ва жонлана боради, Абдумалик нимадир дер, Абдували эса завқланиб кулар эди.*

**Муаллиф:** Отам бўлиб ўтган воқеалардан қисман хабар топгач гўдакларча аразидан хижолат чекди. Аста-секин хуруж қилиб келаётган оғриққа қарамай, ёшликдаги хангома-лардан сўйлаб дўстини кулдиришга тушди. Абдували кулар, кулгидан кўзлари ёшланар, лекин кўнгил уйи қоп-қоронғи, чироқ ёқса ёришмасди. Шу тобда оғриқли ўйлар билан бирга уни баттар қийнаб болалик, ёшлик хотиралари ҳам ўрnidан кўчиб, кўз ўнгидан беихтиёр ўта бошлаган эди. Отасизлик, оч-наҳор кунлар, уруш... ва биргаликда кечган йигитлик айёмининг завқ-шавққа тўла фараҳли онлари...

...Урушдан кейинги қайта тикланиш даври эди. Сувга ташлаб қўйилган қора қозон ҳали ёққа тўйиниб улгурмаган. Абдували тиббиёт институтини тугатиб аспирантурага кирган йили. Севги сўраб ўтирмас экан. Кутилмаганда бир қизни севиб қолади.

Лутфий ва Фузулий ғазаллари гулшанида тарбият топган бу қиз ҳам соҳибжамол, ҳам баркамол эди. Бунинг устига, ўзига тўқ, ўқимишли, зодагон оиланинг суюкли фарзанди. Шундай хонадонга куёв бўлиш учун эса Абдувалининг қўли калталиқ қилар ва у икки ўт орасида ёмон қийналаётган эди. Айни вази-яатда дўстининг дардидан хабардор Абдумалик бирдан-бир

бойлиги, яхши кўрган отини сотиб бир даста пулни унинг кўлига тутқазади. Бу ўктамлик қайсар ва мағрур Абдувалининг севганига уйланишига қаршилиқ қилаётган қариндошлари олдида бўйни эгилиб қолишидан қутқарган эди. Ана энди ҳозир сўзлашиб, дийдорлашиб турган болалик ҳамроҳи, қадрдони борса келмасга абадулабад кетяпти. Бевақт, бемаврид кетяпти. Бу дунёдаги азоб ва армонларга тўла сафари, ниҳоят, поёнига етяпти. Энди уни ҳеч қачон кўрмайди, эшитмайди... Абдувалининг шуурига ихтиёрсиз бостириб кирган бу шум фикр томоғини ачитар, кўзларини ёшлантирар эди. Йўқ... у йиғламас эди, кулар эди. Кўзлари гўё кулгидан намланар эди...

Абдували Мажидовнинг келиб-кетгани отамнинг тушкун кайфиятига ижобий таъсир қилди. Умидсизлик домига тушиб қолган қалбига қайта нажот чироғини ёқди. Уни шу кунгидек бир кишилиқ ёруғ хонага кўчиришди. Дўхтирлар серқатнов бўлиб қолишди. Томир қабул қилишдан бош тортган дармон-дори энди тери остидан юбориларди. Отам чиндан ўзини яхши ҳис қила бошлади. Лекин бу яшашни жуда истанган вужуднинг охириги уриниши экан.

### **Лавҳа**

*Дилором палатага кириб келиб отасининг кўлига янги соат тақди. Ҳеч бир сабабсиз, бемаврид ҳада этди. «Ада, ҳали яшайсиз!» деган маънода лаҳзалиқ умид бағишлаш эди нияти. Отаси кутилмаган совғани ортиқча шавқсиз оддийгина қабул қилди. Салдан кейин билагини ёруққа тутиб соатни болаларча синчиклаб томоша қилди. Бир оз ўтмай чарчади, шекилли, кўли шилқ этиб ёнбошига тушди. Кўкрагидан хўрсиниққа менгзаш «уф» кўчиб, кўзларини юмди. Зимдан кузатиб турган қизи отасини ухлаган гумон қилиб ёнидаги курсига келиб ўтирди. Чўндай билагида: «Унга не керагим бор?» – дегандек ҳайрон бўлаётган соатга қараб хаёлга ботди...*

**Муаллиф:** Отам бир неча йил ижарама-ижара тентиб юриб, бошпанасизлик хўрлигини обдан тотгач, ниҳоят, минг

қийинчиликлардан сўнг уй-жойли бўладилар. Ўзбек театр жамиятида партия ташкилоти котиби, телевидениеда муҳаррир лавозимида ишлаб ўзларини руҳан анча ўнглаб оладилар. Эски аламлар унутилади. Энг катта орзулари ушалади – уч қиздан сўнг ўғилли бўладилар.

### **Тасвирда:**

– Дид билан ясалган уй. Ҳарир тўрпардалар... Хона ўрта-сида катта думалоқ стол, атрофига стуллар терилган. Стол тепасида ажиб кайфият уйғотувчи ипак шокилалари сочилиб турган пуштиранг абажур, стол тагида чўғдай порлаб турган қип-қизил гилам... Уста дурадгор қўли билан ўйиб ясалган тахмон: бир тарафига оҳорли кўрпа-ёстиқлар тахланган, иккинчи тарафига эса асл чинни идишлар тўриб қўйилган...

– Муаззам оғироёқ, янги ювилган оппоқ чойшабларни қоқиб дорга осяпти; Абдумалик чопилган ерга жўяк тортиб помидор, райхон эяпти. Қизи Дилором райхон новдаларини дадасининг қўлига тутқазиб қарашиб турибди. Малика билан Гавҳар эса копток ўйнаб ҳовлида қийқириб чопқиллаб юришибди...

– Абдумалик ҳовлига ҳовлиқиб кириб келади. У ниҳоятда хурсанд. Қизларига ўғил укали бўлишганини айтади. Қизалоқлар қий-чув кўтариб кўзичоқлардай сакрашга тушишади. Айниқса, Дилором қувончини ичига сиғдиролмайд «ура-а» деб қичқирганча ҳовлини бир айланиб чиқади...

**Муаллиф:** Тинчлик ва хотиржамликда беш йил ўтади. Ҳаёт ўз маромида текис, осойишта кечаётган паллада отамни Бўстонликдаги қайсидир дам олиш масканига директор қилиб жўнатишади. Мақсад издан чиққан хўжаликни қайта тиклаб республиканинг энг олди даволаниш ва дам олиш масканларидан бирига айлантириш эди. Ҳақиқатан ҳам, отам тез орада у ердаги номаъқулчиликларга барҳам беради. Давлат мулкани ҳеч тап тортмай талон-торож қилаётганларни фош этишга тушади. Дам олиш маскани ривожини учун ажратилган маблағни беҳижолат чўнтакка ураётган раҳбарларни ишдан

бўшатади... Охир-оқибат отамнинг ўзини ўғрига чиқаришади. Бирга ўғирлаб, бирга ейишга ўрганган киссавурлар бир ёқадан бош чиқариб ёлғон актлар тузишга киришади. Сохта гувоҳлар билан отамни тухматга кўмиб ташлашади. Икки тийин учун узоқ муддатга қамалиш оддий ҳол бўлган ўша замонда бутун бошли буқани отамга «едириб юборишади». Булар билан ҳамтовоқ район прокуратураси ҳам бел боғлаб отамнинг ишини жадаллик билан судга оширади. «Социалистик мулкни талон-торож қилишда ўз лавозимидан фойдаланган» каби жуда оғир айбнома билан отам бошига қамалиш хавфи тушади. Лекин юридик маълумоти ҳам бўлгани, қонунларни икир-чикиригача яхши билгани унга асқотади. Ўзига ўзи адвокатлик қилиб муқаррар қамоқ жазосидан қутулиб қолади. Бу жараён олти ой давом этади. Отам олти ой идорама-идора ҳисоб бериб юради. Оқланганидан кейин ҳам судланган деган тамға билан ишга киролмай яна бир неча ой сарсонни чиқади. Айни шу вақтда онам ҳам ишсиз эди. У киши тиббиёт техникумини отамнинг кўмагида бир амаллаб битириб олгач тиш дўхтири бўлиб ишлаб келардилар. Назариядан жуда кам билимга эга бўлсалар-да, амалиётда қўли енгил, яхши дўхтир деган ном қозонгандилар. Топиш яхши-ю, тутиш ўша-ўша. Маоши бир кунлик байрам билан тугайди. Отамнинг бошига янги савдолар тушган вақти онам яқинда туғилган синглим билан овора бўлиб уйга ҳеч қаердан пул келмай қолган эди. Мен ўшанда қашшоқликнинг хунук башарасини яқиндан кўргандек бўлгандим...

### **Тасвирда:**

*– Абдумалик қайсидир раҳбар қабулида, унинг қўлини сиқиб муваффақият тилашяпти...*

*– Директорлик фаолиятининг бошланиши: янги жойларни айланиб чиқяпти, одамлар билан танишяпти; хушомадгўй, кўрқоқ башаралар; хужжатларни ўрганмоқда; мажлис ўтказмоқда; терлаган юзлар, ғайирли, хўмрайган кўзлар...*

*– Прокурорга арз-дод қилишмоқда. Кўзларида ваҳима-кўрқув...*

– Қора тун. Собиқ директор уйда фитна уюштирилмоқда...

– Сўйилган буқанинг гўшти бўлакраниб қоғоз халталарга жойланган. Абдумалик кўним топган уйнинг кўздан нари хилват ерига сездирмасдан тахлаб қўйишади...

– Эрта тонгда терговчи икки милиционер билан Абдумаликнинг хонасига бостириб келади; уй орқасидаги бўлакланган гўшларни кўрсатиб, гувоҳлар иштирокида акт тузилади...

– Абдумалик бошини ушлаб ёлғиз ўтирибди. Кўзларида даҳшат ва ҳайронлик...

– Текширув органларидаги савол-жавоблар...

– Болалар ухляшпти. Ним қоронғи уйнинг бир бурчагида эр-хотин ғамга ботиб ўтирибди. Муаззамнинг қўлида йўрғакланган чақалоқ. Яна бир ўғил кўриш ниятида яқинда қиз фарзандли бўлишганди.

– Суд жараёни... Ниҳоят, оқланув ҳужмининг ўқилиши; қатнашувчиларнинг ҳар хил нигоҳ ва ҳар хил ҳолатлари...

– Абдумаликнинг иш қидириш ҳаракатлари; идораларга киради, чиқади, ҳужжатлар билан танишган мутасадди кишилар унинг гапини ҳам эшитмай қоғозларини қайтариб қўлига тутқзади...

– Дастлаб кўринган уй манзараси тубдан ўзгарган: анчадан бери ювилмаган, хира тортган деразалар тўрпардасиз, тахмонлар бесаранжом, думалоқ стол дастурхонсиз, сири кўчган чойғум ва лаби учган ҳар хил пиёлалар сочилиб ётибди...

– Ичкари хонадаги темир каравотда Муаззам қизчасини эмизиб паришонхотир ўтирибди...

## **Лавҳа**

Йиғиштирилмаган хона.

**Муаззам** (алам билан): Эмишишга сутим қолмади...

**Абдумалик** (хижолатдан юзи ўзгариб кетади): Кечагина харажатга пул берган эдим-ку...

**Муаззам:** У пулингиз нима бўларди?..

**Абдумалик** (айбдордек): ...Ўзингга ишлатиб турсанг...

**Муаззам:** Битта ўзимга қандай қилиб ишлатаман?.. Сут бўлади деб музқаймоқ олган эдим...

**Абдумалик** (*жаҳли чиқиб*): Бир қутими? (*Хотини индамайди.*) Пулни ўрнига қўйиб ишлатишни ҳеч ўрганмадинг-да!

**Муаззам** (*овози титраб*): Музқаймоқни битта ўзим ейманми, болаларингиз мўлтираб турганда?!

**Абдумалик** (*шаштидан тушиб*): Уф-ф! Ҳа, бўпти... Яна озгина чидаб тур.

**Муаззам:** Чидамай нима қиялпман? Неча ойдан бери гўшт емаймиз. Ҳамидулла ака бугун ҳам қарзини сўраб чиқди. (*Абдумалик сигарет тутатиб чуқур-чуқур тортади.*) Онамдан пул сўраб турсам майлими?

**Абдумалик** (*истеҳзо билан*): Фақат онанг берармикин? (*Сигаретни бўш гугурт қутисига эзиб солади.*) Соат ўн бирда ТошДУнинг проректорига учрашишим керак. Эски оғайнилар марксизм-ленинизм кафедрасидан жуда бўлмаганда ярим ставка дарс гаплашиб беришни ваъда қилганди. Шундан умидланиб турибман...

*Аста юриб ташқарига чиқади. Табиатда куз ҳукмронлиги бошланган бўлса-да, ёзнинг иссиқ тафти ҳали унчалик пасайганича йўқ. Бугун ҳам кун эрталабдан исиб кетди. Ҳаво дим. Ёмғир ёғадими, ким билади, осмоннинг бир чеккасидан ғаш кўнгилнинг туси мисол ним кулранг булутлар кўтарилиб шарққа йўрғалаб келмоқда...*

*Абдумалик остонада бир томони қийшайиб кетган бошмоғини эгилиб кияди, оғир кунлар эзиб қўйган қаддини иштиёқсиз кўтарганда кўзи олма дарахти панасида чўлтоқ супургини рубоб қилиб ўзи тўқийётган «нанай-нанай» куйини завқ билан чалиб ўтирган ўғли Ҳасанга тушди. Эгизаги Зухра эса шафтоли дарахти тагига тўкилган оппоқ, серсув меваларнинг сарагини териб қорин тўйдирши билан овора. Тўрт ёшлардаги бу эгизаклар феъли ва суврати жиҳатидан бир-бирига унчалик ўхшамасди. Ҳасан оппоққина, мулойим, беозор болакай, ўн дақиқа кейин туғилган синглиси Зухра эса буғдойранг, қоп-қора*



кўзлари доим чарақлаб турадиган тийраккина қизалоқ. Лекин жуда иноқ эдилар. Доим бирга юришар, бирга ўйнашар, камдан-кам уришишарди, айниқса, катталар тушунмайдиган тилда чулдираб гаплашганларида кишини ҳам завққа, ҳам ҳайратга солишарди. «Тавба, болаларнинг ҳам фақат ўзлари тушунадиган тиллари бўлар экан-да», – деб ажабланардик.

Бирровгина эътиборини олган эгизаклар бу гал кўнглини овутолмади. Баттар ғаш қилди. Ўғли чалаётган рубоб ўрнидаги чўлтоқ супурги ота қалбини оғритди. У бошини эгиб кўча эшикка йўналар экан, ўғлининг чопиб келаётганини пайқаб тўхтади. Бир қўли билан боғичи бўшаб, тушиб кетай деяётган иштончасини тутамлаб олган, иккинчи қўлида эса супурги...

**Ҳасан:** Ада, ада... манга чим оп кейин, чимим тучиб кетвотти...

Абдумалик бир қалқиб тушди. Бўғзига келиб қадалган аччиқ тошни аранг ютиб юборди. Ҳеч нима демай кўчага отилди. Орқасидан ўғилчаси: «Чим оп кейин, хўппи, ада?» – деганча чулдираб қолди. Абдумалик кўчада ўтган-кетганни илғамай аламда жадаллаб борар экан, биринчи марта ўзидан нафратланди. Ҳалоллигию ростгўйлигига, ҳақиқатгўйлигию тўғрилигига мингдан-минг лаънатлар ўқиди.

### **Лавҳа**

Палата. Абдумаликнинг озиб-чўкиб тушган кўкраги бир кўтарилиб «ўҳ-ҳ!...»га ўхшаш оғир нафас қалқиб чиқди. Хонани йиғиштириш билан овора қизи дарров сергак тортди.

**Дилором** (дадасининг олдига секин келиб): Ада, нима бўлди?.. Ухламаяпсизми?..

Абдумалик жавоб бермай ўзини ухлаганга солиб ётишни афзал билди. Дилором унинг териси суякка ёпишиб, ажинлари текисланиб кетган қадрдон юзига қараб турди-да, иссиқ-

дан лоҳас бўляптимиқан деган ўйда сочиқ билан аста елпий бошлади. Касалхона кўйлагининг кўтарилиб қолган енгини тушириб кўйди. Шунда янги тақилган соат остидаги терининг оқаринқираган ерига кўзи тушди. Бу илгари доим тақиб юрадиган эски соатининг ўрни эди. Эҳ-ҳе, ақлини таниганидан буён отасининг кўлида кўриб келган, чўзинчоқ, кумуш соат... Кумуш бўлмаса керагов, лекин шундай дейишарди. Ўша соат кўлдан ечилганидан кейин қанча замонлар ўтди, лекин ҳали ҳам жойи оқаринқираб, ажралиб турибди...

### **Лавҳа**

Эрталабдан феъли бузила бошлаган об-ҳаво пешинни ўтказиб тамоман айниди. Бўғилиб турган осмон кўнглини бўшатиб тўкилиб ҳам олди. Нафас олиш анча осонлашди. Лекин ердан кўтарилган тупроқ аралаш хазон иси олдинда кутаётган рутубатли, хазонрезги қунларни эслатиб кўнгилини бир оз ғаш қилади.

Дилоромнинг ўқишдан эндигина келиб турган пайти. Яқинлашиб келаётган Октябрь инқилоби қунига бағишлаб ўтказиладиган йиғинга анча олдиндан қаттиқ тайёргарлик бошланган. Мактаб комсомол ташкилотининг илғорларидан бўлгани боис ташкилий масалалар муҳокамасида қатнашиб бугун кечроқ қолган эди. Дилором салом бериб уйга кирганида онаси чақалоғини ухлатиб, у ёқ-бу ёқни йиғиштириш билан овора эди. Сингилларию укасини яқинда яхшигина ёғиб ўтган ёмғир уйга ҳайдаган. Мактабдан аллақачон қайтган Малика билан Гавҳар «Алифбе» китоби устида мук тушишган. Бу йил биринчи синфга чиққан Гавҳарни ўқитишга опачаси зўр бериб тиришар, Ҳасан билан Зуҳра эса одатдагидек «вижир-вижир» қилиб неларнидир чуғурлашарди. Дилором сумкасини стулга кўйиб, қора фартугини ечиб, каравот суянчиғига илган ҳам эдики, кўча эшик тарақ этиб очилиб, тарақ этиб ёпилди. Кейин кимдир бўғилиб йиғлай бошлади. Дилором диққатини ташқарига қаратиб бир оз эшитиб турди-да, «Вой, адам...» – деб ҳовлига отилди. Унинг ортидан бошқалар ҳам олдинма-

кейин чиқа бошлади. Дадаси уй орқасидаги фақат томи ёпик, атрофи очиқ кўмирхона ёнидаги тўнкага ўтириб олиб хўнграб йиғлар эди. Кўлида тўртта гижда нон...

**Абдумалик (йиғлаб):** Падарига минг лаънат бунақа партиянинг!.. Агар ҳақиқати, адолати шунақа бўлса, тупурдим бунақа адолатга, ҳақиқатга... Қайси қилган айбим учун менга бу жазо, бу азоб?!.. Болаларимни едиrolмасам, кийинтиrolмасам... Ҳатто нон олишга ҳам пул тополмасам...

Ўпкаси тўлиб, силкина-силкина янада баттарроқ йиғлади. Хотини нима қилиш, нима дейишни билмай секин бориб эрининг кўлидаги нонни олди. Болалари тизилишиб отасига қараб ҳайрон туришибди. Дилором тош қотган. Шу пайт ёноқларидан кўз ёшини сидириб ташлаётган дадасининг билагига кўзи тушди. Демак, отаси ўнг кўлидаги қадрдон соатини сотиб ҳозир онасининг кўлидаги тўртта гижда нонни олиб келган! Тўртта гижда нон!..

Дилором хўнграб юборишдан ўзини зўрға тийиб лабини қаттиқ тишлади. Сўнг ҳовли этагидаги жарликка секин, сездирмай тушиб кетди... Шовқин солиб оқадиган анҳор билан ҳовли оралиғида кичикроқ жар бор эди. Жар бўйлаб анҳордан сизиб ўтган жилғалардан ҳосил бўлган ариқ оқарди. Атрофи ҳар хил ўт-ўланлар, баланд ўсган ёввойи ялпизларга бурканган эди...

Дилором пастга югуриб тушди, чўккалаб ўтлар панасига яширинди, ариқдан ҳовучлаб сув олиб, юз-кўзи, бўйинларига сепа бошлади. Оташ бағридан отилиб чиқмоқчи бўлаётган вулқонни, ўкирикни муздек сув билан босмоқчи бўларди гўё. Аммо кўзларидан беихтиёр ёш куйилар, лаблари буришиб, даҳани бетўхтов титрар, ўз-ўзидан туғилаётган хўрсиниқни босолмай кўкраги оғрир эди. Ўзи билан ўзи андармон беташвиш, безавол зилол сувнинг шўх чулдираши эса қаердадир бахт борлиги, кимлардир бахтиёр эканлигини эслатиб баттар хўрлигини келтирар, бахтсиз отасига беҳад юраги ачир эди...

**Муаллиф:** Отам вафодор ёридан айрилган кишидек хўнграб-хўнграб йиғлар эди. Севгилисидан айирган зўравонларга лаънатлар ўқиб йиғлар эди. Энг оғир хўрликларни бошдан кечирган дамларда ҳам унга ёри – эътиқоди вафо қилади деб инонар, унинг муҳаббати ва эътирофига барибир эришаман деб ишонар эди. Аммо ҳозир севгилисидан бевафолик кўрган кишидек алам билан бўзларди... Эҳ, отажоним, ху-в ўша кунларда партияни, сиёсатни, дабдабали хитобларни бўралаб сўкиб, эсиз кетган ҳаётига ачиниб йиғлаб ўтирган Қосим ака ҳозир эсингизга тушмадимикин? Бир кун келиб сиз ҳам қопқора кўмир тўкилган ерда умрингизни бағишлаган юксак ишонч-эътиқодингизга аза очиб, боладай бўзлаб ўтиришингизни ҳеч хаёлингизга келтирганмидингиз? Йўқ!.. Йўқ... йўқ...

### **Лавҳа**

*Палата. Хотиралар уммонига бир шўнғиб олган Дилором шу тобда хаста отасининг қўлларини кўзига суртиб ўнгиси келди, лекин уялди. Беихтиёр кўзидан юмалаган ёш янги соатнинг юзига «чак» этиб томди. Бу гал соатдан «Жуда кеч тақдинг» деган таънани эшитгандек бўлди. Юраги баттар ўртанди.*

**Абдумалик (кўзини очиб):** Ҳа, қизим, нима бўлди?

**Дилором (шошиб):** Ҳеч нима...

**Абдумалик:** Нега бундай ўтирибсан?

**Дилором:** Исиб кетаяпсизми деб елпиб ўтирувдим... Уйғотиб юбордимми?

**Абдумалик:** Ухламаётгандим... Сени ҳам қийнаб юбордим, қизим...

**Дилором (шошиб):** Вой, вой... Нега ундай дейсиз, ада? Қийналиб нима қилибман?..

**Абдумалик:** Бу ёғига ҳам ҳамма ташвиш сенга қоладими дейман...

**Дилором (қўрқиб):** Ада, бу нима деганингиз?..

**Абдумалик:** Йўқ... Ҳеч нима... Ҳар эҳтимолга қарши гапириб қўйдим-да...

*Хонага Баҳринисо киради.*

**Баҳринисо:** Абдимали, қайнонанг кепти. Кирвурсинлами?

*Хонага қўйилган бошқа бир каравотда Муаззам ухлаб ётарди.*

**Баҳринисо** (каравот бошига келиб): Маззамхон, туринг, ойиз келдила.

**Абдумалик:** Ие, Муаззам шу ердами? (Кулимсираб) Ухлаб ётувдими? Сезмабман...

**Баҳринисо** (келинининг ёнини олиб): Кечаси билан ухлолмай чикувдила...

**Абдумалик** (уйқусираб турган хотинига меҳр билан қараб): Ухлолмаган куниям бўларканми?

*Баҳринисо укасига танбеҳ бергандек қараб бошини сарак-сарак қилиб қўйди. Дадасининг илгариги пайтлардагидек ҳазиллашиб кулаётганидан Дилоромнинг кўнгли ёришиб кетди.*

**Муаззам** (сочини тўғрилаб): Ойим келдиларми?

**Абдумалик** (опасига): Кираверсинлар.

*Ҳеч қачон қўлидан қўймайдиган катта сумкасини кўтарганча Иқбол ойи лапанглаб кириб келади. Кейинги пайтлари ўзини анча олдириб қўйган. Уч ўғилдан иккисининг борди-келдиси онани ёмон чарчатган. Ялиниб-ёлворишлар, совурилган пуллар Иқбол ойини бурунги шаштидан тушириб қўйган эди. Айниқса, жини бир-бирига тўғри келмаса-да, куёвининг ҳам шу қўйга тушгани уни рости билан ташвишга солди. Турмушнинг «т» ҳарфини билмайдиган қизининг аҳволи энди не кечади? «Ёрдам беринг», – деб буниси ҳам бўйнига осилиб олса, нима қилади?*

**Иқбол ойи** (сумкасини оёғи тагига қўйиб стулга чўкади): Абдумалик, тузук бўлиб қолдингизми?

**Абдумалик** (*истеҳзо билан*): Тузукка ўхшайманми?..

**Иқбол ойи** (*пичингни англамай*): Ҳа, кўринишингиз яхши. Худо хоҳласа, гижинглаган отдай бўлиб кетасиз... (*Абдумаликнинг энсаси қотади.*) У-бу нарса егингиз келмаяптими?..

**Абдумалик** (*бирдан хотинига қараб*): Муаззам, тарвуз егим келяпти.

*Ҳамма бир-бирига қараб қўяди.*

**Абдумалик** (*қайнонасига қараб*): Тарвуз егим келяпти.

**Иқбол ойи**: Вой, ҳозир тарвуз қолибдимми?! Қолганиям ириб-чириб бўлган.

**Муаззам** (*шошиб*): Малайкажон, тарвуз егингиз келяпти-ми, ҳозир топиб келаман... (*Сумкачасини олиб чиқа бошлайди.*)

**Иқбол ойи** (*жаҳлланиб*): Ҳой Маззам, ҳовлиқма. Тарвузни вақти ўтиб кетган. Бўлгандаям менинг омборимда бўларди. Менда йўқ, оламда йўқ.

**Муаззам** (*онасининг гапига аҳамият бермай шиппакни туфлига алмаштириб эшик олдига боради*): Малик ака, кеч-гача тарвуз топиб келаман. (*Чиқиб кетади.*)

**Баҳринисо** (*овози титраб*): Ажойиб хотининг бор-да... Йўқ нарсани қаёқдан топиб келаркин-а?..

*Абдумалик мийғида кулиб қўяди. Бир неча дақиқа жим қолишади. Сўнг Иқбол ойи доим негадир нафталин ҳиди анқиб турадиган сумкасини очиб битта шпрот консерваси, яна битта қуюлтирилган сут банкасини столга тарақлатиб қўяди. Сумкасини тағин оёғи остига жойлаштириб бир ишни қойиллатгандек куёвига қарайди.*

**Иқбол ойи**: Абдумалик, айтинг, яна нима егингиз келяпти, нима олиб келай?..

**Абдумалик** (*аччиғи чиқиб*): Бир қоп мош билан, бир қоп гуруч!..

Сувни зўрға ютаётган беморга шундай савол берган кишига муносиб жавоб эди бу! Иқбол ойи жим бўлиб қолди. Бошқалар ҳам бир сўз айтишга ботинолмади. Иқбол ойи юзини дераза томонга ўгириб яна озроқ ўтирди-да, совуққина хайрлашиб секин чиқиб кетди. Дилором аммасига «Сиз шу ерда бўлиб туринг» деган маънода имлаб, бувисини кузатгани орқасидан эргашиди. Палата эшигининг тагида оқ халат кийиб ичкари киришга ботинолмай турган сингиллари Зуҳра билан Гавҳарни учратди. Дилоромнинг авзойи бузилиб, лаблари чимирилиб кетди. Бувисини кузатиб қўймоқчи бўлганини ҳам эсдан чиқарди.

**Дилором** (Гавҳарга қарамай, Зуҳрага юзланади): Нега бунга эргаштириб келдинг?!

**Зуҳра:** Адамларни кўргани...

**Дилором** (алам билан паст овозда): Кўргани?.. Кўриб нима қилади?! Ётибдилар ўлимларини кутиб...

**Зуҳра** (титраб): Аҳволлари шунчалик ёмонми?

**Дилором:** Ёмон! Жуда ёмон!..

**Зуҳра** (кафтларини юзига босиб йиғлаб юборади): Адажон...

**Дилором** (кўнгли юмшаб): Ўзинг кир... Фақат кўз ёшингни артиб кир. Ёмон фикр хаёлларига келмасин. Анави (Гавҳарни кўрсатиб) кирмайди. Йўқолсин бу ердан. Безрайган юзини кўрмайин...

**Зуҳра** (ҳиқиллаб): Ке-ке-чирим сўра-сўрагани келдилар... Киритинг, опа...

**Дилором** (аламдан овози баландлаб кетади): Кечирим?! Ўлдириб бўлиб, энди кечирим сўрайдимми?! (Ниҳоят, юзини Гавҳар томон буради.) Мақсадингга етдингми?! Менга бунақа отанинг кераги йўқ дегандинг. Энди йўқ отанг! Шунга хоҳлаганмидинг?! Кет бу ердан. Сенинг ўқрайган кўзларингни бошқа кўрмасинлар!..

*Палата эшиги очилиб, Баҳринисо амманинг боши кўринади.*

**Баҳринисо:** Дилором, тинчликми, нима бўляпти?

*Ичкаридан Абдумаликнинг овози эшитилади.*

**Абдумалик:** Ким йиғлаяпти?..

**Баҳринисо** (юзини ичкарига буриб): Қизларинг келибди...

**Абдумалик** (овози): Киришсин...

### **Лавҳа**

*Палата. Баҳри амма, Дилором, Зухра бир чеккада мунғайиб турибди. Гавҳар дадасининг оёқ томонида, каравот четида ўтириб ўзини тутолмай хўнграб йиғлаяпти.*

**Дилором** (чидай олмай): Нега йиғлайсан?! Йиғлама бу ерда!

**Абдумалик:** Майли, кўй... Майли, йиғласин... (Юзини кўз ёшлари билан юваётган қизига маҳзун тикилиб туриб) Нега йиғлаётганини фақат иккимиз яхши тушунамиз-а, она қизим?..

**Муаллиф:** Гавҳар... Чехраси атиргул мисол чиройли, мусаввир мўйқаламига муносиб гўзал рухсор. Лекин, афсус, шу тасвирга номутаносиб совуқ, меҳрсиз шаҳло кўзлар... Отам шу қизини «Она қизим» деб алқардилар, негаки оналарининг ўзи доялик қилган экан. Таажжубки, шундай гўзал чехра қобиғи остида қаҳрли, сўқир қалб яширин!

### **Лавҳа**

*Абдумаликнинг уйи. У айбини бўйнига олдириш учун зўрлаб ўтқазиб қўйилган гуноҳкордек курсига омонатгина чўккан. Қаршисида қизи Гавҳар. Ўқрайган кўзларини отага қаттиқ тикканча қўлларини бигиз қилиб нелардир деяпти. Абдумалик қизига таажжубланиб, ҳайрон қараб қолган. Унинг даъволарига отанинг лом-лим демай, жим ўтириши қизнинг илҳомини баттар келтиряпти, шекилли, овози бора-бора баландлаша, нутқи кескинлаша бошлайди. Шовқин хонага Дилором кириб келади. Дадасини довдираган ва ғариб ҳолда кўриб: «Нима гап?» – деб сўрайди. Ота ҳеч нима демай, бошини чайқаб, қуйи солади. Гавҳар эса «айбнома»ни ўқишда давом этади.*



*Хонага бирин-кетин укаси, сингиллари, энг охири онаси кириб келади. Дилором Гавҳарнинг гапларига бир оз кулоқ тутиб туради-да, сўнг ғазабдан ловиллаб кетади.*

**Дилором:** Э, жим бўл, уятсиз! Нималар деяпсан адамларга?!

**Гавҳар:** Бор гапни гапиряпман! Сизлар айтолмаган гапни мен айтяпман! Ичишлари жонга тегди. Бузуқликлари жонга тегди. Бекатдаги тикувчи хотин билан юришларини билмай-сизми? Биласиз! Фақат кўрқоқсиз. Айбларини юзларига айтолмайсиз... Ўша хотиннинг уйдан чиқиб келаётганларини ўз кўзим билан неча марта кўрганман.

**Абдумалик:** Тўғри, мендан ёрдам сўраган эди, иш юзасидан уйига бир неча марта кириб чикувдим...

*Муаззам лабини буриб, бармоқларини бир-бирига босиб шақирлатиб қўйди. Абдумалик ялт этиб хотинининг оқариб турган бадгумон юзига қаради...*

**Дилором (қизишиб):** Ада, нега бунга ҳисоб берасиз?! Ичасизми, юрасизми, бунинг нима иши бор?!

**Гавҳар (опасига):** Сиз ўзингизни яхши кўрсатмоқчисиз, а? Онамни хор қилиб, ҳаммамизни шарманда қилсалар майли, а?!

**Дилором (гап тополмай):** Оғзингга қараб гапир, беҳаё! Нималар деяпсан ўзи?! Кимни хор қилибдилар?.. Кимни шарманда қилибдилар?...

**Гавҳар:** Онамни, мени! Ҳаммамизни! Маҳаллада «пиянистани қизи, бузуқни қизи» деб устимиздан кулишяпти. Ўша бузуқ хотинга кетган пулларини бизга ишлатсинлар эди. Яхшироқ еб, яхшироқ киярмидик!

**Малика:** Ҳой, ўзингни бос, Гавҳар! Одам адасига ҳам шунақа дейдими?

**Гавҳар:** Э, сиз гапирманг! Уй билан ишингиз йўқ. Оилада нималар бўлаётганидан беҳабарсиз. Эртадан-кечгача театрнингиздан бери келмайсиз!

**Ҳасан** (*бақириб юборади*): Гавҳар опа, жинни бўп қопсиз, жим бўлинг!!!

**Гавҳар** (*пинагини бузмай*): Ўзинг жинни бўп қолгансан. Ҳеч нарсани кўрмайсан, ҳеч нарсани билмайсан!

*Дилором охири чидай олмай Гавҳарнинг юзига шапалоқ тортади.*

**Муаззам** (*бақириб юборади*): Вой, дод! Қулоғини кар қилиб қўйдинг! Қўлинг синсин, нега урасан?!

**Дилором** (*ўзини туюлмайд*): Айтинг, овозини ҳозироқ ўчирсин! Бўлмаса, уриб ўлдириб қўяман!

**Муаззам**: Ҳо-о! Ўлдирасан-а, ўлдирасан!

**Гавҳар** (*жазаваси тугиб*): Сиздай отам бўлганидан уялман. Сизга ўхшаган отанинг кераги йўқ бизга!

**Муаззам**: Гавҳар, овозинг ўчсин! Адангга ундай дема!..

**Ҳасан-Зухра**: Гавҳар опа!..

**Малика**: Вой, тавба!..

*Дилором синглиси томон яна хезланади. Онаси бақириб ўртага тушади. Қўрқиб кетган Нилуфар Малика опасининг орқасига ўтиб пиқиллашга тушади.*

**Гавҳар** (*авжига чиқиб*): Сиз билан битта уйда яшашни истамайман! Кетаман!

*Абдумаликнинг қизариб бўғриққан юзи бирдан оқаради. Кўзи тиниб, курси четини ушлаб қолади.*

**Дилором**: Истамайсан?! Кетасан?! Йўқол унда! Ҳозироқ чиқиб кет уйдан, ярамас!

**Малика** (*йиғлагудек*): Э, қўйинглар, уришманглар! (*Пинжиги кириб кетган синглисини тинчлантириб*) Нилу қўрқиб кетяпти!

**Муаззам** (*саросимада*): Қаёққа чиқиб кетади?

**Дилором:** Билмасам! Истамайман, кетаман деяпти-ку!

**Абдумалик** (*Гавҳарга қараб*): Менга кет деяпти. Шундай-ми, қизим?..

*Ҳасан дадасини қучоқлаб йиғлаб юборади.*

**Дилором** (*Ўзини босолмай бақиради*): Вой, нега сиз кетасиз?! (*Гавҳарга юзланиб*) Нега турибсан, кўзларингни лўқ қилиб, уятсиз?.. Ерга қара, кўзингни ерга тик! Кетаман дедингми, бор, чиқиб кет... Йўқол!

**Абдумалик** (*овози хириллаб чиқади*): Дилором, жим бўл!..

**Дилором** (*йиғлаб юборгудек*): Ада, нега индамайсиз? Нега унинг гапларини эшитиб ўтирибсиз? Сиз билан бундай гаплашишга нима ҳаққи бор?! Э, нечинг бундай фарзанднинг баҳридан!

**Абдумалик** (*зўрға*): У ўзининг гапини гапирмаяпти... (*Хотинига қараб*) Эшитганини гапиряпти... (*Унинг курсида ўтирган тик қадди бирдан икки букилиб қолган эди.*)

**Муаллиф:** Отам оила саҳнасида содир бўлаётган фожиани кузатар экан, буткул ҳушини йўқотган, айтилаётган гаплар, бақир-чақирлар ақлига сира сиғмас, бу воқеа у билан, унинг оиласида юз бераётганига ҳеч ишоналмас эди. «Наҳот, бу ўзининг авайлаб-асраб келаётган оиласи, ҳаётини тиккан фарзандлари бўлса?!» Уларнинг ғазабдан қўпчиган юзларини кўрганда ҳу-в ўша ўзини осишга уринганида мўлтираб қараб турган мурғак қизалоқларининг маъсум нигоҳлари кўз олдига келди. Ўша нигоҳлар уни сиртмоқдан қайтарган эди. Бугун жигаргўшаларидан бирининг интиҳосиз нафратдан шуълаланиб чўғдай ялтираётган кўзлари қаҳридан, дўст эмас, душман нигоҳидан таажужбга тушди, эти жунжикди, тили калимага бормаи, лол қолди. «Нега?.. Нима учун?.. Қайси айбимга?..» деган саволлар кўнглини вайрон қилди. «Эҳ-ҳе! Шу кунга қадар кўрганларим ҳолва экан-ку» деган ўй хўрлигини келтирди. Юрагини жойидан суғуриб олиб, ғажиб ташлангандек кўксида оғриқ ҳис этди...

## **Лавҳа**

*Палата. Гавҳар ўпкасини босолмай ҳануз йиғларди.*

**Муаллиф:** Гавҳар отасини касалхонага ётганидан буён энди кўриши эди. Икки ой ичида ўзи билган, кўзи ўрганган отасидан ҳеч нарса қолмаганди. Фақат жуда маъюс ва ўзиникига ўхшаш шахло кўзлар... Кутилмаган бу ҳолат уни ларзага солди. Лекин отасининг қўлларини пешонасига босиб кечирим сўрамади, балки, ботинолмагандир...

Отам бир-биридан чиройли, ақлли қизлари билан ғурурланар, фахрланар эди. Уларни дуру гавҳарларим деб суяр, ота қалби тоғдек баланд эди. «Сиздек даданинг бизга кераги йўқ!» Шу гап фарзанд оғзидан учиб чиқдию отани тоғ чўққисидан олиб ерга қараб урди. У шу дақиқадан кўкрагини кўтаролмай қолди. Ҳам руҳан, ҳам жисман парчаланди, абгор бўлди. Бошига тушган қанчадан-қанча савдолар бу қадар довдиратмаган эди. Нонкўр фарзанднинг зилдай оғир таънаси уни ўлдирди. Ҳа, ўлдирди!.. Бу воқеадан беш ой ўтар-ўтмас кучдан кетган вужудни бедаво касаллик осонликча ўз чанга-лига олди-қўйди...

## **Лавҳа**

*Муаззам қишлоқ кўчаларида уйма-уй кезиб юрибди... Жуда чарчаган, ҳолдан тойган аёл охири колхоз идорасини топиб бориб тўғри раисга учрашади. Бор гапни эшитган раис дарҳол Муаззам билан бирга машинасида икки-уч хонадонга кириб чиқишади. Ниҳоят, кузги тарвузнинг дараги чиқади. Хурсанд бўлиб кетган аёл бира тўла тўрттасига харидор бўлади. Раис кун оққан сари хавотирга тушиб, ҳовлиқиб кетаётган аёлни ўз машинасида касалхона эшиги тагигача келтириб қўяди. Муаззамнинг тутқазган пулини ҳам олмайди. Аёл раҳмат айтиб икки қўлида оғир тўрваларни кўтарганча ичкарига қараб югургилайди...*

*Раис ўлимга маҳкум эрининг ҳузурига энтиқиб, шошиб кетаётган гўзал аёлни афсус ва ачинишда кузатиб қолар экан:*

«Эҳ, бу дунёнинг ишларига ҳайронман!» – дея тиззасига бир шапати уради. У шу дамда кимга кўпроқ ачинди, Худо билади, аёлгами, эригами, ё... ўзигами?..

Муаззам тарвузларни кўтариб ҳаллослаб палатага кириб келганида оқшом чўкиб, осмон қорая бошлаган эди. Хавотир олиб ётган Абдумалик иддао билан хотинига хўмрайиб қарайди. Баҳринисо келинининг елкасини меҳр билан силаб, қўлидагиларни олишга шошилади. Фақат Муаззамга эшитарли қилиб: «Вой, қилиғингиз бор бўлсин, биттаси ҳам етарди», – дея пичирлаб қўяди. Кейин биргалашиб тарвузни ювиб, бўлак-лаб, данагидан тозалаб, косага солиб, қай вақтдан бери илҳақ ётган Абдумаликка тутқазишади. Охирги пайтлари фақат дори-дармон билан яшаб келаётган Абдумалик косадаги қипқизил, серсув тарвузни иштаҳа билан еб олади. Бўш косани кизига узатиб, хурсандлигидан яшнаб турган хотинига миннатдор қараб қўяди.

### Лавҳа

Туш. Қуриб-қақшаган, сассиқ ўт-ўланлар босган сўқмоқларда ота ва бола текис йўл тополмай саргардон кезиб юрибди. Теварак таҳдидли ва бефайз. Ҳасан ўзи билан ёнма-ён келаётган отасини бирдан йўқотиб қўяди. У тўрт томонга жавдираб дадасини қидиради. Юраги номаълум, аммо кўрқинчли хавфдан гупиллаб ура бошлайди. Шу пайт қаршисида теп-текис яланглик пайдо бўладию ўртада ғўддайиб турган тандирга кўзи тушади. Қараса – отаси, фақат кийими ўзгарган, эғнида тўпикўпар узун оппоқ яктак кўйлак, оёғи ерга тегар-тегмас ҳавода сузган мисол тандирга қараб оҳиста юриб бормоқда... Худди сеҳрлангандек кўзини тандирдан узмай унга тобора яқинлашмоқда... Ҳасан ички туйғу билан хавф ва таҳдид шу тандир томондан келаётганини ҳис қилади. Ўзи оддий тандир-у, лекин жони бордек, кўрқинчли махлуқ каби тажовузкор... Ҳасанни жунжитган нарса тандир оғзи эди, тубсиз ғорни эслатувчи қоп-қора, каттакон оғзи эди ва у дадасини аста-секин ўзига тортарди. Даҳшатдан қони музлаб қолган

Ҳасан отасини тўхтатиш мақсадида бақриб-чақира бошлайди, аммо овози чиқмайди. У томонга бор кучи билан чопишга тушади, бироқ оёқлари тушов урилгандек оғирлашиб, ўрнидан жилолмайди. Қўллари билан олдинга интиламан дейди-ю, зичлашиб, қуюқлашиб кетган ҳаво бунга йўл бермайди. Чорасиз қолган ўғил ёвуз ниятли тандир домига тушаёзган дадасини қутқариш учун шу қадар катта руҳий куч ишлатадики, машаққат бадалига, ниҳоят, ота олдига етиб боради. Йўлини тўсиб орқага қайтишга ундайди. Лекин иродаси бутунлай тандир ҳукмига бўйсунган ота ўғлига аҳамият бермай ажал томон аста йўргалаб яқинлашаверади. Баногоҳ тандирга жон кириб, аввал дадасининг бир оёғини, кейин бошқасини ўзига сўриб тортиб олади. Иккала оёқ билан танани тандир ичида кўрган Ҳасан жон ҳолатда отасининг қўлларига ёпишади ва уни бор кучи билан торта бошлайди. Аммо беомон тандир ўлжасини кўйиб юборай демас, шўрлик ўғил ҳам бўш келмас, жон-жаҳди билан дадасини тандир чангалидан қутқаришга уринарди. Охир-оқибат даҳшатли ҳодиса юз беради. Отасининг қўллари узилиб тушади, танаси эса ямланганча қилт этмай қолаверади. Ҳасан ўз қўлларида отасининг узилиб тушган қўллари кўриб даҳшатдан овози борича додлайди. Беихтиёр уларни тандир ичига отиб юборади. Дадасини қутқариш умидидан батамом айрилган бечора ўғил бўзлаб йиғлаганча, «Бу ёғига энди ортиқ қийналмасинлар» деган хаёлда отасининг қадрдон бошидан ўпади-да, иккала қўли билан уни тандирнинг қоп-қора қаърига итариб юборади...

Тушида кечираётган ваҳимали ҳиссиётлардан қийналиб толиққан Ҳасан бақриб уйғониб кетади. Унинг бақриғидан онаси ва сингилчаси Нилуфар ҳам уйғониб ёнига югуриб чиқишади. Онаси бугун кунини бўйи қишлоқ кўчаларида кезиб чангга белангани сабабли, ювиниб-тарангани кеч бўлса ҳам, уйига келган ва тунаб қолган эди. Қушдек хуркак сингилчиси титраганча: «Ака, акажон, нима бўлди?» – деб атрофида гирдикапа-лак бўлар, онаси муздек сув олиб юзига сепар, Ҳасан эса: «Ада, адажон», – дея тўхтовсиз йиғлар эди...

## **Лавҳа**

*Палата. Абдумалик оқшом еган тарвуздан ошқозонида қўзғалган кучли оғриқни босишга берилган морфий таъсирида қаттиқ уйқуга кетган. Тун ярмидан оғган. Дилором курси суянчиғига бошини тираганча мудраб қолган. Баҳринисо қаровчилар учун қўйилган темир каравотда икки букчайиб ухлаб ётибди. Даҳлиздаги ёниқ чироқнинг эшик тепасидаги дарчадан ичкарига таралаётган нури хонани бирмунча ёритиб турибди...*

*Жимлик бағрида баногоҳ ханжар урилгандек Абдумаликнинг бўғзидан отилиб чиққан ваҳимали қичқириқ Баҳринисо ва Дилоромни уйғотиб юборди. Иккови потирлаб кетган юрак титроғини босолмай бемор тепасида талмовсираб қолди.*

**Баҳринисо:** Абдумалик, укам... ўзингга кел... Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм...

**Абдумалик (ҳансираб):** Опа... шу ердამисиз...

**Баҳринисо:** Вой, шу ерда бўлмай, қаерда бўламан, укагинам? Қизинг ҳам шу ерда.

**Дилором:** Ада, нима бўлди? Нега кўрқиб кетдингиз?..

**Баҳринисо:** Босинқирадингми, укам?

**Абдумалик (шипга қараб):** Туш кўрдим...

*Баҳринисо билан Дилором хавотирланиб бир-бирига секин қараб қўйди. «Қандай туш экан?» – деб сўрашга ботинолмай, нафаслари ичга тушиб кетди.*

**Абдумалик (ўша алпозда):** Мен энди ўлмайман... Ўлимни енгдим, опа... Дилором, қизим, эшитяпсанми?

**Дилором (бир оз дадилланиб, зўрға):** Ада, нима туш кўрдингиз?

**Баҳринисо:** Қўй, қўй, керакмас. Кечаси туш айтиш беҳосият. Эрта билан аввал сувга, кейин...

**Абдумалик (опасини эшитмагандек):** Осмонда учиб юрибман... Қаёқдандир катта, ғалати тандир пайдо бўлиб қолдию орқамдан тушди. Мен қочаман, у қувади. Кейин етиб олиб

сўрғичдай ўзига торта бошлади. Ютиб юборай деганида иккала оёғимни зийига тираб: «Болаларим ҳали ёш!» – деб бор кучим билан шундай итарибманки, оғзидан отилиб чиқиб кетдим. Қутулиб қолдим, қизим, энди ўлмайман.

**Дилором** (хурсанд бўлиб): Ада, яхши туш кўрибсиз...

**Баҳринисо:** Ҳа, укам, яхши туш кўрибсан. Худо хоҳласа, тузалиб кетасан...

*Опа шўрлик шундай деди-ю, гапираётган гапига ўзи ишонмай хаёлга ботди.*

### **Лавҳа**

*Тонг-сахар. Абдумалик ярим уйқуда. Ора-сира инграб қўяди. Дилором дадасининг оёқларини секин-секин босиб силаб ўтирибди. Баҳринисо юз-қўзини ювгани кетган. Шу пайт ташқаридан палата деразасига тирмашиб олган Ҳасаннинг изтиробли юзи кўринади. Дилором югуриб чиқиб касалхона ҳовлисига ўтади.*

**Ҳасан** (тирмашиб турган жойидан сакраб тушиб опасига пешвоз чиқади ва йиғлаб юборади): Дилором опа, адамлани тандир ютиб юборди... Аввал битта оёқлари, кейин иккинчиси тандирга кириб кетди. Мен қўлларидан маҳкам тортгандим, узилиб тушди. Охири ўзим адамлани тандир ичига итариб юбордим. (Ўпкасини босолмай) Дилором опа, энди нима бўлади?! Адамла ўлиб қоладиларми, а?!

**Дилором:** Йўғ-э, адамла тандирдан чиқиб кетдим дедилар-ку...

**Ҳасан** (бақиргудек): Йўқ! Адамлани тандир ютиб юборди!

*Дилором ҳеч нимага тушунолмай анграйиб қараб қолади. Кейин тўсатдан дадаси билан укасининг бир пайтда бир хил туш кўрганини фаҳмлайди. Фақат мажозий маъноси ҳар хил... Ўзини йўқотиб қўяр даражада қаттиқ ҳаяжонга тушган укасининг аҳволидан хавотирланиб уни тинчлантиришга уринади.*



**Дилором:** Ўзингни бос, укажон! Худди ёш болага ўхшайсан-а! Ахир йигит кишисан-ку... Ҳаётда нималар бўлмайди?..

**Ҳасан** (*баттар бўғилиб*): Нукул ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз! Бу билан адам ўлади демоқчимисиз?!

*Дилором нима дейиш, нима қилишни билмай азобдан чимирилиб кетади.*

**Дилором:** Секинроқ! Йиғингни адамла эшитиб қолмасинлар. Шундоқ деразанинг тагида турибмиз... (*Дераза томонга қараб*) Вой, тавба, Ҳасанжон, дераза жуда баланд-ку, қандай қилиб чиқдинг?.. (*Ҳасан аразлагандек лом-мим демайди.*) Бўлди, укажон, ўзингни бос. Ўқишингга бор, кеч қоласан. Мен энди олдиларига кирай, уйғонсалар чақириб қоладилар.

*Дераза томонга яна бир қараб қўйиб: «Шундай баланд жойга нарвонсиз, ҳеч бир таянчсиз қандай чиқди экан?» – деб ҳайрон бўлди. Сўнг укасининг чўкиб қолган елкаларидан силаб қўйди, «Бора қол, укажон, бу ерда бу алпозда турма», – деди-да, тез-тез юриб орқасига қайтди. Опасидан тинчлантирувчи гапларни кутган Ҳасан руҳи бутунлай тушиб, отаси ётган палата деразасига мўлтираб қараганча узоқ туриб қолди...*

**Муаллиф:** Ниҳоят, отамнинг охирги тонги отди. Ҳаётга чанқоқ, аммо чарчаган кўзлар касалхона деразасидан мўралаб ўтган куёш юзини охирги бор кўрди. Кун бошида дадамнинг аҳволи кескин ўзгарди. Буни дастлаб ҳар куни эрталаб хабар олиб, ҳамширага кўрсатмалар бериб кетадиган даволовчи дўхтир сизди. Бир оз ўтмай консилиум баҳонасида бошқа шифокорлар ҳам кириб отамни кузата бошлашди. Чойшабни кўкраккача тушириб бўйин остидаги чуқурчаларга назар ташлашди. Темир уришини текширишди. Қон босими ўлчанди. Чойшабни кўтариб оёқ тўпиқларига ҳам қараб қўйишди. Айрича диққат билан кузатиб ётган отамга жилма-

йиб: «Абдумалик ака, анча яхши бўлиб қолибсиз», – деб секин чиқиб кетишди. Кейин аммам билан онамни сездирмай қақриб олишди. Аммам шундан кейин анчагача кўринмай қолдилар. Онамни қидириб ташқарига чиқсам, ювинадиган хонадан чиқиб келяптилар. Кўзлари йиғидан қизариб шишинқираган. Дўхтирлар: «Ҳаракатингизни қилинглар, кечгача бормайди», – деб огоҳлантиришган экан. Аммам ўша заҳоти қариндош-уруққа хабар бериш, уй-жойни тўғрилаб, керакли нарсаларни ҳозирлаб кўйиш тадоригини амаки ва келинойиларимга етказиш ҳаракатига тушибди. Онам бечоранинг эса кўздан пана жойга ўтиб олиб йиғлашдан бошқа ишга қўллари бормасди. Мен шу даҳшатли кун яқин орада келишини сезсам ҳам, айна бугунлигини билгач, юрагим шувиллаб кетди. Худди отам ҳозир бўлмай қоладигандек шошиб палатага кирдим. Дўхтирларнинг «ташхис»ини эшитгач, ишондиларми-йўқми, билмадим-у, лекин кайфиятлари кўтарилиб, ўша заҳоти уйқуга кетган эдилар. Ҳозир ҳам ухлаб ётардилар. Нафас олишлари ўзгачароқ, чуқур-чуқур ва тез-тез. Хавотирланиб юзларига узоқ тикилиб турдим. Дўхтирлар бўйин тагидаги чуқурчага эътибор беришган эди. Мен ҳам диққат билан қарай бошладим. Шунда чўкиб ётган ўнгалар секин кўтарилиб, ўрнида ёнғокдай думалоқ шишлар пайдо бўлаётганини сездим. Чойшабни кўтариб оёқларига тикилдим. Иккала тўпиқлари ҳам шишиб кетганди. «Ўлим ўзи ҳақида шундай хабар берар экан-да», – деб ўйладим. Мен шу дақиқадан ҳозиргина ҳис қилиб, кўриб, эшитиб турган, ранг-баранг ва ёруғ нурга чўмган оламимдан бутунлай бошқа, ранг-рўйи ва тириклик ўлчамлари ўзгача дунёга ўтиб қолдим. Бу оламнинг ранги қора. Осмони рутубатли. Қушлар садосидан мосуво. Нафас олиб, еб-ичиб, ҳаракат қилиб турган вужуд йўқолган. Ўрнини безовта руҳ, оғриқ жон эгаллаган. У атрофни кўрмайди, эшитмайди. Кичкинагина юраги бутун коинот ғамини ичига ютган. Қўнарга жойи йўқ. Ер узра оғир, қора булутдай саргардон кезади. Қайғу зўридан тўлиб кетса, «замин» узра бир тўкилиб-йиғлаб олади...

Ҳозир кўз ўнгимда нафас олиб ётган отамнинг бир неча соатдан кейин йўқликка равона бўлиши, бу ёғига уни ҳеч қачон кўрмаслигим ҳақидаги ўй шууримни қамраган эди. Ишониш қийин, лекин бу ҳақиқат. Ҳақиқатга эса бўйин эгмасдан ўзга чора йўқ. Чўкаётган одам хасга ҳам талпинар деганларидек, биргина чора – шу пилдираб кетаётган саноқли лаҳзаларни эслаб қолишга, ҳар бир олиб-чиқарилаётган нафаснинг саси, ёстиққа бемажол чўккан бошдаги ҳар бир чизик, нуқтасигача хотира дафтаримга муҳрлашга уринардим. Болалигимда адамнинг пинжига кириб эртак тинглашни яхши кўрардим. Кейин нафаслари, хурраklarини эшитиб ётиб уйқуга кетардим. Ҳозир ҳам отамнинг нафасини сўнгги бор эшитиб қолгим келди. Бошимни аста олиб бориб ёстиқларига юзимни қўйдим.

### **Лавҳа**

*Бошига чуст дўппи, эгнига қора кўйлак ва қора шим кийган йигит Дилоромга қарға қараш қилиб турибди. Қўлида тўппонча.*

**Йигит** (*зуғум билан*): Менга тегасизми-йўқми?!

**Дилором** (*ижирғаниб*): Мен сизни ёмон кўраман. Тегмайман!

**Йигит**: Кейин яхши кўриб қоласиз!

**Дилором** (*нафратланиб*): Ҳеч қачон!

**Йигит**: Тегмасангиз, мана, (*тўппонча ўқталиб*) ажалингиз кўлимда!

**Дилором** (*кўрқиб*): Адамларга айтаман...

**Йигит** (*хохолаб*): Адангиз йўқ! Адангиз ўлган!

**Дилором**: Йўқ!.. Ада!..

**Йигит** (*қўлидаги тўппонча бирдан тутуни бурқсиб ёниб турган машғалага айланади ва қулиб қизга яқинлашиб келаверади*): Мендан қочиб қутулолмайсиз!..

**Дилором** (*кўрқиб*): Ада-а!..

*Туйқусдан йигитнинг орқасида кийими, бўй-бастаи, кўриниши бир хил юздан ортиқ йигитлар тўдаси пайдо бўлади. Кат-*

та майдон қора кийимдаги одамларга тўлади. Қўллариди ёниб турган бир хил машғала! Улар осмонни бурқситиб, ерни гурсиллатиб, тажовузкор йигит бошчилигида қизни таъқиб қилиб келаверади. Дилором жон ҳолатда бақириб қочишга тушади.

**Дилором:** Ада!.. Ада-а!.. Ада-а-жон!..

Дилором қаттиқ чўчиб бошини ёстиқдан даст кўтаради. Ҳозир кўрганлари тушлигини дарров фаҳмласа-да, юраги қинидан чиққудек потирлаб урарди. Ғайритабиий бақириқдан отаси ҳам уйғониб кетади.

**Абдумалик** (талмовсираб атрофига жавдираб қарайди): Нима бўлди?..

**Дилором** (тинчлантириб): Ҳеч гап... Кечаси... уйқум келмагани, кўзим илинибди...

**Абдумалик** (айбдордек): Тушингда ҳам «ада» дейсан-а, қизим... Қийнаб юбордим сени... (Қизининг эътирозини эшитмасдан) Бугун кўп ухламаяпманми?..

**Дилором** (ўзини хотиржам тутиб): Ухлаганингиз яхшида, ада...

Кутилмаганда эшик очилиб, елкасига мактаб сумкасини осиб олган кенжа қиз Нилуфар кўринади. Ҳаяжонланганидан остонада тараддуланиб қолади. Қизчанинг титраб турган ниҳол мисол нозик қомати, шаҳло, аммо маъюс кўзлари маъсум кўнглига ногоҳ кўнган хавотирни шундоқ сездириб қўярди. Мурғак қалб шу номаълум ҳадик сабаб мактабни ташлаб ота хузурига шошган эди. Ўзи билмаган ҳолда бугун эрталабдан эсхушини исканжага олган ёмон хаёлни қувламоқчи, отасининг аҳволини ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлиб келганди.

Қизининг изидан кирган Муаззам эшикни аста ёпиб, дераза томонга тезгина ўтиб кетади. Қизарган кўзлари эрининг қузига тушишидан чўчийди... Дилором эшик тагида қотиб турган синглицини кўриб шошиб қолади.

**Дилором:** Нилу! Нима қилиб юрибсан? Нега келдинг?.. Ким билан келдинг?.. (Деразадан мўралаб турган укасини кўриб) Ҳасан аканг ҳам шу ердами? Уф-ф!..

*У келиши муқаррар бўлиб қолган мавҳум ва даҳшатли лаҳзаларда ёш ҳамда таъсирчан ука-сингилларининг жон бераётган ота атрофида ўралашишини истамасди. Она уларни аярди, хотираларини аярди. Ахир шу хотира билан умрбод яшашга тўғри келади-ку!..*

*Нилуфар опасининг таҳдидли саволларига жавоб бермай, охирги ҳафта ичида бутунлай ўзгариб кетган – кичкинагина бўлиб қолган адасига хушсиз термилиб тураверди.*

**Абдумалик** (бошини кўтариб зўрғаёттириб олади): Нилуфар, қизим... Мени кўргани келдингми?.. Мен яхшиман, она қизим.

*Адо бўлган, лекин «яхшиман» деяётган дадасига жавобан чиройли юзига бирдан табассум ёйилди. Бу табассум ёш, аммо фаросатли қалбнинг отилиб чиқаёзган фарёд юзини кўрсатмаслик учун бир ниқоби эди. Барибир ниқоб панд берди. Қизгина қулиб турарди-ю, кўзларидан дувиллаб ёш қуйиларди. Фожияни сезаётган қалби қаъридан ўкирикка менгзаш энтикиш тошиб чиқарди. Етук рассом учун юракўртар бир манзара – қулиб туриб фарёд ураётган қиз!*

*Абдумалик кенжа қизининг ёшдан ювилаётган чиройли, шу билан бирга, хуркак қиёфасига бир муддат маҳзун тикилиб қолди. Балки, шу дамда бахтсиз отанинг хаёлидан шу гаплар ўтгандир: «...Гулдек чирой билан туғилганинг учун ўзим сенга гул исмини бергандим. Бу ёғига ҳаётинг қандай кечаркин? Сени ота паноҳисиз қандай синоатлар кутаётган экан?.. Кечир мени, қизим... Сизларни ташлаб кетяпман, чоғи... Ҳаракат қилдим... Бўлмади... Кечир, қизалоғим...»*

**Абдумалик** (бор кучи билан жилмайиб): Нилуфар, қизим, менга жўмракдан бир пиёла муздек сув олиб бер.

**Дилором** (шошиб): Мана, қайнагиб, совитиб қўйилган сув...

**Абдумалик:** Йўқ, мен муздеккина сув ичмоқчиман, Нилуфарнинг қўлидан...

*Сал олдин палатага сездирмай кириб келган аммаси: «Энди бу ёғига индама», – дегандек имо қилди. Дилором тақдирга тан бергандек пастки лабини қаттиқ тишлаб бошини эгди.*

*Нилуфар шошиб сумкасини бир чеккага қўйди-да, тумбадан пиёла олиб, жўмракдаги сувдан дадасига тутқазди. Абдумалик пиёладаги сувга қараб нималарнидир пичирлади. Орада «... ашҳаду», «...илаҳа», «акбар» сўзлари элас-элас қулоққа чалинди, холос. Сўнг сувни охирги томчисигача симирди.*

**Абдумалик:** Ана кўрдингми, қизим, сувнинг ҳаммасини ичиб юбордим. Мазза қилдим. Энди яхши бўлиб қоламан.

**Нилуфар** (хўрсиниғи тўхтамаган, лекин хурсанд): Энди яхши бўлиб қола-сизми?

**Абдумалик** (маъюс жилмайиб): Қўлингдан сув ичдим-ку, қизим. Албатта яхши бўлиб қоламан. Энди уйга бора қол... Йўлда эҳтиёт бўлиб кет... Мен ҳам дам олай... (Ўзини ёстиққа ҳолсиз ташлайди.)

*Нилуфар отасининг «ваъда»сидан хурсанд бўлиб кетади. Сумкасини нозик елкасига чаққон илиб ташқарига йўналади. Дилором деразага тирмашиб олган укасига қўли билан пўписа қилиб синглисининг орқасидан чиқади.*

**Абдумалик** (бетоқат бўлиб): Муаззам, спам қани?.. Чақир...

**Баҳринисо** (шошиб олдига келади): Укам, шу ердаман.

**Абдумалик:** Кетиб қолманг, опа...

**Баҳринисо:** Укагинам, қаёққа кетаман, шу ердаман, ёнингдаман... (Томоғига келиб тақалган йиғини рўмол учини лабига босиб қайтаради.)

**Абдумалик:** Деразадан қараб турган ўғлига кўзи тушиб «сен бор» дегандек қўл силтайди-да, беҳол кўзларини юмади.

### **Лавҳа**

*Кун қайта бошлаган энг нохуш пайт... Абдумалик ярим бе-хуш, ярим уйқу оғушида... Бурнига кислород найчаси ўрнатиб қўйилган. Ҳамшира нафас олиши ва қон босимини ўлчаб, бе-морнинг атрофида тизилишиб турган жигарларига қарамай чиқиб кетади.*

**Ҳасан:** Дилором опа, адамларга нима бўляпти? Нега кўз-ларини очмаяптилар?..

**Дилором** (укасининг елкасидан секин итариб палатадан чиқариб юборади): Адамлар ухлаяптилар, Ҳасанжон!.. Бор, укам, сен бу ерда турма...

*Муаззам лабларини қимтиганча эрининг оёқларини аста силашга тушади. Баҳринисо бир парча оқ сурупни иккига бў-либ каравот четига тахлаб қўяди-да, титроқ овозда калима қайтара бошлайди.*

**Абдумалик** (алаҳсираб): Ойи... ойижон...

**Баҳринисо:** Ойимлани кўряпти... Олиб кетгани келди ойим... Олиб кетмай ўлсин ойим!.. Оҳ, опангни ташлаб кетяп-санми, жигарим!... «Ойи»лаб эркалансанг, опагинанг айлан-син, жигарим... (Йиғлаб юборади.)

**Абдумалик** (кўзлари аланг-жаланг бўлиб): Қизлар ўтири-шибдими ариқ бўйида?.. Ўсма қўйишяптими?..

**Баҳринисо** (йиғламсираб): Муаззамхон, қизлар бу – пари-лар, хурлар... Укагинамга жаннат юз кўрсатди... (Йиғлаб) Оҳ, укажоним, энди жаннатларда жавлон ургин, илоҳим... Қиё-матда дийдор кўришгунча, жигарим!..

*Дилором билан Муаззам ҳам йиғлай бошлайди.*

**Баҳринисо:** Рози-ризолик сўранглар... Абдумалик, укагинам, сендан мингдан-минг розимиз, сен ҳам биздан рози бўл!..

**Муаззам:** Малайкажон, рози бўлинг...

**Баҳринисо** (*йиғлаб турган жиянига*): Адангдан розилик сўра...

**Дилором:** Адажон, мендан рози бўлинг...

**Баҳринисо:** Сиздан розиман де!..

**Дилором:** Сиздан розиман, адажон!..

*Абдумалик тўсатдан бетоқатланиб, бемажол, қоқсуяк қўллари билан кислород найчаларини олиб ташлайди. Дилором жон ҳолатда найчаларни жойига қўймоқчи бўлади. Аммаси: «Бўлди, кераги йўқ, ортиқ қийнама», – деб қайтаради. Баҳринисо тўхтовсиз «ла илаҳа»ни ўқиб туради. Абдумалик жон талсавасида опасига жавдираб қарайди. Кейин охирги кучини йиғиб қўлини хотинининг елкасига ташлайди. Гўё уни сўнгги бор қучмоқчи бўлгандек... Бироқ қўли шилқиллаб пастга сирғалиб тушади. Охирги нигоҳи эса қизининг юзида қолади...*

**Муаллиф:** Отамнинг сўнгги нигоҳи менинг юзимда қотди. Йўқликка шўнғиётган кўзлардаги охирги нур менинг кўзларимда сўнди... Бу нигоҳ ҳамон мени ўртаб келади. Нигоҳда қотган маъно мени адо қилиб келади. Билолмадим, англолмадим, бу қарашда нима маъно бор эди? Балки, бунда тавба, узр бормиди ё илтижо, нидо бормиди?!

Отам энди йўқ! «Гавҳару дур-жавоҳирлар»ини чирқира-тиб ташлаб кетдилар. Бизлар сочларимизни ёйиб, додлаб, тобутни бир лаҳза бўлса-да тўхтатишга урингандек қўлларимизни чўзиб қолавердик. Гўдаклигимизда қўлчаларимизни узатсак, қўлларига олардилар, бошларига кўтарардилар. Энди орқаларига ҳам қарамасдан, биздан қочгандек шошиб чиқиб кетдилар. Кечагина эркаланиб юрган «дуру гавҳарлар» ипидан узилиб заранг ерга тўкилиб тушди.

Отам бизларни ташлаб кетди! Ажаб қилдингиз, ота! Эркаликни қадрига етмаган фарзандларингизнинг жазоси шу!



Тириклигингизда хурматингизни жойига қўймаган қизларингизнинг жазоси бу! Кечқурунлари ишдан чарчаб-ҳориб келиб ҳовли ўртасидаги темир сўрига чиқиб ўтирардингиз. Олдингизга қўйилган яхшими-ёмон овқатдан тамадди қилишга тушардингиз. Кейинги вақтлари энг арзон винодан ичиб хаёл суришни истаб қолгандингиз. Оқшомги сарин шабада тўкила бошлаган сийрак сочларингизни тўзғитиб тегажаклик қиларди. Сиз эса узум сувидан ширакайф олиб, бошингизни орқага ташлаганча юлдузли осмонга узоқ тикилиб қолардингиз. Шабада тилга солган дарахт барглари шовури-ни индамай тинглаб ўтирардингиз. Мен бўлсам: «Адам яна ичяптилар», – деб жаҳл билан у ёқдан бу ёққа тапур-тупур қилиб юардим. Хўмрайиб-хўмрайиб қараб қўярдим. Пайт пойлаб олдингиздаги ёлғиз «дардкашингиз» – вино шишасини олиб тўкиб юборишни ўйлардим, холос. Эҳ, отажон! Нималарни хаёл сурардингиз? Нимадан хижил бўлиб, нимадан куярдингиз? Ё қайси ширин орзулар билан ўзингизни ову-тардингиз?.. Булар билан бизнинг ишимиз йўқ эди!..

Шундай оқшомларнинг бирида ёнингиздан жаҳл билан ўтаётиб «Мунира... Мунира...» деган шивир қулоғимга чалингандек бўлди. Мунира ҳақида онамдан эшитгандим. Бир пайтлар айтиб берган экансиз. Шу тобда нега уни чақирдингиз? Ўзингизни жуда ёлғиз, бахтсиз ҳис қилганмидингиз, отажон? Осмонда жимирлаётган юлдуз ёғдуси Муниранинг муҳаббат ёғилиб турган кўзларини эслатганмиди? Аллақайлардан елаётган майин шабада Муниранинг «Мали, нега хафасан, ҳеч қаеринг оғримаяптими?» деган меҳрибон, жонфизо овозини қулоқларингизга етказганмиди? Нега ўшанда ҳам ёнингизга чиқиб ўтирмадим? Юрагингизда қаватланиб ётган дардларингизни нега тингламадим? Нега сизни ёлғиз ташлаб қўйдим?!

Ажаб қилдингиз, ота!

Туғилганингиздан бери сизга азоб берган бу қаҳрли дунёни ташлаб кетдингиз! Сизни хўрлаган, жонингизга қасд қилган, ҳасадгўй, товламачи, риёкор одамлардан қутулдингиз!

Беминнат ёрдамингиздан фойдаланиб эвазига дилингизни вайрон қилган хиёнаткорларни доғда қолдирдингиз. Ажаб қилдингиз, ота! Сиздек садоқатли фарзандидан айрилиб энди дунё йиғласин...

### **Лавҳа**

**1-чол:** Иброҳим ҳожининг кенжа ўғли дунёдан ўтибди...

**2-чол:** Э-э... Ёмон бўпти-ю... Оғир ётганди, ахийри бўлмабди-да...

**1-чол:** Аллоҳнинг иродаси...

**3-чол:** Аллоҳнинг иродаси... Ажойиб йигит эди, ҳали яшаса бўларди...

**2-чол:** Яшаса бўларди. Аллоҳнинг иродаси. Худо раҳмат қилсин...

**1-чол:** Худо раҳмат қилсин, жойи жаннатда бўлсин!... Ота ўғил эди...

**3-чол:** Ҳа... Жойи жаннатда бўлсин! Аллоҳу акбар!

**1-, 2-чол:** Аллоҳу акбар!..

*Чойхонада ўтирган, йўлда кетаётган, эшик тагида турган чоллар катта қўчани тўлдириб ўтаётган ҳассакашларни шундай сўзлар билан кузатиб қолар эдилар.*

*Қизил духоба билан ўралган тобут лапанглаб сўнгги манзилга шошиб борарди. Одамлар тўлқинида қалқиб-қалқиб, гўё пўртана қаърига сингиб борарди...*

## ХОТИМА

### I

Гўдаклигимдан отамга ҳиссиётдош бўлиб улғайдим. Онамдан кўра отамга руҳан яқин эдим. Отамни кўпроқ тушунар ва ҳар сафар унинг тарафини олардим.

Жуда ёш бўлсам керак, бу воқеа ўзимнинг хотирамда қолмаган, онам айтиб берган эди. Бир куни улар қаттиқ уришиб қолишганида: «Бўлди, сен билан бошқа яшайман», – деб чиқиб кетаётган отамнинг оёғига: «Атилла, тетма...» – деб чирқиллаганча ёпишиб олибман. Онам аламдан юзимга шاپалоқ тортиб юборган, бурним қонаб кетган экан (онам бечора шу «айб»ларини ўлгунча кечиролмадилар). Шу баҳонада ярашиб олишган экан. Эҳ-ҳе... Бундай воқеаларнинг қанчаси бўлган. Ҳа, шундай! Мен уларни боғлаб келган асосий ип эдим. Отам жуда жонидан ўтган пайтлари ҳам менинг ичикиб касал бўлиб қолишимдан қўрқиб оилани ташлаб кетолмаганлар. Яна бир сабаб бор эди.

Муҳаббат! Отам онамнинг гўзаллиги, поклиги, фусункор жозибаси, онам эса отамнинг юсуфона ҳусни, ҳалоллиги, тўғрисиўз, мардлиги учун яхши кўрарди. Гаплари гапларига тўғри келмай, кўп жиқиллашар эдилар-у, лекин онамни кимдир хафа қилса, камситса, аёлининг шаъни учун отам курашга ҳозиру нозир турарди. Онам-чи, отам касал бўлиб қолса ёки омадсизликдан, атрофдагилардан сиқилиб қолса, меҳрибон дўст, ҳамдард сирдошга айланарди. Ҳаётликларида: «Сизга тегиб нима кўрдим?..» – деб отамни кўп ранжитган бўлсаларда, ўтганларидан сўнг кўлини сўраб келганларни яқинига йўлатмаганлар. Ўшанда онам энди 46 ёшга кирган, ҳусни ҳануз йўқолмаган соҳибжамол аёл эдилар. «Фарзандларингизни ўқитаман, уй-жойли қиламан, кўлингизни совуқ сувга урмайсиз» деган ваъдаларга пинак бузмай, «Уларнинг бойлигини

адангинг тирноғига олмайман», – деб ўлгунларича отамни эслаб ўтдилар.

Иброҳим ҳожининг ўғиллари орасида отамни ҳар томонлама иқтидорли, кўп ишларга қодир деб санашарди. Лекин турмушнинг чигал тўрига ўралашиб, умри қум суғориш билан бесамар ўтаётганини ҳам билишарди. Мен ҳам отамнинг омадсизлигида қисман онамнинг айби бор деб ўйлаб ичимда уларни яниб юрардим.

Бир куни онамни кўргани борсам, йиғлаб ўтирган эканлар. У пайтлари анча мункиллаб, кўзлари кўрмай қолган эди. Асосан каравотда ўтириб радиодан куй-қўшиқ тинглардилар. Ўша куни таъсирли бир куй эшитибдилар. Юраклари эзилиб кетибди. Шундай деб яна боладек лаблари титраб, нурсиз кўзларидан дувиллаб ёш тўкилди. Бошқа ҳеч нима демадилар...

Мен айти шу дақиқада онамнинг қалбини чуқурроқ ҳис қилгандек эдим. Ахир киши кўнглининг сўз билан кириб бўлмас хилват ерларига куй етиб боради. Сўз ифода этолмайдиган туйғуларни куй ифодалайди. Худди шу дақиқада мен ҳам онамнинг қалбига оқиб кирган шу куйни эшитгандек бўлдим. Бу куйда онамнинг умри бор эди. Ушалмаган орзу-умидлари, бир дунё армонлари шунда мужассам эди. У бу дунёга орзу-ҳавас билан яхши, бадавлат яшаш учун келганди. Қизларини бой, кўркам, олижаноб «шаҳзода»ларга узатмоқчи эди. Кутганлари бўлмади. Тилаб олган биргина ўғли ҳам бахти қаро, нотавон.

Муштдеккина бўлиб қолган онамнинг букчайиб, ғамнок ўтиришида юракни ўртовчи ғусса ва бир дунё мунг бор эдики, мени ҳам шу дамда чидаб бўлмас маъюслик чулғаб олганди.

Онам ҳеч қачон: «Аданг олдида гуноҳқорман, отангни ранжитган эдим», – демаганлар. Энди ўйлаб қарасам, нега бундай дейишлари керак экан? Онамнинг ҳам ўз ҳақиқати бўлган, ўзини ҳақ деб билган. Ахир оиласи, фарзандларини илоҳий бир муҳаббат билан севган, уларга жону жаҳонини бахшида этган эди-ку! Не қилсин, фарзандларини бахтли қилишга ўз билганича уринди, уни эса кўплар тушунмади. Орзулар ушалмай, қисмат нордон бўлди.

Эшитган куйлари шу ҳақда эди. Бу куй ёлғизлик, адоқсиз армонлар ҳақидаги азалий ҳақиқатлардан айтиб, умрини яшаб бўлаёзган онамни йиғлатарди. Онам истаган ҳаётни муҳайё қилишга отамнинг қурби етмади. Мен-чи, мен?! Кимларнингдир дардидан бўзлаётган куйни тинглаб ёш боладай ўксиниб кўз ёш тўкаётган онам учун мен нима қилолдим?..

Ўша куни онамнинг ҳақиқатини англаб етгандек бўлдим. Қалбимнинг бир бурчагида доим сақланиб келган айбномани йиртиб ташладим. Шу дамдан эътиборан онамни мутлақо айбламай кўйдим.

## II

Укам Ҳасанжон ҳақида кейинроқ гапирмоқчи эдим. Унинг ҳам бу дунёни тарк этганидан сўнг қанча сувлар оқиб ўтди. Бироқ қалбда қолдирган алами мисқолча ҳам камайгани йўқ. Эсласам, юрагим ағдарилиб тушади. Ғам дарёсига қайта чўкаман...

Аллоҳ укамга буюк неъмат ато этганди. Оламда мавжуд ҳар бир шивирни, кўплар илғолмайдиган товушларни илиб олиб, турфа куйлар яратишга қодир қобилият билан туғилганди. Гўдаклигида ё оғриқдан, ё қаровсиз қолганидан йиғласа, йиғини маҳзун куйга айлантириб юборишидан ҳайрон бўлардик. Ўша пайтдаёқ ўзи яратган куйдан ўзини овуларди. Ҳеч кимга малол келмасдан, хўрсинибгина ухлаб қўя қоларди. Оҳ, менинг беозор, шикастадил, меҳрибон укагинам!

Укам отамнинг ўлимини жуда оғир қабул қилди. Уззукун йиғлаб, қабристонда соатлаб қолиб кетадиган одат чиқарди. Бу қайғусига биргина одам – севгилиси Гули малҳам бўла оларди. У скрипкачи қиз Ҳасан билан бирга Глиэр номидаги мусиқа мактабида ўқиган. Отам ўлган йили мактабни битиришди. Гули консерваторияга кириб кетди. Ўз дарди билан андармон укам ўша йили ўқишни ҳам ўйламади. Қиз Ҳасандан хабар олиб турар, уни қандай қилиб бу чоҳдан чиқариш йўлини изларди. Шунда Гулининг миясига дадил фикр келади. «Армияда пишиб, чинакам эркак бўлиб қайтсанг...» – деб писанда қилади.

Буни ўзича тушунган Ҳасан ҳеч кимга ҳеч нарса демай, ҳовлиққанча ҳарбий хизматга жўнаб кетади. Дастлабки бир йили «дедовшина» зуғуми остида азобда ўтади. Бир неча марта қаттиқ калтакланади. Бошидан жиддий лат еб лазаретда ётиб ҳам чиқади. Лекин бу қийинчиликларнинг барини Гулининг биргина хати ювиб ташларди. Беозор, кўп нарсани кулиб енгадиган, яна денг, чолғучи (бундайлар эса ҳарбий хизматда жуда қадрланади) Ҳасан секин-аста хизматдошлари ва бошлиқлари орасида ўзига яраша ҳурмат қозонади. Лекин кутилмаганда бошига яна бир бахтсизлик тушади. Тошкентдаги ўртоқларидан «Гули бир араб йигитга тегиб кетди» деган хабар олади. Ҳасаннинг бутун дунёси ағдар-тўнтар бўлади. У яна бир бор энг қадрдон, энг севимли кишисидан айрилган эди...

Осмонда тўлин ой балқиган тун. Постда турган Ҳасан қоп-қора фалақда ёлғиз мўлтираган ойни ўзидек бахтсиз билиб унга дардини айта бошлайди. Дадаси ўлиб кетгани, энди эса жон-жонидан севган Гулиси ҳам ташлаб кетганини арзу дод қилиб ўқсиб-ўқсиб йиғлайди. Мияси ва қалбига қуйилиб келаётган аламли хотира ва ўйлар азобидан, мунг ва изтиробга чулганган танҳолик залворидан эзилиб, парчаланиб, сочилиб кетгандек бўлади. Таъсирчан асаб тўқималари ёлғончи дунё синовларига дош беролмай чирт-чирт узилади. У бу оламга сиғмай қолади. Бирдан меҳваридан узилиб, таг-замини йўқ ўзга маъвога ўтиб кетади. Бу маконда ой ой эмас, ой – Гули! Севгилиси унга кулиб қараб турар эди. Худди ўша болалик пайтидагидек мунғайиб қолган Ҳасанни кулдиришга уриниб ҳар хил муқомлар қиларди...

Ҳасаннинг қўлидаги милтиқ сирғалиб оёқлари остига тушди. У ойга қараб баланд овозда хохолаб кула бошлади. Ҳалигина кўз ёшлари ҳалқобланиб турган юзидан ғам-андух бирдан йўқолди. Бутун вужуди билан мазза қилиб, яйраб куларди. Уни Гулиси кулдирадди... У узоқ қаҳ-қаҳ урди. Оқ халатлилар келиб қўлларини орқага чирмаб олгунча хандон отди. Мажбурлаб машинага ўтқазишга уринаётганларида жон-жаҳди билан қаршилиқ кўрсатди. Ўзини ҳар ён ташлаб Гулисидан айирмоқчи бўлганларни бўралаб сўқди. Ҳасандан бирор марта на сўкиш,

на ҳақорат эшитмаган атрофдагилар ҳайрон қолганча қараб туришарди. Бақувват санитарлар охири машина ичига туртиб киритишгач, деразадан ойга талпиниб яна йиғлай бошлади. Гулисидан умрбод айрилганини англаб додлаб йиғлай бошлади...

Шифокор укамнинг дарди оғирлиги, батамом тузалиб кетиши амримаҳол эканини айтганида қай аҳволга тушганимни ифодалашга сўз топилармикин, эй Аллоҳ! Мен абгор бўлгандим, мен тамом бўлгандим! Кўзимдан тинмай ёш оқарди. Мен йиғламоқчи эмасдим. Мен йиғламасдим. Ёш ўзи қуйларди. Бузилган тўғондан отилиб тушаётган тошқиндек кўзларимдан шаррос қуйилиб юзларимни юварди. Бир оғиз сўз айтолмасдим. Лоақал «Нега?.. Чораси бордир...» деган саволни беришга ҳам мажолим йўқ, овозим ғиппа бўғилган эди.

Мен тамом бўлгандим, мен ўлгандим! Кўнглим шу тобда тун зулматидан ҳам қора эди. Дунёларга татийдиган бахтсизлик чангалига тушиб қолгандим. Шифокорнинг ташхиси энг ардоқли орзумни, умидимни яксон қилганди. Қалбимни шип-шийдон этганди. Укамдан катта композитор, мусиқачи чиқишига ишонар эдим. Отамнинг тилаб олган ҳаёт риштаси унади, ўсади, ривож топади ва, ниҳоят, отам укам ижодида, ҳаётида яшаб қолади деб ўйлардим. Э воҳ, бу умидим ҳам барбод бўлди.

Касалхона эшигидан чиқар эканман, ерга чўкким, қаро тупроққа бағримни бериб чўзилиб ётиб олгим келди. Юрагимдаги дард шу қадар оғир эдики, танамни кўтаролмай қолгандим. Қани энди, совуқ тупроқ тафтбосди бўлса, юрак оғриғининг, жилла курси, бир чимдимини тортиб олса...

Укамнинг кўнгли муҳаббатга лиммо-лим эди, юрагида битмас-туганмас ҳаётсеварлик бор эди. Дард ҳам унга шундайин куч билан ёпишди. Важоҳат билан ёпишди. Ёмон ёпишди. Дард чангалидан қутулишга, Гули эътиборига сазовор бўлишга роса уринди укам бечора...

Касалхонада даволаниб чиқиб, консерваториянинг дирижёрлик бўлимига ўқишга кирди. Бешинчи курсгача асосий фанлардан аъло баҳоларга ўқиди. Битиролмади. Мия ортиқча оғирликни кўтаришдан бош тортиди. Лекин мусиқа мактаби ва

консерваторияда олган сабоғи ўн саккиз йилдан кўпроқ Ўзбек давлат филармониясида контрабасчи созанда бўлиб ишлашига имкон берди. Кичик, ўрта ҳажмдаги мусиқа асарлари ёзди, бири қоғозларда, бири кимларнингдир кўлида қолиб кетди.

Уйланмади. Гулига ҳеч кимни ўхшатолмади. Гулисини унутолмади. Ўртоқлари хаёлини чалғитиш мақсадида тўйларга олиб чиқмоқчи бўлди. Чиқмади. Буни Чайковский, Бетховенлар руҳига, мусиқа пирларига хиёнат деб билди. Отамни-ку эслайвериб руҳини сарсон қилди. Ҳар беш йилда тутадиغان касаллик ҳар уч йилда, кейин ҳар йили, бора-бора оралиқ қисқара-қисқара, йилда икки-уч мартадан хуруж қиладиган бўлиб қолди. Укамнинг мулойим феъли, чиройли рухсори ҳам ўзгаравериб ўзига ўхшамай қолди. Кўп гапирарди, кўп куларди. Тўсатдан жаҳли чиқиб бақирришга, хаёлидаги аллакимлар билан уришишга тушарди. Ўзига келган маҳали шу қадар маҳзун ва ғамгин бўлардики, уни бу аҳволда кўриш менга баттар оғирроқ эди. У ўзининг чорасизлигини, бахтсизлигини теран ҳис қиларди. Баъзан бекор ўтган умрига ачингандек бошини силкитиб чуқур ўйга ботар, хомуш тортиб жим бўлиб қолар, баъзан шўрлик бошини панжалари орасига олиб ҳўнг-ҳўнг йиғларди.

Азобли муолажалар, кучли дорилар, тизгинсиз ҳис-ҳаяжон хуружлари охир-оқибат уни батамом ўринга михлаб ташлади. Мия жароҳатланганди. Кўз ўнгимизда секин-аста тирик мурдага айлана борди. Дастлаб фалажланмаган кўли билан кўлимизни сиқиб лабларига, юзига босиб ўпиб туйғуларини ифода қила олган бўлса, бора-бора ҳеч кимга, ҳеч нарсага эътибор бермай кўйди. Лекин севган симфонияларидан эшиттирсак, бирдан қотиб қолган юзида маъно ўрмалаб, чўпдек бармоқлари куй оҳангида бемажол ҳаракатлана бошларди. Балки, шу пайтда катта оркестрга дирижёрлик қилаётганини хаёл этар...

Охири куй ҳам кулоғига кирмай кўйди. Фақат шипга қадалган кўзларидаги маъно қолди. Ўлиб бораётган миянинг қай бир уйғоқ бурчида турган «Нима учун, нега, қайси гуноҳимга?» деган савол жони узилгунча йўқолмади, тақдирнинг бундайин адолатсизлигидан кўзларига беадад қайғу чўкди.



Ўлиб бўлган вужуд, аммо тирик маънони кўриб: «Сени шу ҳолда кўрган кўзларим ситилиб оқсин!» – дегим келарди, дод солгим келарди, бу дунёнинг юзига лой чаплагим келарди.

Бобомдан этак тўла бола-чақа қолди, отамдан сен қолдинг, сендан нима қолди, укажон?! Отангга, мусиқага, Гулига бўлган айрича муҳаббатинг қолди.

Кўйлакчаларингга кашталар тикиб, беланчагингни тебратиб, сени елкаларида опичлаб, камолингни кўраман деб ахийри доғингда куйган опангдан юрак ўртар марсия қолди!

*Ёлғизгинам укам,  
Аллоҳ берган дардларига  
Даво тополмаган,  
Мушфиққина, маъюсгина укам.  
Севиб севилмаган,  
Меҳр бериб, меҳр ололмаган,  
Бировларни кулдириб,  
Ўзи йиғлаб-йиғлаб ўтган укам!..*

Сени соғинаман, жигарим, мени кўрганда: «Опажон!» – деб қувонган юзу кўзларингни қўмсайман...

Сенга эш бўлолмадим, дардларингни ололмадим. Армонлари чўнг укам, юраклари қон укам. Жунун даштида ҳайронун сарсон кезган укам. Пешонасига битилган балодан қутулолмай, тақдирдан ҳам хафа бўлиб кетган укам. Эй Аллоҳ! Уни Ўзинг афв эт! Бу дунёда кўрган азоблари бадалига Ўзинг мағфират айла! Раҳматингга ол, Эгам!

*Тул кетган укам, хур кетган укам!  
Хотирот даштида абад  
Мунглиғ нола бўлиб қолган укам!*

### III

Маматқул. Кейинчалик Маматқул Узоқович! Ёдингизда бўлса, бу кимса билан (*инсон деб аташга тилим бормади*) бир

неча марта учрашган эдик. Охирги бора отамни Марказкомдан қувишганида исм-фамилиясини эшитгандек бўлгандик.

Ҳа, ўша! Қулоқлаштиришда, очарчиликка қарши курашда, бойлар ва ўзига тўқларни кафангадо қилишда, «халқ душманлари»ни қатағон этишда мислсиз ғайрат-шижоат кўрсатган ва хизматларига яраша совет ҳукуматида юқори мансабларга эришиб, умрини ҳурмату эътиборда ўтказган Маматқул Узоқович! Отамнинг Марказкомга ишга олинганидан фавқулодда хабар топиб, партия олдидаги коммунистик бурчига содиқ қолган ҳолда империализм малайларидан бирининг ўғлини «фактларни бекитишда айблаб фoш этган» Маматқул Узоқович!

Давлат миқёсидаги шахсий пенсионер, ҳануз Ватан тақдири учун куйиб-ёнаётган кекса коммунистнинг фикрини инобатга олмай бўладими?! Бу ҳам етмаганидек, Министрлар Советида катта ўғли ишлайди-я! Арзимаган шу ишни деб ошна-оғайниларни ранжитиш ярамайди...

Яқинда генетика фанига оид бир маълумот мени ўйлан-тириб қўйди. Ҳайвонот оламида турнинг бақуввати ғолиб келади, заифи эса ора йўлда қолиб кетаверади. Яъни кучли кучсизни йўқ қилади. Табиат ана шундай табиий сараланиш қонунияти орқали миллион йиллардан бери ўзини ўзи асраб келмоқда. Инсонлар дунёсида эса акси. Кўпинча кучсиз кучлини маҳв этади. Энг чапдасти, муғомбири, шахсий манфаатлари йўлида ҳеч қандай номардликдан қайтмайдиган, орқадан келиб тиғ уришдан ҳайиқмайдиган аблаҳи яшаб қолади, насл қолдиради ва шу мараз руҳ асрлар оша хужайраларда сақланиб, шуларга ўхшаш одамларни дунёга келтираверади.

Мард, кўркмас, бошқалар учун кўкрагини қалқон қилгувчи, ўзини эмас, ўзгаларни ўйловчи инсонлар ўққа, туҳматга учраб қирилиб кетаверади. Улардан насл эмас, яхши ном, гўзал хотира, эзгу калом қолади. Бироқ минг афсуски, Хотира ва Сўз авлодлар қони ташиган хужайралар қудрати олдида жудаям кучсиз. Минг афсуски, XX аср бошида адолат байроғи остида бошланган талотўпда халқ деб аталмиш аламзада оломон жиловини эзгу мақсадлар йўлига ҳаётини тиккан маърифатли, виждонли ин-

сонлар билан бир қаторда буюк Пўртанада сув юзига қалқиб чиққан хасу чўплар – очкўз, кўрқоқ, сотқин кимсалар, ҳокимиятпараст сиёсатмандлар ҳам қўлга ола бошлади. Маматқул ўшалардан бири эди. У пўртанада нафақат омон қолди, балки унинг қаҳрамониға ҳам айланди. Обрў-эътиборға эға бўлди. Бола-чақа орттирди. Қариганда набираларининг даврасида эъзоз ва эҳтиромда яшаб, қарилик гаштини сурди. Дунёдан ўтгач эса ҳурматлилар ётадиган алоҳида мазорға олиб бориб кўмишди. Орқасидан: «Ватан бахти-саодати учун, Ер юзида коммунизм ғалабаси учун ҳаётини тиккан эди», – деб алқашди. Фарзандлари ҳам ота чизиб берган йўлдан чиқишмади. Қизлари ўзларига ўхшаган ҳурматли, эъзозли кишиларға узатилди. Ўғиллари обрўли институтларда ўқиб, бири амалдор, бири элчи бўлиб фаровон ҳаёт кечиришди. Уларнинг болалари эса Совет империяси уч кун ичида йўқ бўлиб қолганидан ҳеч довдирамай, оталари халқ мулкидан ўмариб орттирган бойликни ишға солиб уддабурон ишбилармонлар – бизнесменлар бўлиб кетишди. Ажабо, маматқулларни на қарғиш, на бировнинг ҳаққи уради...

#### IV

Бувим Иқбол ойининг тақдири ўзгача кечди. Фаришталар унинг рухсорини чизганда жуда сахийлик қилган экан. Бўйчан, қомаги дуркун ва кўркама, кўзлари доим ўйнаб турадиган қитмир, шаддод аёл эдилар. Бунинг устига, топармон-тутармон ҳам. Қўллари теккан ишдан пул ёғиларди. Умрларини савдода ўтказдилар ва «бахт»ларини савдодан топдилар. Тиниб-тинчимас, латофатли Иқбол ойининг ошиқлари кўп бўлган. Ҳатто машҳур, жуда ҳурматли бир ёзувчи (*номини айтишни ножоиз билдим*) чиндан севиб қолиб, хотинликка сўраттирган ҳам экан. Лекин бувим ёзувчи-шоирлар пул топишни билмайди, доим хаёл суриб, меровсираб юради деб унга тегишға рози бўлмаганлар. Умуман, мол-давлат орттиришни билмайдиган эркакларни одам ўрнида кўрмасдилар, уларни «гўлоҳ» ва негадир «кўмирчи» деб атардилар.

Уч марта эр қилганлар. Биринчи турмушидан онам туғилган. Фақат ҳалол меҳнати ортидан пул топадиган содда эрларини менсимай ажрашиб кетганлар. Иккинчи оиласидан икки ўғил орттирадилар. Бу эрлари иш ёқмас, дангаса чиққани важдан хотин даргоҳидан ҳайдалади. Савдо ходими бўлган учинчи эрлари тўрт ёш кичиклигига қарамай, севишиб турмуш қуришган экан. Бу рўзгоридан ҳам бир ўғил кўрганлар. Ёш эрнинг ҳақорату калтакларига кўнгил қурғурнинг майли билан чидаб яшайдилар. Уларни фақат ўлим ажратади.

Иқбол бувим ўзига яраша кучли шахс эди. 1922 йили оталари билан укалари қулоқ қилиниб, Украинага бадарға этилганида бошқаларга ўхшаб йиғлаб ўтирмаганлар. Шартта поездга миниб аёл боши билан паранжи ёпиниб Москвага борадилар. Калининнинг ҳузурига кириб, эзилган Шарқ аёли тимсолида арз-дод қиладилар. «Мен Ленинни ҳам кўрганман, унинг қабулхонасида ухлаб қолганман, жуда номусли одам экан», – деб мийиғида қулиб қўярдилар. Хуллас, ялиниб-ёлвориб оталари билан укаларини оқлаттириб Украина даштларидан ўзлари билан бирга Тошкентга қайтариб олиб келганлар. Тан бериш керак. Бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Очарчиликдан одамлар шишиб ўлаётган пайтлари бола-чақасию ота-онасини оқ буханка нон бериб боққан эканлар. Бувим нон дўконида сотувчи бўлиб ишлаганлар. Давлат раҳбарлари учун қора кепак нонлар эмас, алоҳида пиширилган оппоқ нонлар келтириларкан. Бувим ана ўшаларнинг насибасига сездирмай шерик бўлган эканлар. Фарзандларидан меҳр кўролмай сиқилганида ўша очарчилик йилларини ва вагон ресторанида сотувчи бўлиб ишлаган пайтларини эслаб: «Сенларни яхши едираман-ичираман деб не кўйларга тушганман, ҳатто туркманларнинг пичоғида нимталанишимга ҳам оз қолган», – дея нолирдилар. Воқеа бундай бўлган экан. «Тошкент – Кисловодск» йўналишидаги поезд Тошовузда тўхтаганида туркманлар вагон ресторанидан ароқ сотиб олишади. Ичаётганда сув кўшилганини сезиб қолиб сотувчини ўлдирамиз деб роса тўполон қилишади.

Бувим уларнинг таъқибидан зўрға қочиб қутулган. Бахтларига, поезд бекатда узоқ турмай тезда йўлга тушган экан. «Кўп йиллар ароққа сув қўшиб сотганман, ҳеч ким сезмасди, сезса ҳам индамасди. Туркманлар жуда содда халқ бўлади, чув тушириш осон, лекин алданганини билиб қолишса, ўзингни аспаласофинда кўравер», – деб кулардилар. Бувим «Иқбол бойвучча» деган ном орттирган, масжидларга катта-катта ҳадялар қилиб «Ҳотамтой» дея донг таратгандилар. Отам уйланаётганида ҳам кўпчилик: «Абдумаликнинг бахти бор экан, Иқбол бойвуччанинг қизини оляпти, энди товоғи тилладан бўлади», – дея ҳавас қилган экан. Лекин ҳаётда бунинг акси бўлиб чиқди. Ойимга берилган сепнинг кўп қисми қайтариб олинган. Отам ҳам, онам ҳам бойликка ҳирс қўймаганлиги, назари тўқлиги бойс бунга ортиқча аҳамият қилишмаган, ўзларини ерга уришмаган. Мақтов ва хушомадга мазахўрак бувимга бундай бепарво муносабат ёқмасди. Отам иккиси ҳеч қачон очиқчасига жанжаллашмаган бўлсада, ораларида чуқур жарлик борлиги сезилар эди. Бир куни бувим алам билан: «Абдумалик, мен сизни ўғлим дегандим, лекин сиз мени бирор марта оғи демагансиз», – дея таъна қилганларида отам: «Она битта бўлар экан, Иқбол опа!» – деб жавоб қайтарган эдилар. Ҳақиқатан, умрларининг охиригача қайноналарини «оғи» деёлмадилар. Бувим бечора ёлғиз қизлари билан ҳам ҳеч чиқишмас эдилар. Нисо бувим, аммаларим онамнинг айрича феълини тушунишар, шунга қараб иш тутишар, лекин ўз оналари – Иқбол бувим ўзига ҳеч бир томондан ўхшамайдиган қизи билан жиқиллашгани-жиқиллашган эди. Катта тоғаларимдан куйган, қизи билан тил топишолмай чарчаган бувим охир-оқибат «Яхшиликнинг таги тешик экан, адолат осмонда экан!» деган хулосага келдилар. Лекин шунча ҳаракат, орттирилган бойлик фарзандларига бахт беролмаганини, аксинча, уларни мажруҳ ва ҳаётга яроқсиз қилиб қўйганини тушунолмай ўтдилар.

## СЎНГСЎЗ

*Бу даҳо афандилар ҳаётлигида  
дунё ғоят чиройли эди.*

**Усмон Азим**

Отам ҳақида айтмоқчи бўлган гапларимни айтиб бўлдим, шекилли... Хотирамга михланган ва ўрнидан кўча бошлаган воқеаларни қайта эсладим. Йиғладим. Тўкилдим. Отамнинг бир парчасига айланиб, у кишининг яшаб ўтолмаган умрини, балки, бир оз чўздим...

Отамдан менга мерос бўлиб дард қолди. Шу боис дардни ҳис этадиган инсон бўлиб улғайдим. Бугун отамнинг ёшидан ўтиб, отамдан қариб қолган бўлсам-да, у киши билан боғлиқ хотиралар ҳануз мени қўйиб юбормайди. Унинг ҳаётини азобга айлантирган нимаики бор, бари-барига алам ва нафрат билан қолганман...

Бугунга келиб бахт тимсолига айланиб кетган руҳсиз бойликни мен ҳу-в ўша болалигимдан бери ёмон кўраман. У туғдирган кибр, ўзига маҳлиёлик, зиёга эмас, матоҳларга қуллик, руҳий сўқирлик, охир-оқибат қабоҳат ва қирғинга сабаб бўлгувчи қонхўр, аммо мажруҳ бойликдан нафратланаман.

Шафқатсиз дунёни шафқати, муруввати билан юмшатиб, бойликни Аллоҳ инояти деб билиб, уни ночорлар билан бўлишиб яшаган ҳимматли бойлардан бири Иброҳим ҳожи бобом билан ғурурланаман.

Отам бой ўғли бўла туриб бойликка ружу қўймади. Молдавлатнинг лўттибоз фалсафаси билан чиқишолмади. Шунга қарамай, отамдек пок инсоннинг қадрига етмаган, уни эзган, топтаган риёкор тузумни лаънатлайман. Лекин у сиғинган, ишонган ғояга мен ҳануз сиғинаман. Бу йўлда жон фидо қилганларни улуғлайман.

Бироқ башар қисмати нақадар чигал! Хаёлпараст афандилар қатори отам ҳам чигални ёзишга уринди, уддасидан чиқолмади, баттар чигаллашди. Дунёни тенглик, озодлик, адолат, яхши-

лик асосида қайта қурмоқчи бўлганлар енгилди, чунки мақсадга қабоҳат йўлидан борилган экан. Доҳийлар улуғ ғояга хиёнат қилдилар. Халқни, орзунни жуда қаттиқ алдадилар. Манфаатлар енгди, орзу ўлди! Лекин ғоя-орзу хиёнатга учраган бўлса, алданган бўлса, у шўрликда не айб? Нима учун олийжаноб, халқпарвар ғоя-орзудан юз ўгирмоқ ёки уни қораламоқ керак?! Ер юзида зулмни йўқ қилишга астойдил бел боғлаб, «янги ҳаёт» даъватига ишонган, охир-оқибат қурбон бўлган миллионлаб нияти пок инсонларнинг руҳига яна бир бор хиёнат эмасми бу? Уларнинг орзу-умидлари рўё бўлиб чиқди, ниятлар эса эзгу эди. Эзгуликлар устидан кулиб бўлмайди, уларни қоралаб, айблаб бўлмайди. Мен шу ҳаёл, шу орзу билан яшаб ўтганларга таъзим қиламан. Иссиқ уйда, юмшоқ ўриндиқларда ўтириб олиб, «халқ бахти» йўлидаги уришишу курашлар, хатолигу қурбонликлар устидан ўринсиз ҳукм чиқариб қораловчи «бедард»лардан озорланаман. «Тўғри бўлди. Ушалмас, эртакнамо орзу қулларидан ҳаёт ҳақиқати қасос олди», – дегувчилардан хафа бўламан. Ҳаёт ҳақиқати нима ўзи деб савол бергим келади.

Не илож, одамлар жамиятида ҳам охир-оқибат ёввойи ўрмон қонуниятлари устуворлик қилди – очкўзлик ва ваҳшийлик енгди! Бироқ инсоннинг ҳайвондан фарқи, у фикр қила олади, орзу қила олади. Эзгу ниятлар эса ўлиб-туғилаверади. Мана шу эзгу орзулар, эзгу фикрлар бўронда қолган кемаларга маёқ каби инсониятнинг бахт сари интилишида мадад бўлиб турар деб умид қиламан. Аммо ҳамон пўртана башар қисматида ҳукмрон. Пўртана ҳануз домига тушган кемаларни юҳо каби ютишда давом этмоқда. Пўртана тинчланиш ўрнига баттар авжига чиқмоқда.

\* \* \*

Инсон яралгандан буён чиройли, оромбахш ҳаёт қуриш ҳаракатида. У ақлини таниганидан бери ўзини ўраб олган барча хавф-хатар, қийинчиликлардан ҳимояланиш чорасини қидиради. Энг таажжублисиз шундаки, одамзод ўз-ўзини сақлаш қонунлари талвасасида ўз-ўзини хароб қилиб бораверар экан.

Биргина мисол: тузалмас касалликларга даво қидирилиб ген инженериясигача қўл урилди. Бу эса инсон кўзи кўриши тақиқланган пардаларни кўтарди. Башарият олдида турган жуда кўп мушкулотларни ҳал қила олиши билан бирга клон ва мутантлар каби ҳодисаларга ҳам йўл очиб бермоқдаки, бунинг охири вой!

Азал-азалдан инсон эркинликка интилиб келган. Асрлар давомида куллик занжирдан ўлимни афзал билган. Бугун эса мутлақ эркинликка интила-интила жар ёқасига келиб қолди. Ҳатто ҳайвонлар орасида ҳам ғайритабиий саналадиган ҳодиса рўй берди. Жинслар фарқланмай, аралаш-қуралаш бўлиб кетган маънавий бузуқ, ахлоқсиз қавм саҳнага чиқди. Авваллари уялиб, хижолатда пичирлаб айтиладиган сўзлар намоийшкорона айюҳаннос солиб гапириладиган бўлди. Табиатнинг гоҳида қилиб қўядиган хатоси эркинлик шиори остида сммавий тус олди. Шу тахлит ажойиб ғоялар паноҳида инсониятнинг мажруҳ бўлаги – ирганч қасанғи одамлар пайдо бўлди. Қаранг, фақш руҳи қудратли ва ниҳоятда даҳшатли экан.

Эзгулик ва ёвузлик ўртасида азалий ва абадий кураш боради.

Аллоҳ инсонни эзгулик ва ёвузлик, маърифат ва жаҳолат, гўзаллик ва чиркинлик каби ҳодисаларни англай оладиган қилиб яратган. Лекин бугунга келиб бу тушунчаларни бир-биридан фарқлай олиш қийин бўлиб қолди. Эзгуликни ёвузликдан, ёвузликни эзгуликдан ажратиш мушкуллашмоқда. Минг таажужубки, қотиллик, залолат, жаҳолат, разолат каби иллатлар адолат, раҳм-шафқат, яхшилик тилидан даъват қилинмоқда. Аллоҳ неми билан қон тўкилиб, норасида болалар, оналар чавақланмоқда. Бу қонхўрликлар, бузуқликлар «эзгулик», «адолат» ниқобига усталик билан ўралиб оқланмоқда. Шунинг учун бугун яхшини ёмондан, оқни қорадан ажратиб олиш қанчалар муҳим. Балки, бунинг учун жамият ва ҳаёт ҳодисаларига тийрақроқ ўтган кунларга кўнгил кўзини каттароқ очиб назар ташлашимиз керак бўлар? Ўтмишга фақат айбловчи эмас, англовчи, тушунувчи фарзанд сифатида ёндашимиз керак бўлар? Курмаги кўп деб гуруч тўла қопни чиқиндига ташлаш катта хато эканини англаб етишимиз керак бўлар? Ахир келажак



учун ажойиб ҳосил берадиган мағзи тўқ донлар бунда жуда кўп-ку. Фақат сарагини ажрата билмоқ лозим. Йўқса, «Менинг омадсизлигим учун ота-онам айбдор, яхши жойларда ўқитишмади, катта мерос қолдиришмади», – дея нолийдиган ношукр фарзанддан ёки қўлини совуқ сувга урмай, бели оғримай, ўзгалар меҳнати, заҳматини лаб бичилгунча ёмонлаб ўтирадиган, лекин ўзининг қўлидан бирор жўяли иш келмайдиган ношуд хотинлардан нима фарқимиз қолади? Шундай экан, маърифатлироқ, донороқ бўлмоғимиз керак. Ота-боболаримиз меҳнатидан миннатдор бўлишимиз, уни борича қабул қилиб, адолат юзасидан сўз айтмоғимиз керак. Чунки улар нимаики қилган бўлишса фарзандлари – келажак учун қилишган. Оталар хатосидан сабоқ олиш фарзандлар бурчидир!

\* \* \*

– Пўртана қачон чекинаркин? Қачон баҳри муҳит тинчланиб, суви тиниқлашар экан? Кема манзилига эсон-омон етиб борадиган замон қачон келар экан?

– Ҳеч қачон! Бу дунё номукамал тузилган. Унинг кемтикларини ҳеч қачон тўлдириб бўлмайди. Буткул ўзгартириб бўлмайди. Ер қонунлари шундай.

– Наҳот, нажот йўли йўқ?

– Фақат...

– Гапир!

– Инсон қалбида бир-бирига ачиниш туйғуси устувор келса, инсон инсон учун кўз ёш тўка оладиган кун келса...

– Яна кўз ёш!..

– Йўқ, бу халослик кўз ёши.

– Шундай кун келармикин?

– .....

– Шундай кун келармикин?!

– Балки, келар, балки... бу ҳам яна бир хаёлпарастнинг хомхаёли бўлиб қолар.

– Иншооллоҳ, шу кун келар...

2015 йил декабрь

## МУНДАРИЖА

Ота ҳақида мунгли қўшиқ ёхуд аёл қалби, эркак ақли билан ёзилган асар.....	3
Биринчи қисм.....	9
Иккинчи қисм.....	63
Учинчи қисм.....	121
Тўртинчи қисм.....	189
Хотима.....	240
Сўнгсўз.....	251

*Адабий-бадиий нашр*

**Дилором КАРИМОВА**

**ПЎРТАНА**

**(Аждарҳо комида)**

Кинороман

«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош тахририяти  
Тошкент – 2017

**Муҳаррир:** Носиржон ЖЎРАЕВ  
**Бадий муҳаррир:** Феруза БАШАРОВА  
**Техник муҳаррир:** Раъно БОБОХОНОВА  
**Саҳифаловчи:** Ойгул ФОЗИЛОВА  
**Мусаҳҳих:** Саида АЛЛАЕВА

Нашриёт лицензияси: АИ №201, 28.08.2011  
Теришга берилди: 10.05.2017 й.  
Босишга рухсат этилди: 20.06.2017 й.  
Қоғоз бичими: 84x108<sup>1/32</sup>. Cambria гарнитураси.  
Шартли босма табағи: 13,4. Нашриёт ҳисоб табағи: 11,5.  
Адади: 500 нусха. Буюртма № 100

«Akademnashr NMM» МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.  
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор 20<sup>А</sup>-мавзе 42-уй.





Отамдан менга  
мерос бўлиб дард  
қолди. Шу боис  
дардни ҳис  
этадиган инсон  
бўлиб улғайдим.  
Бугун отамнинг  
ёшидан ўтиб,  
отамдан қариб  
қолган бўлсам-да,  
у киши билан  
боғлиқ хотиралар  
ҳануз мени қўйиб  
юбормайди...

Д. К.



ISBN 978-9943-26-695-7



9 789943 266957